ISSN 2010-5517

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Iyul – 2020



Алексей Венецианов.
“Бегуборлик”

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Жамоатчилик кенгаши:

Сирожиддин САЙИИД
Наим КАРИМОВ
Иномжон МАЖИДОВ
Иброҳим ҒАФУРОВ
Эркин АЪЗАМОВ
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Шуҳрат РИЗАЕВ
Минҳожиддин МИРЗО
Баҳодир КАРИМОВ
Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ
Муҳиддин ОМОН

МУАССИСЛАР:

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Журнал 1997 йил июндан чиқа бошлаган

Бош муҳаррир:
Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:

Муҳиддин РАҲИМ
Назира ЖЎРАЕВА
Алимурод ТОЖИЕВ
Алишер ОТАБОЕВ
Даврон РАЖАБ
Мафтуна МУҲАММАДАМИНОВА

НАВОИЙ САБОҚЛАРИ

Алишер НАВОИЙ. “Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир...”
(Олим Давлатов шарҳи). 3

МУҲАРРИР МИНБАРИ

“Ўткан кунлар”нинг ўтмаган тили. 6

НАСР

Ф.ДОСТОЕВСКИЙ. Ака-ука Карамазовлар. Роман. *(Рус тилидан И.Ғафуров)*. 24
Иброҳим ан-Носир-ал ҲУМАЙДОН. Зулматдаги нур. Роман.
(Араб тилидан М.Сайдумаров тарж.). 72

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Ҳ.ШЕРОЗИЙ. Шеърлар. *(Форс тилидан О.Эркин тарж.)*. 20

ЖАҲОН БОЛАЛАР АДАБИЁТИ


Л.КЭРРОЛЛ. Алиса кўзгу орти ўлкасида. *(Инглиз тилидан М.Отабоева тарж.)*. ...115

САРГУЗАШТ. ФАНТАСТИКА. ДЕТЕКТИВ

Ш.БРОНТЕ. Жейн Эйр. Роман. *(Рус тилидан Ш.Аҳророва тарж.)*. 143

Муқовамизда. 204
Журналнинг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. 206

NAVOIY SABOQLARI



Алишер НАВОИЙ

(1441–1501)

“ИСТАМАНКИМ, ИШҚ МЕНДИН ЎЗГАНИ ҚИЛҒАЙ АСИР...”

Олим ДАВЛАТОВ шарҳи

Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлган бало,
Жондадур девона кўнглумдин хато бўлган бало.

Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, манга бўлган бало.

Шод юзланманг балолар бизга ким бўлмас халос,
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлган бало.

Васлида рашк ўлтурур, ҳажрида — ғам, ваҳким, манга
Васл аро бўлган балодур ҳажр аро бўлган бало.

Ўлтурурлар ҳамдаминг бўлсам, ўлармен, бўлмасам,
Бўлмаган, жоно, сенинг бирла бало, бўлган бало.

Носиҳо, ошиқлиғимни манъ қилдинг, билмадинг
Ким, насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо бўлган бало.

Чун балосиз ком йўқ топмас бақо комин магар
Кимки, ани ўртамас оти фано бўлган бало.

Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлган бало.

(“Ғаройиб ус-сиғар”, 29-ғазал)

ЛУҒАТ:

Ер тутмоқ – макон тутмоқ, кўним топмоқ
Гардун – фалак, чарх
Носиҳ – насиҳатгўй, ўгит берувчи
Қазо – тақдир
Ком – истак

Балият – балолар
Сиво – ўзга

Ғазалнинг насрий баёни

1. Фалакдан ерга тушган балолар менинг кўнглимда қўним топади. Кўнглимни мўлжалга ололмаган балолар эса жонимдадир.

2. Ишқ мендан ўзгани асир қилишини истамайман. Илоҳо, менга келган балога ҳеч ким йўлиқмасин!

3. Эй, бизга юзланган балолар, кўпам шодланаверманг, чунки кўнглим зиндонига мубтало бўлган бало қутулолмайди.

4. Мени висол чоғида рашк, айрилиқ пайтларида эса ғам ўлдиради. Э воҳ, ҳижронда бўлган бало висол чоғидаги балонинг айни ўзидир.

5. Сенинг ҳамдаминг бўлсам, ғанимлар мени ўлдирадилар; агар ҳамдаминг бўлмасам, фироқингда ўзим жон таслим қиламан. Эй жонон, сен билан бирга бўлиш ҳам, бирга бўлмаслик ҳам катта бало экан.

6. Эй насиҳатгўй, менга ошиқликни манъ қилдинг. Пешонага ёзилган балони панду насиҳат билан даф қилиб бўлмаслигини билмадинг.

7. Мақсадга балосиз етишиб бўлмас. Шунинг учун фано оташи деган балода ёниб ўртамаган киши боқийлик давлатини тополмайди.

8. Эй Навоий, ёр кетгандан кейин изтиробу уқубат бобида ҳижрон ҳар қандай балодан устун эканини билдим.

Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Машҳур шоир Анварий Абивардий қитъаларининг бирида шундай лутф қилади:

Ҳар балое, к-аз осмон ояд,
Гарчи бар дигаре раво бошад.
Ба замин норасида мегўяд:
"Хонаи Анварий кужо бошад?"

(Таржимаси:

Осмондан то ёғаркан ҳар бало,
Ўзгаларга бўлса ҳам гарчи раво,
Ерга етмасдан бурун: "Қайда эрур
Анварий даргоҳи?" – деб бергай садо).

Навоийнинг бу ғазалидаги дастлабки икки байтда ҳам шунга яқин маъно мавжуд: осмондан тушаётган балолар ошиқнинг кўнглини, кўнглига тушолмагани жонини маскан тутмиш. Бу бало – ишқ балоси. Анварийдан фарқли ўлароқ, Навоий васф этган ошиқ бу балони ўзидан бошқа ҳеч кимга раво кўрмайди. Бунда икки мақсад яширин: биринчидан, Ишқ дарди шунчалик оғир ва ҳалокатлики, мубтало бўлган ошиқ бу дардни ҳеч кимга, ҳатто душманига ҳам раво кўрмайди. Иккинчидан, бу ҳалокатли дард ошиқнинг жону кўнглини шунчалик ўз забтига олганки, Дарднинг ўзига айланган ошиқ бошқалар ҳам шу кўйга тушишларини истамайди. Муҳаббат кучлилигидан унда рашк ва ғаюрлик жўш уриб, ишқ балосига ўзидан бошқа ҳеч ким мубтало бўлмасликни Худодан сўраб ёлворади:

Истаманким, ишқ мендин ўзгани қилғай асир,
Ҳеч кишига бўлмасун, ё Раб, манга бўлган бало.

Демак, ҳар қандай балога ҳам сабр қилган ва Худони эсдан чиқармаган банда учун ҳар бир хорлик ва қийинчилик интиҳосида, шубҳасиз, илоҳий мукофот, ажру савоблар бор.

Мавлоно Яъқуб Чархий буюргандек, “Бало – Илоҳий имтиҳондир, кимки балога сабр қилса, Парвардигор иноятидан бенасиб қолмагай... Парвардигор Фиръавнга Миср подшолигини имтиҳон тариқасида берди, алалоқибат, ширкка юз бурди. Юсуфни Яъқуб дийдоридан бенасиб қилди, қудуқ ичида илоҳий ваҳий саодатига мушарраф айлади ва балоларга кўрсатган сабрининг мукофоти тариқасида Мисрда азиз этди”.

Илоҳий синовдан ҳамма ҳар хил ўтаркан, Навоий ушбу синов дарди ва машаққатини ичида пинҳон тутиб, бировга ошкор этмаслик йўлини танлайди. Қуйидаги байтни нақшбандийликнинг “Дил ба Ёру даст ба кор” шиорининг зарофат билан қилинган талқини десак, адашмаган бўламиз:

Шод юзланманг балолар бизга ким, бўлмас халос
Бу кўнгул зиндони ичра мубтало бўлган бало.

Ошиқлик – азалдан пешанада битилган қисмат экан, бу қисматни насиҳат билан ўзгартириб бўлмайди. Навоий “қазо” (Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажакда қандоқ бўлишини азалдан билиши; қисмат) сўзини қўллаш орқали бало сўзининг яна бир маъносига ишора қилади. Гап шундаки, руҳлар ўз Парвардигорига имон келтирган кунни мумтоз адабиётда “аласт куни” дея талқин қилишади. Қуръони каримга кўра, ҳали жисмлар яралмасдан аввал Аллоҳ таоло руҳларни яратиб улардан “Аласту бираббикум?” (Мен сизларнинг Парвардигорингиз эмасманми?) деб сўраганида, руҳлар “Бало” (Албатта) деб жавоб берган. Ғазалдаги бало тимсоли ана шу аласт куни – руҳлар ўз Парвардигорига имон келтирган куннинг сифати бўлса, ажабмас. Қолаверса, айнан ўшанда руҳлар бир-бирига улфат тутинган. Ўша улфат ва унсият жисм оламида ҳам давом этади. Руҳлар то ўзининг яқинини топмагунча безовта бўлиб, эгасини доимий изланиш ва изтиробга солиб туради. Одамлар орасидаги меҳр-муҳаббат ҳам, гина-кудурат ва душманлик ҳам азалдан битилган қисмат деганда, шу маънони ҳам ҳисобга олиш зарур:

Носиҳо, ошиқлигимни манъ қилдинг, билмадинг
Ким, насиҳат бирла дафъ ўлмас қазо бўлган бало.

Балонинг турлари кўп. Аммо энг шиддатлиси, энг машаққатлиси – ёр ҳижрони. Ёр деганда кимни назарда тутиш керак – дўстними, севикли маҳбубаними ёки Яратган Эгамними – шеърхон бу борада ўз ҳолати ва кайфиятига кўра бир тўхтамга келади. Энг муҳими, ёрнинг қайси маъноси қўлланилганда ҳам моҳият ўзгармайди – ҳижрон балоларнинг энг оғири бўлиб қолаверади. Ҳижрон азобини бир марта тортган одам бунга албатта, имон келтиради:

Эй Навоий, токи борди ёр, билдим ҳажр эмиш
Шиддат ичра ҳар балиятдин сиво бўлган бало.

“ЎТКАН КУНЛАР”НИНГ ЎТМАГАН ТИЛИ

Ўқувчилик йилларимиз қишлоқ оқсоқоли Абдуллажон бува маҳалла ёшларига Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидан парчалар ўқиб берарди. Бунинг эвазига биз у кишининг экин-тикинларига қарашиб турардик. Ўшанда бизни икки кундош ўртасидаги жанжал эмас, Ҳомид бошлиқ жиноятчиларнинг қилмиши, Отабекнинг бир ўзи уч кишини ер тишлатиши кўпроқ қизиқтирган. Кейинчалик университетда талабчан домлаларимизга имтиҳон топшириш учун романни тезоб ўқиб чиққанман. Орадан йиллар ўтиб, адабиёт газетасида ишлаётган кезларим уни ўзим учун астойдил ўқиб чиқдим. Бу – чинакам ўқиш бўлди. “Учинчи ўқиш” сарлавҳали мақола ёздим. Бугун карантин боис уйда ўтирар эканман, асарни яна қўлимга олдим. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг: “Отабек, кетдингиз, айта-айта, бек, Бу миллат яралди қайта-қайта, бек. “Ўткан кунлар”ни-ку, ўқиб турибмиз, Ўтмаган кунлари қайда, қайда, бек?”, деган сатрлари туртки бердими, қўлимга қалам олиб, асарнинг то ҳануз ўтмаган, ўтмайдиган, ҳеч қачон хира тортмайдиган тилига қизиқдим.

“Шарқ” НМАК Бош таҳририятида чоп этилган тўпламга адибнинг икки романи – “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” ҳамда кичик асарлари жамланган. Ёзувчининг тили ўқувчини ўзига оҳанрабодай тортади. Ҳар бир сўз, ибора, қиёс, қочирим, тагдор фикр узукка кўз қўйгандай ишлатилган. Тилимизнинг бойлигидан фахрлангинг келади. Қодирийшунослик илмига ҳисса қўшиш қийин, аммо бугунги ўқувчилар, айниқса, ёш ижодкорлар адибнинг бадиий ифода маҳорати, сўз танлаш санъатидан баҳраманд бўлсалар, деган мақсадда алоҳида дафтарга ўзим учун қайдлар ёзиб, ўқишда давом этаман.

“Ўқуш – ўрганиш” сарлавҳали мақолада муаллиф Чеховнинг кичик асарлар ёзганда сўзни ортиқча исроф қилмаслик ҳақидаги фикрини келтиради ва бу хусусиятни “Буқаламун” ҳикояси асосида кўриб чиқади. Унинг фикрича, “Чеховнинг сўзга хасислиги ўқувчига малол келмайди, айтмоқчи бўлган фикрининг тушунилишини оғирлаштирмайди”. Ғоят нозик кузатув. Фақат шу ҳикояга эмас, Чехов домланинг барча асарларига хос хусусият бу. Қодирий фикрини давом эттиради: “Ҳикояни “сер сув” (кўп сўзли) қилатурган нарсалардан бири – кўрсатиш ўрнига сўзлаб беришдир. Агар Очумиловнинг “Буқаламун” эканини унинг сўзлари орқали кўрсатилмаса, автор томонидан таърифланса, дунё-дунё сўз кетар эди. Чехов буни ўзи айтиб бермасдан, Очумиловнинг ўз сўзи билан кўрсатади”.

Ҳикоядан бир парча:

“Очумиловнинг дастлабки фикри: “Итни ўлдириш керак, қутурган бўлса ҳам ажаб эмас”.

Ит генералга қарашли, дейилганидан кейин: “Ит нозик, сен ҳўкиздай, бўйнингни қара!”.

Яна, ит генералники эмас, дейилгандан кейин: “Генералнинг итлари қимматбаҳо нарсалар эди. Бу бўлса, эгасиз дайди итга ўхшайди Эпақалик юнги ҳам йўқ. Шундай бемаъни итни ҳам сақлайдими киши!”.

Яна, ит генералники, дейилгандан кейин: “Балки қимматбаҳо зотли итдир”.

Ошпаз, ит генералники эмас, дегандан кейин: “Бу эгасиз дайди ит”.

Ит генералнинг акасига қарашли экани маълум бўлганда: “Яхшиғина ит кўринади. Ўлгунча югурдак кўринади”.

Қодирий ёзади: “Бу диалогларга авторнинг ҳеч қандай изоҳи керак эмас. Улар ҳам воқеани силжитади, ҳам ҳикоя қаҳрамони Очумиловни характерлайди”.

“Совет адабиёти” журналининг 1936 йил 3-сонида эълон қилинган бу мухтасар мақола сўнггида муаллиф Лев Толстойнинг “Табиъатни тасвир қилғанда майда бўлаклар олиш ва буларга шундай тартиб бериш керакки, ўқиб кўзингни юмганингда кўз олдингга бир манзара келсин”, деган фикрини келтиради ва “Буқаламун” ҳикоясидан бирон сўзни чиқариб ташлаш ёки унга бирон сўзни қўшиш мумкин эмаслигини уқтулайди. Юқорида келтирилган иқтибос буни яққол исботлаб турибди.

Тўпламнинг 4-саҳифасида “Ёзғучидан” сарлавҳали кичик изоҳ сўзи бор. Ундаги “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар. Шунга кўра мавзуъни мозийдан, яқин ўткан кунлардан, тарихимизнинг эр кирлик, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”дан белгиладим”, деган жумлалар китобхонга ёд бўлиб кетган. Аммо ушбу сўзбошининг иккинчи хатбошисидаги “Ёзмоқға ниятланганим ушбу – “Ўткан кунлар” янги замон рўмончилиғи билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна тўғриси, бир ҳавасдир”, деган камтарлик ҳамманинг ҳам ёдида бўлмаса керак. Лев Толстой, Чехов каби забардаст адиблар ижоди ва бадиий ифода маҳоратидан бохабар бўлган адиб, ўзининг фикрича, “кичкина бир тажриба”ни қоғозга шундай туширадики, “Буқаламун”га ўхшаб, унга ҳам бирор сўз қўшиш ёки матндан бирор сўзни олиб ташлашнинг иложи йўқ. Асар воқелиги аста-аста ёришиб боради, муаллиф ўқувчини бўлажак хуш-нохуш ҳолатларга эҳтиётқорлик билан тайёрлайди. Ўзи ҳам, ўқувчи каби, гоҳ қувонади, гоҳ адоқсиз изтиробга тушади.

“Ўткан кунлар”да бугун истеъмолдан чиққан ёки кам ишлатиладиган, маънолари ёдимиздан кўтарилган ғоят кўп сўз ва иборалар тилимизнинг нақадар бой, нафис ва латофатли эканидан далолат беради. Истеъдодли адиб Хайриддин Султонов “бу муаззам асарнинг ҳар бир сатри ҳақида биттадан ҳикоя ёзиш мумкин”, дейди. Ҳа, шундай, адибнинг баъзи сўз ва иборалари жиддий тадқиқотга асос бўла олади. Таниқли олим Нурбой Жабборовнинг Юсуфбек ҳожи тилидан айтилган бир жумладаги “ҳам” боғловчиси хусусида нозик кузатуви бор. Филология фанлари доктори Баҳодир Каримовнинг “Бобурнома”дан “Ўткан кунлар”га” сарлавҳали тадқиқот мақоласида Абдулла Қодирий романларининг “бетакрор жозибаси, тилидаги гўзаллик, образлилик, аниқлик, тасвирийлик каби фа-

зилатлар ҳозиргача ўқувчиларни ҳайратга солиши, адибнинг бадиий маҳоратини, асарлари умрбоқийлигини барча бирдек эътироф этиши" ҳақида гап боради. Мен эса асарда ишлатилган ноёб сўз ва иборалар, гўзал ташбеҳлар, ўхшатишу қиёсларга ҳавасланиб қарайман. "Ўткан кунлар"нинг ўтмаган тили" деганда бу машҳур асар воқелиги ўтган асрда қолиб кетган бўлса-да, тили қолиб кетгани йўқ, у бугун ҳам бор жилоси билан яшамоқда, миллий адабиётимиз, бадиий тафаккурмиз ривожига хизмат қилмоқда, демоқчиман. Бунга ҳамма беистисно ишонч ҳосил қилади. Мана, ўша қайдлар.

"Ҳасаналининг Отабеклар оиласида қулликда бўлғаниға элли йиллар чамаси *замон* ўтиб, энди Отабеклар оиласининг чин бир аъзоси бўлиб кеткан. Хўжаси Юсуфбек ҳожига, айниқса, хўжазодаси Отабекка тоат ва ихлоси *том* бўлиб, бунинг эвазига улардан ҳам ишонч ва ҳурмат кўрар эди (Б.6).

Зиё шоҳичиникида Отабекни меҳмон қилиш учун уюштирилган зиёфат. "Аҳли мажлис Отабекни кўкларга кўтариб махтар эди, лекин Ҳомид бу махташларға иштирок этмас ва *нимадандир ғижинғандек кўринар эди*. Шу орада қутидорнинг "уйланғанми?" деб Ҳасаналидан сўраши Ҳомидга яна бошқача ҳолат берди. Ҳасаналининг сўрағучига бекнинг қиз ёқтирмаслигини сабаб кўрсатиб, шу кунгача уйланмай келганлигини *тафсили* билан ҳикоя қилиб беришидан сўнг ул тоқатсизланғандек бўлди:

– Балки бегингизнинг таъмалари хон қизидадир, – деди истеҳзо билан Ҳомид, – бундоғ йигитлар уйланганларида ҳам *киши қизини* умр бўйи азоб ичида ўтказадирлар...

Сабабига тушиниш қийин бўлган бу истеҳзога қарши Ҳасанали сукут қилмади.

– Мен унинг хон қизини олиш мақсади борлиғини билмайман,– деди қулимсираб, – бироқ у хон қизини олса арзимайдирган йигит эмас... Ҳатто *зархарид* қули бўлганим ҳолда менга ҳам қаттиғ сўз айтишдан сақланған бир йигит ўз никоҳида бўлган озод бир қизға, албатта, *заҳмат бермас*, деб ўйлайман. Баъзи хотин урадирган, хотин устига хотин олиб, хотинларига зулм қиладирған *ҳайвонсифат* кишилардан бўлиб кетиши, менимча, эҳтимолдан жуда узоқдир, иним мулла Ҳомид...

Ҳасанали ўткан *фаслда* Ҳомиднинг ўз оғзидан хотинларига қарши қамчи ишлатганини эшиткан эди. Шунга биноан унинг бу охирги жумласи Ҳомидни ерга қаратиб, *лом дейишка мажол* бермай қўйди. Зиё шоҳичи қайниси Ҳомидга *"Тузлатилдингми?"* дегандек қилиб қаради ва Ҳасаналидан *афу* сўради:

– Кечирасиз, ота, – деди, – Бизнинг Ҳомидбой шунақа *қўланса* гаплар учун яратилған одам" (Б.15).

Китобхоннинг Кумушбиби билан илк танишуви: "Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан *латиф бурнининг* ўнг томонида, табиъатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилған қора холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сариқ *рупоҳ* атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмакда эди. Туриб ўлтургач, бошини бир силкитди-да, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиған соч толалари ўраб олиб, *жонсўз* бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак қутидорнинг қизи – Кумушбиби эди" (Б.22).

Жон ўртовчи, азоб берувчи маъносидаги "жонсўз" ибораси асарнинг ўртасида ҳам (Б.131) учрайди: Кумушбиби Отабекнинг тилидан ёзилган сохта талоқ хатини ўқир экан: "...ул бу мактубни ўзининг *сўнг томчи кучи* билан ўқуб тамом қилди-да, *жонсўз* бир товуш ила "уятсиз!" деб қичқирди ва ерга йиқилиб ўзидан кетди..." Бу жумладаги таъсирчан "*қичқирди*" сўзидан аввал адиб "жонсўз"ни ишлатиб, Кумушбибининг ногаҳоний зарбадан кейинги ҳолатини аниқ тасвирлаган.

"Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек *иринлари* остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетди эрса-да, бироқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундликка *алишинди* (Б.24).

Офтоб ойим Отабек ҳақида: "Ўзим кўрмадим, аммо *кўргучиларнинг* сўзларига қарағанда *ўхшашсиз кўркам,* тенгсиз ақлли бир йигит эмиш (Б.40).

Отабек Кумушбибининг лаблари устидаги қора холиға ишорат қилиб: "Шу ердан бир *ўпиш* берсангиз сиз ҳам катта эсдалик ҳозирлаган бўлур эдингиз,– деди. Кумушбиби *қизаринди* (Б.47).

"...Бу кун соат ўн иккида Отабек ва қутидорнинг исёнчилик гуноҳи билан дорга осилишларини жарчи шаҳарга хабарлаб юрар ва халқ оғзида Отабекларнинг *эмиш-memиш* ҳикоялари эди... Қўрбоши ниманидир сўзламоқчи бўлса ҳам, негадир унинг *тили осонлик билан ҳаракатга келмас* ва ўзи ҳам *бир турлик ўнғайсизликда* эди. Ниҳоят қўрбоши *ўзига бир турлик жасорат берди:* "Боболар: "Дунёники мири кам икки" деганлар,– деди,– тўғриси ҳам шундоғ: ўзингни юз ёққа урсанг ҳам тирикликнинг яна бир бошқа *ямоғи* чиқиб турадир...(Б.69).

Отабек билан қутидор исёнчиликда айбланиб, жаллоднинг қўлига топширилган пайтда Кумушбиби қайнотасининг ўғлига ёзган мактубини топиб, уни ўрдага олиб келади. Ҳар иккисини дор тагидан қайтарадилар. Отабек қушбегидан сўрайди: "Қўлингиздаги мактуб билан эҳтимол биз оқланган чиқармиз? – Қушбегидан тасдиқ ишорасини олиб давом этди: – Ҳозир биз сизнинг адолатлик ҳукмингиздан бир нарсани сўраймиз: ул шулдурким, бизнинг тўғримизда ёмон мақсад билан сизга чақимчилик қилгучи *эъвогар* ва ғаразгўйлар бу мажлиска *ҳозирлансинлар-да,* ўзларининг машъум *кашфларини* ва ё кўрган-эшитканларини исбот қилиб, бизни қайта бошдан дор остиға юборсинлар. Билъакс, исбот қила олмас эканлар, бизга қазиған чуқурлариға ўзлари *йиқитилсинлар...*"

– Талабингиз ўринлик, – деди қушбеги, – аммо *хасмингизни* бу мажлиска ҳозирлаш учун вақтимиз оздир ва лекин бу кун уни қўлға олармиз ва *бириси* кун бешовингизни бир ерга жамълаб ўз ҳукмимизни берармиз,– деди" (Б.79).

Ушбу жумладаги "хасм" сўзига Қодирийнинг изоҳи: *душман, рақиб.* "Қиз бола – бировнинг хасми", деган мақолимиз бор ёки уни шундай айтамиз. Таниқли адиб Комил Аваз қаламига мансуб китобчада кўрдим: "Қиз бола – бировнинг хасми" эмас, хасби. Хасб – омонат".

Романнинг "Ота-она орзуси" бўлаги муаллифнинг Ўзбек ойимни китобхонга таништиришдан бошланади. Ўқувчи кўп ҳолларда уларга жиддий эътибор бермай, ўқишда давом этаверади. Асардаги асосий фожиа айни шу характер боис юзага келгани кейинроқ маълум бўлади: "Ўзбек ойим элли беш ёшлар чамалиқ, *чала-думбул табиатлик* бир хотин бўлса ҳам,

аммо эрига ўткирлиги билан машҳур эди... Ўзга хотинлар унинг соясига салом бериб, тўйларида, азаларида, қисқаси, тиқ эткан йиғинларидаги уйларининг тўрини Ўзбек ойимга атаган эдилар. Бир бугина эмас, қиз чиқаратурган, ўғил ўйлантирадирган, суннат тўйи қиладирган хотинлар ўз тўйларини Ўзбек ойим кенгашидан ташқари *жўната олмас* эдилар... "Ўзбек ойим шундоқ буюрдилар" деган сўз *эрлар учун ҳам фарз каби эшитилиб*, Ўзбек ойимнинг айтканича ҳозирлик кўрила бошланар эди..." (Б.98)

Романнинг якунроғида Ўзбек ойимнинг ўзи ҳақидаги фикри бундан да баландлиги айтилади. Офтоб ойим қизини олиб қутидор билан бирга Тошкентга келади. Кундузи меҳмондорчилик авжига чиқади. "Шомга яқин меҳмонлар тарқалишдилар. Меҳмонхонада ҳожи, қутидор, Ҳасанали ва Отабек қолган эдилар. Ичкарида Ўзбек ойим меҳмонларни кузатиб бўлиб, Кумуш билан онасидан *ҳўппак* олар эди: "Мен сизлардан жуда хафа бўлган эдим. Сизларни *чурук латтага тугиб,* тоқчага ташлаш даражасига етган эдим. Наҳотки уч йил бўлса-ю, бир йўли ўз билгуларингизча келмасаларингиз... Ахир маним ҳам ўзимга яраша обрўм бор. Тошкандда кимсан Юсуфбек ҳожи деганнинг *кўчиман.* Худоёрхон ҳам бир кун кечаси келиб бизга меҳмон бўлдилар.... Қушбегининг *уй ичлари бўлса*, бир ишни маним кенгашимсиз қилмайдилар... (Б.258).

"Кимсан Юсуфбек ҳожи деганнинг кўчиман" деган жумлага қайтамиз. Баҳодир Каримов юқорида зикр этилган мақоласида "кўч" сўзининг кўламини изоҳлайди: "Адабий асар ўқилиб, бадиий матнга эврилар экан, ундаги семантик элементлар – товуш, бўғин, сўз каби увоқ унсурлар поэтик ғоя ва мантиқ воситасида бирлашиб, муҳташам семантик майдонни бино қилади. Матн ичида сўз тирилади, товушлар жонланади; сўзнинг қадр-қиймати ортади ва маъноси кенгаяди. Турли замонда яшаган икки адиб қўллаган нодир, очқич-калит сўзларнинг ўхшашлиги, такрори ва маъно уйғунлиги типологик-интуитив таққосга асос беради... "Бобурнома"да қўлланган бир қанча нодир сўзларни Абдулла Қодирий "Ўткан кунлар"да ишлатади; ўз ўрнига тушган жонсўз романга жозиба бағишлайди... Эсга оламиз: Отабекнинг қутидор эшигидан қувилиб, Тошкентда нисбатан узоқ қолиб кетган кунларининг бирида Ҳасанали ундан Марғилонга кетмай юриши сабабини сўрайди: Отабек: "Ҳавсала йўқ", дегач: "Қайин отангиз кўнса, *кўчингизни* олиб келсангиз ҳам маъқул эди қатнаб юрғандан", дея таклиф айтади. Бу ўринда "кўч" – хотин, оила маъносида... "Бобурнома"да ҳам "кўч" сўзи "оила, хотин" маъносида келади: Бобур 1497-1498 йиллар воқеаларида ёзади: "Беклар ва ичкилар ва йигитларким, мени била қолиб эдилар, аксарининг *кўчлари* Андижонда эди".

Ўзбек ойимнинг тарифи давом этади. Бу аёл, аслида *чала-думбул* бўлсада, ҳукмфармолик чўққисини эгаллаб, *"ковшим кўчада қолган эмас"*, дея унча-мунча жойга бормайди, ўзидан бошқа ҳеч кимни менсимайди. Халқ тилида шунга ўхшаш: *"Қозони занг босганлардан эмас", "Йиртиғининг ямоғини ипак билан тикадиганлардан", "Ош емаса ҳам мўйловидан ёғ аримайди"* каби сифатлашлар бор. Роман асосида суратга олинган ҳар икки фильмда Ўзбек ойимнинг чала-думбуллиги унча кўринмайди. Отабола қипчоқлар қирғини хусусида баҳслашиб қолганда, Юсуфбек ҳожи ўғлига: "Баъзи енгил муҳокамаларинг онангникидан қолишмайдир, Ота-

бек", дейди (Б.230). Шунга қарамай, муҳтарам актрисаларимиз Ўзбек ойимни ақл-фаросат бобида етук қилиб тасвирлаганлар. Балким, шундай бўлиши керак бўлгандир. Негаки, чала-думбулларнинг баланд мавқега эга бўлиши ўтмишда қолиб кетган ҳодиса эмас. Бундайлар (хоҳ хотин, хоҳ эркак), ажабки, мансаб ва мавқе пиллапояларидан жуда тез кўтариладилар. Бунисига чидаса бўлади, аммо чала думбулликлари ўзларига аён бўлгани ҳолда, ақли расоларга йўл-йўриқ кўрсатишларига дош бериш қийин.

Отабек онасининг қистови остида уйланишга рози бўлади ва тўйдан олдин Марғилонга жўнайди. "Ҳар гал Марғилон борғанида олиб боратурған нафис совғалари бу гал жуда *заҳарлик*, *ортиқча аламлик* бир совғага айланган, Кумушбиби бу совуқ *кундаш* совғасини кўрганда эҳтимол... нималар бўлар ва қандоғ ҳолларга тушар эди" (Б.105). Бу жумладаги "кундаш" сўзида бугунги ўқувчи учун одатдаги "о" ҳарфи ўрнига "а" ишлатилган. Илмий манбалардан бирида, "кундаш" (ҳасадгўй, ғайирлик қилувчи) деб ёзилиши тўғри дейилади. "Кундош"да *бир кунлик ҳамроҳ* деган маъно ҳам бор.

Отабек Марғилонга қайтади. Адиб кўклам пайтини Толстой бобо таъкидлаганидек, ўқиб кўзни юмсангиз ҳам хаёлингизда аниқ манзара ҳосил бўладиган даражада, мўйқалам устаси каби тиниқ тасвирлайди: "...қирлар, тоғлар, сойлар; кўк-қизил, оқ-қора, сариқ-зангор, *пушти-гўлас* ва тағин аллақанча ранглик *чечаклар билан устларини бежаб*, қиши билан тўнггиб, аранг етишган ошиқларига янги ҳаёт, янги умид берадилар. Қиш бўйи аллақайси гўр остларда *жунжиб* чиққан қуш зотлари: чумчуқлар, читтаклар, тўрғайлар, саъвалар ва бошқа аллақанча қуш *дуркумлари* ўз тўплари билан вижир-вижир, чуғур-чуғур *сайраб куладирлар*, ер юзини тутган чечак гиламлари устини *ўпиб ялайдирлар,* ётиб чўқийдирлар, сапчиб учадирлар... (Б.105-106).

Муаллиф "қулоғи қушлар нағмасида бўлган" Отабекнинг ҳолатини шу қадар моҳирлик билан тасвирлайдики, китобхон унга маҳлиё бўлади: "Ҳов ана бир қалдирғоч, тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир... Бахтли қалдирғоч: *олған совғаси ҳам қўрқунч эмасдир*, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваси йўқдир. Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, *икав-икав суйган-суйганни оладирлар-да,* тоғларда, ерларда, кўкларда учиб *юруйберадирлар...* Унинг қалдирғочлик қаноти ота-она мукофоти билан қайрилган. Унга учкали эрк бермайдирлар" (Б.106).

Юсуфбек ҳожининг Мирзакарим қутидорга ёзган мактубида оилада юзага келган муаммо моҳияти қутидорга ўзаро ҳурмат мақомида сиполик билан тушунтирилади. Ҳожи қудасидан Отабекни уйлантиришга изн сўрар экан, қизларини Тошкандга юбормаганликларидан озроқ гина қилади, айни чоғда, тарози палласини ўзи томонга кўп оғдирмайди: "Каминалари бу хусусдаги айбни сизнинг устингизга бутунлай юклай олмаймиз, зероки, бизнинг бошимизда бўлған *"ёлғиз туёқлик"* савдоси сизнинг ҳам бошингизда бордир (Б.110).

Романнинг "Иситма орасида" бўлими Марғилоннинг шимол тарафидаги маҳаллалардан бирининг "томонлари бузилиб-ёрилиб ётқан хароба иморатлари" тасвири билан бошланади: "Ҳавлининг ўрта ерида паканагина *балиқ тут* ўсиб, остиға кул ва бошқа ахлатлар тўпланган эди..." (Б.137). Бундай навли тутни билмас эканман. Луғатларга қарайман: "Шо-

тут (қора тут), Балхи (оқ) тут, Марварид тут, Мажнун тут (ерга қараб ўсадиган тут), Қўноқ (ёввойи) тут. Балиқ тут ҳақида маълумот топа олмадим. Балким халқ тилида шундай айтилар.

Иши фисқ-фасоддан иборат кўримсиз Жаннат пучуқнинг тавсифи: "Ул *ердан бичиб олгандек* пак-пакана, бурни юзи билан баробар деярлик теп-текис, кўзи *қоққан қозиқ ўрнидек* чуп-чуқур, *оғзи қулоғи билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллиқ оғриқларникидек сап-сариқ,* қирқ беш ёшлар чамасида бир хотин эди" (Б.131).

"Ўткан кунлар" воқелигида иштирок этадиган ҳар бир кишининг мукаммал "портрети" ижодкорларимиз учун ноёб тажриба мактабидир. Улуғ адиб "шунчаки тажриба тарзида" бошлаётган ишига катта тайёргарлик кўргани, асар қаҳрамонларини ҳаётда мавжуд реал инсонлар (маҳалладошлар, йўлчи-йўлдошлар) каби аниқ тасаввур қилиб, худди улар билан ҳар куни, ҳар кеч мулоқотда бўладиган танишларидай тасвирлагани, чиндан ҳам ўқувчини ҳайратлантиради. Ўзбек ойимни айтиб ўтдик. Юсуфбек хожи: *"Тўла кўркам юзли, катта малла кўзли, узун мошгуруч соқоллик мулланамо бир зот"*, Зайнаб: *"Ўн етти ёшлар чамалиқ, кулча юзлик, оппоққина ўртача ҳуснлик"*, Ҳомид: *"Узун бўйлик, қора чўтир юзлик, чағир кўзлик, чувоқ соқол... кўримсиз бир киши"*.

Кўз таърифи бир-бирига ўхшамайди: Юсуфбек хожи *малла кўзли,* Отабек ва Ҳасанали *қора кўзли,* Ҳомид *чағир кўзли,* Уста Алим *қўй кўзли,* Ўтаббой қушбеги *оғир қарагучи кўзлик*, Райимбек додхоҳ *ичига ботиқроқ, аммо қон қуйилгансимон кўзлик..."* Баҳодир Каримов бу рўйхатни "Бобурнома"дан олинган мисоллар билан янада бойитади: Умаршайх мирзо – қўба кўзлик, Бойсунғур мирзо – улуғ кўзлук. Халқ тилида кўз билан боғлиқ яна кўплаб ўхшатмалар бор: *ғар кўз, ўғри кўз, синчи кўз, қийиқ кўз, илон кўз, писта кўз, мош кўз, чачвон кўз* ва ҳоказолар.

Отабек Тошкентда узоқ туриб қолгач, Кумушбибига совчилар кела бошлайди. Қутидор билан Офтоб ойим уларга қизларининг кўнглига қараб жавоб беришади. Кумушнинг ҳолати: "Бурунғи тўлалиғи кетиб, *озғинлаган,* ва лекин бу озғинлик унинг ҳуснига *камчилик бермай, билъакс юқорилатқанлар.* Камон қошлари *ортиқ мавж уриб* ўзини кўрсаткан, бироз бота тушкан шаҳло кўзлар тағин ҳам тим қоралиқ.., бироқ... бурунғидек ўйнаб турмас ва сўнг чекдаги бир оғирлик билан ҳаракатланар эди..."

Отабек уста Фарфидан Ҳомиднинг жамики ифлос ишлари ҳақида, жумладан, сохта талоқ хатини Қутидорнинг уйига киргизганини билиб олгач, ўзини қўярга жой топа олмай қолади, "ҳаётидаги фожиаларнинг манбаъи бўлган бир *ҳабисни* (нопокни) ниҳоят биринчи марта таниб турар эди".

Орадан вақт ўтиб, Ҳомид муаммоси ҳал бўлгач, Отабек Кумушга бўлган воқеаларнинг тафсилоти билан хат ёзади. Ҳамма сирлар, кимнинг кимлиги ошкор бўлади. "Эру хотин (Қутидор билан Офтоб ойим) маънолиқ қилиб, бир-бирларига қарашиб олғач, орада узоққина сукут бошланди... "Қизинг ҳар қайси ерда бўлса ҳам соғ бўлсин,– деди хотинига қутидор. – Эрига топшириб, сен билан маним тинчкина дуо қилиб ўлтурганимиз маъқул ўхшайдир.

– Энди қизингизнинг бир ками кундаш балоси эдими? – деди сапчиб Офтоб ойим. Қутидор хотинига кулиб қаради:

– Эри яхши бўлса, *кундаш балоси нима деган гап?"*

Қутидор хотинига эмас, бизнингча, жамиятга, чиркин даврнинг чиркин иллатига муносабат билдирмоқда. Шу боисдан ҳам хотинининг барибир кундаш кундашлигини қилади, деган сўзларига: "Ҳамма вақтга эмас, қўрқма", деб жавоб қайтаради. Бу билан у "Нима дейсан, хотин, таомилда бор-да, ахир", демоқчи бўлади.

Романнинг учинчи бўлими Мусулмонқул истибдодига хотима бериш воқеасидан бошланади. Ўқувчилар яхши билишадики, Юсуфбек ҳожи уч-тўрт мунофиқни деб қипчоқларга қарши қирғин бошлаш таклифини маъқулламайди: "Ҳожи ўзини тутолмай, кўз ёшисини оқ соқолига *қуйиб,* давом этди: "Мана биродарлар! Сиз ўз қипчоғингиз учун қабр қазиган бир фурсатда, сизга иккинчилар *тобут чопадир.* Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрис бизга тўп ўқлайдир. Сиз дунёда ўзингизнинг ягона душманингиз қилиб қипчоқни кўрсатсангиз, мен бошқа ёвни ҳар замон ўз яқинимга еткан кўраман! – деди ва *рўймоли* билан кўз ёшисини артиб ўрнидан турди.– Агарда дунёдан ўтаёзган бир кексангизнинг маслаҳатига қулоқ берсаларингиз, бу фикрингиздан қайтинг, буродарлар! Илло Юсуфбекни ўлдига чиқариб, бу шум ишингиздан мени ташқарида ҳисобланг!из! – деди ва мажлиснинг ўлтуринг, тўхтанг сўзига қулоқ солмай, ўлтуришни ташлаб чиқди. Ҳожи дарбозадан чиқмаган ҳам эди, Ниёз қушбеги хохолаб кулиб юборди:

– Вой ваҳминг қурғир, ҳожи! Бу кун *қўкнори ичкан* экан, шекиллик! – деди.

Бошликдан кулгига рухсат берилгач, бошқалар ҳам кулишиб, орада ола-ғовур бошланди.

– Йўқ, – деди Қамбар шарбатдор, – ҳожи аканинг ёши қайтиб, кўнгли жуда бўшашиб кетибдир!

– Вой *хувари* ҳожи, – деди Ниёз қушбеги,– олдидаги овни кўрмай, узоқдаги ёвни кўрадир!" (Б.219).

Абдулла Қодирий Ниёз қушбегининг сўнгги сўзлари билан аслида ким кўкнори ичганлигини кўрсатмоқда.

Латифалардан бирида айтилишича, ота-бола кўкнорихўрлик қилиб ўтиришган экан, бир жуфт товуқ келиб, дастурхондаги майизларни чўқилай бошлабди. Отаси: "Ўғлим, кишт деб қўйинг, секин бўсаям кишт денг", деса, ўғли: "Ташвиш қилманг, ота, еб тугатса, кишт демасангиз ҳам кетади", деган экан. "Оч товуқлар" Оқмачитга яқинлашиб қолганида ҳам парво қилмаганимизга ишора эмасми бу?! Мажлис аҳли бўлса ҳожини "Кеча бироз *хомсиган* (иккиланган, шубҳаланган) эди деб устидан кулишади.

Отабек Тошкентда, Кумушбиби Марғилонда. Орадан анча вақт ўтган. Баҳор келади. "Бу кун қуёш очиқ ҳавода кезиши учун *жим-жим товланиб,* ер юзига кулиб қаради. Икки кундан бери қуёш бетини қоплаб, турли *ерларга жон суви сепиш* ила чарчаган баҳор булутлари бурчак-бурчакка тарқалиб борар эдилар. Уяларидан чиқиш биланоқ чумчуқлар чирқиллашиб, мусичалар қу-кулашдилар. Анови *ар-ар теракка* уя қўйишга ўйлаган бир жуфт каррукlар ҳам виждир-вижир қилишиб *кен-*

гаш очдилар. Подачининг *товшини* эшитиб, далаға ошиққан онасиға эргашиб қашқа бузоқ ҳам *маграб* юборди. Модасига тегишкани учун томдаги каптар бўқоғини чиқариб, рақибининг теварагида *яғрин* бера бошлади...” (Б.225).

Сўнгги жумлада Марғилон соғинчи борми? Бор, албатта.

Романда тасвирланган мудҳиш воқеалардан бири қипчоқ қирғинидир. Шу ерда биринчи марта “шайтанат” сўзига дуч келамиз. Юсуфбек ҳожи қатлиомнинг олдини олишга кўп ҳаракат қилади. Қушбегига, ҳеч бўлмаса, бу хунрезликни эртадан бошлашни таклиф этади. Бу билан у кўплаб бегуноҳларнинг умрини сақлаб қолишни ўйлайди. Аммо Қаюм понсод ҳожининг ниятини тушуниб, бунга қарши туради. Бу тўғрида ўғлига тушунтириш бераётган ҳожи Қаюмнинг сўзлари “менга ҳамма *шайтанатни* очиб берди ва ўзимнинг иблислар томонидан алданганимни билдим”, дейди (Б.231)

Бошқа бир ҳолатда ҳам ота-ўғил ўртасидаги сўзлашув ғайриоддий тус олади. Юсуфбек ҳожи Отабекнинг Марғилонда қилиб келган ишларидан хабар топгач:

– “Одам ўлдириш учун сени ким зўрлаб мажбур қилди? – дейди ўғлига.

– Ҳали билмайсизми?

– Билмайман, – деди ҳожи, – айтишларига қарағанда, сени ҳеч ким мажбур қилмаған.

– Мени зўрлаған ва мажбур қилған эдилар, дада,– деди заҳарханда билан.– Йўқса сизнинг ўғлингиз бўлған бир йигитнинг шаънига, албатта, одам ўлдириш уят ва номусдир.

– Ким сени мажбур қилди, ахир?

– Сиз, онам!

– Эсинг ўзингдами, йигит?

– Ўзимда, – деди ўғул. – Сиз ўзингизнинг орзу-ҳавасингиз йўлида мени мажбур қилдингиз ва душманларимға йўлни катта қилиб очиб бердингиз. Мен бу *жониворлиқни* хоҳ-нохоҳ ишлашга мажбур қолдим (Б.234).

Романнинг учинчи қисм, бешинчи бўлагида Кумушбибининг Отабекка ёзган гина-андуҳли мактубини ўқиймиз. Айтиш ўринлики, “Ўткан кунлар”даги мактубларнинг ўзи бир дунё. Бадиий адабиётда мактуб жанрида ёзилган сон-саноқсиз асарлар бор. Бу жанр, айниқса, шарқ адабиётида машҳур. Абдулла Қодирий бундан яхши хабардор бўлгани аниқ. Унинг Москвадан “Муштум” журналига ёзган хатлари фикримизга далил бўла олади. Мана, улардан бир парча: “Муштум! Ҳузурингдан чиқар чоғимда манга берган ваколатинг ҳамон бўйнимда тумордир. Бироқ, сипоришингни (топшириғингни) қайси йўсун билан бажаришка ҳайронман. Чунки Масковнинг барча ишлари олипта, санга ярарлиқ ерини тутиб бериш қийин; кўз тиниб бош айланган, мия ишламайдир. Сен бундаги узоқ-яқиндан бир оз чақ-чақ қилмоқчи эдинг шекиллик? Лекин бир оз янгишкан эканмиз; негаки, Масковнинг ўзи жуда серчақ-чақ одамлар эмас. Озгина айбингни тутиб кулабошлайдилар. Иштони йўқ тиззаси йиртиқдан кулган... бу тўғри гап: бир чорак упа, ўн пайса элик, бир плакун атир, бўйнингга пайтава, отаси ғиж-ғиждан, онаси жим-жимдан келган, шовдирама *энгил* кийиб, довдирама бўлиб кўчага чиқмасанг иш *кашал* (чатоқ). Акс ҳолда мойлиқ кийимингни модмозелга, қадоқлик қўлингни барин-

га тегизиб бўлмайдир. Ишчи халқ устида чақ-чақ бўлиши мумкин эмас. Чунки, ул сан айтмасанг-да завод ҳам фабрик, тутун ва чириклари билан ҳозирга қорайған, вақтинча кайфу сафони бу охират кишиларига топшириб, ўзи шу гўрсўхталарга қабр қазиш билан овора",

Мутахассислар эпистоляр жанр маҳсули бўлмиш ёзишмаларни таниқли сиёсатдонлар, жамоат арбобларига очиқ хат тарзида ёзилган мурожаатлар, ижтимоий юкли таҳлилий мактублар, жамият ҳаётига оид бирор муаммо, ҳолат ёки бирор хавф-хатардан огоҳ бўлишликка чорловчи куюнчак мушоҳадалар, талабнома, раддия ва ишқий номаларга бўлишади. Бундан ташқари, жаҳон адабиётида, шунингдек, ўзбек адабиётида ҳам мактуб шаклида ёзилган, қаҳрамонларнинг бир-бирларига дил изҳорлари асосида битилган асарлар бағоят кўп.

Беҳбудий ўзининг "Хат ёзмоқ шартлари" мақоласида бадиий асар ёзишда бўлгани каби, хат ёзишда ҳам маълум қоида ва шартларга амал қилмоқлик лозимлигини уқдиради: "Хат бориб тегадургон одамни мулоҳаза қилиб, они фаҳм ва билишиға мувофиқ ёзмоқ лозим. Хатни камсўз, серъмано ёзмоқ керак. Ғазаб ва хафалик ва ё ниҳоят хурсанд ва беҳушлик вақтинда хат ёзмай, ҳолоти даражи эътидолға келганда мактуб ёзмоқ авлодур".

Ғайбулла Саломов ва Сайди Умировнинг "Толибнома" китобида қуйидагиларни ўқиймиз: "Мактубнавислик ўзи бир санъат. Иншо, муншаот ҳам ижод. Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоийларнинг бир-бирларига ва бошқа азиз инсонларга ёзган мактублари ниҳоятда нозик ва зариф, нуқтадонлик ва меҳрибонлик туйғулари билан суғорилган. Биз бу сингари инсонлардан улар ёзиб қолдирган бениҳоя гўзал бадиий асарлари учунгина эмас, балки бир-бирларига ёзган номаи амол ҳамда хатлари, буларни жамлаб борганлари ва махсус мажмуа ҳолига келтириб, биз авлодларга туҳфа этиб қолдирганлари учун ҳам тоабад миннатдор бўлишимиз даркор. Сабаби, юксак бадиий ижод соҳиблари хатда ёзиб бўладиган нарсаларни бошқа бирон восита билан айта олмас эдилар. Ижод қанчалик ижод бўлса, ижоднинг сирлари, ижодхона мўъжизалари, иқрор ва инкор, тасдиқ ва раддия, муҳаббат ва нафрат... булар бари, аксарият, шу хатларнинг қатига битилган бўлади".

Мактубларда ишлатиладиган сўз ва иборалар, гина, андуҳ, нозланиш, ўпкаланиш, умидворлик ёки бунинг акси – ёзғучининг руҳий ҳолатини ғоят аниқ ифодалайди. Кумушбибининг хати: "Сиз – *қочқоқсиз*, нари-бери тил учида менга бир нарса ёзгандек бўлиб қочқансиз, икки йил бўйи Марғилон келиб юришларингизни мен ўзимча *ешдим*, лекин топиб *ешдим*: сизнинг барча машаққатларингиз – душманларингиздан ўч олиш учун бўлғанини *онгладим*. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмаганда ҳам бошқалар кўрар эдилар, тўяр эдилар... Мен каби бахтсиз, мен каби *ғовғаси* кўп сизни зериктириб, жондан тўйдирған бўлса ажаб эмаски, қоча бошлағансиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб *биравларни қувишқа* бел боғладим: отам билан онам *рафоқатларида* (ҳамроҳлигида – адиб изоҳи) хизматингизға – чўрилиғингизға эрта-индин юраман, суйганингиз кундашим олдида қадру қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олийжанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматига кўнгил учун кулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам бахтсизни *маъ-*

суда қиларсиз. Аммо... суйганингиз – *кенжангизнинг жекиришларидан, қарғанишларидан* беҳад қўрқаман... Хатим охирида шуни ҳам айтиб қўяй: *ўч қайтиб*, мен ҳам кўчадан ҳайдалмасам эди, деган хавф ҳамиша кўнглимда. Агар худо ярлақаб эшикингизда *ўринлашиб* олсам, уёғини ўзим билар эдим...” (Б.236-237).

Роман воқеаларининг яна бир ҳаяжонлиси – Тошкандда марғилонлик қудаларни, табиийки, бош келин Кумушбибини кутиб олиш. “Ҳасанали йўлакка қараб имлади. Қип-қизил қизарған ҳолда Кумуш кўринди: паранжиси қўлида, қора атлас кўйлак эгнида, зангор латта мурсак устида, оқ шоҳи *рўймол* бошида эди. Шаҳло кўзлари кулимсирашга яқин ҳолда *уятлик эдилар*.

Ҳасанали танитди:

– Мана бу киши қайин онангиз бўладирлар.

Кумуш салом берди ва қўлидаги паранжисини ерга ташлади, югуриб келиб ўзини Ўзбек ойимнинг қучоғига олди. Ўзбек ойим ҳам уни маҳкам сиқиб қучоқлаб олған, юзидан шап-шап ўпиб, айланиб, ўргулар ва тикилиб-тикилиб нима учундир йиғлар эди.... Кутиб турган хотинлар, Моҳира ойим, Хушрўй ва Ҳанифалар Кумушни кўрган он бир-бирларига қарашиб *лабларини тишладилар”* (Б.246).

Бу парчада энг муҳими ва муаллифнинг юксак бадиий маҳорати шу “лабларини тишладилар”да кўринади. Адиб “Кумушга кўзи тушган аёлларнинг оғзи ланг очилиб қолди”, деб ҳам ёзиши мумкин эди, ҳеч ким буни қусурга йўймасди. Йўқ, ёзувчи кимнинг кимлигини аниқ, борлиғича кўрсатишнинг ягона тўғри йўлини топа олган.

Юсуфбек ҳожининг марғилонлик келини билан кўришиши. “Қани, бек отаси, кўрманани беринг-чи!– деди Ўзбек ойим Кумушни имлаб. Кумуш уялиб зўрғағина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқиниға келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайиға текизиб олган ўз қўлини ўпди:

– Бизнинг Марғилонда ҳам шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да, – деб теварагига қараб *кулинди* ва қўлини дуога очди...”

Бу парчада муҳим иккита детал мавжуд. Биринчиси “Марғилонда” сўзидан кейин келган *“ҳам”* боғловчиси. Ҳожининг икроридаги “ҳам” ни тушириб қолдириб ўқисак нима бўлади? Маъно бутундай бузилиб кетади, асар сюжети панд ейди. Қудаларни кутиб олиш маросимида Зайнаб ҳам бор. У ҳам келин, орзу-ҳавас билан туширилган. Шундай пайтда ҳожи бобонинг “Бизнинг Марғилонда шундай келинимиз бор экан-ку, биз билмай юрган эканмиз-да”, дейиши мумкинми? Йўқ, асло.

Иккинчиси қайнота ва келиннинг кўришуви. Ўзини китобхон, маънавиятчи, мураббий деб ҳисоблайдиган ҳеч бир киши “Ўткан кунлар”ни ўқимаганман, киноларини кўрмаганман, демайди. Ҳамма ўқиган, кўрган. Турли ташкилот ва идораларда маърифат дарсларини ўтар эканман, тингловчилардан ҳожи ва келиннинг кўришуви қандай бўлганини сўрайман. Аксарият киши “Ҳожи Кумушнинг пешонасидан ўпади”, деб жавоб беради. Юсуфбекнинг ўз қўлини ўпиши миллий маънавиятимизнинг бузилмаган, айнимаган, оҳори тўкилмаган, айрим тўйларда келин билан

қайнота, куёв билан қайнона вальсга тушишидек шармандали "удум" кашф этилмаган пайтдаги ноёб намунаси эканлигини тушунтираман.

Кумуш ва Зайнабнинг дастлабки муносабатларида мавқе учун яширин кураш боради:

– Неча ёшқа кирдингиз, Зайнаб опа?

– Ўн тўққузга шекиллик.

– Ҳали сиз бола экансиз, – деди Кумуш.

– Сиз нечага кирдингиз?

– Мени сўраманг, мен энди қариб қолдим...

Зайнаб унга *ҳасадланиб* қаради ва *кучланиб* айтди:

– Ҳали ёшқа ўхшайсиз-ку?

– Неча ёшқа кирган деб ўйлайсиз?

Зайнаб Кумушнинг тўлиб етмаган гавдасига ва ўн олти ёшлар чамалиқ ғубор тегмаган ҳуснига ҳайрон бўлиб, мулоҳазасини айтишдан қўрқди. Зайнабка қолса, эҳтимолки, Кумуш ўзидан ҳам ёш чиқар эди.

– Мен қаёқдан билай...

– Йигирмага кирдим.

– Мендан бир ёш катта экансиз.

– Сиздан албатта каттаман,– деди Кумуш" (Б.261).

Кумушнинг "Мен энди қариб қолдим" деганидан *кучланган* Зайнабнинг сўзларига Кумушнинг "Сиздан албатта каттаман" дейиши замирида кучли маъно бор. Ёзувчининг ўзига сўз берсак, "Ёзувчиликда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони – фикрни ифода қилиш учун сўз қуриш, сўз эмас – санъаткорона, яъни шундоғ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрингизни ифодаси учун махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин", дейди адиб. Устоз Умарали Норматов ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан "Бобурнома"даги реалистик хусусиятларни камситмаган ҳолда "Ўткан кунлар"да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топганини эътироф этади.

Романни ўрганишда давом этамиз. Қудалар Марғилонга қайтмоқчи бўлганларида Ўзбек ойим: "Нега бундоқ шошмоқ, ёв қувладими, ақалли бир ой бўлсин... Марғилон деган юртдан *от-отлаб, туя қўмлаб* (туя эгарлаб – адиб изоҳи) кел эмиш-да, бир ойғина турмай кет эмиш", дейди. Кумушни ҳам койийди: "Уят эмасми, келин? *Кеча келдинг сурилиб, бугун кетгин бурилиб".* Офтоб ойим ичидаги дардини ошкор қилади: "Кумушингизнинг феъли-хўйи ўзимга маълум: эрка ўскан, *лавзи* тез, кундашликка чидайдирган *сиёқи* йўқ, ҳар кун Зайнабингиз билан ("Зайнаб билан"эмас) ғиди-биди қилабериб сизни қийнаб қўярмикин дейман... *Тана бузоқнинг турқи туққанига тамға* деганларидек, албатта, менга равшан". Ўзбек ойим бу гапларга "Ўз боласини ёмонлағучини умримда биринчи мартаба кўрдим" дейди. Офтоб ойим нима десангиз ҳам шу, дегандай фикрини якунлайди: *"Қозонимдағини сизга сузиб қўйдим..."*(Б.277)

Она – она-да, Офтоб ойим шундай деса-да, Кумушни пишиқлайди: "Кундашингни кўриниши *баёвға* ўхшаса ҳам, аммо ўзи писмиқ экан... Бундай одамдан албатта *ҳазар* керак..." (Б.279)

Ушбу мақола устида ишлар эканман, "Ўткан кунлар" билан боғлиқ бир қанча тадқиқотларни, жумладан, Умарали Норматовнинг "Қодирий мўъжизаси", Собир Мирвалиевнинг "Абдулла Қодирий кашфиёти" ки-

тобларини, адибнинг суддаги нутқини (“ЎзАС”, 1989, 1 декабрь) ўқиб чиқдим. Аммо... ҳамма ёзилганлардан хабардор бўлиш, ёдда тутишнинг иложи йўқ. Балким кўрмагандирман, назаримда “Ўткан кунлар” билан боғлиқ бир муҳим жиҳатга эътибор кам бўлганми, дейман-да. Нега дейсизми? Негалиги шундаки, қайси даврада “Ўткан кунлар” хусусида гап очилса ёки баҳс бошланса, Отабек, Кумуш, Зайнаб, Ҳомид, ундан кейин Юсуфбек ҳожи, Ўзбек ойим, Мирзакарим қутидор, Ҳасанали ва бошқа қаҳрамонларнинг номи тилга олинади. Асар сюжетининг фавқулодда таъсирчанлигини таъминлаган, Кумушнигина эмас, икки оилани заҳарлаб, ер билан яксон қилган Хушрўй негадир четда қолади. У Зайнабнинг оддийгина опаси эмас эди-ку, ахир.

Халқимизда “Бир палакда – минг хомак”, деган мақол бор. Абдулла Қодирий шаддод Зайнабни ўқувчига бошқа қаҳрамонларга нисбатан анча чуқур таништиради: “Гарчи бу икки эгачи-сингил бир қориндан талашиб тушкан бўлсалар ҳам, сажия – характерда *таниб бўлмаслик даражада* бир-бирларидан фарқлик эдилар... Хушрўй узун бўйлик, қотмароқ ва зарча танлик эди.., *кўзи ўйнаб, ҳар секунтда ўн ёққа аланғлар* эди.., (унга) болалик чоғидаёқ уй ичи ва қўни-қўшни “шаддод” деб исм берганлар, чунки ул кимдан бўлса-бўлсин, айтканини қилдирмай қўймас, агар бирарта иш унинг тилагига тескари кетса *шовқин-суронни худди бошиға кийиб олар эди.* Шунинг учун Хушрўйнинг *раъини билмасдан қозон осилмас*, унга ёқмаган гапка *оғиз очилмас*, ул бор жойда қадам ҳам *саналиб босилур* эди”(Б.281).

Хушрўй Нусрат исмли бекка иккинчи хотин бўлиб турмушга чиқади. Биринчи куниёқ “чой ташиб хизмат қилиб юрган кундашига *кесатуқ билан ҳужум бошлайдир*. Иккинчи ва учунчи кунларда тўппа-тўғри *кундаш устига сапчийдир*... Иккинчи ва учунчи ҳафталарда ўчоқбошини ўз қўлига олиб, кундашини иккита боласи билан томоқ важидан ҳам сиқа бошлайдир... Иккинчи ойлардан бошлаб Хушрўй кундашини бўғиб уриш одатини чиқарадир ва ўрим-ўрим кундаш сочини алафдек юлиб олишдан ҳам тортинмайдир...”(Б.283).

Хушрўй ҳақидаги маълумотлар шу билан тугамайди. У фарзандсиз, эри: “Олти йилдан бери туғмайсан, кўрсатмаган *товупинг* қолмади. Энди нима қиламиз?” деб кулганида (масалани қатъий қўйганида эмас, шунчаки айтганида), Хушрўй эрининг мақсадини пайқаб: “Боласиз киши дунёда туролмайдирған бўлса, бир оз *заҳарни* бошлаб сизга бераман, ундан кейин ўзим ейман!”, дейди. Зайнаб билан суҳбатлашганида унинг моғор босган ички дунёси очилади: “Мен йиғлашни билмайман! Кишилар йиғлаганда, маним кулгим қистайдир... Сенинг *ерингда* (ўрнингда) бўлсам, биласанми, нима қилар эдим, Зайнаб, – дунёсини ост-уст қилар эдим, бир томчи ёшимни юз томчи *заҳар* билан қўшиб ташлар эдим...”(Б.286)

Бир қарашда, Хушрўйга меъёридан ортиқча қора бўёқ сарфланаётгандек. Аммо бундай эмас. Ёзувчи ўзини ҳам, ўқувчини ҳам асарнинг мудҳиш якунига тайёрламоқда. Лев Толстой Анна Каренина ўзини поезд ғилдираклари остига ташлаганидан ўпкаланиб, “Мен Аннадан буни кутмаган эдим”, деганидай, адиб Кумуш заҳарланганида уйга сиғмай, кўчага чиқиб кетиш, адоқсиз ҳижрон зулматига енгилроқ ботиш учун шундай қилмоқда.

Асар ниҳоясига етди. “Юсуфбек ҳожи хатми қуръон қилиб, юртка ош берди, Ўзбек ойим қора кийиб таъзия очди”. Одатда, бундай пайтлари чарчаган кўзларга дам берилади, увишган тана аъзоларини ҳаракатга келтирасиз, катта бир китобни ўқиб битирганингиздан, ўтмишга хос катта бир ҳикоя вужудингизга сингганидан мамнун бўласиз. Аммо менда бутунлай бошқача ҳолат юз берди. Мақсадим нима эди? Улуғ адибнинг бадиий ифода маҳоратини ўрганишга бел боғлагандим, ниятимга ета олдимми? Йўқ, асло. Ҳайқириб оқаётган дарёнинг муздек суви шабадасидан озроқ баҳраманд бўлдим, холос. Адиб асарлари тилини ўрганиш бир ҳафталик, бир кишилик ёки бир мавсумлик иш эмаслигига амин бўлдим. Бу хусусда ёзувчи дўстларим, адабиётшунос олимлар, танқидчилар билан фикрлашдим. Кўпчилик бу улуғ ишга ҳануз тўлақонли қўл урилмаганини эътироф этишди. “Жуда мушкул иш, турли нашрлар боис, ноаниқликлар, ўзгачаликлар мавжуд”, дейишди. Бир вақтлар адиб тилини “ўнглаш” ҳаракатлари бўлганини, “Ўткан кунлар” ғаройиб “таҳрир”лардан ўтганини эслашди. Демак, шунинг учун ҳам бу ишга зудлик билан киришиш керак, деган хулосага келдим. Бу иш адабиётимизнинг бугуни ва эртаси учун бағоят зарур. Абдулла Қодирий ушбу романни ёзиш мақсадида неча бор Марғилонга боргани, маълумот тўплагани, Худоёрхоннинг ўша пайтлари ҳаёт бўлган хотинларидан бири Розиябегим билан учрашгани маълум. Машҳур раққоса Тамарахоним биргина хоразмча рақсни ўрганиш учун Хивага бориб, шу ерда бир неча йил яшаган, хоразмлик ҳофизлар Фарғонага келишган ва шу ерда муқим қолиб кетишган. Абдулла Қодирий асарлари тилини мукаммал ўрганиш, махсус луғат тузиш ёш ижодкорларга, йилига беш-ўнтадан “асар”ни пешма-пеш думалатаётган лағмончи адибларимизга, бундайларни ҳаволантириб, иштаҳа тегирмонига сув қуяётган шитобли ноширларимизга асл адабиёт, боқий умрли асар қандай ёзилишини ўргатиш, шу аснода улуғ адибга яна бир бор ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш учун ҳам зарур.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

(1325–1388)

Форс тилидан
Ошиқ ЭРКИН
таржимаси

ҲАВАСДУР

Сен бирла холи дил қилмоқ ҳавасдур,
Кўнгиллардин хабар билмоқ ҳавасдур.

Бу хом тамани кўрки, қиссам сирин
Муддаийлардин яширмоқ ҳавасдур.

Тун қадри шунчалар азиз, шарафли,
Кун бўйи ҳаддин оширмоқ ҳавасдур.

Вах, нақадар дурдонадир ул нозлим,
Қоронғуда зийнатламоқ ҳавасдур.

Эй насимий, мадад бергил бу кеча,
Саҳаргоҳларда очилмоқ ҳавасдур.

Азбройи киприкларниуг учига
Изларин хокини сурмоқ ҳавасдур.

Рақибларга муқобил Ҳофиз каби
Риндона шеърлар битмоқ ҳавасдур.

САВОБ ҚИЛ

Тонг отди, соқий, қадаҳни пуршароб қил,
Даври фалак тез айланар шитоб қил.

Шарқ соғаридин юз кўрсатди май қуёши,
Айш самарин истасанг, тарки хоб қил.

Кўза ясар бир куни чарх лойимиздан,
Зинҳор косани бош узра пуршароб қил.

Тақводор, тавбачи, лоф ургучимасман,
Соф бода жомин тутиб, бирга хитоб қил.

Аёзда ҳубоб кўрган, эй қадаҳ очгувчи,
Бу чарх асосига қиёсни ҳубоб қил.

Гул айёми умрдек ўтишга қилди шитоб,
Соқий, даврада гулгун бодани шитоб қил.

Бодапарастлик савоб бир ишдир, Ҳофиз,
Тургил, азм айлаю бир кори савоб қил.

ГАР ЗУЛФИГА

Гар зулфига юборсам қўл, бериб тоб борар,
Талаб қилсам ва гар оташ, айлаб итоб борар.

Йўлга наззора қилган бечора янги ой каби
Кўз учи боқиб гўшага, кийиб ниқоб, борар.

Ишқ тариқи серғалваю фитнадир, эй дил,
Йиқилар бу йўлда кимки агар шитоб борар.

Жононлар эшиги гадосин салтанатга йўлатма,
Бу эшиклар соясида қайси офтоб борар?

Кибр шамоли ҳубобни бош ичига тошлар,
Тождорлар ҳам бош эгиб, гўё сароб борар.

Хароб айлар тунлар шароб уйқусизликдан,
Ҳикоят айласам кундузга, уйқу – хоб борар.

Пир бўлиб қолдинг, дилим, тилама нозик ҳусн,
Бундай муомалага, билгилки, шабоб борар.

Тайёр бўлган эса-да, қора сочинг қиссаси,
Кам бўлмас баёз, ошиқ айлаб интихоб борар.

Сен ҳижобинг кўтаргил, тургил Ҳофиз ёнидан,
Хушдир бу йўлга агар кимки беҳижоб борар.

ДИЛБАРИ ЖОНОНИМ МЕНИНГ

Дилбари жононим менинг олди дилу жоним менинг,
Олди дилу жоним менинг дилбари жононим менинг.

Лаълдурки жононим менинг, барҳаёт жоним менинг,
Барҳаёт жоним менинг, лаълдурки жононим менинг.

Равзаи ризвоним менинг хоки сари дўст кўйининг,
Хоки сари дўст кўйининг равзаи ризвоним менинг.

Кўнгли вайроним менинг волову шайдойинг эрур,
Волову шайдойинг эрур кўнгли вайроним менинг.

Юсуфи Канъоним менинг, малоҳати Мисринг сенинг,
Малоҳати Мисринг сенинг, Юсуфи Канъоним менинг.

Сарви гулистоним менинг кўнглимдаги қоматдурур,
Кўнглимдаги қоматдурур сарви гулистоним менинг.

Ҳофизи хушхоним менинг фарёд камолин нақдидур,
Фарёд камолин нақдидур Ҳофизи хушхоним менинг.

ЕТДИ

Ё Раб, ул мушкин оҳу яна Хўтанга етди,
Равон сарви қад бирла гулгун чаманга етди.

Озурда дилу жоним насимга қилди жилва,
Танадин чиқиб ул жон такрор танга етди.

Гўё амринг-ла ою қуёш етди манзилга,
Қамар юзли ёрим қайтиб, яна менга етди.

Сўз бердики, биз сенсиз яшамоқ истамаймиз,
Эшит, элчи, сўзда навбат яна суханга етди.

Тошу тупроқ ақиқи бўлди тўккан кўз ёшларимдин,
Ё Раб, ул қуёш гавҳари яна Яманга етди.

Эй, Ҳумоюнчеҳраю бахтиёр кабутар, бор,
Ҳузурида яна сўз зоғу-зағанга етди.

Ё Раб, Ҳофиз кўзига ул бир ватан бўлган эрди,
Шул эрди ғариб муроди, яна ватанга етди.

ЕЛДИ АЙШНИНГ ГУЛБУНИ

Елди айшнинг гулбуни, соқийи гулъузор қани?
Эсмоқда баҳор насими, бодаи хушгувор қани?

Гулруҳ ёдин эслатар ҳар бир янги гул, вале
Сўз эшитмакка қулоқ, дийдаи эътибор қани?

Базму айш мажлисида ғолиядин йўқдир мурод,
Хушнафас эй тонг ели, хуш атир зулфли ёр қани?

Сабр йўқ ҳуснини сотгувчи гулларда, эй сабо,
Қон дилим қўл урса гар, Оллоҳ ҳақи, нигор қани?

Оразингдин тонг чоғи офтоб агарда урса лоф,
Бўлгай узун душман тили, ул ханжари обдор қани?

Деди: "Лаълимдин менинг қилмасмусен бўса мурод?"
Шул ҳавасдин мурдамен, қудрат ва ихтиёр қани?

Гарчи Ҳофиз сўзда ҳикмат ганжига хазинабон,
Ушбу рўзгор ғамидин уста сухангузор қани?

ГУЛНИНГ ЗАМОНИ

Соқий, бода келтиргил, келди гулнинг замони,
"Тавба!" дегунча тўлиб, ўзгача унинг ёни.

Хорга қасдма-қасд наъра тортиб чаман етгунча
Бўлсин булбулмас, бизга макон гул ошиёни.

Бўстон саҳнида ичгил бода қадаҳ - қадаҳлаб,
Сенга ҳушдил оятлар етказар гул забони.

Келди деб чаманга гул, бўлма фироқдан эмин,
Ёр- шароб истаганга сародир гул бўстони.

Булбуллар каби, Ҳофиз, гул фаслин талаб айлар,
Жон фидо қил йўлига, шод бўлсин гул боғбони.

СОҚИЙ

Менга соқий – Хизр, май – оби ҳаёт,
Гар майдан тавба қилсам, ҳайҳот-ҳайҳот.

Лаби ширинлар лабин тар бодаси,
Эрмас ҳаловатда сув, мисли новвот!

Лутфидан етган насим – Исо дами,
Юз йиллик ўликка бахш этар ҳаёт.

Оташин сув – яъни шаробсиз асло
Бўлмагай ҳал биздаги ҳеч мушкулот.

Ишқ девонидаги кунларга боқ,
Етмагай майсиз равон бизга барот.

Бўлар риднинг арвоҳи шод, агар у
Майпарастлар кўйида топса вафот.

Бу жаҳонда, Ҳофиз, умрнинг ҳосили
Тоза бода, бўша гапдан йўқ нажот.

NASR

Федор ДОСТОЕВСКИЙ

(1821–1881)

АКА-УКА КАРАМАЗОВЛАР

Тўрт қисмли, эпилогли роман[1]

Рус тилидан
Иброҳим ҒАФУРОВ
таржимаси

VIII

СМЕРДЯКОВ РИСОЛАСИ

“Аввало, бу гумонлар қаердан пайдо бўлди? – кейин худди шу саволдан бошлади нутқини Ипполит Кириллович. – Смердяков ўлдирган деб биринчи бўлиб қичқирган кимса судланувчининг ўзи бўлади қамоққа олинаётган пайтда, лекин ўшандан то ҳозирги суд пайтигача тасдиқловчи бирон та далил келтирмади. Сўнг бу айбни яна уч киши такрорлашди: судланувчининг ҳар икки оғайниси ва хоним Светлова. Аммо судланувчининг биродари ўз шубҳасини фақат бугун маълум қилди, унинг ақли зойил бўлиб, иситмаси баланд кўтарилиб турган эди. У бунгача – икки ойдан бери укам Митянинг ўзи айбдор деб келарди. Лекин биз бу билан кейинроқ батафсил шуғулланармиз. Судланувчининг кичик укаси ҳам бугун бизга Смердяков ўлдирган, лекин бунга ҳеч қандай исботим йўқ деб айтди, “унинг башарасидан биламан”, деди. Ҳа, мана шу муаззам далил бу ерда бугун икки маротаба янгради. Хоним Светлова эса балки бундан ҳам азимроқ қилиб айтди: “Судланувчи сизга нима деса, шунга ишонинг, у ёлғон сўзлайдиган одам эмас. Смердяковга нисбатан айблар мана шулар, уларнинг ҳаммаси судланувчининг яқинлари. Смердяковга айбни тўнкаш давом этади, бунга ишонса бўлади, буни тасаввур қилиш мумкин”.

Кейин Ипполит Кириллович андак Смердяковнинг феъл-атворига дахлдор нарсаларни баён қилди: “У ҳаётини оғир тутқаноқ касаллиги, оғир иситма ва алахсираш билан якунлади, – деди у, – ақли кирди-чиқдироқ эди. Маълумоти бору йўқ ҳисоби, бурч ва мажбурият ҳақидаги соғ одамни ҳам чалғитиб қўядиган ғояларни акасидан эшитган ва ақли шошиб

[1] Охири. Романнинг бошланиши журналнинг ўтган 2018 йил 8, 9, 10, 11, 12; 2019 йил 9, 10, 11; 2020 йил 4, 5, 6--сонларида.

қолган эди, Иван Федорович нима учундир уни маълумотли қилишга уринарди. У менга хўжайинининг хонадонидаги охирги вақтлар ҳақида ҳикоя қилиб берган эди. Тутқаноқ касалига гирифтор бўлгани боис у худди товуқдай қўрқоқ экан. Дмитрий қўрқитиб қўйганми, унга хўжайиннинг сир-асрорларини маълум қилиб турар, эшикни тақиллатиш борасидаги махсус белгилар мавжудлиги ҳақида ҳам Митяга у хабар берганди. "Мени ўлдиришади булар, ўлдирмай қўймайди", дер экан у тергов пайтларида. Мана, унинг менга айтган ўз сўзлари: "Менга шундай ёмон бақирадики, ўзимни билмай қолиб, оёғига тиз чўкаман". Хўжайини уни виждонли бўлгани, хиёнат қилмагани учун ёқтирар экан. Руҳшуносларнинг текширишларича, тутқаноқдан азоб чекадиганлар ўзларини тинимсиз айблашга мойил бўлишар, кимнингдир, ниманингдир олдида виждон азобидан қийналишаркан. У хонадондаги шароит сўнгги икки ой ичида хатарли тус олаётганлигини сезиб-билиб юрган: Иван Федорович Масковга кетадиган бўлиб қолганда, ундан ҳозир кетмасликни ёлвориб сўраган. У иш хавфли тус олганда, мени ҳимоя қилади, деб ўйлаган. Ёш хўжайин, барибир, жўнаб кетгач ораси бир соатлардан кейиноқ тутқаноққа гирифтор бўлган. Вазият шундай кескинлашган пайтларда тутқаноқ тутиши ҳам шундай тезлашаркан. Қачон тутишининг вақти-соатини билиш мушкул, лекин беморнинг ўзига сезги бераркан. Тиббиёт шундай талқин этади. Иван Федорович жўнаб кетган заҳоти Смердяковнинг томоғи бўғилиб, нафас ололмай қолади, юмуш билан омборга тушмоқчи бўлади ва омбор зинасидан пастга қулайди. Баъзилар уни ўзини *атайлаб* касал кўрсатган, деб айтишади! Атай деса, хўш, нимага атай? Мақсади, нияти нима? Жаноб суд маслаҳатчилари, жиноят рўй берган куни Федор Павловичнинг хонадонида беш киши бўлишган: аввало, Федор Павловичнинг ўзи, лекин у ўзини ўлдирган эмас-ку, бу равшан; иккинчиси – унинг хизматкори Григорий, аммо унинг ўзини ўлдириб қўйишларига оз қолди; учинчиси – Григорийнинг хотини, хизматчи оқсоч аёл Марфа Игнатьевна, бироқ хўжайинни у ўлдирган дейиш ҳеч бир ақлга сиғмайди. Демак, яна иккита одам қолади, булар – судланувчи ва ниҳоят, Смердяков. Лекин судланувчи ўламансаттор, мен ўлдирмаганман, деб оёқ тираб турибди, демак, унда Смердяков ўлдирган бўлиб чиқади, бошқа йўл йўқ, бошқа қотилни ўйлаб топиш қийин. Шўрликни айбдор деб топиш, бўйнига гуноҳи азим қўйиш мана шундан келиб чиққан. Смердяковни қотил деб айблашда ҳеч қандай маъно йўқ!

Жаноблар, қўяйлик шу психологияни, қўяйлик шу тиббиётни, ҳатто мантиқни ҳам қўя турайлик, фақат далилларга мурожаат этайлик. Нима дейди бизга далиллар? Хўп, Смердяков ўлдирган бўлсин, қандай? Бир ўзими ёки судланувчи билан шерикликдами? Дейлик, Смердяков бир ўзи ўлдирган бўлсин. Ўлдирган бўлса, нимагадир ўлдирган-ку? Бирон фойда олмоқчи бўлгандир-ку? Смеряков фақат пул учун ўлдириши мумкин эди, айни ўз кўзи билан кўрган уч мингни олиши мумкин эди. У шунда бу пулга ўлгудай қизиқиб турган кимсага, яъни айни Дмитрий Федоровичга хуфия тарзда буни хабар қилади. Ичкарига кириш учун эшикдан кириш сирини очади. Нима, бу билан у ўзини тамомила фош қилмоқчимиди? Ёки ўзига рақиб топмоқчимиди? Кишилар ҳа, деб жавоб берадилар, лекин у қўрққанидан айтиб қўйди-ку? Лекин у ҳеч қачон бундай қилмаган бўларди, пакетни, пакетга солинган пулни, у қаерга қўйилганини ўла

қолса бировга айтмасди, ўзини фош қилиб қўймасди. Агар унинг ўзи оғиз очмаса, бу дунёда ҳеч ким унинг пул ўғирлагани, одам ўлдирганини ҳеч қачон билмасди. Ҳеч қачон уни эмас, балки бутун оламга ўлдираман деб, жар солиб юрган Дмитрий Федоровични айбдор деб тутишарди. Смердяков ўлдирган, талончилик қилган, лекин Митя айбдор бўларди.

Смердяков кўзлаган қотилликни адо этиш куни етиб келади, у тутқаноқ тутганга солади ўзини. Григорий эса ўзининг касалини ҳам унутиб, уйни кўриқлайдиган одам қолмади деб, қоровул бўлиб ўтиради. Смердяковни қараб туриш осон бўлиши учун Григорийнинг хонасига кўчирадилар. Смердяков тун бўйи инграб ётади, эр-хотинга уйқу бермайди, хўжайинни ўлдириш учун қулай вақтни кутиб ётади!

Смердяков пакетга солинган пул ва хўжайиннинг уйига кириш учун шартлашилган эшикларни очиш белгиларини судланувчига *ўзи* маълум қилганлигини айтди. Агарда у судланувчига шерик бўлса, буни терговда маълум қилармиди? Фақат бегуноҳ кишигина шундай қилиши мумкин. Мана, у тутқаноқнинг азоб-уқубатларидан абгор бўлиб, кеча ўзини-ўзи осиб қўйибди. Бир оғизгина сўз ёзиб қолдирибди: "Ўз ирода ва хоҳишим билан ўз ҳаётимга чек қўяман, ҳеч кимни айбдор деб билмайман". Қотил Карамазов эмас, менман, деб қўшиб қўйса бўларди-ку ахир. Бироқ бундай қилмаган: биттасига етган виждони иккинчисига етмаган, қаранг-а?

Энди қаранг, кеча бу ерга судга пул келтиришди – уч минг рубль – "бу анави пакетга солинган ўша уч минг рубль, уни кеча менга Смердяков берди". Лекин жаноб суд маслаҳатчилари, ўзингиз ўйлаб кўринг. Биринчидан, кеча Смердяков виждони қийналиб, пулни қайтариб бериб, кейин ўзини осибди. (Зотан, виждони қийналмаганда, у пулни қайтариб бермасди.) Ва фақат кеча кечқурун Иван Карамазовга ўз жиноятини маълум қилибди, Иван Карамазов шундай деди, аммо нега шу пайтгача буни айтмай жим ўтирган? Смердяковнинг ўзи тан олибди, лекин нега ўлими олдидан ёзган сўзига буларни қўшиб қўймаган? Ахир, биларди-ку эртага даҳшатли суд бўлишини? Ёлғиз пулнинг ўзи далолат бўлолмайди-ку. Менга ва бу залда ўтирган яна бир-икки кишига тамомила тасодифан шу нарса маълум бўлиб қолдики, Иван Федорович бир ҳафта бурун вилоят шаҳрига киши юбориб, ҳар бири беш мингликдан бўлган иккита қимматбаҳо қоғозни, яъни ўн минг рублни майдалаттириб келтирган. Мен айтмоқчиманки, пул ҳамманинг қўлида ҳам бўлиши мумкин, уч минг рублни олиб келиб, мана ўша уч минг дея исботлаб бўлмайди. Ниҳоят, Иван Карамазов кеча ҳақиқий қотилдан шундай муҳим гапни эшитиб, индамай туради. Нега у дарҳол буни керакли жойга маълум қилмади? Нега ҳаммасини эрталабга қолдирди? Фаҳмимча, ўз тахминимни билдиришга ҳақлиман, унинг ўзи бир ҳафтадан бери оғир касал эди, докторларга кўзимга турли нарсалар кўриняпти, деб шикоят қилган, ўлган одамларни кўряпман деган; қаттиқ иситмалаш арафасида у бирдан Смердяковнинг ўлганидан хабар топиб, балки шундай мулоҳазаларга борган: "Одам ўлибди, унинг ҳисобидан айтса бўлади, акамни қутқараман. Пулим бўлса бор, Смердяков ўлими олдидан менга берди дейман". Сиз буни ғирром гап дейсиз, ўлган одамнинг оғзидан бундай дейиш ғирром, ҳатто акасини қутқариш-чун бўлса ҳам бу, барибир, ғирром. У ғайришуурий ёлғон гапирган бўлса, нима? У балки шундай тасаввур қилгандир? Хизматкорнинг ўлими унинг онгига бирдан шундай оғир таъсир қилгандир? Эси оғиб қолгандир? Боягина кўрдингиз

бу одам қандай аҳволда бўлганлигини? Тик оёқда туриб гапиряпти-ю, лекин ақл-идроки қандай эди? Ундан сўнг хоним Верховцева томонидан судга судланувчининг қотилликдан икки кун олдин ёзилган иқрор хати тақдим этилди. Ҳа, жаноб суд маслаҳатчилари, қотиллик худди "ёзиб қўйилгандек" амалга оширилган эди. У ҳовлига орқадан киргану ишни амалга оширган, ёстиқ тагига қўлини тиқиб пакетни олишни унутмаган, жилднинг йиртилиб очилган қоғози шу ерда, ашёвий далиллар ичида турибди, ана. Эътибор беринг, агарда у пихини ёрган қотил бўлса, конвертни йиртиб қоғозини ерда асло қолдирармиди? Мисол учун, Смердяков, у пакетни ўзи билан бирга олиб кетган бўларди. Дмитрий Карамазов эса пакетни шу ернинг ўзидаёқ очиб, пулни чўнтагига солиб, ўзининг орқасидан азамат бир далолат қолдириб қочади. Хизматкор унинг кетидан қувади, охири этагидан тутади ва мис даста зарбидан ерга қулайди. Судланувчи қочиб кетатуриб унга раҳми келиб қарайди: тирикми, ўликми? Кейин бошдан-оёқ қонга беланган ҳолда маъшуқасининг уйига ҳаллослаб етиб боради. Усти-боши қон эканига ҳам қарамайди. Аммо жиноятчиларда баъзан шундай бўлади. Бир ёқдан ҳаммасини ҳисобга олади, бошқа ёқдан калласи мисқолча ишламайди. Ўша дамларда *қиз* қаерда эди, деган саволдан бўлак хаёли йўқ эди. Шунинг учун унинг уйига келиб, маъшуқа илгариги қаллиғи билан Мокроега жўнаб кетган, деган улкан бир хабарга дуч келади.

IX

ШИДДАТКОР РУҲИЯТ. УЧИБ БОРАЁТГАН ТРОЙКА. ПРОКУРОР НУТҚИНИНГ ХОТИМАСИ

Ўз баёнида тарихийлик усулини қўллаган Ипполит Кириллович нутқининг шу ерига келганда, гапни "собиқ", "шубҳадан ҳоли" қалликка улаб кетди ва бу борада бир қанча ўзига хос қизиқ фикрлар айтди. "Карамазов ҳаммага қутуриб рашк қилса ҳам, лекин "собиқ" ҳамда "шак-шубҳадан ҳоли" олдида миқ этиб оғиз очмайди. У илгари ҳам бу хатарга сира эътибор бермасди, ахир, бу ҳам рақиб сирасидан эди-ку. Аммо буни жуда узоқ бир нарса деб ўйларди, Карамазов фақат ушбу дам билан яшарди. Балки уни бўлмаган бир нарса деб ҳисобларди. У маъшуқаси учун бу рақиб унинг бутун орзу-умиди, ҳаётининг мазмуни эканлигини сезиб, дарров бўйнини қисди. Ҳақиқат шуки, у ноҳақ тўккан қон шу дамда қасос деб чинқирди, ўз ҳаётини, қисматини барбод қилган бу одам ўша дамда буни беихтиёр ҳис қилди ва ўз-ўзини сўроққа тутди: "*Энди* мен бу аёлнинг олдида кимман, уни жонимдан ҳам яхши кўраман, аммо манави "собиқ" қаллиқ олдида кимман, у ташлаб кетган аёли қошига яна қайтиб келибди, янги муҳаббат ваъда айлабмиш, бахтли турмуш қуришга чорлабди. Аммо мен, ҳа, мен *энди* бу аёлга нима бероламан, нима ваъда қилоламан?" Карамазов бунинг барини тушунди, жиноят энди унинг барча йўлларини тўсганлигини англади, энди мен фақат қатлга ҳукм қилинадиган махлуқман, деди, мен энди яшашдан маҳрум бўлдим! Бу фикр уни батамом абгор қилди. Бирон ичида унинг хаёлида бир режа ёниб аланга олади. Ечиб бўлмас мушкулотдан чиқишнинг бирдан-бир йўлини ўзини-ўзи ўлдиришда кўради. Перхотинга гаровга қўйган

тўппончаларини қайтариб олиш учун югуради. Уни виждон азоблари тинимсиз ўртайди. Бу ўртанишларга фақат тўппонча чек қўяди!

Шу ерларга келганда, Ипполит Кириллович Митянинг йўлга тайёргарлик кўришлари, Перхотинникига, дўконга боргани, аравакашларга учрашганларини баён қилди, жуда кўп гувоҳликлар келтирди. Азобуқубатлар ўрамида галдираб қолган инсоннинг даҳшатли аҳвол-руҳияси тингловчиларга қаттиқ таъсир қилди. Маълумотлар бир ерга жамланиб даҳшатли кучга айланди. Буни ҳамма ўтирганлар ҳис қилдилар. Гирдоб ичида омонсиз тўлғонаётган одамнинг айбдор эканлиги рад этиб бўлмас даражада исботини топди. Унинг мақсади омон-эсон Мокроега етиб бориш ва у ерда достонни тугатиш, унга барҳам бериш эди. Лекин бу ерда рақиблар рақибдай кўринмади, рақиб устидан тўла ғалабага эришди, шунда унинг қалби ўзининг янги бир босқичига кирди ва бу унинг бошидан кечган босқичларнинг энг даҳшатлиси эди! Ҳақир табиат ва жинояткор қалб ҳар қандай одил суддан ҳам ортиқ ўз-ўзидан қасос оларди. Маъшуқа уни танлади, уни янгиланган бахтли замонлар ҳаётига биргаликда боришга чорлади. Мана шу эҳтиросларга тўла чорлов уни ўша дамларда ўлимдан асраб қолди, у ҳатто тўппончаси қаердалигини ҳам унутди. Уни қиз олдида чўк тушиб ўтирган чоғида қамоққа олдилар.

Мана энди у ўз тақдирининг ҳукмини кутмоқда. Жаноб суд маслаҳатчилари, биз ўз вазифаларимизни адо этарканмиз, ўзимиз ҳам инсон қошида қўрқиб, ҳавлга тушамиз – бу инсон олдидаги қўрқинч! У: "Отамнинг ўлимида мен айбдор эмасман!" деб қичқирмоқда. "Мен ўлдирмадим!" демоқда. Ипполит Кириллович Митянинг айбдорлигини мустаҳкам муҳрлаш мақсадида яна жуда кўп такрорланган майда тафсилотларни қайта-қайта тилга олди, ҳукм адолатли бўлишига ўз назарида йўл очди. Судланувчини оқлайдиган ҳеч қандай ишончли маълумот йўқ деган фикрда тўхтади ва охири нутқининг якунига етиб келди. У худди безгак тутгандек қалтирар, далилларнинг омонсиз кучига урғу берарди. "Жаноби суд маслаҳатчилари, судланувчининг юксак истеъдодли ҳимоячисидан қандай гапларни эшитманг, – деб охири ўзини тутолмади Ипполит Кириллович, – бу ерда қанчалик чиройли ва таъсирчан янграмасин, ҳиссиётларингиз қанчалар жунбушга келмасин, барибир, эслангиз, сиз қутлуғ адолат даргоҳидасиз. Эслангиз, сиз ҳақ ҳимоячиларидирсиз, муқаддас Россиянинг ҳимоячилари, унинг асослари, унинг хонадонлари, барча муқаддас негизлари ҳимоячиларисиз! Ҳа, сиз худди шу онда бу ерда Россиянинг вакилисиз, сизнинг ҳукмингиз фақат шу залдагина эмас, бутун Россияда янграйди, бутун Россия сизни ўз ҳимоячилари каби тинглагай, сизнинг ҳукмингизни ё муносиб топгай, ё номуносиб. Россияни қийнаманг, унинг умидларини оқланг. Бизнинг мудҳиш тройкамиз сурон солиб учиб бормоқда, балки у ҳалокат сари тинмай елмоқда. Қачонлардан буён бизнинг Россиямизда қўлларини кенг ёзиб, қутурган, беқоида пойгани тўхтатишни илтижо қилмоқдалар. Агарда ҳозир қутуриб чопаётган машъум тройкадан бошқа халқлар ўзларини четга тортаётган бўлсалар, бу балки унга ҳурмат-эътибор юзасидан эмасдир, балки шоир фақат шуни хоҳлагандир, эҳтимол, улар тушган даҳшатдандир, буни қайд этиб қўйингиз. Даҳшатдан ва балки нафрат ҳамда ёмон ижирғанишдандир, э, ҳали бу ҳам яхши – четланганлари, мабодо, четланмай йўл ўртасида

маҳкам тураверсалар-чи, қўрқинчли рўё қошида метин-мустаҳкам қад кўтарсалар-чи, бизнинг чексиз бебошлигимизни ўзлари тўхтатсалар-чи, шу тариқа ўзларини, цивилизацияни, маърифатни қутқарсалар-чи! Бу ташвиш-хавотирларни Европа томонлардан эшитиб турибмиз, овоз-овозалар кўтарилмоқда. Уларнинг сабр косасини тўлдирмангиз, ўз ҳукмингиз билан уларнинг тобора ортиб бораётган қаҳр-ғазабини тўлдирмангиз, падаркушни ҳеч қачон оқламангиз!..”

Хуллас, Ипполит Кирилловичнинг қораловчи нутқи ғоятда чўзилиб кетган бўлса-да, барибир, кўтаринкилик билан тугатди ва ҳақиқатан, кучли таассурот қолдирди. Унинг ўзи нутқини тугатиб шоша-пиша чиқди ва бошқа хонада ҳушидан кетди. Зал қарсак чалмади, аммо жиддий одамларга маъқул тушгандай эди. Фақат хонимларга у қадар маъқул эмасди, лекин ҳар қалай нутқнинг фасоҳати уларга пўрим тушди, улар оқибатлардан чўчимас эдилар, ёлғиз Фетюковични интизор кутар, “унга ниҳоят сўз тегар ва албатта, барчасини енгиб чиқар!” дердилар. Ҳамманинг кўзи Митяда эди, у прокурорнинг нутқи давомида қўлларини сиқиб, тишини-тишига босиб, кўзларини қуйи тикиб жим ўтирди. Гоҳо бошини кўтариб, қулоқ соларди. Айниқса, гап Грушенька тўғрисида борганда шундай бўлди. Прокурор Ракитиннинг қиз ҳақидаги фикрларини айтаётганда, унинг юзида нафратомуз ва аччиқ илжайиш пайдо бўлди, анча-мунча эшитиларли қилиб: “Бернар!” деб қўйди. Ипполит Кириллович Мокроеда уни қандай қийнаб савол-жавобга тутгани ҳақида сўзлаганда, Митя бошини кўтарди ва қаттиқ қизиқиб қулоқ солди. Нутқнинг бир жойига келганда, у ҳатто ўрнидан сакраб туриб, нимадир деб қичқирмоқчи бўлди-ю, ўзини босди ва фақат нафратланиб елкаларини учириб қўя қолди. Нутқнинг ушбу хотимаси ҳамда айнан жиноятчини тергов қилиш пайтида прокурорнинг Мокроеда кўрсатган жасорати борасида жамоатчилигимиз ўртасида кейинчалик гапириб юришди ва Ипполит Кириллович устидан кулишди: “Ўзини тўхтатолмаганини қаранг, мақтангиси келди-да”. Мажлис жуда қисқа муддатга танаффус қилди, бор-йўғи ўн беш-йигирма дақиқа. Одамлар ўзаро гаплашардилар. Мен айримларинигина эслаб қолдим:

– Жиддий нутқ! – бир жаноб тўда ичида туриб тумтайиб шундай деди.

– Психология билан тоза ўраб ташлади-да, – бошқа ёқдан эшитилди яна бир овоз.

– Ахир, ҳаммаси тўғри-да, чин ҳақиқат!

– Ҳа, у бунга уста.

– Хотима ясади.

– Бизга ҳам, бизга ҳам хотима ясади, – қўшилди учинчи овоз, – эсингиздами, нутқининг бошида ҳаммани Федор Павловичга ўхшатди-я?

– Якунида ҳам. Фақат бу гапи ёлғон.

– Ноаниқликлар ҳам бўлди.

– Берилиб кетди-да.

– Адолатдан эмас, адолатдан эмас.

– Йўқ ундаймас, барибир, қойил қилди. Вақти-соати келишини кутган экан-да бу киши, ана, айтди-қўйди, ҳе-ҳе!

– Энди ҳимоячи нима деркин?

Бошқа бир тўда ичида:

– Бекор петербургликка тегизиб айтди: “туйғуларни ўйнатиб юборадиганлар”, эсингиздами?

– Ҳа, тўғри қилмади.

– Шошди.

– Асабий одам.

– Мана биз кулишяпмиз, судланувчининг аҳволи қандай экан?

– Ҳа-я. Митеньканинг аҳволи қанақайкин?

– Ҳимоячи нима деркин-а?

Учинчи тўда ичида:

– Ҳов анави четда лорнет билан ўтирган хоним ким бўлди, а, семиз?

– Битта генералнинг хотини, ажралишган, мен уни биламан.

– Дастали кўзойнак.

– Сатанглар.

– Йўғ-е. Сўлқиллаган экан.

– Ундан сал нарида оппоққинаси ўтирибди, анча дуруст.

– Митяни Мокроеда боплаб тутишибди-да, тўғрими?

– Боплашга боплаган. Яна қайтадан гапирди. Буни у қаерга борса гапириб юради.

– Яна ўзини тўхтатолмади, яна гапирди. Ўзига ёқади-да.

– Дилида гинаси бор, хе-хе!

– Жуда дилгир. Бунинг устига қуруқ гап кўп, иборалари чувалиб кетган.

– Эътибор бердингизми, яна нукул қўрқитади, қўрқитади яккаш. Тройкаси эсингиздами? “Европада Ҳамлетлар, бизда фақат Карамазовлар!” Қойил-е!

– У либерализмга писанда тоши отяпти. Қўрқади!

– Адвокатдан ҳам қўрқади.

– Ҳа-я, жаноб Фетюкович нима деркинлар?

– Нима демасин, барибир, бизнинг эр йигитларни ўрнидан тебратолмайди.

– Сиз шундай фикрдамисиз?

Тўртинчи тўда ичида:

– Тройка ҳақида яхши айтди, халқларни тилга олди-ку.

– Ростданам тўғри-да, эсингдами, халқлар кутиб ўтирмайди, дегани.

– Нима бўпти?

– Ўтган ҳафта Англия парламентида аъзолардан бири нигилистлар борасида ўрнидан туриб вазирликдан ёввойи миллатнинг ишларига аралашиш вақти етмадими, уларнинг саводини чиқариш пайти келмадими, деб сўраган. Ипполит ўшани гапирди, мен биламан буни. У ўтган ҳафта шу ҳақда гапирган.

– Балчиқдаги қушлар-да, қаёққа борарди.

– Қанақа қушлар? Қаёққа боради деганингиз нимаси?

– Э, биз Кронштадтни ёпиб қўямиз, уларга буғдой бермаймиз. Бошқа қаердан ҳам оларди?

– Америкадан олади. Энди Америка.

– Бўлмаган гап.

Аммо қўнғироқ чалинди, ҳамма ўз жойига шошилди. Минбарга Фетюкович кўтарилди.

X

ҲИМОЯЧИ НУТҚИ. КАЛТАКНИНГ ИККИ УЧИ

Машҳур нотиқнинг илк сўзлари янграганда, ҳамма жим бўлди. Бутун залнинг кўзи унга тикилди. Сўзини ғоятда тўғри, содда, ишонч билан бошлади, калондимоғликдан асар ҳам кўринмади. На сохта сухандонлик, на кўтаринки оҳанг, на ҳиссиётларни қитиқлайдиган қочиримлар. У худди бир-бирига яқин хайрихоҳ одамларнинг маҳрамона даврасида сўзлаётгандек эди. Овози ўктам, баланд, ёқимли ва шу овознинг ўзидаёқ қандайдир содда самимият жаранглаб кетди. Лекин ҳамма дарҳол яна шуни англаб етдики, нотиқ керак бўлса, ҳақиқий кўтаринки қилиб сўз юритиши мумкин, "юракларни ақл бовар қилмас қудрати билан ларзага солса"[1] ҳам ажабмас. Эҳтимол, у Ипполит Кирилловичдан кўра андак бошқачароқ йўсинда сўйлар, лекин иборалари мухтасар ва аниқ эди. Фақат бир нарса хонимларга андак ёқинқирамагандай бўлди: у, айниқса, нутқининг аввалида елкаси билан нечукдир эгилар, аммо бу таъзим-тавозега ўхшамас, гўё ўз тингловчилари сари интилиб, парвоз қилиб бораётгандек, эгилганда ҳам қандайдир елкасининг ярми билан, худди елкасининг қоқ ўртасида айланиб турадиган соққа қўйилгандек эгилар эдики, тўғри бурчак ҳосил қилиб айлана оларди. Нутқининг бошини қулоч ёйиб озод бошлади, гўё худди бир аниқ тизими йўқдай, далиллари ҳам алпонг-талпонг ёйилиб кетгандай, лекин охир-оқибат яхлит бутунлик чиқди. Унинг нутқини қандайдир икки бўлакка бўлиш мумкин эди: биринчи қисми – танқид, қораловни рад этиш, баъзан бу ғоятда қаҳрли ва ўткир истеҳзога йўғриларди. Аммо нутқнинг иккинчи қисмига ўтгач, бирдан қандайдир оҳанги ҳам, усули ҳам ўзгарди ва бирваракай кўтаринкилик касб этди, зал эса худди шуни кутиб тургандек, завқи тошиб қўзғалиб қолди. У гапни ёнбошидан олди ва шундан бошладики, гарчи хизмат доираси Петербургда бўлса ҳам, судланувчиларни ҳимоя қилиш учун Россия шаҳарларида хизмат ишлари билан юради, кўпроқ олдиндан айбсизлигига ишонган ҳамда ҳис қилган ҳолларда қўл уради. "Ҳозирги ҳолда ҳам шундай аҳвол содир бўлди, – деб тушунтирди у, – илк газета хабарлари билан таниша бошлаганимдаёқ, судланувчининг ғоятда ҳайратланарли вазияти кўз ўнгимдан липиллаб ўтди. Бир сўз билан айтганда, битта юридик далил жуда қизиқтириб қўйди, бу адлия амалиётида учраб туради, лекин ҳеч қачон айни ишдагидек бунчалар тўла ва ўзига хос хусусиятлари билан намоён бўлмайди. Мен ушбу далилни сўзимнинг хотимасида, уни тугатаётганда ифодалаб бермоқчи эдим, бироқ фикримни олдинроқда ҳам айтавераман, зеро, таъсирли жойларни яшириб ўтирмай, таассуротларни сиқиштирмай гапни тўғридан-тўғри пўсткалласидан бошлашга нечукдир ишқивозроқман. Бу мен томонимдан балки унча тўғримасдир, лекин самимийроқдир. Менинг ушбу фикрим, ушбу ифодам қуйидагича: далилларнинг кўпчилиги судланувчига қарши ва шу билан бирга, агар далилнинг ўзини алоҳида олиб қаралса, бирон таси танқидга дош беролмайди! Кейин газеталар ва овозаларга қулоқ солиб, ушбу фикрим тўғрилигига қойил бўла бошладим, сўнг кутилмаганда судланувчининг

[1] А.С.Пушкиннинг "Нотанишга жавоб" шеъридан.

қариндошларидан уни ҳимоя қилиш учун таклиф қоғози олдим. Дарҳол йўлга тушдим ва бу ерга келиб батамом ишонч ҳосил қилдим. Мана шу далиллар мажмуини мен ажратиб ташламоқчиман ҳамда ҳар бир қораловчи далилни алоҳида олинган ҳолда мутлақо исботланмаганлиги ва ақл бовар қилмас нарса эканлигини кўрсатмоқчиман, шунинг учун бу ишнинг ҳимоясини устимга олдим".

Ҳимоячи сўзни шундай бошлади ва бирдан хитоб қилди:

"Жаноб суд маслаҳатчилари, мен бу ерда янги одамман. Шу таассуротлар жўрттага елкамга қўнгани йўқ. Судланувчи асов ва қутурган одаму мени ҳеч хафа қилмаган, ҳолбуки, бу шаҳарда ундан ранжиганлар юзлаб, балки шунинг учун ҳам унга аввалдан нохолис қарашади. Албатта, мен ҳам тан оламан, бу ердаги жамият ўз ахлоқий қарашлари ва ҳиссиётларига путур етказилган деб ҳисоблайди, бунда у ҳақ. Судланувчи жиловсиз ва баттол. Бироқ бу ердаги жамиятда уни бемалол меҳмон қилиб кутишган, ҳатто юксак иқтидорли қораловчининг хонадонида уни яхши қабул қилишган. (Изоҳ. Бу сўзлардан сўнг жамоат ўртасида у ер-бу ерда ҳиринглаган товушлар эшитилди, лекин улар дарров босилди, аммо аҳли таъб эътибор бериб қўйди. Прокурор Митянинг ўз хонадонига келишини хушламас, буни ҳамма биларди, фақат прокурорнинг хотини нечукдир уни ёқтирар ва меҳмонга чақириб турарди, бека кенг феълли, ҳурмат-иззатга сазовор, айтганини қилдирадиган, кўнглига келганидан қайтмайдиган, баъзи бир ҳолларда, айниқса, майда-чуйда ишларда эрига қайсарлик қиладиган хоним эди. Лекин Митя уларнинг уйларида камдан-кам бўларди). Шу билан бирга, ақли ожизимча, – давом этарди ҳимоячи, – менинг мухолифим ўз фикрли ҳамда тийнати адолатли одам бўлишига қарамасдан, шўрлик мижозимга нисбатан айрим нотўғри қарашларда юрган бўлиши мумкин. О, бу жудаям табиий, шўрлик судланувчи ўзига нисбатан шундай нотўғри муносабатларда бўлишга сазовор ишлар қилган. Киши ўзини ахлоқий ё эстетик томондан таҳқирланган деб сезса, бу ҳиссиёт омонсиз бўлади. Албата, биз юксак иқтидорли қораловчи нутқида судланувчининг феълатвори, хатти-ҳаракатларига доир ғоятда жиддий таҳлилларни эшитдик, ишнинг моҳиятига дахлдор психологик теран тушунтиришларга гувоҳ бўлдик, мабодо судланувчининг шахсиятига нисбатан қайси бир тарздадир атайин ёмон муносабатда бўлинса эди, ҳеч қачон таҳлилда бунчалар теранлик юзага чиқмасди. Лекин яна шундай нарсалар мавжудки, бу ишга бошдан атайин жуда ёмон муносабатда бўлишдан ҳам кўра ёмонроқ ва ҳалокатлироқдир. Яъни, мисол учун, бизни баайни бадиий ўйин ўзига қамраб, чирмаб олса, бадиий ижод эҳтиёжи деймизми, роман яратиш деймизми, бунинг устига яна психологик лаёқатларимиз бой ва бепоён бўлса, худойим иқтидорларимизни ана шу нарса билан кучайтирган эса не ажаб. Ҳали бу ерга келмасимдан, Петербургдалик пайтимдаёқ кўнглим мени огоҳлантирган эди – яна ўзим бу огоҳлантиришсиз ҳам билардимки, бу ерда теран ва ғоятда нозик психологик қобилиятга эга мухолифга дуч келаман, ҳеч бир ажабмаски, у ўзининг бундайин хусусияти билан бизнинг ҳали ёш адлия соҳаларимизда алоҳида шуҳрат қозониб, таҳсинга сазовор бўлмиш. Аммо, жаноблар, психология ғоятда теран нарса бўлса ҳам, барибир, у икки учи бўлган калтак мисоли (жамоат ичида кулган овозлар эшитилади). О, сиз мени бу сийқа мажозим учун кечиргайсиз-да, мен ширинсухан одам эмасман. Лекин мана ўзингиз қаранг – қораловчининг

нутқидан тўғри келган бир мисолни келтирай. Судланувчи кечаси девор ошиб ўтаётиб, орқасидан келиб этагига ёпишган хизматкорнинг бошига мис даста билан туширади. Кейин дарҳол боққа сакраб тушиб, ерда қулаб ётган одамнинг устида ўралашади: ўлдими у, ё қолдими, деб. Мана энди қаранг, қораловчи судланувчи тўғри кўрсатма берганига ҳеч ишонгиси келмайди, қария Григорийга раҳми келиб пастга қайтиб тушганига ақли бовар қилмайди, "Шундай дамда шунақа раҳмдиллик бўлиши мумкинми, бу ақлга тўғри келмайди, судланувчи фақат ўз жиноятига бирдан-бир гувоҳ бўлган киши тирикми, йўқми, деб сакраб тушган, жиноят қилганини яна бир карра тасдиқлаган, девордан яна сакраб боққа тушишининг бундан бошқа маъноси йўқ, раҳмдилликка ўрин қолибдими?" Ана, психология, лекин келинг, шу психологиянинг ўзини олиб уни ишга татбиқ қилиб кўрайлик. Фақат бошқа томондан, бунда ҳам ҳақиқат бордай кўринади ва бу аввалгидан кам эмас. Қотил эҳтиёт юзасидан пастга сакраб тушади, гувоҳ ўликми, тирикми, ишонч ҳосил қилмоқчи, ҳолбуки, у ўзи ҳозиргина ўлдирган отасининг хонасида, қораловчининг фикрича, ўзига қарши муаззам бир далил қолдиради, бу йиртилган жилд, унинг устига уч минг солингани ёзиб қўйилган. "У агарда бу пакетни ўзи билан бирга олиб кетсайди, дунёда ҳеч ким ҳеч қачон билмасди: бу пакет бўлганмиди, ичига пул солинганмиди ва бу пул судланувчи томонидан ўғирланиб кетилганмиди". Бу қораловчининг ўз сўзлари. Хўп, кўрдингиз, эҳтиёткорлик етишмади, у ўзини йўқотиб қўйди, қўрқиб қочиб кетди, полда ўзига қарши далил қолдирди. Аммо шундан икки дақиқача кейиноқ бошқа яна бир одамга зарба бериб ўлдиради ва ана энди бераҳмлик билан ҳисоб-китоб қилади, биз буни тушундик. Майли, майли, шундоқ бўла қолсин, психологиянинг нозиклиги ана шунда-да, мисол учун, мен мана шундай ҳолларда худди Кавказ бургутидай назарим ўткир ва қонга ташнаман, бир сониядан сўнг эса кўрсичқондай кўр ва қўрқоқман. Мен шунчалар қонхўр ва даҳшатли ҳисоб-китоб эгаси эканман, ўлдириб бўлиб тағин девордан пастга сакраб тушиб, охирги гувоҳ ўлдими, йўқми, деб қарашнинг нима ҳожати бор эди, яна беш дақиқача ўлганнинг тепасида туришнинг ва яна, эҳтимол, янги гувоҳлар орттиришнинг? Ағдарилиб ётган одамнинг бошидаги жароҳат қонини рўмолча билан артишнинг нима кераги бор, кейин бу рўмолча ўзига қарши яна бир далил бўлсин дедими? Йўқ, мабодо, биз шунчалар ҳисобдон ва тошбағир эканмиз, девордан пастга сакраб тушгандан сўнг ерда ётган хизматкор бошига яна ўша дастанинг ўзи билан бир неча марта уриб, батамом ўлдириб, гувоҳ сифатида йўқотиб, хотиржам бўлсак маъқул эмасмиди? Ниҳоят, мен боққа яна сакраб тушиб, гувоҳ ўлдими, йўқми, деб қарайман ва шу ернинг ўзида бошқа бир далил қолдираман, анави иккита хотин кўрган ва ўзларига тегишли эканлигини ҳар қачон тасдиқлаши мумкин бўлган мис дастани-я. Даста сўқмоқда шунчаки тушиб ётгани йўқ: биз уни айнан қуролимиз сифатида улоқтириб юбордик, ахир уни Григорий қулаган жойдан ўн беш қадамча наридан топмадикми. Нега биз бундоқ қилдик экан-а, деган савол келади. Бунинг сабаби шуки, биз ўзимизнинг кекса хизматкоримизни ўлдириб қўйдик, аламимиз келди, ғазабимиз қўзиб, сўкиниб дастани улоқтириб юбордик, одам ўлдирган қурол дедик, бошқача бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда, жон-жаҳд билан шунча узоққа улоқтирилармиди? Одам ўлдириб қўйиб, бундан азоб-уқубат чеккан бўлсангизу, ишқилиб, отамни ўлдирмабман, деб енгил

тортсангиз: отани ўлдирган чоғда, бошқасига раҳмингиз келиб, олдига сакраб тушмасдингиз, унда сизда бошқача сезги бўларди, раҳм қилишга йўл қолмасди, жонингизни қутқариш пайида бўлардингиз, бу ўзи шундай. Унинг бошини яна бир карра мажақлардингиз ва беш дақиқангизни унинг тепасида туриб кеткизмасдингиз. Шафқат ва одамгарчиликнинг ўрни топилган экан, демак, бундан олдин виждонингиз тоза бўлган. Мана сизга бошқа бир психология. Мен, жаноб суд маслаҳатчилари, атай психологияга мурожаат қилдим, психологиядан исталган нарсани келтириб чиқариш мумкинлигини исботлашга интилдим. Гап унинг қандай қўлларда экани-да. Психология ғоятда жиддий одамларни ҳам романга тортиб боради ва беихтиёр рўй беради. Мен ортиқча психология ҳақида айтяпман, жаноб суд маслаҳатчилари, уни айрим ҳолларда суиистеъмол қилиш тўғрисида гапиряпман".

Шу ерга келганда, жамоат ўртасида яна маъқуллагандай кулгилар эшитилди, калтакнинг учи прокурорнинг бошига тушмоқда эди. Алҳол, ҳимоячининг барча сўзларини батафсил келтириб ўтирмайман, айрим жойларини оламан, энг муҳим жойларини.

XI

ПУЛ ЙЎҚ ЭДИ. ТАЛОНЧИЛИК ҲАМ БЎЛМАГАН

Ҳимоячи нутқида ўша машъум уч мингнинг ўзи, аслида бўлмаганлиги ҳақида айтилган бир гап бор эдики, бу ҳаммани ҳайрон қилиб қўйди, пулнинг ўзи бўлмагач, уни ўғирлашнинг ҳам ҳеч иложи йўқ-да.

"Жаноб суд маслаҳатчилари, – гап бошлади ҳимоячи, – ушбу ишнинг ҳар қандай холис ва тўғри одамни ҳайратга солиб қўядиган бир хусусияти бор, яъни талончилик айби қўйилмоқда-ю нима талон қилинганлиги аниқ кўрсатиб берилмаяпти. Эмишки, пул ўғирланган – уч минг, лекин аслида бу пулнинг ўзи бормиди – буни ҳеч ким билмайди. Ўзингиз ўйланг, уч минг бўлганини биз билдик, лекин ким кўрган бу уч мингни? Уларнинг пакетга солинганини фақат Смердяков кўрган, пакетнинг устида ёзуви бўлган. Бу ҳақдаги маълумотни у ҳали фалокат рўй бермасдан бурун судланувчига ва унинг акаси Иван Федоровичга билдирган. Яна Светлова хонимга ҳам айтган. Лекин ушбу ҳар учала шахс ҳам бу пулларни ўзлари кўрмаганлар, фақат Смердяковгина кўрган. Аммо яна ўз-ўзидан савол туғилади, пул ростдан ҳам бор экан ва уни Смердяков кўрган экан, охирги маротаба қачон кўрган? Мабодо хўжайин пулни олиб бошқа жойга, мисол учун, кутичага солиб қўйган бўлса-чи? Буни хизматкорга айтмаган эса-чи? Эътибор беринг, Смердяковнинг гапича, пул тўшак тагида, болиш остига қўйилган; судланувчи пулни болиш остидан тортиб олиши керак эди. Бироқ тўшак заррача ҳам бузилмаган, бу протоколда ҳам аниқ қилиб қайд этилган. Судланувчи тўшакни бузмай туриб, қандай қилиб пулни олади, қон юқи қўллари билан топ-тоза текис тўшак ва болишни булғатмаган ҳолда пулни қандай қўлга киритади? Ҳолбуки, тўшакка бу сафар атай қилгандай янги рўйжа-чойшаблар, жилдлар солинган бўлади? Аммо бизга шундай дейишлари мумкин: унда нега пакет полда ётибди? Мана шу пакет ҳақида сўз юритсак арзийди. Боя мен бироз ҳайрон ҳам бўлдим. Юксак иқтидорли қораловчи шу пакет устида тўхталиб, жаноб-

лар, эшитяпсизми, унинг ўзи ўз оғзи билан айтдики, Смердяков ўлдирган дейиш ғирт бемаънилик, инчунин: "Агарда шу пакет бўлмаганда, у ерда далил сифатида ётмаганда, талончи уни ўзи билан олиб кетганда, бутун дунёда ҳеч ким бу пакет ва унинг ичида пул борлигини билмасди, демак, пул судланувчи томонидан ўғирлаб кетилган". Хуллас, устида ёзуви бор йиртилган пакет қораловчининг фикри бўйича ҳам судланувчини талончиликда айблашга хизмат қилган. "Акс ҳолда талончилик рўй берганини ва балки, пул ҳам ичида бўлганини ҳеч ким билмасди". Лекин наҳот шу қоғоз бўлаги полда йиртилиб ётгани учун унинг ичида пул бўлганидан далолат берса ва бу пул ўғирлаб кетилган дейишга асос бўлса? "Аммо пакетда пул борлигини Смердяков кўрган", деб жавоб беради булар, аммо қачон, қачон кўрган у пулни пакетда охирги марта? Мен мана шуни сўрайман. Мен Смердяков билан гаплашдим ва менга фалокатдан икки кун илгари кўрган эдим, деди! Мен наҳотки шундай бир ҳолни тасаввур қилолмайман: Федор Павлович асабий ва тажанг ҳолда уйда яшириниб ўтириб, маъшуқасининг қачон келишини интизорлик билан кутиб, бирдан бошқа қиладиган иши бўлмагани учун пакетни қўлига олиб, уни йиртиши мумкин эди-ку. "Бу пакетни кўрсатсам, қиз балки ишонмас, ўттизта янги жарақ-жарақ пулни ўзини кўрсатсам, эси оғиб қолар, сўлаклари оқиб кетар", дейди-ю пакетни йиртиб, жарақлаган шилдироқ пулларни олади, пакетни эса ерга ташлайди ва у ҳеч бир далолат-палолат деб бош қотириб ўтирмайди. Қулоқ солингиз, жаноб суд маслаҳатчилари, шундай тахминда асос борми, шундай далилни тасаввур қилиш мумкинми? Нега бу мумкин бўлмасин? Лекин худди шунга ўхшаш бир нарсанинг ўрни бўлсайди, унда талончилик деб қўйилаётган айб ўз-ўзидан бекор бўларди, зотан, пул йўқ эди, зеро, талончилик ҳам бўлмаган. Пакет ерда далил сифатида ётаркан, унинг ичида пул бор эди дейиларкан, нега мен бунинг айни тескарисини айтолмайман, пакет йиртилган ҳолда ерда ётаркан, унда пул бўлмагани аниқ. Хўжайин ўзи уни олдиндан олиб қўйган. "Майли, унда пул қаёққа ғойиб бўлди, уни Федор Павлович олган бўлса, уй тинтув қилинганда чиқмади-ку?" Биринчидан, унинг қутичасидан бир қисм пулларни топишди, иккинчидан, пулни ҳали эрталабнинг ўзидаёқ, ҳатто туновкун олган бўлиши мумкин, уларни бошқа нарсаларга сарфлагандир, бериб юборгандир, жўнатгандир, балки, фикри ўзгариб қолгандир, тамомила бошқа бир режа тузгандир ва буларни Смердяков билан маслаҳатлашишни онқадар лозим кўрмагандир. Шундай бир тахмин қилишга ҳамонки имкон топиларкан, унда судланувчини қатъият ва талабчанлик билан айблашга ўрин бормикин, қаттиқ туриб у ўлдирган, талаган деб бўлармикин, умуман, талончилик рўй берган деб ҳисоблаш мумкинми? Ахир, бу қоралашга эмас, романга ўхшайди-ку. Агар биз қандайдир бир нарса таланган десак, унда ўша нарсани кўрсатишга тўғри келади ёки унинг аниқ мавжуд бўлганига исбот талаб қилинади. Буни эса, ҳолбуки, ҳеч кимса кўрмаган. Яқин кунларимизда ўн саккизга кириб-кирмаган, кўчада аравачада савдо-сотиқ қилиб юрадиган бир бола болта кўтариб пул майдалайдиган дўконга кириб борибди, ваҳшат-важоҳат билан саррофни ўлдирибди ва бир ярим минг рублни ўғирлаб кетибди. Беш соатлардан кейин уни қўлга олишибди, ўн беш рублни сарф қилиб улгурган экан, қолган пул ёнидан топилибди. Қотиллик рўй бергандан сўнг дўконга келган гумашта полицияга қанча пул ўғирланганинигина эмас,

балки, айни қайси қийматга эга пуллар ўғирланганини аниқ айтиб берибди, яъни оқ пуллар қанча, кўк пуллар қанча, қизил пуллар қанча ва ҳоказо. Қўлга олинган талончи йигитчадан мана шу пулларнинг ҳаммаси чиққан. Боз устига қотил ҳаммасини тан олган. Мана буни мен, жаноб суд маслаҳатчилари, далолат деб атайман! Мана шу вазиятда мен ўғирланган пулларни кўриб, ҳатто сезиб тураман ва пул бор, деб баралла айтаман! Ҳозирги аҳволда эса қандай? Ҳолбуки, гап одамнинг ҳаёт-мамоти, тақдири устида боряпти. "Шундай-ку-я, – дейишади, – у ўша кеча айш-ишрат қилган, пулларни совурган, ёнида бир ярим минг рубль бўлган – қаердан олган у буларни?" Лекин баайни фақат бир ярим минги бўлгани, пулнинг қолган қисмини топишолмагани учун, айни мана шунинг учун бу бутунлай бошқа пул бўлган, ҳеч қачон ўша пакетга солинмаган пул бўлган. Дастлабки терговда вақтнинг бутун ҳисоб-китоби жуда жиддий тарзда аниқландики, судланувчи хизматкор аёлларнинг қошидан мулозим Перхотинникига боргунча уйга ҳам, бошқа жойга ҳам кирмаган, ундан сўнг доим одамлар кўз ўнгида бўлган, демак, уч мингдан ярмини ажратиб олиб қаергадир яширишга имконияти асло бўлмаган. Худди мана шу нарса қораловчининг пул қаергадир яширилган, балки Мокроедаги бирор тирқишга беркитилган, деб айтишига сабаб бўлган. Удольф қалъасининг ертўлаларига эмасмикин мабодо, жаноблар?[1] Бу хаёлий, романларда бўладиган тахмин эмасми? Эътибор беринг, мана шу битта тахмин. Яъни пул Мокроеда яширилган деган гап йўққа чиқса, талончилик деб қўйилаётган айб бутунлай ҳавога учади, йўқса қани, қаерга ғойиб бўлди қолган бир ярим минг? Судланувчининг бошқа ҳеч қаерга кирмаганлиги исботланган бўлса, қандай мўъжиза билан йўқ бўлди ўша бир ярим минг? Ҳали шундай романнамо гаплар билан биз инсон ҳаётини барбод қилмоқчи бўляпмизми? Айтишадики, "барибир, у ўша бир ярим мингни қаердан олганини айтиб беролмади, бу пул эса ундан чиқди, бундан ташқари, то шу кечагача унинг ҳеч қандай пули бўлмаганини ҳамма биларди". Аммо ким биларди? Бироқ судланувчи пулни қаердан олгани ҳақида аниқ ва қатъият билан кўрсатма берган, агар истасангиз, жаноб суд маслаҳатчилари, агар истасангиз, шу кўрсатмадан кўра аниқроқ нарса бўлмаган, яна у судланувчининг феъл-атвори, ҳиссиётларига ўта мувофиқ бўлган. Қораловчига ўзи тўқиган роман ғоятда маъқул тушиб қолган: ўтакетган иродаси заиф одам қаллиғи унинг шармандасини чиқариш учун ҳавола этган уч мингни сурбетларча қабул қиларкан, ярмини шу заҳоти ажратиб халтачага тикиб қўя олмасди, тикиб қўйганда ҳам ҳар икки кунда очиб юз рубль оларди ва шундай қилиб, бир ойда еб-ичиб тугатарди, демоқчи бўладилар. Бир эсланг, буларнинг ҳаммаси ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган тарзда баён этилди. Қани, воқеа бутунлай бошқача рўй берган эса-чи, сиз яратган романдаги тамомила бошқа бир кимса бўлса-чи? Гап ана шунда-да, сиз бутунлай бошқа бир кимсани яратгансиз! Эҳтимол, эътироз билдиришар: "У Мокрое қишлоғида уч мингнинг ҳаммасини ўйин-кулгига сочиб юборган, бунга гувоҳлар бор, фалокатдан бир ой олдин Верховцевадан олган барча пулларни ҳавога совурган, ундан бир тийин ҳам қолмаган, демак, уч мингнинг ярмини олиб қолишнинг сира иложи бўлмаган". Аммо кимлар бу гувоҳлар? Ушбу гувоҳларнинг қанчалар ишонарли эканлиги судда маълум бўлиб қолди.

[1] Удольф қалъаси – XIX аср инглиз адибаси А.Радклифнинг "Удольф қалъаси сирлари" романида тасвирланган қалъа.

Ундан ташқари, бошқанинг қўлидаги нон бўлаги доим каттароқ кўринади. Ниҳоят, ушбу гувоҳларнинг ҳеч қайсиси бу пулларни қўли билан санамаган, фақат кўзи чамалаган. Ахир, гувоҳлардан бири – Максимов айтди-ку судланувчининг қўлидаги пул йигирма минг эди деб. Жаноб суд маслаҳатчилари, калтакнинг ҳамма вақт икки учи бўлгани боис, менга ўша бошқа учини қўллашга ижозат беринг, қани кўрайлик-чи, нима чиқаркин.

Фалокатдан бир ой илгари Верховцева хоним судланувчига уч минг бериб, Масковга қариндошларига жўнатиб юборишини сўраган, лекин боягина шундай бир мазмундаги сўзлар ўтди: таҳқирлаб, шармандасини чиқариш учун тутқазилди гўё судланувчига? Биринчи кўрсатмасида Верховцева хоним бошқача гапирганди, мутлақо бошқача; иккинчи кўрсатмасида эса биз қаҳр-ғазаб, ўч олишга уриниш, узоқ вақт яшириб келинган алам-аччиқ овозларини эшитдик. Лекин гувоҳ ҳамонки биринчи кўрсатмасида нотўғри кўрсатган эса, унда биз иккинчи кўрсатмаси ҳам нотўғри деб хулоса чиқаришга ҳақлимиз. Қораловчи бу романга "тегишни истамайман, унга журъатим етмайди" (ўзининг сўзлари) дейди. Унда, майли, мен ҳам тегмаганим бўлсин, лекин, барибир, ўз фикримни билдириб ўтаман, агар юксак ҳурматга сазовор Верховцева хоним шундай мусаффо ҳамда юксак ахлоқ эгаси бўлатуриб, мен бунга заррача шубҳа қилмайман, шундай зоти олиялари судда берган биринчи кўрсатмаларини ўзгартириб, олдиларига судланувчини тўғридан-тўғри ҳалок қилиш мақсадини қўйсалар, буни холис ва оқилона деб бўлармикин. Ўч олаётган хотин жуда кўп нарсаларни бўртириб муболағага берилиши мумкин, шундай хулоса чиқаришга бизнинг ҳақимиз йўқми? У пулни бераётганда шарманда қиламан, уятга қўяман деб ўйламагандир, хойнаҳой, бу муболаға эмасми? Пул судланувчига холис таклиф этилганди, судланувчи буни ўз енгилтаклигига кўра талқин қилди, холос. Отамдан яқинда ўзимга тегишли уч мингни оламан, деб ўйлади. Қарздан ҳар қачон қутулиш имконим бор. Шу унинг енгилтаклиги. Аммо қораловчи ҳеч ишонгиси келмайди судланувчининг уч мингнинг ярмини халтачага тиқиб яшириб олиб юришига. "Бу киши бундай эмас, бу унинг қўлидан келмайди". Лекин сиз ўзингиз баралла қичқирмадингизми Карамазовнинг бағрикенг деб, ўзингиз қичқирмадингизми Карамазовнинг гўё кўз ўнгида турадиган икки тубсиз чоҳ ҳақида. Карамазовнинг табиати ва тийнати худди шунақа икки томонлама, у икки чоҳ. Айш-ишратнинг энг авжига чиққан пайтида ҳам ўзига тўғри келмай қолса, буни дарҳол тўхтата олади, бунга барҳам беролади, бунда уни нимадир ҳайратга солиши керак. Бошқа бир томони – бу муҳаббат, янгидан ўт олиб алангаланган муҳаббат, бу муҳаббатга пул керак, маъшуқа билан айш-ишрат қилишдан кўра ҳам кўпроқ пул керак. Маъшуқаси унга: "Сеникиман, Федор Павловични хоҳламайман", деса, бағрига босади-ю олади-кетади – фақат олиб кетишга дов-давлати бўлса, бас. Олиб кетиш айш-ишратдан кўра муҳимроқ, Карамазов буни тушунмайди дейсизми? У кейинги пайтларда фақат шу ташвиш билан тентираб юрди, халтачага пул яшириб бўйнида олиб юрган бўлса, бунинг нимаси ажабланарли? Федор Павлович судланувчи умид қилган уч мингни унга бермади, аксинча, маъшуқасини тортиб олиш учун уч мингни ўртага қўйди. "Агар Федор Павлович пулимни бермаса, унда Катерина Ивановна қошида ўғрига айланиб қоламан", деб ўртанади у. Ниҳоят, бўйнида хал-

тачада олиб юрган пулни Катерина Ивановнанинг олдига қўйишга қарор қилади: “Мен аблаҳман, лекин ўғри эмасман”. Бир ярим мингни халтачада кўз қорачиғидай асраб юрганининг сабаби шу. Нима учун сиз судланувчининг номус-ори йўқ деб ўйлайсиз? Унинг номус-ори бор, эҳтимол, у хато қилар, эҳтимол, нотўғри тушунар, лекин, барибир, ор-номус бор ва у жуда кучли эҳтиросларга йўғрилган, у буни кўп исботлаган. Лекин бошида қора булутлар айланиб, иш чигаллашиб, рашк изтироблари чексиз кучайиб боради ва ҳамон ўша иккита машъум савол унга тўхтовсиз азоб беради, яшаш қийноққа айланиб кетади, мияси азоб оташида ёнади: “Хўп, пулни Катерина Ивановнага бердим, унда Грушенькани қандай ва нимага олиб кетаман?” У бир ой мобайнида ичиб, алжираб савдойидек тентиб қовоқхоналарда дайдиган бўлса, ҳаммаси бу қийноқларга дош бериш, чидашнинг иложи қолмаганидан. Икки савол шу қадар ўткир тус олдики, у ниҳоят охирги нуқтага етди. У укасини пул сўрагани отасининг ҳузурига жўнатмоқчи бўлди, аммо жавобини кутишга асло тоқати етмай ота уйига ўзи шаҳд билан кириб борди ва гувоҳлар кўз ўнгида отани калтаклади. Энди отадан пул олиш йўли бутунлай ёпилди. Ўша куни кечда укаси билан кўчада сўйлашаркан, нуқул кўксига нуқиб сўзлади, укасига аблаҳ бўлиб қолмаслик учун менинг ҳали имкониятим бор, деб айтди. Нега, нега айбловчи судланувчининг укаси – Алексей Карамазовнинг кўрсатмаларига ишонмайди, ахир, бу кўрсатма жуда тоза, олдиндан ўйлаб қўйилмаган, самимий ва ҳақиқатга жуда яқин-ку? Нега мени қандайдир Удольф қалъаси ковагига яшириб қўйилган пулга ишонтирмоқчи бўлади? Укаси билан гаплашган кеча судланувчи қовоқхонада ўтириб хат ёзади. Ана шу хат айбловчи наздида судланувчига қарши муаззам далолат. Уни талончига айлантиради. Айбловчи буни қотилликнинг тўла дастури деб талқин қилади. “Қандай ёзган бўлса, ана шундай бўлди!” деб хитоб қилади айблов. Аммо, биринчидан, хат маст-аласт ҳолатда ёзилган, иккинчидан, судланувчи пакет ҳақида Смердяковдан эшитиб ёзган, учинчидан, майли, ёзилса, ёзилгандир, лекин ҳақиқатда ёзилганча бўлдими? Бунинг исботи борми? Судланувчи тўшак тагидан пакетни олдими, пулни топдими, умуман, ўзи бу пул бормиди? Ахир, судланувчи у ерга пул учун борганмиди, эсланглар, эсланглар! У талончилик қилгани эмас, маъшуқасини қидириб борди, демак, ёзгани бўйича, “дастур” бўйича бормапти-да. Фақат рашк алангасида ўртанибгина борган-да! “Шундай дейишади, – югуриб келиб ўлдириб, пулни ҳам олиб кетган”. Шундай, ўзи у ўлдирдимикин, йўқми? Талончилик ҳақидаги айбловни мен қатъиян рад этаман: нима талон бўлганини билмасдан талончи дейиш асло ақлга тўғри келмайди, бу аксиома! Талон бўлмаса, у ўлдирдимикин, талонсиз ўлдирдими? Ана шу нарса исботланганми? Булар ҳаммаси хаёлий бир роман эмасми?”

XII

ҚОТИЛЛИК ҲАМ БЎЛМАГАН

“Ижозат беринг, жаноб суд маслаҳатчилари, бу ерда инсон ҳаёти масаласи, эҳтиёткорроқ бўлиш лозим. Айбловнинг ўзи бизга айтиб турибди, энг сўнгги кунгача, то ҳозиргача, судгача судланувчини қасддан қотиллик қилишда айблашга иккиланиб келган, бугун судга тақдим этилган, маст

ҳолатда ёзилган машъум хатгача иккиланган. “Ёзилгандек адо этилган!” Лекин яна такрорлайман, у маъшуқасини топиш учун қидириб кетган. Бу инкор қилиб бўлмайдиган далил. Агар маъшуқаси уйда бўлганда, у ҳеч қаерга бормасди, қиз ёнида бўларди ва хатида аҳд қилганидек уриниб ўтирмасди. У кутилмаганда бирдан югуриб кетди, “маст” ҳолатда ёзган хати эса ҳатто эсида ҳам йўқ эди. “Дастани қўлига тутиб олиб кетди”, шу биргина дастакнинг ўзидан бизга узундан-узоқ психология ясаб беришди, нега у дастани қўлига қурол қилиб тутди, даста ҳам қурол ўрнига ўтиши мумкинми ва ҳоказо. Шу ерда бошимга жуда содда бир фикр келади: агар даста токчада эмас, жавонда, кўзга кўринмайдиган бирон ерда турганда, судланувчининг кўзига ташланмаганда-чи, у бўш қўл билан чопиб кетаверарди ва балки, ҳеч кимни ўлдирмаган ҳам бўларди. Мен судланувчини даста билан олдиндан қуролланган эди, деб айтоламанми? Ҳа, у қовоқхонада отамни ўлдираман, деб қичқирган, ундан икки кун олдин эса кечки пайт “маст” алфозда хат ёзган, аммо ўша куни у тўполон чиқармаган, фақат битта савдогарнинг гумаштаси билан андак тортишиб қолган, “зотан, Карамазов тортишмасдан, жанжаллашмасдан туролмаган”. Мен бунга жавобан шуни айтаманки, ҳамон шундоқ ёмон ишга жазм этган экан, у ҳечам жанжаллашиб ўтирмаган, ҳатто қовоқхонага ҳам кирмаган, ахир, бундай оғир ишга жазм этган одам тинчликни кўзлаб хилватда бўлади, ўзини кўрсатмаган, “майли энди мени унутинг”, деган бўларди. Жаноб суд маслаҳатчилари, психологиянинг икки учи бор ва биз ҳам психологияни тушунишни биламиз. Маст дайдилар қовоқхоналардан чиқиб келаётганларида доим бир-бирлари билан уришиб, “сени ўлдираман!” деб бақир-чақир қиладилар, лекин ўлдирмайдилар-ку. Яна ўша машъум хат ахир, бадмастнинг ақли қочиши эмасми? У ҳаммангни ўлдираман, деб бақиради, дўқ уради, лекин ўлдирмайди-ку! Нега бошқача бўлиши мумкин эмас, нега бошқача эмас? Нега бу хатни биз машъум деяпмиз, нега уни кулгили деб айтмаймиз? Негаки, уйдан отанинг ўлиги топилган, негаки гувоҳ айбланувчини боғда қўлида даста билан қочиб кетаётган ҳолда кўрган ва ўзи ҳам даста билан бошига зарба еган, демак, хатда қандай ёзилган бўлса, худди шундай рўй берган, шунинг учун ҳам хат кулгили эмас, балки машъумдир. Худога шукр, биз алоҳа бир нуқтага етиб келдик: “боққа тушибдими, демак, у ўлдирган”. О, мен тушунаман, далилларнинг мажмуи, далилларнинг бир-бирига тўғрилиги ҳақиқатан ғоятда маънодор. Аммо мана шу барча далилларни алоҳида-алоҳида олиб кўринг, уларнинг жамулжамлигидан чўчиманг. Судланувчи кўрсатма беряпти, “мен отамнинг деразасидан нарига қочдим”, деяпти. Айблов эса бу ҳақиқатан ҳам шундай эканига сира ишонмайди, судланувчи бирдан шафқат ва раҳмдилликка берилгани устидан айблов заҳарханда кулади. Эсингиздадир? “Балки, онаизоримнинг руҳи шу дамларда мен учун ёлвориб дуо қилгандир”, дейди судланувчи. У Светлова отасининг уйида йўқлигини билган заҳоти қочиб нари кетди. “Лекин у деразадан қараб бунга ишонч ҳосил қилолмасди”, дейди айблов. Нега ишонч ҳосил қилолмайди? Ахир, дераза судланувчи томонидан белги берилгач, очилди-ку. Бошқа яна қанча нарсалардан билиш, англаш мумкин қиз бу уйда йўқлигини. Григорий эшик очилиб қолганлигини кўрдим деяпти, демак, судланувчи уй ичига кирган, дейди айблов, демак, ўлдирган. Жаноб суд маслаҳатчилари, мана шу эшик ҳақида... Шу эшик очиқлигини фақат шу одам кўрган, ле-

кин унинг ўзи ўша пайтда шундай бир аҳволда бўлганки... Лекин майли, майли, эшик очиқ бўлсин, майли, судланувчи буни инкор қилаётан бўлсин, бу унинг аҳволида тушунарли, майли, майли, у уйга кирган ҳам дейлик – нима қилибди, уйга кирган бўлса, албатта ўлдирадими? У бостириб бориб ҳаммаёқни қараши, отасини туртиб юбориши, ҳатто унга қўл кўтариши, лекин Светлова бу ерда эмаслигига ақли етгач, қувониб, отасини ўлдирмасдан қочиб чиқиб кетиши мумкин ахир. Айнан шунинг учун у девор ошиб кетмоқчи бўлганда, раҳми келиб пастга тушади ва Григорийга қарайди, отасини ўлдириб қўймаганидан беҳад қувонади. Қораловчи бизга судланувчининг Мокроедаги даҳшатли аҳволини сўзамоллик билан ифодалаб берди. У ерда судланувчи муҳаббатининг гўё янги саҳифасини очди. Муҳаббат уни янги ҳаётга чорлади, ортида бўлса отасининг қонга ботган жасади, у энди муҳаббатсиз яшолмасди, кўз ўнгида эса қатлгоҳ турарди. Қораловчи муҳаббат бўлиши мумкин деб, уни тавсифлаб ўтди: "Маст-аласт аҳволда жиноятчини қатл қилиш учун олиб бормоқдалар ва ҳоказо". Лекин сиз бошқа бир одамнинг қиёфасини яратмадингизмикин, жаноб қораловчи, мен тағин шуни сўрайман? Наҳотки, судланувчи шунчалар қўпол, шунчалар тошбағир бўлса, ўша дамда муҳаббат ҳақида ўйласа-ю, суд олдида ялтоқилик қилса, ҳақиқатан ота қонини тўккан бўлса? Йўқ, йўқ, йўқ! Ҳозиргина маъшуқаси уни севиши маълум бўлди, уни ўзи билан кетишга чақиряпти, янги бахт-саодат ваъда қиляпти, о, қасам ичаманки, ўшанда унинг ўзини икки карра, уч карра ўлдиргиси келди ва албатта, ўлдирарди ҳам, агар орқасида отасининг ўлиги ётган бўлса! О, тўппончалари қаердалигини ҳали унутмаганди! Мен судланувчини биламан, қораловчи уни ваҳшиёна тошбағирликда айблади, лекин бу судланувчининг тийнатига хос нарса эмас. Ҳеч ажабмаски, у ўзини ўлдирарди; ўзини ўлдирмаган экан, бунинг сабаби шундай – "онаизорим мени дуо қилди". Унинг юраги ота қонини тўкиб ўзини булғамаганди. У ўшанда Мокроеда Григорийни ўлдириб қўйдим деб ўртаниб азобда қолди. Қанийди ўлдирмаган бўлсам, қанийди ҳалок бўлиб кетмасам, деди. Нега воқеани бундай талқин қилиш мумкин эмас? Судланувчи бизни алдаяпти деб айтсак, бунга ишончли далилимиз борми? Уйда ётган отанинг жасади-чи, дейдилар бизга дарҳол, хўп, у қочиб чиқиб кетибди, у ўлдирмабди, унда ким ўлдирган?

Қайтараман, айбловнинг бутун мантиқи мана шу саволда яширин: у ўлдирмаган эса, унда ким ўлдирди? Унинг ўрнига кимни кўрсатасиз? Ростдан ҳам ҳеч кимни кўрсатиб бўлмайдими? Биз қораловчи ўша кеча уйда бўлган барча кишиларни санаб чиққанини эшитдик. Ишончим комилки, уларнинг учтаси – ўлдирилган чол, хизматкор Григорий ва унинг хотини. Судланувчи билан Смердяков қоляпти. Қораловчи жўшиб-тошиб судланувчининг Смердяковни кўрсатаётганини айтади, бошқа кўрсатадиган одам йўқ, агарда шу ерда олтинчи бўлиб бир шарпа турганда эди, судланувчи Смердяковни кўрсатишдан уялиб, ушбу шарпани кўрсатарди, дейди. Аммо, жаноб маслаҳатчилар, мен бунинг бутунлай тескарисини айтишим мумкин эмасми? Мана, икковлон турибди: судланувчи билан Смердяков – лекин нега мен сиз бошқа ҳеч кимни айблай олмаётганингиз учунгина менинг мижозимни гуноҳкор қиляпсиз, дея айтишим мумкин эмас? Сиз Смердяковдан мутлақо шубҳаланмаётганингиз учун ҳам шундай қиляпсиз. Рост, иккала ака-ука ва Светлова хонимгина

Смердяков қилган дейишяпти. Лекин ахир, яна тасдиқловчилар бўлиши мумкин-ку, жамоат ўртасида қандайдир мубҳам бир савол, фикр кезиб юрибди, нимадир бўлади деб кутишяпти, шубҳа-гумонлар ўртага тушяпти. Ниҳоят, қандайдир айрим далилларни ўзаро қиёслаш ҳозирча ноаниқ бир нималарга ишора қиляпти: биринчидан, ўша тутқаноқ касалининг айни фалокат рўй берган куни бошлангани, қораловчи бу тутқаноқни негадир ёқлаб ва ҳимоя қилиб турибди. Ундан кейин Смердяковнинг суд арафасида кутилмаганда ўзини ўлдириши; шунингдек, судланувчининг акасининг бугун судга берган фавқулодда кўрсатмаси, шу пайтгача у айбни укасига қўйиб юрган эди, лекин бугун бирдан уч мингни бу ерга келтирди ва қотил деб айни Смердяковни айтди! О, менинг суд ва прокуратура билан биргаликда ишончимиз комилки, Иван Карамазов касал ва оғир иситмада, алаҳлаб, алжираб укасини ҳимоя қилаётгандир, қотилликни Смердяковнинг ўлигига тўнкаётгандир. Лекин, барибир, ўртада Смердяковнинг номи тилга олинди ва яна қандайдир сирли бир ҳодиса юзага чиқаётгандай. Жаноб маслаҳатчилар, бу ерда нимадир охиригача айтилмаяпти ва охирги нуқта қўйилмаяпти. Балки, ҳали айтилар. Лекин ҳозирча буни қўйиб турайлик, бу ҳали олдинда. Суд боя мажлисни давом эттиришга қарор қилди, ҳозирча кутиб турарканмиз, шу важдан баъзи мулоҳазаларимни ўртага қўймоқчиман, мисол учун, марҳум Смердяковни тавсифлаб ўтмоқчи эдим, қораловчи ҳам буни шунчалар нозик ва шунчалар моҳирона чизиб берди. Бундайин маҳоратга тан берган ҳолда тавсифнинг моҳиятига асло қўшилолмайман. Мен Смердяков билан учрашдим, уни кўрдим ва гаплашдим, у менда бошқачароқ таассурот қолдирди. Рост, унинг соғлиги яхши эмас, аммо феъл-атвори, юраги – о, у унчалар ожиз одам эмас, эҳтимол, қораловчи уни шундай заиф кўргандир, лекин мен унда, айниқса, кўрқоқликни кўрмадим, қораловчи унинг кўрқоқлигини айрича бўрттириб чизди. У соддадил ҳам эмас, бунинг яқинига ҳам бормаган, ундаги одмилик остида даҳшатли ишончсизлик, шубҳа яшириниб ётади, ақли-ҳуши ҳам ўзига етганча, жуда кўп нарсаларни муҳокама қилолади. О, қоралов ғоятда соддалик билан уни ақли заиф, деб топди. Менда эса у ҳақда аниқ бир таассурот қолди: бу ичи кин-адоват билан тўлган, обрўталаб, ғараз ва ҳасадга ташна кимса экан. Мен айрим маълумотларни тўпладим: у келиб чиқишини жуда ёмон кўради, ор қилади ва бадбўйликдан туғилганман, деб тишларини ғижирлатади. Болалик чоғларидан ўзини тарбиялаб ўстирган Григорий билан унинг хотинини беҳурмат қилади. Россияни лаънатлайди ва устидан масхара қилиб кулади. У Францияга кетишни, у ерда фарангга айланишни орзу қилган. У аввалларида ҳам бунга кўп пул керак, пулим етмайди деб ёзғирган. Наздимда, у ўзидан бошқа ҳеч кимни яхши кўрмаган, ўзини эса жуда баланд қўйган. Яхши, озода кийимлар кийиш, тоза этикда юришни маърифат деб билган. Ўзини (бунга исботлар мавжуд) Федор Павловичнинг ноқонуний боласи деб ҳисоблаган, хўжайиннинг қонуний болаларига нисбатан ўз аҳволидан нафратланган: ҳаммаси уларга, ўзига эса шимилтириқ, уларга барча ҳақ-ҳуқуқлар, мерос, ўзига эса ҳеч вақо ва фақат ошпазлик. У Федор Павлович билан бирга пакетга пул жойлаштирганларини айтди. Бу пулга у ўқиб одам бўлиши мумкин эди, шунинг учун пулнинг нимага мўлжалланаётганидан қаттиқ нафратланарди. Боз устига у уч мингни ялтироқ, шилдироқ янги қоғоз пуллар ҳолида кўрди (буни ундан атайлаб

сўрадим). О, ҳеч қачон ҳасадчи, ичи қора одамга катта пулларни кўрсата кўрманг, у эса бунчалар кўп пулни бировнинг қўлида биринчи марта кўраётган эди. Бунча кўп пул унда оғир таассурот қолдириши мумкин эди, ҳайтовур, ҳозирча оғир оқибатларсиз. Юксак иқтидорли қораловчи Смердяковни одам ўлдирганликда айбдор қилишнинг у ёки бу томонларини жуда нозик тушунтириб ўтди ва алоҳида бир савол қўйди: унга ўзини тутқаноқ тутгандай қилиб кўрсатишнинг нима кераги бор эди? Ҳа, у ўзини бундай тутмаслиги ҳам мумкин эди, тутқаноқ табиий бошланавериши ажабланарли эмасди, лекин шундай табиий тарзда ўтиб кетиши ҳам ажабмасди ва касал кўзини очиши мумкин эди. Батамом тузалиб кетмаса ҳам, лекин, барибир, ўзига келиб кўзини очиши мумкин, тутқаноқда шундай бўлиб туради. Айблов сўрайди: Смердяков қайси пайтни топиб ўлдирган? Бу пайтни топиб кўрсатиш ғоятда осон, у кўзини очиб оғир уйқудан уйғонади (зотан, у оғир уйқуда ётганди, тутқаноқ касалидан кейин одам оғир уйқуга кетади). Худди шу вақтда хизматкор Григорий судланувчининг оёғидан тортиб бутун теварак-атрофга: "Падаркуш!" дея жар солаётган эди. Қоронғи зимистонда бу ғайритабиий фарёд Смердяковни уйғотиб юборгандир, бу пайтда, балки, унинг уйқуси унчалар қаттиқ ҳам бўлмагандир, табиий тарзда у бирор соат илгари энди уйғониб келаётган бўлгандир. У ўрнидан туриб, шуурсиз тарзда нима бўлди экан, дея фарёд овози келган томонга юра бошлаган. Унинг боши ҳамон оғриб ғувуллайди, ҳуши ҳали тўла ўзига келмаган, боққа чиқади, ёруғ дераза олдига боради, хўжайиндан қўрқинчли воқеани эшитади, хўжайин унинг ўрнидан турганидан хурсанд бўлади. Карахт одам дарров сергак тортади. Қўрқиб кетган хўжайин воқеанинг тафсилотларини айтади. Аста-секин унинг паришон миясида алланима фикр ғимирлаб қолади. Фикр миясини тамом қамраб олади: ўлдириб уч мингни қўлга киритса, кейин ҳаммасини бойнинг боласига тўнкаш мумкин. Бу шароитда бойнинг ўғлидан кўрмасалар, кимдан кўрадилар ахир, барча далиллар шунда, у бўлган бу ерда. Смердяков пулни эгаллаш фикрига тушади, пул васвасаси авж олади. Кўп ўғри қотилларда бу шундай бирдан, кутилмаганда рўй беради. Шунда у хўжайиннинг олдига кириб, ниятини адо этиши мумкин, боғда хоҳлаганча тош топилади. Уч мингга эса нималар қилмаслик мумкин, қанчалар амал-мансаб орттирмаслик мумкин. О, мен ўз фикримга қарши бораётганим йўқ: бунда пул бўлиши ажаб эмасди. Ҳатто бунинг қаердалигини, балки фақат Смердяковгина биларди, балки хўжайин қаерга қўйганидан угина хабардордир. "Унда пул ўралган қоғоз-чи, полда йиртилиб ётган пакет-чи?" Боя қораловчи бу борада жуда нозик кузатишларини билдириб, "пакетни полда йиртилган ҳолда ғоятда тажрибасиз, баайни Карамазовдек ўғри қолдириши мумкин, Смердяков ҳам бундай қилмасди", деди. Мен шунда жуда ҳам таниш бир нарсани эшитгандай бўлдим, жаноб маслаҳатчилар. Карамазов ҳақидаги бу гапни менга бундан икки кун бурун Смердяков айтган эди. У мени бир чеккаси лол қилиб қўйди, назаримда, менинг олдимда ўзини сохта соддаликка солаётганга, олдинга ўтиб кетаётганга, менга бу фикрини тиқиштираётган ва қулоғимга шипшиб айтаётганга ўхшаб кўринди. У терговда ҳам шу гапини шипшиб қўймаганмикин? Юксак иқтидорли қораловчининг ҳам қулоғига қуймаганмикин? Айтишлари мумкин, "Григорийнинг хотини-чи?" Ахир, у касалнинг ўз ёнида тун бўйи инграб ётганини эшитган-ку. Эшитишга

эшитган, лекин бу фикрнинг таги омонат. Мен бир хонимни биламан: у кечаси билан лайча акиллаб мени ухлатмади, дейди. Бироқ лайча шўрлик тун бўйи бир-икки маротабагина акиллаб қўйган, холос. Бу табиий. Одам ухлаб ётганда инграган товуш эшитади, у мени уйғотиб юборишди деб норози бўлади, лекин яна шу заҳоти қотиб уйқуга кетади. Икки соатдан сўнг тағин инграган овоз, тағин уйғонади, сўнг яна уйқуга кетади, кейин яна инграш эшитилади ва яна ухлаб қолади, тун бўйи бу уч бора такрорланади. Эрталаб эса ўрнидан туриб, менга тун бўйи уйқу беришмади, деб шикоят қилади. У фақат уйғониб кетган вақтини эслаб қолган, шунинг учун тун бўйи ухлолмагандай туюлади. Лекин қоралов нега, нега Смердяков ўлими олдидан ёзган хатида буни бўйнига олмади, дея аюҳаннос соляпти. "Биттасига виждони йўл қўйиб, иккинчисига қўймаган". Аммо изн беринг: виждон – бу пушаймонлик, аммо қотилда пушаймонлик бўлмаган чоғи, фақат аламзадалик. Пушаймонлик ва аламзадалик икки бошқа-бошқа нарсалардир. Аламзадалик қаҳрли ва ортга қайтмас бўлади, ўзига суиқасд қилган кимса шу онда ўзи ёмон кўрган, ўзи ҳасад қилган одамларни янада қаҳрлироқ тарзда ёмон кўриши мумкин. Жаноб суд маслаҳатчилари, асло хатога йўл қўймангиз! Сизга ҳозиргина ўз тахминларимни чизиб бердим, унинг нимаси ёлғон бўлиши мумкин? Мен баён қилган нарсанинг хатосини топинг, нимаси бўлиши мумкин эмасу нимаси бемаъни? Аммо менинг тахминларимда заррача ҳақиқат бўлса, заррача имконият бўлса, унда ўз ҳукмингизда огоҳ бўлинг. Лекин бунда заррачагина эмас-да, ахир? Барча муқаддас нарсалар номи билан қасам ичаманки, мен ўзим ҳозир сизга талқин қилиб берганим тахминимга бутунлай ишонаман. Энг муҳими, энг муҳими, мени шу нарса ҳайратга соладики, судланувчининг бошига ёғдирилган барча далиллар ичида битта ҳам сал-пал бўлсин аниқроғи йўқ, ҳолбуки, барча далиллар жамулжам бўлиб шўрлик инсонни ҳалок қилмоқда. Ҳа, далилларнинг бу жамулжамлиги даҳшатли: тўкилган қон, қўл-бармоқлардан оққан қон, камзул-кўйлак қон, зимистон тун, "Падаркуш!" деб янграган фарёд, боши ёрилиб ерга қулаган хизматкор, ундан кейинги бутун-барча қичқириқлар, кўрсатмалар, ишоралар – о, булар ҳаммаси шунчалар таъсирчан, шунчалар ўзига оғдириб олади, лекин сизнинг ишончингизни оғдириб олармикин, жаноб суд маслаҳатчилари, сизни ўзига ром қилармикин, ахир? Эсланг, сизга чексиз ҳокимият берилган, бу боғлаш ва ечиш ҳокимияти. Аммо ҳокимият қанча кучли бўлса, шунча даҳшатлироқ унинг низоми! Мен ҳозиргина айтганимларимдан заррача чекинмагайман, аммо майли, шундоқ бўла қолсин, майли, мен ҳам бир дақиқага бўлсин қораловга рози бўла қолай, шўрпешона мижозим ота қонига қўлини бўяпти деб айта қолай. Қайтараман, бу фақат тахмин, такрорлайман, мен унинг бегуноҳ эканига заррача ҳам шубҳа қилмайман. Лекин, майли, фараз қила қолай, мижозим отани ўлдиришда айбдор дея қолай, аммо эшитинг сўзимни, агар менгина шундай фараз қилаётган бўлсам ҳам эшитинг. Юрагимда сизга айтар яна бир сўзим бор, зеро, кўриб турибманки, сизнинг қалбингиз ва ақл-идрокингизда ҳам жуда катта кураш, талош бормоқда... Менинг бу сўзларимни маъзур кўргайсиз, жаноб суд маслаҳатчилари, қалбларингиз ва ақл-идрокингизда демоқдаман... Лекин мен сўнгги нуқтагача адолатли ва самимий бўлсам дейман. Ҳаммамиз самимий бўлайлик!.."

Шу ерга келганда ҳимоячининг нутқини кучли қарсаклар босиб кетди. Ростдан ҳам, у охирги сўзларини шунчалик самимият билан айтди-

ки, ҳамма ҳақиқатан бунинг бир айтар сўзи борга ўхшайди, унинг эндиги айтадигани энг муҳим гап, деб қолди. Аммо суд раиси қарсаклар ёғилганини кўриб, "яна бу такрорланадиган бўлса залдан чиқариб юборишини" маълум қилди. Ҳамма жим бўлди ва Фетюкович аввалгидан бутунлай бошқача тоза бир жозиб овоз билан янгидан сўз бошлади.

XIII

ФИКР СОТҚИНИ

"Менинг мижозимни, жаноб суд маслаҳатчилари, – деб хитоб қилди у, – фақат далиллар мажмуигина ҳалок қилаётгани йўқ, ҳақиқатан бир далил, бу – отанинг жасади! Бу оддий қотиллик бўлганда, сиз далилларнинг арзимаслиги, исботсизлиги, уйдирмалигига қараб уларни жамулжам ҳолда эмас, алоҳида-алоҳида кўриб чиқиб, айбловни рад қилур эдингиз, олдиндан чиқарилган бир фикр асосида инсон тақдирини барбод қилишдан ҳар қалай ўзингизни тийган бўлардингиз, аммо судланувчи ҳақида олдиндан шундай фикрлар туғилганки, буларни ўзи бошига орттирган! Аммо бу оддий қотиллик эмас, падаркушлик бу! Эътиборни тортади бундайин энг арзимаган, исботи бўлмаган далиллар ҳам, улар унчалик арзимас ва унчалик исботсиз бўлиб кўринмайди, энг холис ақл ҳам буни сезади. Хўп, қандай оқлаш мумкин бундай судланувчини? У ўлдириб қўйиб жазо олмай кетаётган бўлса-чи? Ҳар бир кимса буни ўз юрагида беихтиёр, ғайришуурий тарзда сезиб туради. Ҳа, ота қонини тўкиш даҳшат! Буни ҳатто тасаввур қилиш қийин! Жаноб суд маслаҳатчилари, ҳақиқий ота ким, қанчалар улуғ бир фикр, улуғ бир шарпа бор бу номда! Ҳақиқий ота қандай бўлиши керак? Ҳозир барчамизнинг юракларимизни зириллатиб турган манави иш, фарзандларнинг отаси Федор Павлович Карамазов ота тушунчасига ҳеч қанча жавоб бермасди. Бу кулфат. Ҳа, ҳақиқатан, гоҳи ота худди кулфатнинг ўзи. Уни яқинроқдан кўрайлик: ҳеч нарсадан қўрқмаслик керак, жаноб маслаҳатчилар, зеро, сиз жуда муҳим бир қарор олдида турибсиз. Биз баъзи фикрлар ва ғоялардан худди сабийлар ё аёллар каби қўрқиб ўтирмайлик, бу юксак иқтидорли қораловчимизнинг ибораси. Лекин менинг мухолифим ўз нутқида (у мен ҳали илк сўзимни айтмасимданоқ менинг мухолифим эди) бир неча бора шундай хитоб қилди: "Йўқ, мен судланувчини ҳимоя қилишни бошқа ҳеч кимга бермайман, Петербургдан келган ҳимоячига бермайман унинг ҳимоясини, мен қораловчиман ва айни чоғда ҳимоячиман!" У буни бир неча бора хитоб қилиб айтди, лекин бир нарсани унутиб қўйди: мана шу қўрқинчли судланувчи йигирма уч ёшга кириб, фақат бир марта, болалигида чорак қадоқ ёнғоқ совға олган экан, отасининг орқа ҳовлисида ялангоёқ, иштончан ўйнаб юрган экан. О, жаноб маслаҳатчилар, минг марталаб айтилганларни яна такрорлаб нима қилдик? Мижозим бу ерга ота ҳузурига келиб нима кўрди? Нима учун мижозимни тошбағир, худбин, ваҳший қилиб кўрсатиш керак? У асов, ваҳший, баттол. Уни шунинг учун бу ерда суд қиляпмиз, унинг тақдирида ким айбдор, энг яхши хислатларга эга бўлган ҳолда шундай тарбиясиз қолган бўлса ким айбдор? Ким унинг ақл-идрокини пешлаган, унга сайқал берган, болалигида лоақал бирон мехрибон зот уни яхши кўрганми, эркалаганми? Мижозим

худонинг раҳм-шафқати остида ўсган, бошқа кимса ғамхўрлик кўрсатмаган. У узоқ айриликдан сўнг отасини кўришга муштоқ бўлган, худди тушдек кечган болалигини эслаган, болаликда кўрган мудҳиш тушларни ўзидан нари қувишга интилган ва бутун жони-жаҳони билан отасининг дийдорига етиш, уни ўз бағрига босишни орзу қилган! Нималарни кўрди денг? Уни сурбет кулгилар билан кутиб олдилар, мерос борасида ғаразли ўйинлар, турли найранглар билан кутиб олдилар; жўн ҳамда сийқа, бачкана гапларга кўмиб ташладилар, бу гаплар, "коньяк" устидаги ҳангомалар ўғилчанинг кўнглини оздириб юборди ва ниҳоят, ўғилчанинг маъшуқасини ўғилчага тегишли пулга тортиб олишга жон-жаҳди билан уринди, о, жаноб суд маслаҳатчилари, бу ғоятда манфур ва бу ғоятда шафқатсиз! Яна бу ота ўғлим мени ҳурмат қилмайди, тошбағир, деб нолиб юради, жамиятда ўғлининг обрўсини тўкади, унга қарши боради, зиён келтиради, туҳмат қилади, турмага ўтқизиш учун унинг қарз қоғозларини сотиб олади! Жаноб маслаҳатчилар, ушбу бағритош, асов ва тийиқсиз одамлар, менинг мижозимга ўхшаган одамлар, аслида, кўпинча, юраклари меҳрга тўла бўлади, фақат меҳрларини ошкора кўрсатавермайдилар. Кулманг, кулманг менинг бу гапимга! Кеча иқтидорли қораловчи менинг мижозим устидан аёвсиз кулди, яна Шиллерни яхши кўрармиш, "юксак ва гўзал" нарсаларга интилармиш деб пичинг қилди. Мен унинг ўрнида, айбловчи ўрнида бўлсам, бундан асло кулмасдим! Ҳа, ана шу юраклар денг – о, менга имкон беринг шу юракларни ҳимоя қилгали, уларни ҳар ким ҳар доим ҳам тушунавермайди, қадрлайвермайди, ушбу қалблар мунислик, меҳрибонлик, адолат ва гўзаллик истайдилар, гўё ўз табиатларига зид нарсаларни излайдилар, асов, шафқатсиз табиатларини шулар билан босмоқчи бўладилар – беихтиёр, ғайришуурий равишда ҳаётда шундай йўл тутадилар. Улар эзгуликка ташнадирлар. Улар аёл кишини эҳтирос билан севишга қодир, руҳоний ва энг олий муҳаббат уларга бегона эмас. Яна сўрайман, кулманг менинг гапларимга, бундай табиатли одамлар аксар ҳолларда асли ўзи шундай бўладилар! Кўпинча, улар қўпол ва дағал туюладиган эҳтиросларини асло яширолмайдилар – уларнинг бу феъли кўпларни ҳайратга солади, кўплар уларнинг айни шу томонларини эслаб қоладилар ва ички томонларини кўрмайдилар. Олижаноб, гўзал хилқат қошида уларнинг эҳтиослари булоқдан сув ичгандай қониб, ташна диллари ором олади, кўринг, шу дағал, тийиқсиз инсон доим янгиланиш истайди, ўзини тузатиш имконини қидиради, яхши инсон бўлгиси келади, виждон, диёнат билан яшасам дейди, "юксаклик ва гўзаллик"ка ҳамроҳ бўлишни хоҳлайди, бу сўздан кулиш керак эмас! Мен боя мижозимнинг Верховцева хоним билан бўлган ишқ-муҳаббатини тилга олиб ўтирмайман, дегандим. Бироқ бир оғизгина сўз айтиш мумкиндир. Биз ҳали бу ерда гувоҳлик кўрсатмасини эмас, балки жазавага тушиб қасос-ўч олаётган зотни кўрдик, о, ҳақи бормиди, ҳақи бормиди унинг менга хиёнат қилди деб таъналар ёғдиришига! Ахир, ўзи ҳам хиёнат қилмадими! Агар ул зотнинг ўйлаб кўришга андаккина вақти бўлганда эди, ҳеч қачон бунақанги гувоҳлик бермаган бўларди! О, қараманг, ишонманг унинг сўзларига, менинг мижозим "ваҳший газанда" эмас, шундай дедилар-да хоним! Хочга чормих қилинган инсон халоскори юраги қон бўлиб айтганди: "Мен яхши чўпонман, яхши чўпон қўйлари учун жонини

бағишлайди... ва улар ҳалок бўлмайдилар”[1]. Биз ҳам инсон қалбини маҳв этмагаймиз! Мен ҳозиргина сўрадим: ота сўзи не деганидир ва жавоб бердим: бу улуғ сўз, бебаҳо бир ном. Аммо, жаноб маслаҳатчилар, сўзни виждонан қўлламоқ керак ва мен нарсани ўз номи билан, ўз сўзи билан атамоқчиман: Карамазовга ўхшаган ўлдирилган ота ҳеч ота номига лойиқ эмас. Ота ўзига муҳаббатни оқламаса, бу муҳаббат бемаънилик, ақлсизлик. Муҳаббатни ҳеч нарсадан яратиб бўлмайди, фақат худо йўқдан бор қилгувчидир. “Эй оталар, руҳий тушкунликка тушмаслик учун болаларингизни ранжитаверманглар”, алангали юрагидан чиқариб дейди саҳоба[2]. Мижозим учун мен бу сўзларни келтираётганим йўқ. Мен барча оталарни деб уларни эслаяпман. Аммо инсон ва фуқаро сифатида сизни чорлайман – vivos voco![3] Ер юзида вақтимиз қисқа, кўп ёмон ишлар қиламиз, кўп ёмон сўзлар айтамиз. Бир-биримизга яхши сўз айтиш учун қулай вақт топиб гурунглашайлик. Мен ҳам шундай: ҳозир шу жойда турган эканман, фурсатдан фойдаланиб сизга сўзимни айтаман. Олий ирода бизга ушбу минбарни бежиз ажратмаган – бу минбардан бутун Россия бизни эшитади. Фақат шу ердаги оталаргагина эмас, барча оталарга мурожаат қиламан: “Оталар, ўз болаларингизни ранжитмангиз!” Ҳаммадан олдин Исо Масиҳо ўгитини адо этайлик, ана ўшанда болаларимиздан ҳам талаб қилишга ҳақли бўлгаймиз. Аксинча бўлса, биз ота эмас, болаларимизнинг душманимиз, улар эса бизнинг болаларимиз эмас, бизга душмандирлар ва биз ўзимиз уларни душманга айлантирдик! “Чунки сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангизлар, худди шундай ўлчов сизларга ҳам татбиқ этилгай”[4]. Буни мен айтаётганим йўқ, буни Инжил сўзлаяпти, зеро, қандай ўлчасангиз, шундай ўлчанарсиз. Бизни ўз ўлчовимиз билан ўлчаётган болаларимизни нима деб айблаймиз? Яқинда Финляндияда бир хизматкор қиз яширин тарзда туққанлиги гумон қилинган. Қизни кузата бошлашган ва болохонада ғиштлар орқасида бир сандиқ топишган, ҳеч ким кўрмаган бу сандиқни очганларида ўлдирилган чақалоқ чиққан, яна ўша сандиқда у аввал ўлдирган иккита чақалоқнинг жуссаси ҳам топилган, қиз ҳаммасини бўйнига олган. Жаноб маслаҳатчилар, уни асло она деб бўладими? Ҳа, уларни туққан, аммо онами у? Ичингизда бирон-тангиз уни она деб айтоласизми? Жаноб суд маслаҳатчилари, мардона бўлайлик, журъат бизни тарк этмасин, ушбу дамда биз журъатли бўлишга мажбурмиз, айрим Масков савдогар аёллари каби баъзи сўзлардан қўрқиб, қалтираб ўтирмайлик, улар “металл” ва “аланга” сўзларидан шу қадар қўрқадилар[5]. Кейинги йилларда тараққиёт бизнинг маънавий ўсишимизга ҳам таъсир кўрсатяпти, тўғрисини айтайлик, туғдирган бўлса, у ҳали ота эмас, ҳақиқий ота – ҳам туғдирган, ҳам тарбия қилгандир. О, албатта, ота сўзининг бошқа маъноси ҳам бор, бошқача талқини ҳам, унга кўра менинг отам гарчи “ваҳший” бўлса-да, ёвуз бўлса-да, барибир, ота бўлиб қолсин ўз болаларига. Лекин бу энди асрорий бир маъно, мен уни ақлим билан тушунолмайман, фақат диним билан қабул қилоламан, тўғрироғи, диёнат дея оламан, мисол учун, ўзим тушунолмайдиган жуда кўп нарса-

[1] Юҳанно Инжили, X боб, 27-сатр.

[2] Колоссаликларга, III боб, 21-сатр.

[3] Тирикларни чорлайман! *(лот.)* Ф.Шиллернинг “Қўнғироқ қўшиғи” шеъри эпиграфи. Бу сўзлар А.И.Герцен ва Н.П.Огарев таъсис этган “Қўнғироқ” газетаси шиори бўлган.

[4] Лука Инжили, VI боб, 38-сатр.

[5] Бу ерда гап дўзах алангаси ҳақида боряпти. Насроний тасаввурларга кўра у олтингугурт ва мумелим алангасидан ҳосил бўларкан.

ларга менинг диним ишонишни буюради. Лекин ҳамонки шундай экан, майли, ҳақиқий ҳаётдан ташқарида қолсин. Ўз ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлган ҳақиқий ҳаёт эса зиммамизга буюк мажбуриятлар юклайди, агар бу соҳада инсонийликка эришмоқчи бўлсак, ақл-идрок ҳамда тажриба билан ўзини оқлайдиган ва таҳлиллар кўрасидан ўтган қарашларни олиб кирмоғимиз керак, бир сўз билан айтганда, телбаларча ёки тушдаги каби алаҳлаб эмас, оқилона ҳаракатда бўлмоғимиз даркор, инсонга зарар етказмаслик учун, уни қийнаб, ҳалок қилмаслик учун шундай қилмоғимиз лозим. Ана ўшанда бу ҳақиқий диёнат иши бўлгай, у асрорийгина эмас, балки оқилона ҳам бўлади ва ҳақиқий инсонсеварликка айланади...”

Шу ерга келганда залнинг турли томонларидан кучли қарсаклар янгради, аммо Фетюкович гапимни бўлманглар, охиригача гапириб олай дегандай қўлини силкигандан сўнг ҳаммаси яна жим бўлди. Нотиқ сўзни давом эттирди:

“Жаноб маслаҳатчилар, бундай саволлар болаларимизни, айтайлик, балоғат ёшига етиб қолган ўсмирларимизни, айтайлик, фикрлай бошлаган ёшларимизни четлаб ўтади, деб ўйлайсизми? Йўқ, четлаб ўтолмайди ва биз улардан мумкин бўлмаган тийилиб туришни талаб қилолмаймиз! Ўз номига муносиб оталар ёнида номуносиб отанинг туриши, қиёсан олганда, болалар олдига беихтиёр қийин саволлар қўяди. Унинг ушбу саволларига қуруқдан-қуруқ қилиб жавоб бериш ҳам мумкин: “У сени дунёга келтирган, сенга қони ва жонини берган, шунинг учун сен уни севишинг лозим”. Ўсмир беихтиёр ўйланиб қолади, “у ахир, мени туғдираётганда мени севганми, – деб сўрайди у янада ҳайрон бўлиб, – ахир, у мени мен учун туғдирибдими, ўша дамда на мени ва на менинг жинсимни билган. Май ичиб, қони жўшиб, эҳтиросга берилган чоғида менга ичиб, маст бўлиб юриш майлидан бошқа нимани ҳам ўтказибди – унинг яхшиликлари шунинг ўзи билан тугайди. Нега энди мени туғдиргани учунгина уни севишим керак экан? Кейин бир умр у мени севмади-ку?” О, сизга ушбу саволлар қўпол, шафқатсиз туюлар, бироқ сиз ёш ақл эгаларидан мумкин бўлмаган тийилишни талаб қилмангиз: “Табиатни эшикдан ҳайдасанг, тешикдан киради”[1], муҳими, энг муҳими, “металл” билан “аланга”дан қўрқмайлик, масалани ақл-идрок буюрганча ечайлик, асрорий тушунчалар бунда бизга ечиб беролмайди. Қандай ечайлик? Мана бундай: майли, ўғил ота олдида турсин-да, онгли суратда сўрасин: “Ота, айтинг, мен сизни нега севишим керак? Ота, сизни севишим кераклигини менга исботлаб беринг?” агарда отаси унга жавоб бериш ва исботлашга қодир бўлса, ана шунда ҳақиқий оила пайдо бўлади, у ўз асосини хурофийлик ва асрорийликка қурмайди, у энди ақлга, ўз-ўзига ҳисоб беришга, чин инсонийликка асосланади. Агарда ота исботлаб бермаса, бу оила дарҳол барҳам топади: у оталик қилолмайди, ўғил эса отасини ўзи учун бегона деб ҳисоблашга ҳақ қозонади ва ўзини эркин тутади. Ҳатто отасини бу ҳолда душман ўрнида кўриши мумкин[2]. Жаноб маслаҳатчилар, бизнинг минбаримиз адолат ҳамда соғлом тушунчаларнинг мактаби бўлмоғи даркор!”

Шу ерга келганда нотиққа оташин қарсаклар ёғилди. Рост, залнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, ярми қарсак урди. Оталар ва оналар қарсак чалишарди. Хонимлар ўтиришган юқори томонда қийқириқлар эшитиларди.

[1] Иқтибос Ж.Лафонтеннинг “Мушукка эврилган аёл” масалидан олинган.

[2] *“У сени дунёга келтирган... душман ўрнида кўриши мумкин”*, Ф.Шиллернинг “Қароқчилар” асари қаҳрамони Франц Моорга тегишли ўй-мулоҳазалар.

Рўмолчаларини силкитишарди. Суд раиси жони борича қўнғироқ чалишга тушди. У залнинг кайфиятидан норози эди, лекин аввалгидай "залдан чиқариб юбориш" ҳақида гап очмади. Ҳатто орқа курсиларда ўтирган казо-казолар, камзулларига нишон таққан қариялар ҳам қарсак чалишар, рўмолларини силкитишарди, шунинг учун шовқин-сурон бироз босилгач, раис "залдан чиқариб юбориш" ҳақидаги дўқ-пўписасини яна такрорлади. Ўзида йўқ хурсанд ва ҳаяжонга ботган Фетюкович яна ўз нутқини давом эттирди.

"Жаноб суд маслаҳатчилари, боягина кўп гапирилган ўша қўрқинчли кеча ёдингиздадир, ўғил девор ошиб отасиниг ҳовлисига тушади ва ниҳоят, уни туғдирган, ғаним, рақиб, золим билан рўпара келди. Қаттиқ ўтиниб сўрайман, у пул учун келмади бу ерга, олдин айтанимдек, талаш учун келган деган айб ақлга сиғмайди. Ўлдириш мақсадида ҳам у бостириб бормади, о, йўқ. Агар олдиндан шундай нияти бўлса, қуролланган бўларди, мис дастани эса беихтиёр, нимагалигини ўзи ҳам билмасдан қўлга олганди. Майли, отасини махсус белги билан эшик чертиб алдагандир, лекин мен олдинроқда ҳам айтдим, бу афсонага заррача ишонмайман, дедим. Аммо, майли, бир зумга шундоқ бўла қолсин! Жаноб маслаҳатчилар, ҳар неки муқаддас нарсалар ила қасам ичиб айтаманки, агарда бу отаси эмас, бегона бир золим бўлса, у барча хоналарни қидириб чиқиб, маъшуқасини тополмагач, дарҳол уйдан чопиб чиқиб кетар, ўз рақибига заррача ҳам зиён-заҳмат етказмас, йўлидан чиқиб қолса-да, итариб-туртиб ўтар, шундан бўлак ҳеч нарса қилмас, зеро, энди унинг хаёли бошқа ёқда, бутун ўй-хаёлини маъшуқасини топиш эгаллаб олди. У отасидан нафратланарди, кўргани кўзи йўқ эди. Бутун вужудини қаҳр-ғазаб қамраб олди, ҳаммаси бир зумда беихтиёр ҳал бўлди! Лекин у шунда ҳам ўлдирмади, мен шундай деб ҳайқираман, дунёга жар соламан, у мис дастани ғайришуурий тарзда сермади, ўлдираман демади, ўлдирмоқчи эмасди. Сўнг уйдан чопиб чиқиб кетди, отасининг ўлик-тириклигини билмади. Буни асло падаркушлик деб бўлмас! Бу падаркушлик эмас! Фақат хурофот кучи билангина, эҳтимол, буни падаркушлик дейиш мумкин. Жаноб суд маслаҳатчилари, мана, биз унга айб қўямиз. У эса ўз-ўзига шундай дейди: "Бу одамлар менинг тақдирим учун, тарбиям ва илм-билим олишим учун ҳеч нарса қилмадилар, акс ҳолда мен ҳам одам бўлардим-ку, яхшироқ бўлардим-ку. Бу одамлар ташналигимда сув тутмадилар, очлигимда нон бермадилар, зиндонда ётганимда ҳолимдан хабар олмадилар ва улар мени сургун қилдилар. Энди орамиз очиқ, улардан ҳеч қандай қарзим йўқ ва азал-абад ҳеч кимдан қарз эмасман. Улар ёвуздирлар, мен ҳам ёвуз бўлгайман. Улар шафқатсиз, мен ҳам шафқатсиз бўламан". У худди мана шундай дейди, жаноб маслаҳатчилар! Қасам ичаманки, сиз уни айбдор деб топиб, фақат юкини енгиллатасиз, виждонини енгиллатасиз. У қон тўккани учун ўзини лаънатлайди, лекин бунга ачинмайди. Шу билан бирга сиз унинг одам бўлиш имконини барбод этасиз, зотан, энди бир умр алам-изтиробда кўрга айланади. Аммо уни энг даҳшатли тарзда, ақл бовар қилмас бир жазо билан жазоламоқчи бўласизми ва шу тарзда азал-абад уни қутқармоқчи, жонини қайта бунёд этмоқчи бўласизми? Ундоқ эса, уни раҳм-шафқатингиз билан эзиб ташланг! Сиз шунда кўражаксиз, эшитажаксиз унинг ларзага келган юрагини: "Мен кўтара оламанми ушбу раҳм-шафқатни, мен лойиқманми шунча меҳр-муҳаббатга, мен

арзийманми унга", у ана шундай нидо қилгай! О, мен биламан, мен биламан бу ёввойи юракни, бу олижаноб юракни, жаноб маслаҳатчилар. У сизнинг жасоратингиз қошида тиз букажак, у муҳаббатнинг буюк ҳужжатига муҳтож, у аланга олгай ва қайта тирилгай! Шундай тор юраклар бор, улар бутун дунёни айбдор деб биладилар. Лекин сиз бу юракни раҳм-шафқатингиз билан тўлдиринг, унга меҳрингизни беринг ва у ўз қилмишидан юз ўгиргай, зеро, унда ҳали олижаноб куртаклар ўлган эмас. Юрак-бағри кенг тортиб, худойим қанчалар меҳрибон эканлигини кўргай ва одамлар қанчалар гўзал ҳам адолатли эканлигига ишонгай. Уни ҳозирдан бошлаб қамраган пушаймонлик ва чексиз қарздорлик даҳшатга солар. Ўшанда у: "Қарзимни уздим!" демайди, балки: "Мен барча одамлар олдида айбдорман ва барча одамлардан кўра номуносиброқман", дегай. Ўкинч-аламларга тўлиб у айтгай: "Одамлар мендан кўра яхшироқдирлар, зеро, мени ҳалок қилиш учун эмас, тирик қолдириш учун саъй-ҳаракат қилдилар!" О, сиз учун ушбу иш қийин эмасдир, ушбу иш раҳм-шафқат ҳужжатидир, зеро, андак бўлсин ҳақиқат бўлиб кўринадиган далиллар бўлмаган ҳолда сиз учун "Ҳа, айбдор!" деб айтиш ғоятда оғирдир. Битта айбсизни жазолагандан кўра ўнта айбдорни қўйиб юборган маъқулроқ[1], эшитяпсизми, эшитяпсизми улуғ тарих қаъридан келаётган бу овозни. Мен фақир сизни шунга ишонтиришим керакмикин, рус суди бу – жазогина эмас, бизнинг руҳимиз ва фикримиз, ҳалок бўлганларни қутқариш ва уларга қайта жон ато этишликдир! Агар Россия, ҳақиқатан ҳам, шундоқ бўлса, унда олға боқ, Россия! О, бизни қўрқитманг қутурган ваҳший тройкаларингизни кўрсатиб! Улардан барча халқлар нафрат билан юз ўгирарлар ва четланарлар! Қутурган тройка эмас, улуғвор замон аробаси маррага етиб келар. Мижозимнинг қисмати қўлингизда, рус ҳақиқати ҳам айни сизнинг қўлингизда. Сиз уни қутқаргайсиз, уни сақлаб қолгайсиз, уни бардавом қилгайсиз, у эзгу қўлларда деб исбот қилгайсиз!"

XIV

МУЖИКЛАР БЎШ КЕЛМАДИ

Фетюкович сўзини ана шундай тугатди, тингловчиларнинг қувончлари бўрондай гувиллади. Уни тўхтатиб қолишнинг иложи қолмади: аёллар ва баъзи эркаклар ҳам йиғлашарди, ҳатто казо-кузолардан бир-икки киши ҳам йиғлашиб олди. Раис ҳам бунга итоат этди ва қўнғироғини чалмай турди. "Бу завқ-шавқни ўчириш муқаддас бир алангани ўчириш билан баробар эди", айрим хонимларимиз кейин шундай деб қичқириб юришди. Нотиқнинг ўзи ҳам самимий тўлқинланиб кетди. Ва худди мана шундай кўтаринки бир дамда яна бир карра "эътирозлари билан ўртоқлашиш" учун бизнинг Ипполит Кириллович ўрнидан турди. Уни кўриб хонимларнинг куфрлари қўзиди: "Нима? Қандай ўзи? Эътироз билдиришга ўрин қолибдими?" Бутун дунёнинг хонимлари ва улар бошида прокурор хоним норози турган тақдирда ҳам, прокурорни бу жавоб нутқини сўзлашдан тутиб туролмасди. Унинг туси ўчган, ҳаяжондан қалт-қалт титрарди; илк сўзлари, жумлаларини ҳатто тушуниб бўлмади; у нафаси бўғилар, сўзларни ғализ талаффуз қилар, чалкашарди. Дарвоқе, тезда ўзини ўнглаб

[1] Петр I нинг 1716 йилги Ҳарбий низомидан айрим ўзгаришлар билан олинган.

олди. Бироқ унинг ушбу иккинчи нутқидан бир неча парчаларнигина келтириб ўтаман.

"...Бизни романлар ёзиб ташлашди, деб таъна қилишди. Ҳимоячининг ўзи, сўзлари, нима, роман ичида роман эмасми? Фақат шеър етишмади, холос. Федор Павлович маъшуқасини кутиб ўтириб хатжилдни очиб уни полга ташлайди. Бу ғалати ҳодиса муносабати билан гўё унинг айтган сўзлари келтирилади. Э, ахир, бу достон-ку? Қани далил у пулни олганида, ким эшитган унинг гапирганини? Ақли заиф телба Смердяков қонунсиз туғилганлиги учун жамиятдан ўчини олаётгандек, бамисоли Байроннинг ўзи-я, бай-бай. Бу Байрон руҳидаги достон эмасми? Отасининг уйига бостириб кириб уни ўлдирган ва шу билан бирга уни ўлдирмаган ўғил, бу энди ҳеч романга ҳам ўхшамайди, достон ҳам эмас, бу топишмоқ айтадиган сфинкс, боз устига ўзи ҳам уларни ечолмайдиган. Ўлдирган бўлса ўлдиргандир, агарки ўлдирган экан, бу қандай ўзи, ким буни тушунади? Кейин бизга ушбу минбаримиз адолат ҳамда соғлом қарашлар минбари деб уқтирилади ва мана шу "соғлом қарашлар" минбаридан қасам ичган ҳолда айтиладики, отани ўлдиришни падаркушлик деб аташ аксиома, хурофотдан бошқа нарса эмас! Агар падаркушлик фақат хурофот бўлса ва ҳар бир сабий отасини савол-сўроққа тутса: "Ота, мен нега сени яхши кўришим керак?" деса, унда бизнинг аҳволимиз, давлатимизнинг асослари нима кечади? Қаерга кетади оила? Падаркушлик – буни қаранг-а, фақат масковлик савдогар хотиннинг алангаси экан. Рус судининг вазифалари доирасига кирадиган энг муқаддас қонун-қоидалар ҳамда бурчу мажбуриятлар моҳияти бузиб, енгилтаклик билан кўрсатилади ва фақат ўз мақсадига етиш, оқлаб бўлмайдиган нарсаларни оқлаш учун қилинади. "О, уни раҳм-шафқат билан эзиб ташланг!" хитоб қилади ҳимоячи, ҳолбуки, жиноятчига худди шу керак ва эртага кўрадилар у қандай эзилганини! Ҳимоячи судланувчини фақат оқлаш пайида бўлиб жуда камтар бўлиб кетмадимикин? Падаркуш номига нафақа тайинлаш вақти келмадимикин? Шу тариқа унинг жасорати авлодлар учун, ёшлар учун сақланиб, абадийлаштирилармиди? Дин ва Инжил ҳам ислоҳ қилинади: бу ҳаммаси мистика, яъни асрорийлик, ҳақиқий насронийлик фақат бизда бор, у ақл-идрок ва оқилона таҳлиллардан, соғлом тушунчалардан ўтган. Ана энди бизнинг кўз ўнгимизда Исо Масиҳнинг ясама суратини яратишларини кўринг! *"Қандай ўлчасангизлар, худди шундай ўлчанарсизлар"* хитоб қилур ҳимоячи адолат ва соғлом тушунчалар минбаридан туриб. Биз Инжилга ўзимизнинг нутқларимиз олдидан бир қараб қўямиз, гўё асл манба билан яқиндан танишлигимизни намойиш этамиз, у эса бизга қандайдир таъсирчанликка эришиш учунгина керак, керак бўлгани учунгина керак! Ҳолбуки, Исо Масиҳо айнан шундай қилмасликни буюради, шундан сақланишни буюради, чунки золим ҳаёт шундай қилади, биз эса кечиримли бўлишимиз ва бўйнимизни тутиб беришимиз керак, ўша ўлчов билан ўлчамаслигимиз даркор, золимларимизнинг ўлчовлари билан ўлчамаслигимиз лозим. Илоҳимиз бизни шунга ўргатган, оталарни ўлдириш хурофот демаган. Адолат ва соғлом фикрлар минбаридан туриб ҳам худонинг Инжилини ислоҳ қилмайлик, ҳимоячимиз илоҳимизни фақат "хочга тортилган инсонсевар" деб атади, бу бутун Россиянинг православ қарашларига зид, ҳолбуки, Россия уни: "Сен бизнинг Илоҳимизсан!.." деб чорлайди.

Шу ўринда раис аралашиб, чегарадан чиқиб кетган нотиқни тартибга чақирди, муболаға қилмаслик, қоидадан четга чиқмасликка буюрди ва ҳоказолар. Зал ҳам тўлқинланиб турарди. Жамоат безовта, ҳатто норози бўлиб бақир-чақир қиларди. Фетюкович у қадар эътироз билдиргани ҳам йўқ, у минбарга чиқиб қўлини кўксига қўйди-да, ўзига муносиб тарзда бир қанча сўзларни хафа бўлган оҳангда айтди. У енгилроқ ва андак кулгилироқ қилиб яна, "романлару психологиялар", борасида тегизиб ўтди, ўрни келганда, бир жойга шундай қистириб қўйди: "Муштарий, сенинг жаҳлинг чиқаётир, демакки, сен ноҳақсан", жамоат буни маъқуллаб қотиб-қотиб кулди, зеро, Ипполит Кириллович бу он асло Муштарийга ўхшамай қўйганди. Кейин Фетюкович ўзига қўйилган, "сиз оталарни ўлдиришга изн беряпсиз", деган айбга қадрини ерга урмасдан, бунга эътирозим йўқ, деб жавоб берди. "Сохта Исо Масиҳо"га келганда, сиз Исони илоҳ деб билмадингиз, фақат "хочга тортилган инсонсевар" деб атадингиз, шунингдек, "адолат ва соғлом тушунчалар минбаридан туриб православиега бутунлай зид қарашлар билдирдингиз" каби айбловларга жавобан Фетюкович "иғво"га ишора қилди, у бу ерга отланганида бу минбар ҳар қалай турли ноўрин айблашларга йўл қўймас, дея ишонганлигини, ҳар ҳолда улар "мендек содиқ фуқаро учун хатарли" бўлиши мумкинлигини тилга олиб ўтди. Аммо раис уни дарҳол тўхтатди ва Фетюкович таъзим бажо этиб сўзини тугатди, зал уни тўла маъқуллаб олқишлади. Ипполит Кириллович эса, бизнинг хонимларимизнинг фикрларича, "абадулабадга мажақлаб ташланди".

Кейин сўз судланувчининг ўзига берилди. Митя ўрнидан турди, лекин қисқа гапирди. У жисман ва маънан жуда қаттиқ эзилганди. Эрталаб залга кириб келгандаги дадиллик ва ғайратдан асар ҳам қолмаганди. Бугун бир умрга етгулик кечинмалар олгандек, булар у илгари асло тушунмаган жуда муҳим нарсаларга ўргатган ва англатгандек эди. Овози ичига чўккан, аввалгидек бақирмасди. Сўзларида қандайдир бир янгича, тақдирга тан бериш, енгилиш ва эзилиш оҳанглари эшитилди.

"Мен нима ҳам дердим, жаноб суд маслаҳатчилари! Ёзуғим келди, худойимнинг қудрати бошимга тушди. Бебош одамнинг умри соб бўлди! Лекин худойимга юрагимни очгандай сизга айтаман: "Отамнинг қонини мен тўкканим йўқ, айбдор эмасман!" Охирги марта такрорлайман: "Мен ўлдирмадим!" Бебош ўсдим, аммо яхшиликни севардим. Ҳар дақиқада ўзимни тузатишга уриндим, аммо ваҳший ҳайвондек яшадим. Прокурорга раҳмат, мен билмаган кўп нарсаларни менга айтди, аммо отасини ўлдирди дегани ёлғон, прокурор хато қилди! Ҳимоячимга ҳам ташаккур, уни эшитиб йиғлаб ўтирдим, аммо отасини ўлдирди дегани ёлғон, буни ҳатто тахмин ҳам қилиш керак эмасди! Докторларга ишонманг, ақлҳушим жойида, фақат жоним оғрийди. Раҳм қилсанглар, қўйиб юборсанглар – сизни дуо қиламан. Сўз бераман, яхши одам бўламан, худойим учун айтаман. Агар ҳукм чиқарсангиз, бошим устида ўз қиличимни синдираман ва синган парчаларни ўпаман! Аммо раҳмингиз келсин, мени худойимдан айирманг, ўзимни биламан, дод дейман! Жоним оғрияпти, жаноблар, раҳм қилинг... раҳм қилинг!"

У ўтирган жойига шилқ этиб тушди, овози хириллаб қолди, охирги жумла зўрға оғзидан чиқди. Кейин суд масалани аниқлашга тушди ва то-

монлардан хулосаларини тақдим этишни сўради. Аммо тафсилотларини айтиб ўтирмайман. Ниҳоят, маслаҳатчилар ўринларидан туриб ўз кенгашларига кириб кетишди. Раис ғоятда ҳолдан тойганди, шунинг учун уларга базўр йўл-йўриқ берди: "Холис бўлингиз, ҳимоянинг сухандонлигига маҳлиё бўлиб қолмангиз, бироқ яна ўлчаб кўрингиз, зиммангизга буюк вазифа юклангани ёдингизда турсин". Маслаҳатчилар чиқиб кетишди ва мажлис танаффус қилди. Энди ўрнидан турса бўлар, оёқларнинг чигилини ёзиш мумкин, таассуротлар билан ўртоқлашишга имкон бор, тамадди қиламан деса, буфет очиқ. Тун алламаҳал бўлиб қолган, ярим кеча соат бирларга яқинлашганди, лекин ҳеч ким уйига кетмасди. Ҳамманинг юраги зиқ, тин олгиси келмасди. Барилари юрагини ҳовучлаб кутар, лекин асли барчаси ҳам шундай кайфиятда эмасди. Хонимларнинг тоқатлари тоқ бўлган, бироқ кўнгиллари хотиржам эди: "Албатта, оқлайдилар". Улар энг шавқли дамни интиқ кутишарди. Очиқ айтай, залнинг эркаклар тўпланган қисмида ҳам оқламай иложлари йўқ, деганлар оз эмасди. Баъзилар қувонишар, бошқалари хўмрайган, яна бировлари кайфиятлари тушкин: улар оқланишини хоҳламасдилар! Фетюковичнинг ўзи ютуқ тайин деб ишонарди. Унинг атрофини ўраб олишган, табриклашар, олдида ялтоқланишарди.

– Шундай ҳоллар бўладики, – дерди бир гуруҳ одамлар орасида туриб, – ҳимоячи билан суд маслаҳатчилари кўринмас иплар билан боғлангандек туюлади. Улар ҳатто нутқ сўзланаётган пайтда ҳис қилинади ва боғланади. Мен буни сезаман, бу нарса бор. Иш бизнинг фойдамизга, хотиржам бўлинг.

– Э, бизнинг мужикларимиз энди нималар дейишаркин? – деб тўда ичида туриб гап бошлаб қолди шаҳар чеккасида истиқомат қиладиган помешчик, қовоғи солиқ, семиз ва чўтир бир одам.

– У ерда ёлғиз мужиклар эмас, тўртта мансабдор ҳам бор.

– Ҳа, мана мансабдорлар, – деб қўйди земство идораси аъзоси.

– Э, сиз Назарьев Прохор Ивановични биласизми, анави нишони бор савдогар, маслаҳатчи бор-ку?

– Нима бўпти?

– Ақли бало.

– Ҳеч гапирмайди-ку.

– Индамай жим тураверади, шуниси ҳам яхши эмасми, петербурглик уни ўқитолмайди, ўзи петербургликни ўқитиб қўяди. Ўн иккита боласи бор. Ўйлаб кўринг!

– Э, омон бўлинг, наҳот оқлашмаса? – деб қичқирарди бошқа бир тўда ичида ёш мулозимларимиздан бири.

– Оқласалар керак, – дадил овоз эшитилди.

– Оқламаслик уят, шармандалик! – хитоб қилди мулозим. – Майли, у ўлдирган бўлсин, лекин ахир, ота бу – ота-да! Бунинг устига унинг ақли-ҳуши жойида бўлмаган... У дастани шундоқ силтаганидаёқ чол қулаган-да. Хизматкорни ҳам бу ишга тортишгани чатоқ бўлган-да ўзи. Бу кулгилироқ нарса. Мен ҳимоячининг ўрнида бўлсам, тўғрисини айтиб қўя қолардим: ўлдирган, аммо айбдор эмас, э, менга нима, жин урсин сизларни!

– У шундай деган, лекин "жин урсин", деб айтмаган.

– Йўқ, Михаил Семенович, буни ҳам айтган чиқар, – қўллади уни учинчи овоз.

– Э, омон бўлгурлар, катта рўза чоғида анави актрисани оқлаб юборишмадими, ахир у жазманининг хотинини бўғизлаб қўйди-ку.

– Лекин охиригача бўғизламаган-да.

– Барибир, барибир, пичоқ тортган-ку! Болалар ҳақидаги гапларини қаранг, бопладими, а? Қойил-э!

– Ҳа, қойилмисан қойил.

– Мистикани ҳам боплади-ку, а, мистикани айтаман?

– Э, қўйинг шу мистикангизни, – қичқирди яна аллаким. Сиз энди Ипполитимизнинг ҳолидан хабар олинг, энди шўрликнинг ҳоли нима кечар экан! Ахир, эртага хотини ундан Митеньканинг қасдини олмай қўймайди, нақ кўзларини ўйиб олар-ов.

– Э, хотини шу ердами?

– Нимаси шу ерда бўлади, бўлганда аллақачон ўйиб олмасмиди. Уйдан чиқолмай ўтирибди, тиши оғриган. Хи-хи-хи!

– Хи-хи-хи!

Энди учинчи бошқа тўдадаги гапларни тингланг.

– Барибир Митенькани оқлаб юборсалар кераг-ов.

– Ундоқ бўлса эртагаёқ бутун "Пойтахт шаҳар"ни остин-устун қилади, ўн кун ичади тўхтамай.

– Вой, шайтон-ей.

– Шайтон бўлса шайтон, шайтон аралашмаса бўладими, шу ерда бўлмаса, бошқа қаерда бўлади.

– Жаноблар, майли, уста нотиқ дейлик. Лекин оталарнинг ҳам бошини тарози тоши билан пўла қилавермаслик жоиздир-ей. Акс ҳолда қаергача етиб борамиз, ахир?

– Арава-чи, арава, эсингиздами?

– Ҳа, юк аравадан енгил арава ясади.

– Эртага енгил аравадан юк арава ясайди, "эҳтиёжга қараб, ҳаммаси эҳтиёжга қараб".

– Жуда уста бўлиб кетди-ей бу одамлар. Ўзи Рус деган мамлакатимизда ҳақиқат қолдими, йўқми, жаноблар?

Аммо қўнғироқ жаранглади. Маслаҳатчилар оз эмас, кўп эмас, роса бир соат кенгашдилар. Жамоат яна жойига ўтириб теран жимлик чўкди. Маслаҳатчилар залга қандай кириб келишгани эсимда. Ана, ниҳоят! Саволларни бандма-банд келтириб ўтирмайман, улар эсимдан ҳам чиқиб кетган. Мен фақат раиснинг бирдан-бир ва асосий саволи бўлмиш "талончилик мақсадида олдиндан тайёргарлик қилиб ўлдирганми?" (сўзлари аниқ эсимда йўқ) деганига жавобни хотирамда сақлаб қолганман. Ҳамма тек қотган. Маслаҳатчиларнинг барчасидан кўра ҳам ёшроқ оқсоқоли залнинг ўлик сукунатини бузиб баланд овоз билан аниқ-тиниқ эълон қилди:

– Оре. Айбдор!

Кейин бандма-банд барча саволларга тўхтаб ўтди: айбдор, айбдор, заррача марҳамат кўрсатилмади! Лекин ҳеч ким буни кутмаганди, қандайдир мурувват кўрсатилади деб барча ишонганди. Ўлик сукунатда тиқ этган товуш эшитилмади, ҳамма – жазоланишини истаганлар ҳам, оқланишини хоҳлаганлар ҳам тошдай қотгандилар. Лекин илк дамлардагина шу ҳол давом этди. Сўнг даҳшатли тўс-тўполон кўтарилди. Эркаклар орасида

мамнун бўлганлар кўпчилик экан. Айримлари қувончларини яширолмай қўлларини ишқардилар. Норози бўлганлар эса эзилиб, букилиб, елкаларини қисиб, шивир-шивир қилиб, ҳали ҳамон бир қарорга келолмагандай эдилар. Аммо, о, худойим-ей, бизнинг хонимларга нима бўлди ўзи денг! Улар ҳозир исён кўтаришади деб ўйладим. Олдин улар қулоқларига ишонмай туришди. Кейин бутун зални бошига кўтарган: "Э, нима гап ўзи? Бу ўзи қанақа гап?" деган хитоблар янгради. Улар ҳаммалари ўринларидан сакраб туриб кетишди. Афтидан, уларнинг назарларида ҳозироқ, шу ернинг ўзида ҳаммасини тўғрилаш, ўзгартириш мумкиндай эди. Худди шу дамда бирдан Митя ўрнидан қўзғалди ва қўлларини олдинга чўзиб қандайдир нола аралаш фарёд чекди:

– Худойимнинг номига, унинг қиёмати ҳукмига қасам ичаманки, мен отамнинг қонини тўкишда гуноҳкор эмасман! Катя, сени кечирдим! Оғайнилар, биродарлар, анов бошқасига раҳмингиз келсин!

Унинг товуши бўғзига тиқилди, бутун зални бошига кўтариб дўриллаб йиғлади. Бу унинг овозига ўхшамасди, қандайдир бошқача, қаердан пайдо бўлганини билиб бўлмайдиган овоз эди. Залнинг энг чекка орқа томонида аёлнинг чинқиргани эшитилди: бу Грушенька эди. У боя кимлардир ёлвориб яна залга кириб олган, суд муҳокамаларини эшитганди. Митяни олиб чиқишди. Ҳукмни ўқиш эртага қолдирилди. Бутун зал тўстўполонга тўлди, аммо мен энди буни кутиб ва эшитиб ўтирмадим. Фақат ташқарига чиққанимда эшик олдида бир қанча товушлар қулоғимга чалинди.

– Йигирма йил ер тагида конларнинг азобини кўради.

– Ундан кам эмас.

– Ана, кўрдингизми, мужикларимиз бўш келишмабди.

– Митенькамизни гўрга тиқишди!

Тўртинчи ва охирги қисм тугади

ЭПИЛОГ

I

МИТЯНИ ҚУТҚАРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ

Митя устидан бўлган суднинг бешинчи куни эрталабдан, барвақт тўққизларда Алеша Катерина Ивановнанинг олдига келди, икковлари учун жуда муҳим бўлган айрим ишлар тўғрисида узил-кесил келишиб олишлари керак эди, бунинг устига ўзининг ҳам унга бир юмуши бор. Улар бир пайтлар Грушенька келган хонада гаплашиб ўтирди, ёнларидаги хонада эса Иван Федорович қаттиқ иситмалаб, беҳуш ётарди. Катерина Ивановна ўшанда суд залида бўлган воқеадан кейин оғир касал ҳолда ҳушини йўқотган Иван Федоровични ўз уйига олиб бориб ётқизишни буюрди, жамоат ичида бу борада бўладиган турли гап-сўзлардан қўрқиб ўтирмади. Суддаги воқеадан сўнг Катерина Ивановнанинг холаваччаларидан бири дарҳол Масковга жўнаб кетди, иккинчи холаси қолди. Мабодо иккала қариндоши кетиб қолган тақдирда ҳам, Катерина Ивановна

қарорини ўзгартирмас, касалга тун-кун бўлса-да ўзи қарарди. Иванни Варвинский билан Герценштубе даволашарди; масковлик врач эса касалнинг кейинги аҳволи нима кечишини айтиб ўтирмаёқ кетиб қолганди.

Қолган икки врач гарчи Катерина Ивановна ва Алешага далда бериб турсалар-да, лекин қатъият билан умидвор қилишга шошилмасдилар. Алеша касал акасининг олдига кунига икки марталаб кириб чиқар, бироқ бу сафарги юмушининг алоҳида ташвиши кўпроқ, шунинг учун гаплашиш қийин бўлишини олдиндан юраги сезарди, бунинг устига у шошилмоқда эди: шу куни эрталабдан бошқа жойда ҳам жуда зарур бир иш кутмоқда, жадаллаши зарур эди. Улар гаплашаётганларига чорак соатдан ошди. Катерина Ивановнанинг ранги-туси ўчган, жуда қаттиқ чарчаган ва шу билан бирга худди хасталардай ҳаросон эди: у ҳар ҳолда Алеша нега каллайи саҳарлаб келганини олдиндан сезарди.

– Унинг нима қарорга келгани ҳақида ташвиш чекманг, – деди қиз қатъият билан уқтириб Алешага, – ундоқ бўлса ҳам, бундоқ бўлса ҳам, барибир, шу фикрга келади: у қочиши керак! Манави шўрлик ор-номус қаҳрамони – мен Дмитрий Федоровични айтаётганим йўқ – манави девор орқасида ҳушини йўқотиб ётганни айтаяпман, ўзини акасига фидо қилди, – кўзлари ёниб қўшиб қўйди Катя, – қочишнинг бутун режасини менга айтганига анча бўлди. Биласизми, баъзи кишилар билан алоқалар боғлади... Мен сизга баъзи бир гапларни айтганман... Қаранг, бу чамаси, бу ердан уч этап нарида юз беради, ўшанда сургун қилинганларнинг бир қисмини Сибирга олиб кетишади. О, бунга ҳали анча вақт бор. Иван Федорович учинчи этапнинг бошлиғи олдига бориб келди. Фақат бу сафар кетадиган қисмга ким бошлиқ бўлиши маълум эмас, буни олдиндан билиш ҳам қийин. Эртага мен бутун лойиҳани сизга батафсил кўрсатарман, уни менга Иван Федорович суд арафасида қолдирганди, мабодо, бир корҳол бўлиб қолса деб... Эсингиздами, бир куни кечқурун биз жанжаллашиб турган пайтимизда келиб қолгандингиз, у зинадан тушиб кетаётган, мен эса сизни кўриб қолиб уни орқага қайтаргандим – эсингиздами? Ўшанда нима учун жанжаллашганимизни биласизми?

– Йўқ, билмайман, – деди Алеша.

– Рост, у ўшанда сиздан яширди: гап айнан ана шу қочиш режаси ҳақида кетаётганди. У менга уч кун илгари энг асосий томонларини айтганди – ана ўшанда биз жанжаллашиб қолувдик ва уч кун гап талашганмиз. У менга Дмитрий Федорович анави махлуқ билан чет элга қочишини маълум қилганда, мен бирдан ёмон аччиқландим, нега аччиқланганимни ўзим ҳам билмайман, сизга ҳам айтмайман... О, ўшанда мен анави махлуқни деб аччиқландим, айни шу боис жанжаллашдим, у киши Дмитрий билан чет элга қочарканларми энди дедим... – хитоб қилди бирдан Катерина Ивановна ғазабдан лаблари пирпираб, – ўшанда Иван Федорович менинг шу махлуқ туфайли қаҳрим келганини кўриб, дарҳол Дмитрийни рашк қиляпти, ҳамон Дмитрийни яхши кўраркан-да деб гумон қилди. Биринчи жанжалимиз ана шундан чиққанди. Мен тушунтириб ўтирмадим, кечирим сўрашга иложим бўлмади, юрагимга жуда оғир ботди, шундай одам мени олдинги муҳаббатим учун рашк қиляпти дедим... Ҳолбуки, бундан анча олдин мен Дмитрийни яхши кўрмайман, деб тўғрисини айтдим, фақат сени севаман дедим! Ёлғиз анов махлуқни деб ундан аччиғим чиқди! Уч кундан сўнг, сиз келиб қолган кечда у менга муҳрланган хат-

жилд олиб келди, агар менга бир нима бўлса, шу хатни дарҳол очасан деди. О, у касал бўлиб қолишини билган экан! У хатда қочиш тафсилотлари ёзилган, мабодо, мен оғир касал бўлиб қолсам ёки ўлиб қолсам, шу хатни очиб, унга қараб Митяни бир ўзинг қутқарасан, деб тайинлади. Яна менга ўн минг рубль қолдирди, прокурор кимдандир эшитиб ўз нутқида буни эслаб ўтди. Мен ҳайратга тушиб лол бўлиб қолдим, Иван Федорович мени Дмитрийдан рашк қилиб, бу ҳали ҳам уни яхши кўради деб ўйлаб, барибир, акасини қутқариш фикридан қайтмади ва қаранг, яна менинг ўзимга бу ишни ишониб топширди! О, бу фидокорлик эди! Йўқ, Алексей Федорович, сиз бундай ўз-ўзини фидо қилишни ҳеч қачон тушунмайсиз. Мен жон-жон деб унинг оёқларига йиқилишни истардим, лекин бирдан хаёлимга бир фикр келдики, мени Митяни қутқаришдан суюняпти, деган ўйга бормасин деб ўзимни тийдим (у, албатта, шундай ўйлаган бўларди!), бу фикрдан шунчалар жаҳлим чиқиб қутуриб кетдимки, яна ғазаб отига миндим, унинг оёқларига йиқилиб, ўпиш ўрнига яна жанжал ҳунар кўрсатдим! О, мен бахтсизман! Менинг феълим шунақа – жуда ёмон, бахтсиз феъл! О, сиз ҳали яна кўрасиз, мен шундай қиламанки, уни шунгача олиб бораманки, у мени ташлаб, бошқасини топади, Дмитрийга ўхшаб ўзига қулайроғини топади, ана унда... йўқ, унда мен буни кўтаролмайман, мен ўзимни ўлдираман! Сиз кириб келиб, уни орқага қайтарганимда, менга шу қадар нафратланиб, аччиғи чиқиб қараганини кўриб шунчалар ёмон ғазабга миндимки, эсингиздами, сизга қараб қичқирдим, *у* мени акам қотил деб ишонтирди дедим. Юрагига игна санчиш учун атай шундай дедим, туҳмат қилдим, ҳолбуки, у ҳеч, ҳеч қачон Дмитрий қотил деб айтмаганди, аксинча, мен, мен ўзим уни шунга ишонтирмоқчи бўлардим! О, ҳаммаси, ҳаммасига менинг қутуришим айбдор! Бу мен, мен ўзим тайёрладим ўша суддаги лаънати воқеани! У мени акасининг олижаноблигига ишонтирмоқчи бўлди, сен уни яхши кўрсанг ҳам майли, рашк қилиб ўтирмайман, ундан қасос олмайман демоқчи бўлди. Ана, судда минбарга ҳам чиқди... Ҳаммасига мен сабаб, фақат мен айбдорман!

Катя илгари ҳеч қачон Алешага бундай гапларни айтмаганди. Алешанинг назарида қиз энди азоб-уқубатнинг чидаб бўлмас бир поғонасига кўтарилган ва бундай ҳолда энг мағрур юрак ҳам ўз ғурурини поймол этиб, қайғу-аламдан енгилиб ерпарчин бўлиб қулайди. О, Митяга ҳукм ўқилгандан кейинги кунларда қиз қанчалик яширишга ҳаракат қилмасин, Алеша унинг ҳозирги даҳшатли азобларининг яна бир сабабини биларди; қиз мабодо шу қадар тубан тушиб, бу сабаб ҳақида ҳозир оғиз очса, йигитча ўзига жуда оғир бўлишини ҳис қиларди. Катя суддаги "сотқинлиги" учун қаттиқ азоб чекарди, Алешанинг назарида, қиз айни унинг олдида кўзёшларини тўкиб, дод-фарёд солиб, ерга думалаб чинқириб узрмаъзурларини, виждон қийноқларини ўртага ташламоқчидай эди. Алеша бундан ғоятда қўрқарди ва қизга раҳми келарди. Ва борган сари унга айтмоқчи бўлган юмуши янада оғирроқ, мушкулроқ туюларди. Алеша яна Митя ҳақида оғиз очди.

– Ҳеч нарсадан, ҳеч нарсадан, унинг учун ҳеч нарсадан қўрқмангиз! – қайсарлик билан кескин деди яна Катя, – бунинг ҳаммаси унинг учун ўткинчи бир дақиқа, холос, мен уни биламан, жуда яхши биламан унинг қалбини. Ишонинг, у қочишга рози бўлади. Муҳими, бу ҳозир эмас; ҳали бир фикрга келишга вақт бор. Иван Федорович унгача тузалиб кетади ва

ҳаммасини ўзи олиб боради, менга бошқа иш қолмайди. Хавотир олманг, қочишга рози бўлади. Ҳозирданоқ рози: махлуқни қандай ташлаб кетсин, ахир? Сургунга қизни қўйишмайди, қочмай ўтирармиди? У ҳаммадан ҳам сиздан қўрқади, сиз қочишни маънавий томондан маъқулламайсиз деб чўчийди. Аммо сиз бунга олижаноблик билан *йўл беришингиз* керак, агар бунда сизнинг розилигингиз шу қадар зарур бўлса, – заҳарханда қилди Катя. У бироз жим қолди ва кулди.

– У қандайдир ҳамду наътлар ҳақида сухандонлик қилиб юрибди, – деб бошлади яна Катя, – ўз хочимни кўтариб бораман дейдими-ей, бурчини гапиради, қарзини гапиради, эсимда, ўшанда Иван Федорович менга кўп нарсаларни айтиб берарди, билсайдингиз қандай гапирганларини! – бирдан ҳиссиётлари жўш уриб деди Катя, – буларни менга айтаркан, бахтсиз акасини қанчалар яхши кўрарди ва айни чоғда шунчалар ёмон кўрарди уни! Мен эса, мен унинг сўзларини ўшанда мағрур кулиб туриб эшитганман, кўзёшларидан кулгим қистаган. О, махлуқ! Бу махлуқ менман, мен махлуқман! Мен унинг иситмасини чиқарганман! Анов маҳкум, – у ахир, дард чекишга қодирми, – жиғибийрон бўлиб деди Катя, – шуми шундоқ дард чекадиган? Унга ўхшаганлар ҳеч қачон дард чекмайдилар!

Аллақандай ғазаб, нафрат, ижирғаниш янграб кетди унинг бу сўзларида. Ҳолбуки, унинг ўзи Митяни сотди. "Нима ҳам қилдик, балки бу Митянинг олдида ўзини айбдор деб ҳис қилаётганидандир, баъзи вақтларда уни ўлгудай ёмон кўрса ҳам керак", деб ичида ўйлади Алеша. Қани энди бу фақат, ҳақиқатан, "фақат баъзи вақтларда"гина бўлса. Катянинг охирги сўзлари унга писанда каби эшитилди, лекин бунга ортиқча эътибор қилмади.

– Сизни бугун шунинг учун ҳам чақирдимки, сиз уни кўндираман, деб менга ваъда беринг. Ёки сизнингча ҳам қочиш виждонсизлик, журъатсизлик ёки яна нимайди... насронийчасига бўлмай қоладими, шундайми? – яна ортиқ даражада писанда билан деди Катя.

– Йўқ, майли. Мен унга ҳаммасини айтаман... – тўнғиллади Алеша. – У сизни бугун олдига чақиряпти, – бирдан томдан тараша тушгандай қилиб деди Алеша унинг кўзига тик қараб. Катя қаттиқ сесканиб тушди, диванда ундан нари сурилди.

– Менимиди... бунинг иложи борми? – лаби пирпираб деди Катя ранги ўчиб.

– Иложи бор, бўлмай иложи йўқ! – қатъият билан бирдан жонланиб деди Алеша. – Ҳозир унга ниҳоятда кераксиз. Агарда зарурат бўлмаганда, сизни олдиндан қийнаб ўтирмасдим. У касал, ақли-ҳушини йўқотган, фақат сизни сўрагани-сўраган. У сиз билан ярашмоқчи бўлиб чақираётгани йўқ, аммо сиз борсангиз бўлди, шундоқ бўсағада кўринсангиз, бас. Ўша кундан бу ёғига унинг бошидан кўп нарсалар ўтди. Сизнинг олдингизда чексиз айбдорлигини билади. Сиздан узр-маъзур қўлламоқчи эмас. "Мени кечириб бўлмайди", деяпти, фақат остонада туриб шундоқ кўринсангиз етарли...

– Сиз мени бирдан... – деди лаблари учиб Катя, – мен шу кунлар ичи сиз шундай бир таклиф билан келасиз деб кутувдим... Ўзим ҳам билардим, у мени чақиради деб!.. Бунинг иложи йўқ!

– Майли, иложи бўлмасин, лекин шундай қилинг. Эсланг, у биринчи марта сизни таҳқирлаганидан ҳайрат-залолатда, ҳаётида биринчи мар-

та, илгари ҳеч қачон буни шунчалар чуқур ўйламаганди! Унинг гапи шу: “агар Катя келмаса, мен бир умр бахтсиз бўламан”. Эшитяпсизми, сургун қилинган одам яна йигирма йил ўзини бахтиёр деб ҳис қилмоқчи, ахир бу ачинарли эмасми? Ўйлаб кўринг, сиз гуноҳи бўлмай туриб ҳалок бўлаётган кишининг олдига борасиз, – писанда билан оғзидан чиқиб кетди Алешанинг, – унинг қўллари тоза, у қон тўкмаган! Келажакда унинг олдида чексиз азоб-уқубатлар турибди, шуни деб боринг унинг олдига! Боринг ва зулматга кузатиб қўйинг... остонада турсангиз бас... Сиз ахир буни қилишингиз керак, *керак*! – деб хулоса қилди Алеша “керак” сўзига беқиёс тарзда урғу бериб.

– Керак, аммо... иложи йўқ, – худди инграгандай деди Катя, – у менга термилиб қарайди... иложи йўқ.

– Сизнинг кўзларингиз учрашсин. Ахир, кейин бир умр қандай яшайсиз, агар сиз ҳозир жазм этмасангиз?

– Ундан кўра бир умр азоб чекканим яхши.

– Сиз боришингиз керак, боришингиз *керак*, – яна қўймасдан таъкидлади Алеша.

– Аммо нега бугун, нега ҳозир?.. Мен беморни ёлғиз қолдиролмайман...

– Бир дақиқага иложи бор, бу бир дақиқа, холос. Агар бормасангиз, кечаси уни иситма тутади. Мен унга тўғрисини айтаман, раҳмингиз келсин!

– Менга раҳмингиз келсин, – аччиқ таъна қилди Катя ва йиғлаб юборди.

– Демак, борасиз! – қатъият билан деди Алеша унинг кўзёшларини кўргач. – Мен ҳозир бориб унга сизни келади деб айтаман.

– Йўқ, ҳечам гапирманг! – қўрқиб кетиб нолиди Катя. – Мен бораман, лекин сиз олдиндан унга айтманг, чунки мен бораману кирмайман, балки... Мен билмайман...

Унинг овози ичига чўкди. Оғир нафас оларди. Алеша кетгани қўзғалди.

– Мен агар биров билан учрашиб қолсам-чи? – бирдан аста сўради у ранги қув ўчиб.

– Ҳозир деганимнинг сабаби шу, у ерда ҳеч ким билан учрашмайсиз. Ҳеч ким бўлмайди, рост айтаман. Биз кутамиз, – қатъият билан гапини охирига етказди у ва хонадан чиқиб кетди.

II

ЁЛҒОН БИР ЗУМГА ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНДИ

У Митя ҳозир ётган касалхонага қараб кетди. Суд ҳукм чиқарган иккинчи куни у безгак билан оғриб қолди ва бизнинг шаҳар касалхонамизга, маҳбуслар бўлимига олиб кетишди. Аммо врач Варвинский Алеша ва яна бошқаларнинг (Хохлакова, Лиза ва бошқалар) илтимосига кўра Митяни маҳбуслар билан эмас, балки алоҳида, ўша – Смердяков ётган ҳужрага жойлаштирди. Рост, йўлак охирида соқчи турар, дераза панжарали эди. Шунинг учун унчалар қонуний бўлмаса-да, Варвинский қўрқмаса ҳам бўларди, у яхши, раҳмдил одам эди. Доктор Митянинг аҳволи оғирлигини тушунарди. Қотиллар, муттаҳам ярамасларнинг орасига тушиб қолишнинг ўзи бўлмайди, олдин бунга кўникиш керак. Яқинлар,

таниш-билишларнинг кириб-чиқишларига доктор ва назоратчи томонидан рухсат этилган, ҳатто полис бошлиғи изн берган, ҳаммаси қўл остида эди. Лекин бу кунлар ичида Митяни фақат Алеша билан Грушенька бориб кўришди. Ракитин икки марта у билан кўришмоқчи бўлди, аммо Митя Варвинскийдан уни олдига қўймасликни қатъият билан сўради.

Алеша борганда Митя каравотда касалхона халатида ўтирар, иситмаси бироз кўтарилган, бошини сиркали сувда ҳўлланган сочиқ билан ўраганди. У кириб келган Алешага мубҳам бир назар ташлади, аммо нигоҳида қандайдир бир қўрқув липиллаб ўтди.

Умуман, суддан кейин у ғоятда хаёлчан бўлиб қолди. Баъзан олдида ўтирган одамни ҳам унутиб ярим соатлар ниманидир оғир ўйлаб жим ўтирарди. Агар хаёл оламидан чиқиб сўйлай бошласа, қандайдир кутилмаганда бирдан гап бошлаб қолар ва бошқа чет нарсаларни гапириб кетарди. Баъзан укасига дард билан боқарди. Алешага қараганда у Грушенька билан ўзини енгилроқ сезарди. Рост, Груша билан қарийб гаплашмас, лекин у хонага кириб келиши ҳамон чеҳраси ёришиб кетарди. Алеша унинг ёнига каравотга индамайгина ўтирди. Бу гал у Алешани келишини хавотирга тўлиб кутган, лекин гап сўрашга ботинмади. У Катянинг келишга рози бўлишини ақлига сиғдиролмас, шу билан бирга агарда у келмаса, ҳеч кутилмаган бир нарса рўй беришини сезарди. Алеша унинг кечинмаларини англарди.

– Анов Трифон, – шошиб сўз бошлади Митя, – Борисич бор-ку, ўша бутун саройини тит-пит қилиб кавлаб ташлаганмиш, полларни очармиш, тахталарни кўчирармиш, бутун "галерия"ни ағдар-тўнтар қилармиш – хазина қидирармиш, ўша прокурор айтган бир ярим мингни излармиш Митя беркитган деб. Бошинг ғалвадан чиқмагур муттаҳам! Бу ердаги қоровул кеча менга айтиб берди, ўзи ўша ёқдан.

– Қулоқ сол, – деди гап бошлаб Алеша, – лекин билмайман қачон, балки бугун, балки шу кунларда, буни айтолмайман, аммо, албатта, келади.

Митя сесканиб тушди, нимадир демоқчи эди, бироқ индамади. Бу хабар унга жуда қаттиқ таъсир қилди. Укаси билан Катя ўртасида бўлиб ўтган гапнинг тафсилотларини билишни ғоятда истар, аммо ҳозир сўрашга асло ботинмас, Катянинг бирор шафқатсиз, нафрат тўла сўзини эшитиш унга айни дам пичоқ ургандан кўра оғирроқ туюларди.

– Дарвоқе, унинг айтган гапи шу бўлдики, мен сени қочишга кўндиришим керак экан. Агар Иван ўша пайтгача тузалиб кетмаса, мен ўзим бу ишга киришаман, деди.

– Сен буни менга айтгандинг, – ўйчанлик билан деди Митя.

– Сен эса дарров Грушага еткизгансан, – деб қўйди Алеша.

– Ҳа, – тан олди Митя, – у бугун эрталаб келмайди, – укасига ботинмай кўз ташлади. – У фақат кечқурун келади. Кеча унга Катя ҳаракат қиляпти деган эдим, индамади, лаблари қийшайиб кетди. "Билганини қилсин!" – деб пичирлаб қўйди. Гап муҳимлигини тушунди. Мен бошқа гапириб ўтирмадим. Ахир, тушунса керак, у энди, афтидан, мени эмас, Иванни севади, тўғрими?

– Шундайми? – оғзидан чиқиб кетди Алешанинг.

– Балки шундаймасдир. Фақат у энди эрталаб келмайди, – яна бир карра шошилиб деди Митя, – мен унга бир юмуш буюрдим... Менга қара, бу Иван биродаримиз ҳаммадан ўтиб кетади. Биз эмас, у яшасин энди. У тузалиб кетади.

– Тасаввур қил, Катянинг жони ҳалак, аммо унинг тузалиб кетишига ишончи комил, – деб қўйди Алеша.

– Демак, ўлишига ишончи комил. Қўрққанидан соғайиб кетади, деб ўйлайди.

– Акамнинг зуваласи пишиқ, тузалиб кетишига ишонаман, – ташвишга ботиб деди Алеша.

– Ҳа, у тузалади. Лекин анови унинг ўлишига амин. Унинг қайғу-ғами кўп...

Жимлик чўкди. Митяни қандайдир муҳим нарса қийнамоқда эди.

– Алеша, мен Грушани қаттиқ яхши кўраман, – деди у қалтираган, йиғламсираган овоз билан.

– Уни у *ёққа* юборишмайди, – деб жавоб берди Алеша дарҳол.

– Сенга яна бир нарсани айтмоқчийдим, – деди қандайдир жазиллаган овоз билан Митя, – агар мени йўлда ёки *у ёқда* урмоқчи бўлсалар, мен йўл қўймайман, мен ўлдираман, кейин мени отиб юборишади. Ахир, йигирма йил-а! Шу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ *сенлашга* ўтишди. Қоровуллар мени *сенлашади.* Кечаси билан ётиб шуни ўйладим, ўзимни тергадим: мен бунақасига тайёр эмасман! Қабул қилолмайман! "Ҳамд" айтмоқчийдим, аммо қоровулнинг сенсирашини ҳазм қилолмаяпман! Груша учун ҳаммасига чидардим, ҳаммаси... лекин уриш, калтаклашдан ташқари... Аммо уни *у ёққа* юборишмайди.

Алеша оҳиста кулиб қўйди.

– Ака, гапимни эшитиб, қулоғингга қуйиб ол, – деди у, – менинг фикрларим шундай. Ўзинг биласан, сени алдамайман. Қулоқ сол, сен тайёр эмассан, сен буни кўтаролмайсан. Буям оз, сендай тайёрлиги бўлмаган одамга бундай қийноқларни гарданига олиш шарт эмас. Агар отани ўлдирганингда, бу қийноқларни рад қилсанг, сенга ачинардим. Аммо сен гуноҳкор эмассан ва бу қийноқлар сенга асло тўғри келмайди. Сен азоб чекиб бўлса-да ўзингни янги одам каби тарбияламоқчи бўлдинг, бундан кейин қаерда бўлсанг ҳам бир умр шу янги одамни унутма, сенга шу кифоя қилади. Бошингга катта қийноқни қабул қилмаганинг ўзингда яна ҳам каттароқ бурч сезишингга хизмат қилади, бундан кейин ана шу ҳеч тўхтамайдиган ҳиссиёт билан ўзингнинг қайта тирилишингга ёрдам берасан, *у ёққа* борганингда ҳам бундан ортиғига қодир бўлмасдинг. Чунки у ёқда сен чидолмайсан, бош кўтарасан, эҳтимол, ҳақиқатан шундай дейсан: "Мен орани очиқ қилдим". Адвокат шу маънода тўғри айтди. Ҳамма ҳам оғир юк кўтаролмайди, баъзиларга бу тўғри келмайди... Менинг фикрларим шу, балки, сенга асқатиб қолар. Агар сен қочиб, бошқалар, яъни офицерлар, аскарлар жавобгар бўлиб қолсалар, мен сенга қочишни "маслаҳат бермасдим", жилмайди Алеша. – Лекин шунга ишонтириб айтишмоқдаки (ўша этап бошлиғи Иванга айтибди), ишнинг кўзини билиб қилинса, ишкал чиқмайди, арзимаган нарсалар билан ўтиб кетади. Барибир, пул билан қўлга олиш ҳам ярашмайди, лекин бу нарсаларга менинг ақлим етмайди, бир нарса деёлмайман, Катя билан Иван шу маънода сен учун ҳаракат қилишни буюрсалар, албатта, бориб бу ишни уддалаган бўлардим, бунда бор ҳақиқатни сенга айтишим керак. Шунинг учун сен ўзинг қандай қарорга келсанг ҳам ўзинг биласан, мен бир нарса деёлмайман. Лекин билиб қўй, мен сени ҳеч қачон айбламайман. Қизиқ,

бунақа ишда мен сенга қандай қилиб қози бўларканман? Ана энди, афтидан, ҳаммасини айтиб бўлдим.

– Аммо мен ўз-ўзимни айбдор биламан! – хитоб қилди Митя. – Мен қочаман, буни сенсиз ҳам аллақачон ҳал қилишган, Митька Карамазов ахир, қочмаслиги мумкинми? Бироқ ўзимни оқламайман ва ўша ёқда гуноҳларимни батамом ювaман! Иезуитлар шундай дейишади, шундайми? Худди мана сен билан икковимизга ўхшаб, а?

– Шунга ўхшаб, – оҳиста жилмайди Алеша.

– Сени ҳақиқатпарварлигинг учун севаман-да, ҳеч нарсани яширмайсан! – қувониб кулиб хитоб қилди Митя. – Демак, мен ўзимнинг Алешкамни иезуит деб топдим-да! Сени бунинг учун яхшилаб ўпиб қўйишим керак, ана шу! Ҳўп, энди бу ёғини эшит, сенга юрагимнинг бошқа томонини ҳам очай. Ўйлаб-ўйлаб шундай фикрга келдим: мен пул билан паспортни ёнимга солиб, Америкага қочиб кетсам-да, назаримда, бахт учун, ўйнаб-кулиш учун кетаётганим йўқ, мана шу фикр менга таскин беради, аслида, бошқа бир сургунга кетяпман, у сургун манави сургундан асло қолишмайди! Ҳа, Алексей, ҳақиқатан, қолишмайди! Мен бу Америкасини, жин урсин уни, ҳозирдан ёмон кўриб қолдим. Майли, Груша мен билан бирга бўлар, лекин қара унга: ахир, шу қизнинг нимаси америкалик? У рус қизи, суяк суяги билан рус қизи, у она еримизни соғиниб ўлади, ҳар соатда кўз ўнгимда у мени деб соғиниб ўлади, мен учун шу юкни бўйнига олди, унинг гуноҳи нима? Менинг у ердаги қўлансаларга тоқатим бор эканми, гарчи улар мендан юз баробар яхшироқ бўлсин? Ҳозирдан ўша Американи кўргани кўзим йўқ! Майли, ўша ёқда ҳаммалари энг зўр машинистлар бўлсин ё бошқа – жин урсин уларни – улар менинг одамларим эмас, жондош одамлар эмас! Россияни яхши кўраман, Алексей, рус худосини севаман, лекин ўзим аблаҳман! Мен у ерда ўлиб қоламан! – деб хитоб қилди у бирдан кўзларидан учқунлар сачраб. Овози йиғламсираб титради.

– Алексей, энди мен нима қарорга келганимни эшит! – деб бошлади у яна ҳаяжонини босиб, – Груша билан у ерга борамиз, дарров ер ҳайдашга тушамиз, ишлаймиз, ёввойи айиқлар, хилват жойлар, аллақаердаги жуда узоқларда. Ахир, у ерларда ҳам овлоқ жойлар кўп! У ерларда ҳали қизил танли ҳиндулар яшайди, олис уфқдан ҳам нарида, ана шу ўлка, охирги могиканлар ерида[1]. Бироқ дарҳол грамматикага ўтирамиз, мен ҳам, Груша ҳам. Иш ва грамматика, камида уч йил кетади бунга. Шу уч йил ичида инглиз тилини ўрганиб оламиз ва инглизлардан қолишмайдиган бўламиз. Ўрганиб бўлгач, хайр сенга, Америка! – деймиз. Россияга қочамиз Америка фуқаролари бўлиб. Хавотир олма, бунақа шаҳарчаларга келмаймиз. Шимолроқларга ёки жануброқларга кетамиз. Мен у вақтгача ўзгариб қоламан, Груша ҳам ўзгаради, бирон та доктор Америкада менга соқол ясаб беради, улар бунга жуда уста. Бу ҳам бўлмаса, мен битта кўзимни ўйиб оламан, катта соқол қўяман, соқолим оқаради (Россияни ўйлаб оқаради) – балки танимай қолишар. Билиб қолсалар, майли, сургун қилишар, барибир, нима қиламиз, тақдир шу экан-да! У ерда ҳам овлоқ ерларда ер очамиз, бир умр ўзимизни америкалик қилиб кўрсатамиз. Жаззаси, ўз еримизда жон берамиз. Менинг ниятларим шу ва бу ўзгармайди. Маъқулми сенга?

[1] Митя америкалик ёзувчи Ф.Купер (1789–1851)нинг "Сўнгги могикан" романини эсламоқда.

– Маъқул, – деди Алеша унинг гапига қарши бормаслик учун.

Митя бир зум жим қолди, сўнг бирдан шундай деди:

– Улар судда расво қилдилар. Қанчалар расво қилдилар!

– Расво қилишмаганда ҳам, барибир, сени жавобгарликка тортишарди, – деди хўрсиниб Алеша.

– Ҳа, бу ердаги одамларнинг тоза жонига теккан эканман! Майли, худо хайрларини берсин, лекин жуда оғир-да! – абгор бўлиб деди Митя.

Яна бир зум сукут чўкди.

– Алеша, ҳозир мени сўйиб ташла! – нидо қилди у бирдан, – у ҳозир келадими, йўқми, шуни айт! Нима деди? Қандай деди?

– Келаман деб айтди, билмайман – бугун келармикин. Унга жуда қийин! – акасига ботинмай қаради Алеша.

– Келмасинми, қийин бўлмасинми! Алеша мен бу ҳолда ақлдан озаман. Груша менга қарагани-қараган. Тушунади. Худойим, парвардигорим, сабр-тоқат бер: нимани талаб қиляпман ўзи? Катяни талаб қиляпман! Талабимни ўйлаб кўряпманми? Тийиқсиз Карамазовлар! Хинзир! Йўқ, мен азоб чеколмайман! Бир сўз билан айтганда! Аблаҳ!

– Ана ўзи! – хитоб қиди Алеша.

Шу он остонада Катя кўринди. Бир зум у тўхтади, саросима ичида Митяга кўз югуртирди. Митя шаҳд ўрнидан турди, башарасида қўрқинч акс этди, ранги ўчди, аммо шу заҳоти лабларида ялинчоқ, журъатсиз бир табассум пирпиради, у бирдан Катяга қўлларини омонсиз тарзда чўзди. Буни кўргач, қиз учиб унинг олдига борди. Митянинг қўлидан маҳкам тутиб, куч билан ўрингa ўтқизди, ўзи ёнига ўтирди ва ҳамон унинг қўлларини қўйиб юбормай жони борича қалтираб сиқарди. Улар бир неча марта бир-бировларига нимадир демоқчи бўлишди, аммо тўхташиб ва яна индамай худди бир-бирларининг ичига кириб кетгандай термилиб қарашар, лабларида ғалати бир табассум жилваланар, бир-бирларидан кўзларини узолмасдилар, шу тариқа икки дақиқача вақт ўтди.

– Кечирдингми, йўқми? – лаблари қалтираб сўради ниҳоят Митя ва шу дамнинг ўзида юзини Алешага буриб, қувончдан чеҳраси ўзгариб сўради:

– Эшитдингми, нимани сўраганимни эшитдингми!

– Шунинг учун ҳам сени севганман, олижаноб юрагинг учун севганман! – кўксидан бирдан отилиб чиқди Катянинг. – Менинг кечиришим сенга керакмас, сенинг кечиришинг менга керак; менга барибир, кечирасанми, йўқми, бир умр менинг юрагимда жароҳат бўлиб қоласан, мен эса сенинг қалбингда... – шундай бўлиши керак... – Катя нафасини ростлаш учун тўхтади.

– Мен нега келдим? – жазава ичида шоша-пиша бошлади у яна, – оёқларингдан қучайин, қўлларингни маҳкам сиқайин, эсингдами, Масковда ўшандай қўлларингни оғритиб қисганим, яна сенга шуни айтгали келдимки, сен менинг илоҳамсан, қувончим-бахтимсан, сени жонимдан ҳам қаттиқ севаман, – у азоб-қийноқ ичида инграб юборди ва бирдан ташналик билан унинг қўлларини ўпа бошлади. Кўзёшлари дарё бўлиб оқди.

Алеша саросима ичида лол қотганди: у бундай бўлишини сира хаёлига келтирмаганди.

– Муҳаббат ўтди, Митя! – бошлади яна Катя, – аммо ўтган нарса мен учун жуда азиз, у менинг азобим. Буни мангу билиб қўй. Аммо энди бир зумгина бўлиши керак бўлган нарса бўлсин, – лаби қийшайганча илжа-

йиб деди у Митянинг кўзига ял-ял боқиб. – Сен энди бошқани севасан, мен ҳам бошқага кўнгил бердим, аммо ҳар қалай мен сени мангуга севаман, сен ҳам шундай, билармидинг сен шуни? Эшитяпсанми, мени бир умрга яхши кўр, охиригача яхши кўр! – хитоб қилди овози қандайдир титраб-қақшаб.

– Севаман ва... биласанми, Катя, – ҳар бир сўзни талаффуз қиларкан тўхтаб-тўхтаб нафас ростлаб гап бошлади Митя, – биласанми, мен сени беш кун бурун, ўша оқшом севдим. Ўшанда сен йиқилдинг ва сени кўтариб олиб кетишди... Бир умр шундай бўлгай, бир умр шундай...

Бир-бирларига шундай жазава билан маъноси йўқ сўзларни айтишар, буларнинг ростми-ёлғонлигига ҳам одам ишонгиси келмас, аммо айни шу дақиқада улар чин сўз эди ва улар ўзлари ўзларига том маънода ишонардилар.

– Катя, – хитоб қилди бирдан Митя, – мен ўлдирганимга ишонасанми? Биламан, ҳозир ишонмайсан, аммо ўшанда... хатни кўрсатаётганингда... Наҳотки, наҳотки, ишонган бўлсанг!

– Ўшанда ҳам ишонмаганман! Ҳеч қачон ишонмаганман! Сендан нафратландим ва бирдан шунга ўзимни ишонтирдим... ана ўша дақиқада... Хатни кўрсатаётганимда... ишондим ва ишонч ҳосил қилдим... кўрсатиб бўлганимда эса, яна шу заҳоти ишонмай қўйдим. Билиб қўй буларнинг ҳаммасини... Мен тавба-тазарру учун келганимни эсимдан чиқариб қўйдим! – қандайдир энди бошқача бир оҳанг билан сўзлади Катя, у яқиндагина унинг оғзидан ёғилган муҳаббат алфозларига тамом ўхшамасди.

– Сенга оғир экан, эй аёл! – бирдан оғзидан чиқиб кетди Митянинг.

– Мени қўйиб юбор, – пичирлади Катя, – мен яна келаман, ҳозир чидолмаяпман!..

У ўрнидан энди тураётган эди, лекин бирдан баланд овоз билан қичқириб юборди ва орқага тисарилди. Хонага кутилмаганда, жуда секин Грушенька кириб келди. Ҳеч ким уни кутмаганди. Катя шитоб билан эшик томон юрди, Грушеньканинг ёнидан ўтаётиб тўхтади, худди бўрдай оқариб кетди ва секин худди шивирлагандай мунгранди:

– Кечиринг мени!

Грушенька унга тик боқди ва андак тин олиб, заҳар-заққум овоз билан қаҳрли жавоб қилди:

– Онагинам, биз ёвуз махлуқмиз! Иккимиз ҳам ёвузмиз! Кечиримга бало борми на сенга-ю, на менга? Мана, манавини қутқар, сўнг сени бир умр тавоф қилгайман.

– Кечиришни истамайсанми? – қичқирди Митя Грушенькага телбавор таъна қилиб.

– Хотиржам бўл, сен учун уни қутқараман! – тез пичирлади Катя ва хонадан югуриб чиқиб кетди.

– Унинг ўзи кечир деб турганда, сен ҳам кечира қолсанг нима қиларди? – аччиқ хитоб қилди яна Митя.

– Митя, унга таъна қилма, бунга ҳақинг йўқ! – акасига қараб алами келиб қичқирди Алеша.

– Лаблари мағрур сўзлади, аммо юраги жим турди, – қандайдир ижирғаниб деди Грушенька. – Сени қутқарса, ҳаммасини кечираман...

У ичига ниманидир ютгандай бўлиб жим бўлди. У ҳали ҳамон ўзига келмаганди. Кейин маълум бўлишича, у бу ерга бехос келиб қолган, бундай учрашувнинг устидан чиқишини хаёлига ҳам келтирмаганди.

– Алеша, югур унинг орқасидан! – шитоб билан укасига деди Митя, – унга айт... билмайман нима... бу аҳволда кетмасин.

– Олдингга ҳали оқшом келаман! – деб қичқирди Алеша ва Катянинг ортидан югурди. Унга касалхона панжарасидан чиққанда етиб олди. Қиз илдам юриб борар, аммо Алеша етиб олиши биланоқ унга тез гапирди:

– Йўқ, манавининг олдида мен тавба қилиб ўтирмайман! Унга мени кечир, деганимнинг сабаби охиригача тавбамга таянмоқчи эдим. У кечирмади... Шунисини яхши кўраман! – овози ғижирлаб деди Катя, унинг кўзларида ваҳшиёна бир қаҳр чақнаб кетди.

– Акам ҳеч кутмаганди, – ғўнғиллаб деди Алеша, – у келмайди деб ишонганди...

– Шундай бўлса керак. Қўяйлик шу гапни, – чек қўйди у. – Қулоқ солинг. Сиз билан у ёққа таъзияга боролмайман энди. Уларга тобут учун гуллар жўнатдим. Ҳозирча ўзларида етарлича пуллари бор, чамаси. Агар зарурат бўлса, айтинг, бундан кейин ҳам уларни ташлаб қўймайман... Энди мени ўз ҳолимга қўйинг, қўйинг, илтимос. Сиз у ёққа кеч қолдингиз, кечки ибодатга жом чалиняпти... Мени ўз ҳолимга қўйинг, ўтинаман!

III

ИЛЮШЕЧКАНИНГ МОТАМИ, ХАРСАНГ ТЕПАСИДА АҲД

Ҳақиқатан, у кеч қолди. Уни кутиб туришди, кейин гуллар билан чирмалган кичкина тобутчани черковга ўзлари элтмоқчи ҳам бўлишди. Бу шўрлик болакай Илюшечканинг тобути эди. У Митяга ҳукм ўқилгандан икки кун ўтгач кўз юмди. Алешани уйнинг дарвозахонасидаёқ Илюшечканинг ўртоқлари қий-чув билан қарши олишди. Болалар уни тоқатларитоқ бўлиб кутишар, етиб келганидан ҳаммалари хурсанд бўлишди. Таъзияга ўн иккита бола йиғилганди, ҳаммалари жилдларини кўтариб, елкаларига осиб олишганди. Илюша ўлими олдидан ўртоқларига: “Отам кўзёши қилади, отамнинг ёнида бўлинглар”, деб васият қилганди, болалар буни эслаб қолишганди. Болаларга Коля Красоткин етакчи эди.

– Келганингиздан жуда хурсандман, Карамазов! – деб хитоб қилди у Алешага қўлини узатаркан. – Бу ерда аҳвол чатоқ. Вазият оғир. Снегирев ичмаган, биз аниқ биламиз, у бугун ичмаган, лекин ичгандек гандираклайди... Мен доим ўзимни тутаман, Карамазов, аммо жуда оғир буларга қараш... Ичкарига киришингиздан олдин сиздан бир нарсани сўраб олмоқчийдим, агар ушланиб қолмасангиз...

– Нима бўлди, Коля? – тўхтади Алеша.

– Сизнинг акангиз айбдорми, айбдор эмасми? Отани у ўлдирганми ё хизматкорми? Нима десангиз, шу. Мен тўрт кундан бери кечаси ухлолмайман шуни ўйлаб.

– Хизматкор ўлдирган, акам айбдор эмас, – жавоб берди Алеша.

– Мен ҳам шуни айтаман-да! – деб қичқирди бирдан Смуров деган бола.

– Демак, у ҳақиқат учун ўзини бегуноҳ қурбон қиларкан-да! – хитоб қилди Коля. – Ҳалок бўлса ҳам, аммо бахтли! Мен унга ҳавас қиламан!

– Нима деяпсиз, мумкин эмас, нима учун? – хитоб қилди ажабланиб Алеша.

– О, мен ўзимни бир кунмас-бир кун шундай ҳақиқат учун қурбон қилолсайдим, – шавқи келиб деди Коля.

– Лекин бунақа ишни ҳавас қилманг, бунақа шармадаликни ҳавас қилманг, бунақа фалокатни ҳавас қилманг! – деди Алеша.

– Рост, мен бутун инсоният учун жонимни бергим келади, шармандалик бўлса нима қилибди, барибир: ҳалок бўлсин бизнинг номларимиз[1]. Сизнинг акангизни мен ҳурмат қиламан!

– Мен ҳам! – деб бирдан қичқирди тўда ичидан бир пайтлар Трояни ким қурганини биламан, деб чиққан бола ва қичқирди-ю, шу заҳоти худди ўшандагидай қип-қизариб кетди қизил гулдай бўлиб.

Алеша уйга кирди. Оқ мато билан ўралган кўк тобутда қўллари кўксига қўйилган, кўзлари юмилган Илюша ётарди. Ориқлаб кетган юзининг чизиқлари ҳеч ўзгармаган ва қизиқ, жасаддан унчалик ҳид таралмасди. Чеҳрасининг ифодаси жиддий ва ўйга ботгандай эди. Айниқса, худди мармардан ясалгандай кўксига чалиштириб қўйилган қўллари кўркам эди. Унинг қўлларига гуллар тутқазилганди, умуман, тобут ҳар томондан гуллар билан ўралган, уларни эрта барвақт Лиза Хохлакова жўнатган эди. Катерина Ивановнадан ҳам гуллар келди ва Алеша эшикни очганда, штабс-капитан қалтироқ қўлларида гулларни жондан ширин ўғилчасининг атрофига сочарди. Уйга кириб келган Алешага шундоқ кўз қирини ташлаб қўйди, у ҳеч кимга қарашни истамасди, ўзининг йиғлаб ўтирган "онажониси"га, савдойи хотинига ҳам қарашни истамас, хотини ўғилчасига яқинроқдан қараш учун касал оёқларида тик турмоқчи бўларди. Ниночкани эса болалар курсиси билан бирга кўтариб, тобутга яқинроқ сурдилар. У тобутга бошини қўйиб ўтирар ва юм-юм йиғларди. Снегиревнинг чеҳрасида қандайдир жонланиш ифодаланар, лекин ғоятда паришон ва шу билан бирга жуда заҳарли эди. Унинг хатти-ҳаракатлари, оғзидан отилиб чиқаётган сўзларида қандайдир савдойилик зуҳурланарди. "Отагинам, жоним отагинам!" деб дам-бадам нидо қиларди у ўғилчаси Илюшага қараб. Ўғилчаси тириклигида уни шундай: "Отагинам, жоним отагинам!" деб эркаларди одатда.

– Дадаси, менга ҳам гуллар беринг, унинг қўлидаги оқ гулни менга олиб беринг! – хўрлиги келиб мунграрди савдойи онахон. Илюшанинг қўлчасидаги мўъжазгина нафис оқ гул унга шунчалар ёқиб қолдими ё ўғилчасининг қўлидан хотира учун шу гулни олгиси келдими, у гулни олиш учун жуда талпиниб қолди қўлларини чўзиб ёлвориб.

– Ҳеч кимга бермайман, ҳеч нарса бермайман! – тошбағирлик қилиб хитоб айлади Снегирев. – Бу унинг гуллари, сеники эмас. Ҳаммаси уники, сеники эмас!

– Ота, онамга гул беринг! – бирдан кўзёшлардан ҳўл бўлиб кетган юзини кўтарди Ниночка.

– Ҳеч нарса бермайман, айниқса, унга бермайман! У ўғилчамни яхши кўрмаган. Унинг замбарагини тортиб олган, ўғилчам унга совға қилган, – бирдан бўриллаб овоз чиқариб йиғлаб юборди штабс-капитан Илюшечка онасига замбаракни совға қилганини эслаб. Шўрлик савдойи аёл ҳўнграб йиғлаб юзини қўллари билан тўсди. Болалар ота ҳадеса тобутни қўйиб

[1] Коля француз сиёсий арбоби, машҳур нотиқ Верньо (1753–1793) сўзларидан келтиряпти.

юбормаётганини кўриб, ҳолбуки, уни кўтарадиган вақт бўлган эди, бирдан тобутни ўраб олишди-да, кўтаришди.

– Панжара ичига кўмишни истамайман! – бақирди бирдан Снегирев, – харсангтош олдига кўмаман, у бизнинг тошимиз! Илюша шундоқ деган. Бермайман тобутни!

У уч кундан бери тош олдига кўмаман, деб қўярда-қўймасди, аммо Алеша, Красоткин, уй эгаси, унинг опаси, барча болалар орага тушишди.

– Айтаётган гапини қаранглар, ярамас тош олдига кўмармиш, нима бу ўзини осган боламиди, – уришгандай бўлиб деди уй эгаси бўлган кампир. – У ерда панжараси бор, ерга хоч қадалган. У ерда доим дуо ўқиб туришади. Черковдан қўшиқлар эшитилиб туради, руҳоний шунақа яхши, юракдан ўқийди, ҳар сафар унинг қулоғига етиб боради, худди қабр устида туриб ўқилгандай бўлади.

Ниҳоят, штабс-капитан қўлларини силкиди: "Майли, қаерга олиб борсангиз, олиб бораверинглар!" Болалар тобутни кўтаришди, аммо онаси ёнидан олиб ўтатуриб, бир зумга тўхташди ва тобутни ерга қўйишди, онаси Илюша билан видолашсин дейишди. Азиз боласининг юзини жуда яқиндан кўриб, ҳолбуки, уч кундан бери анча нарироқдан унга қараб ўтирарди, у бирдан қаттиқ қалтираб, жазавага тушиб сочлари оқариб кетган бошини тобут устида у ёқдан-бу ёққа чайқай бошлади.

– Ойижон, уни покланг, дуо қилинг, ўпиб қўйинг, – дея қичқирди унга Ниночка. Аммо онаси бошини тинмай чайқар, юз-бети азоб-қийноқдан ўзгариб кетган, қўллари билан кўкракларига урарди. Тобутни олиб ўтишди. Ниночка тобутни олиб ўтишаётганда охирги марта укачасининг дудоқларига лабларини босди. Алеша уйдан чиқаркан, уй эгасига қолганларга қараб туринг демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо кампир гапиртиришга қўймади:

– Ўзимиз ҳам биламиз, шу ерда бўламиз, биз художўйларданмиз. – Кампир шу сўзларни айтиб кўзёш тўкарди.

Черковгача йўл узоқ эмасди, уч юз қадамларча бор эди. Ҳаво очиқ, жимжит, андак совуқ чимчиларди. Черковдан жом садоси келарди. Снегирев ўзини йўқотганча гангиб тобут ортидан борар, у юпқа, калта эски пальто кийган, боши очиқ, қўлида айвони кенг оҳори тўкилган юмшоқ шляпасини кўтариб олди. У аллақандай ечиб бўлмас ташвишга ботган, дам тобутни тутмоқчи бўлиб қўлларини чўзар, тобут кўтариб бораётганлар атрофида ўралашар, халақит берар, дам ён томонга ўтиб чопқиллаб борарди. Битта гул ерга тушди-ю, худди ҳаёт-мамоти ҳал бўладигандай уни ҳовликиб кўтариб олди.

– Э, нон олмабмиз-ку, нон олмабмиз, – деб бирдан хитоб қилди у қўрқиб кетиб. Аммо болалар шу заҳоти нонни кеча олиб чўнтагингизга солиб қўйган эдингиз, деб дарров эслатишди. У дарҳол нонни чўнтагидан чиқарди-ю, туйқус кўнгли жойига тушди.

– Илюшечка айтувди, Илюшечка, – тушунтирди у шошиб Алешага, – кечаси ётган эди, мен ёнида ўтирувдим, бирдан менга сўзлаб қолди: "Отажон, қабримга тупроқ тўкканларидан сўнг қабрга нонни бурдалаб ташланг, чумчуқлар учиб келишсин, улар учиб келишганини мен эшитаман ва бир ўзим ётганим йўқ деб суюнаман".

– Бу жудаям яхши, – деди Алеша, – тез-тез увоқ тўкиб туриш керак.

– Ҳар куни, ҳар куни! – деб бидирлади штабс-капитан қандайдир бутун жонланиб.

Ниҳоят, черковга келиб, тобутни қўйишди. Болалар ҳаммалари бутун маросим давомида унинг атрофида туришди. Черков анча эски ва қашшоқ эди, жуда кўп санамлар қопламасиз турарди, аммо бундай эски черковларда ибодат яхшироқ кечади. Маросим пайтида Снегирев қандайдир жимиб қолди, аммо вақти-вақти билан уни аллақандай ғайришуурий ташвиш ўз комига тортарди: у дам тобут олдига бориб кафанни тўғрилар, гулчамбарни тузатарди, шамдондан битта шам пастга тушиб кетганди, дарров бориб уни жойига ўрнатмоқчи бўлиб анча типирчилаб уринди. Кейин у тинчланди, тобут бошида бефайз, беҳуш туриб қолди. Ҳазратдан кейин ёнида турган Алешага Апостолни тўғри ўқишмади деди, аммо фикрини очиқ айтмади. Фаришталар қўшиғи пайтида у ҳам аста жўр бўла бошлади, лекин охирига еткизмади, полга тиз чўкди, черков ерига пешонасини қўйди ва шу алфозда анча вақт ётди. Ниҳоят, дуолар ўқиш бошланди, шамлар тарқатилди. Эс-ҳушидан айрилган ота яна ҳаросонликка тушди. Лекин тобут устида янграган жонбахш, ларзакор куй унга қаттиқ таъсир қилди, ҳайратга солди. У бирдан қандайдир бужмайиб, кичрайиб қолди ва тез-тез, қисқа-қисқа ҳўнграй бошлади, олдин овозини босиб турди, охирида ўкириб-ўкириб йиғлади. Хайрлашиш вақти келиб, тобутни ўрай бошлаганда, у Илюшечкани ўрашга йўл қўймайдигандай тобутни қучоқлаб олди ва ўғилчасининг жасадини ташналик билан ютоқиб ўпа бошлади. Уни ниҳоят кўндириб тобутдан ажратиб олишди ва зиналардан пастга олиб туша бошлашди, аммо шунда у шитоб билан қўлларини чўзиб, тобутдан бир қанча гулларни тортиб олди. У гулларга қарар ва қандайдир бир янги фикр миясида туғилганга ўхшарди, шу тариқа энг муҳим нарсани у бир зумга унутгандай бўлди. Бора-бора у қандайдир хаёл оғушига чўмди ва тобутни кўтариб қабрга олиб бораётганларида энди қаршилик кўрсатмади. Қабр шу яқин ўртада, панжара олдида, черковнинг шундоқ ёнида бўлиб, бу азизроқ жой эди, унинг пулини Катерина Ивановна тўлаганди. Одатдаги расм-русумдан сўнг гўрковлар тобутни пастга қўйдилар. Снегирев қўлидаги гуллар билан шунчалар қабрга қаттиқ энкайдики, болалар қўрқиб кетиб пальтосининг этагидан тутиб орқага тортдилар. Аммо у энди нима бўлаётганини англамаётгандек эди. Қабрга тупроқ тўка бошлашганда, у нимадандир ташвишланиб тупроқни кўрсатар ва нималарнидир сўйлар, аммо ҳеч ким нима деганини тушунмасди, бирдан ўзи ҳам жимиб қолди. Шунда унга нонни майдалаш кераклигини эслатишди, у қаттиқ ҳаяжонга тушди ва нон бурдасини қўлига олиб қабр тупроғи устида майдалаб соча бошлади: "Ана энди учиб келинглар, қушлар, ана энди учиб келинглар, чумчуқчалар!" – ғўлдирарди у якқаш. Болалардан бири қўлда гул билан нонни майдалаш қийин, гулни ушлаб турайлик, деди. Лекин кўнмади, гўё гулларимни олиб қўйишади, деб ўйлади, қабрга қараб ҳаммаси охирига етганини сезиб, у бирдан хотиржам орқасига қайрилиб уйга йўл олди. Қадамлари борган сари тезлашди, у шошар, чопқилларди. Болалар ва Алеша ундан орқада қолишмасди.

– Онагинамга гуллар, онагинамга гуллар! Онагинамни хафа қилиб қўйдик, – деб бирдан у абдирай бошлади. Кимдир унга шляпангизни кийиб олинг, деб қичқирди, ҳозир совуқ, аммо у буни эшитиб, нечукдир қаҳри келиб шляпасини қорга отди-да: "Шляпа керакмас, шляпа керакмас!" деб такрорлай бошлади. Смуров деган бола шляпани кўтариб унинг орқасидан олиб кетди. Барча болалар йиғлашар, ҳаммадан ҳам Коля билан

Трояни очган бола қаттиқ ўкиришарди. Капитаннинг шляпасини кўтариб олган Смуров ҳам ўртаниб йиғларди, лекин орада йўлдан бир ғишт парчасини кўтариб, шу ердан шувуллаб учиб ўтаётган чумчуқлар галасига қараб отди. Албатта, теккиза олмади ва яна йиғлаганча чопқиллаб кетаверди. Йўлнинг ярмига етганда Снегирев кутилмаганда тўхтади, ярим дақиқача нимадандир ҳайратга тушганча туриб қолди ва бирдан орқасига, черков томонга қайрилиб қабрга қараб чопиб кета бошлади. Аммо болалар бир зумда етиб олиб, ҳар томондан унга ёпишиб олишди. Шунда у ожиз қор устига қулади, ўзини у ёққдан-бу ёққа отиб-уриб фарёд кўтариб йиғлаб қичқира бошлади: "Отагинам, Илюшечка, отагинам Илюшечка!" Алеша билан Коля уни турғиза бошлашди, ялиниб-ёлворишди, гапга кўндиришди.

– Капитан, бўлди-да энди, мардона бўлиб чиданг ахир, – ғўлдирарди Коля.

– Гулларни ҳам эзиб қўясиз, – деди Алеша ҳам, – ойижон уларни кутяпти, йиғлаб ўтирибди, сиз боя унга Илюшечканинг гулларини бермадингиз. Илюшанинг тўшаги ҳали йиғиштирилмаган...

– Ҳа, ҳа, онажонимга! – бирдан яна эслаб қолди Снегирев. – Тўшакни йиғиштирамиз, йиғиштирамиз! – қўшиб қўйди у қўрқа-писа чиндан ҳам йиғиштириб ташлашади деб ва ўрнидан сакраб туриб, уйга қараб югурди. Аммо уйга яқин қолганда ҳаммалари бирга етиб келишди. Снегирев эшикни шиддат билан очди ва яқиндагина жанжаллашган хотинига қараб бўкирди.

– Онагинам, азизам, Илюшечка сенга гуллар юборди, касал оёқларингдан айланай! – деб қичқирди хотинига бир даста гулларни тутиб, гуллар у ҳозир йиқилганда эзилган, синган, тароватини йўқотганди. Лекин худди шу дамларда у бурчакда Илюшанинг тўшаги олдида ёнмаён турган Илюшанинг этикчаларини кўриб қолди, уларни уй эгаси кампир йиғиштириб қўйганди, бу эски, териси сийқаланиб кетган, илма-тешик, ямалган, тешилган этикча эди. Капитан уларни кўргач, қўлларини кўтарди-да, ўзини отди, тиз чўкди, этикчанинг бир пойини олди-да, лаблари билан ўпиб яна ўкира бошлади: "Отагинам Илюшечка, жоним болам, қани этик кийган оёқларинг?"

– Қаерга олиб кетдинг уни? Қаерга олиб кетдинг? – юракни ёриб уввос солди савдойи она. Энди Ниночка ҳам уввос сола бошлади. Коля уйдан ташқарига чопиб чиқиб кетди, орқасидан болалар ҳам чиқишди. Ниҳоят, улар ортидан Алеша ҳам чиқди. "Майли, тўйиб йиғлаб олишсин, – деди у Коляга, – юпатишнинг иложи йўқ ҳозир. Бир зум кутайлик, кейин қайтиб кирамиз".

– Ҳа, иложи йўқ, жуда даҳшат, – тасдиқлади Коля. – Биласизми, Карамазов, – бирдан овозини пасайтирди у бошқа ҳеч ким эшитмасин деб, – мен жуда қаттиқ хафаман, агар уни тирилтиришнинг иложи бўлсайди, мен дунёдаги бор нарсамни берган бўлардим!

– Оҳ, мен ҳам худди шундай, – деб қўшилди Алеша.

– Нима деб ўйлайсиз, Карамазов, биз кечқурун келсак бўлармикин? Ахир, отаси энди ичади.

– Балки ичар. Биз иккимиз келсак етар, бирон соат улар билан бирга ўтирармиз, онажон ва Ниночка билан, агар ҳаммамиз баравар келсак, яна барини бир бошдан эслашади, – маслаҳат берди Алеша.

– У ерда ҳозир уй эгаси дастурхон тузаяпти, таъзия бўлади, поп келади; биз у ерга қайтиб киришимиз керакми, йўқми, Карамазов?

– Албатта, кирамиз, – деди Алеша.

– Булар ҳаммаси жуда ғалати, Карамазов, бир ёқда қайғу-ғам, бир ёқда ноз-неъматлар, нотабиий нарса-да булар.

– Дастурхонда семга[1] ҳам бўлади, – деб баланд овоз билан гапириб қолди бирдан Трояни очган бола.

– Мен сиздан жуда жиддий ўтинаман, Карташов, аҳмоқона гапларингизни ичингизда сақлаб туринг, бошқаларнинг гапига бурнингизни тиқманг, ўзингиз ким бўлибсиз, – жаҳли чиқиб қоқиб ташлади болани Коля. Бола қип-қизариб кетди, лекин гап қайтармади. Бу орада ҳаммалари сўқмоқда аста кезишарди ва бирдан Смуров хитоб қилди:

– Мана Илюшанинг харсанги, уни шу ерга кўмишмоқчи эди!

Ҳаммалари катта харсанг олдида тўхташди ва бир маҳал Снегирев ҳикоя қилиб берган бутун бир манзара унинг кўз ўнгида шундоқ гавдаланди. Ўшанда Илюшечка отасини қучоқлаб йиғлаб нола қилганди: "Отажон, отажон, сизни нега у таҳқир қилди!" Негадир шу онда юраги ағдар-тўнтар бўлиб кетди. У Илюшанинг мактабдош ўртоқларининг маъсум, тоза чеҳраларига бирма-бир кўз югуртириб чиқди-да, жиддий бир қатъият билан уларга деди:

– Жаноблар, мана шу ерда сизга бир оғиз сўз айтмоқчи эдим.

Болалар дарров уни ўраб олишди ва камоли диққат билан нигоҳларини қадашди.

– Жаноблар, биз тезда айриламиз. Бир қанча вақт мен акаларим билан бўламан, улардан бири сургунга кетади, иккинчиси ўлим тўшагида ётибди. Мен тез орада бу шаҳарни тарк этаман, балки узоқ вақт бу ерда бўлмайман. Ана шунақа, биз айриламиз, жаноблар. Илюшанинг харсангтоши олдида турарканмиз, келишиб олайлик – ҳеч қачон эсимиздан чиқармаймиз, биринчидан, Илюшечкани, иккинчидан, бир-биримизни. Кейин ҳаётда бошимизга нима иш тушмасин, гарчи йигирма йил учрашмайлик, барибир, шуни ёдимиздан чиқармаймизки, шўрлик болакайни қандай кўмиб келгандик, илгари унинг бошига тошлар отгандик – эсингиздадир кўприк олдида! Ва кейин уни ҳаммамиз яхши кўриб қолдик. У ажойиб болакай эди, азамат ва мард болакай. Отасининг таҳқирланганидан номус қилди, унинг номусини ҳимоя қилди. Шундай қилиб, жаноблар, аввало, уни бутун ҳаётимиз давомида унутмаймиз. Қандай муҳим ишлар билан банд бўлмайлик, юксак шарафларга эришмайлик ёхуд бошимизга қандайин оғир ташвишлар тушмасин, ҳеч қачон унутмангки, қандай яхши бўлган эди бизга бу ерда, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқаргандик, биргаликда олижаноб ва яхши туйғуларга тўлгандик, шўрлик болакайга муҳаббатимиз бизни ҳам сарбаланд кўтарганди, бу бизнинг асл ҳолимиздан кўра ҳам аълороқ бўлганди. Менинг асл кабутарларим, келинг, сизни шундай атайин – сизни кабутарларим деб айтайин, чунки сиз ҳаммангиз уларга менгзайсиз, сиз кўркам кўкарчинларсиз, мана шу дамларда тоза, жонажон чеҳраларингизга қарайман, менинг жонажон болакайларим, балки, ҳозир айтар сўзларимни англамайдирсиз, чунки мен, кўпинча, ғоятда тушунарсиз сўзлар айтаман, аммо сиз, барибир, эслаб қоласиз ва қачонлардир менинг сўзларимга қўшиласиз. Шуни яхши билгайсизки, истиқболдаги ҳаёт учун яхши хотирадан юксакроқ, кучлироқ,

[1] Семга – хонбалиқ тури.

соғломроқ ва фойдалироқ ўзга нарса йўқ. Ва айниқса, у болаликка оид бўлса ва айниқса, туққан уйдан чиққан бўлса. Сизга тарбия ҳақида кўп сўзлайдилар, болаликдан қолган мана шундай қандайдир гўзал ва қутлуғ хотира балки ҳаммасидан ҳам яхши тарбиядир. Агарда шундай хотираларни ўзингиз билан ўз ҳаётингизга олиб кирсангиз, ҳамроҳ қилсангиз, унда одам бир умрга халос топгай. Юрагимизда лоақал битта шундай хотира қолса, ўшанда ҳам у қачонлардир бизга нажоткор бўлгай. Балки, биз кейин баногоҳ ёвузроқ бўлиб қолармиз, ҳатто бадтарин қилиқлар олдида ҳам маҳкам қарши туришга куч-ирода топа олмасмиз, инсон кўзёшлари устидан, балки, кулармиз, боя Коля хитобан айтгандай, "Барча одамларнинг дардини чекким келади" ва шундай сўзларни айтган одамлар устидан, эҳтимол, ёвузлик билан масхара қилгимиз келар. Лекин қанчалар ёвуз бўлмайлик, асло худо кўрсатмасин, Илюшани қандай кўмганимизни эсга олсак, кейинги кунларда уни қанчалар севганимизни ёд этсак, мана шу харсангтош теграсида туриб қанчалар дўстона, аҳил сўзлашгандик десак, унда ичимиздаги энг шафқатсиз баттол одам ҳам, энг қайтмас масхарабоз ҳам ҳеч қачон ичида айни мана шу дамларда ўзининг қанчалар яхши ва тоза бўлгани устидан кулишга журъат этолмагай! Бу ҳам оз, балки ўша хотиранинг айни ўзи уни чексиз бир ёвузликдан сақлаб қолгай ва у ўйланиб туриб айтгай: "Ҳа, мен ўшанда тоза, мард ва софдил эдим!" Майлига, ўз ичида балки кулиб қўйсин, ҳечқиси йўқ, одам, кўпинча, яхши ва тоза устидан кулиб юради, бу енгилтакликдан бошқа нарса эмас. Лекин сизни ишонтириб айтаманки, жаноблар, кулган заҳоти у юрагида айтгай: "Йўқ, кулганим ёмон бўлди, чунки бунинг устидан асло кулиб бўлмас!"

– Бу, албатта, шундай бўлади, Карамазов! Мен сизни тушунаман, Карамазов! – хитоб қилди кўзлари ўтдай чақнаб Коля. Болалар ҳам тўлқинланиб кетишди ва ўзлари ҳам бир нарсалар демоқчи бўлишди, аммо нотиққа диққат билан термилишиб қараб кўнгиллари эриб ўзларини босдилар.

– Мен буларни агар кейинчалик айниб қолсак, деб айтаётирман, – давом этди Алеша, – лекин биз нега энди айнишимиз керак экан, жаноблар, тўғрими? Ҳаммадан олдин ўзимиз тоза ва яхши бўлайлик, кейин номусли бўлайлик ва ниҳоят, ҳеч қачон бир-биримизни унутмайлик. Буни мен яна бир карра такрорлайман. Мен ўз номимдан сизга сўз бераман, жаноблар, мен биронтангизни ҳам унутмасман, ҳар бир ҳозир менга қараб турган чеҳрани, мабодо ўттиз йил ўтса ҳам эслагайман. Боя мана Коля Карташовга қараб биз гўё "ер юзида бормизми ё йўқмизмизми, билмаймиз", билишни истамаймиз, деди. Ахир, наҳот мен Карташов ер юзида борлигини унутсам, у эндиликда Трояни очган пайтларидек қизариб-бўзармаслигини эсламасам ва менга ҳозир тоза, маъсум, қувноқ кўзлари билан тикилиб турганлигини унутсам? Жаноблар, менинг жонажон, қадрдон жанобларим, биз ҳаммамиз Илюшадай олижаноб, мард бўлайлик, Колядай ақлли, азамат ҳамда одил бўлайлик (аммо у ҳали ўсиб-униб янада ақллироқ бўлиб қолади), худди Карташовдек виждонли, уятчан ва мулойим бўлайлик. Уларнинг икковлари ҳақида мен кўп гапирдим! Барчангиз, жаноблар, шу дамдан бошлаб менинг жонажонларимсиз, ҳаммангизни бағримга босаман, сиздан эса мени ҳам бағрингизга босишингизни сўрайман! Шу ҳиссиёт билан бизни ким бирлаштирди, уни ҳеч қачон унутмасмиз, у бизнинг дўстимиз, жонажонимиз, абадулабад қадрдонимиз, тоза, маъсум болакай Илюшечка! Ҳеч қачон унутмас-

миз, уни ёд этармиз! Мангу ёркин хотираси ўчмагай, қалбимизда то абад омон бўлгай!

– Омон бўлсин, омон бўлсин, мангу омон бўлсин хотира! – қичқиришди барча болалар жаранглаган эрка овозлар билан.

– Доим ёдимизда сақлармиз унинг азиз қиёфасини, унинг либослари, унинг йиртиқ этиклари, эсимиздан чиқмас унинг тобути, бахтсиз отасини эслармиз, эслармиз бутун синфимизга қарши мардона турганини!

– Эслаймиз, ҳамиша эслаймиз! – қичқиришди яна болалар, – у мард бола эди, мард эди! У тоза эди!

– Оҳ, қанчалар севаман уни! – хитоб қилди Коля.

– Оҳ, болакайларим, оҳ, ошно-оғайниларим, ҳаётдан қўрқманг! Яхшилик қилсанг, ҳаёт доим яхшидир.

– Ҳа, ҳа, – шодон такрорлашди болалар.

– Карамазов, биз сизни севамиз! – хитоб қилди тўхтамай яна бир овоз, чамаси, Карташов эди.

– Сизни севамиз, сизни севамиз, – ҳаммалари илиб кетишди. Кўпларнинг кўзида томчи ёш ялтиради.

– Карамазовга ура! – хурсанд қичқирди Коля.

– Мангу яшасин болакай! – жўш урди Алешанинг ҳислари.

– Хотираси мангу! – яна илиб кетишди болалар.

– Карамазов! – қичқирди Коля. – Наҳотки, биз ҳаммамиз ўлгандан сўнг тирилсак, бизга жон кирса ва ҳаммамиз бир-биримизни яна кўрсак, Илюшечкани ҳам кўрамизми?

– Албатта, тирилгаймиз, албатта, бир-биримизни кўргаймиз ва кулиб-кулиб бир-биримизга ҳикоя қилиб бергаймиз, – кула-кула деди Алеша.

– Оҳ, қандай яхши экан! – деб юборди Коля.

– Майли, энди гапларни тугатайлик, ичкарига таъзияга кирайлик. Қисинманг таом еймизми, деб. Бу эски халқ одати, ўлмайди, бунинг ҳам яхши томони бор, – кулиб юборди Алеша. – Қани, юра қолинглар. Мана, қўл ушлашиб борамиз энди.

– Доим шундай бўлсин, бир умр қўл ушлашиб юрайлик! Карамазовга ура! – яна хурсанд қичқирди Коля ва болалар яна унга жўр бўлдилар.

Тамом

NASR

Иброҳим ан-Носир ал-ҲУМАЙДОН

ЗУЛМАТДАГИ НУР

Роман[1]

Араб тилидан
Муртазо САЙДУМАРОВ
таржимаси

Тўртинчи боб

Синфдошлар, одатдагидек, эрталаб йиғилишди. Лекин бу сафар йиғилишлари мактаб ҳовлисида ёки синф хоналаридан бирида эмас, балки оёқлари боришга ўрганиб қолган кичкина қаҳвахонада бўлиб ўтди.

Кўприкнинг икки ёнида жойлашган қатор қаҳвахоналар ичида айнан шунисини танлаш тасодиф эмасди. Кунлик ҳаётда ёрдам беришдан мутлақо узоқ бўлган мавзуларда маъруза ўқийдиган ўқитувчилар қўлида асирликдан қутулишнинг энг яхши йўлини Исмоил ўйлаб топган эди. У зерикарли маърузалар сабаб кўприкка бориб, гоҳ пастга қараб сувнинг соҳилга шовқин билан урилаётган тўлқинларини томоша қилар, гоҳида ўзининг олдидан шошиб ўтаётган одамларга эътибор бераради. Бир йилдан камроқ вақт олдин мана шу кўприкдаги жангда иштирок этганлардан бирортасини учратгиси келарди.

Исмоилнинг назарида йиғилиш жойи сифатида ўша воқеаларни эслатиб турувчи мана шу кўприк қаҳвахонасидан яхшироғи йўқ эди.

Танлов албатта, бошқа синфдошлар томонидан жиддий эътирозга учради. Улар ўз фикрларининг исботи сифатида қаҳвахонанинг мактабга яқинлигини айтдилар. Мактаб идораси “яширин” кўзлари орқали дарсдан қочиб, шатранж ёки домино ўйнаб вақтларини ўтказаётганларини фош этиши мумкин. Шу сабаб, кейинчалик нима бўлса бўлар, деб умуман мактабга бормасликни афзал кўрдилар. Лекин Исмоил ўзининг гапга чечанлиги билан ҳеч бўлмаса йўқлов дафтарига қўл қўйиш ва кўзларга кул сепиш учун бошқаларни эрталабки дарсларга бориш зарурлигига ишонтира олди. Бу ёшларнинг ёки ўқишни давом эттириш ёки бутунлай ташлаш ҳақида узил-кесил қарор чиқаришлари учун сўнгги уриниш бўлади. У яна бир сабаб билан дўстларининг оғзини ёпиб қўйди. У ҳам бўлса, дарсга мунтазам қатнашиш йиллик натижада якуний баҳога бир балл қўшиши эди. Шунда синфда қолишни дарсларнинг мураккаблиги, ўқитувчилар берган сабоқнинг қийинлиги ва уларни ўзлаштириш осон

[1] Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

эмаслиги билан изоҳлаш мумкин бўларди. Лекин ҳар куни уйдан китоб кўтариб чиқиб, дарсларга бормасликларини қандай изоҳлашади?

Синфдошлари унинг раъйига қарашдан бошқа илож топишолмади. Лекин Исмоил нима учун айнан мана шу қаҳвахонани танлаганини охиригача тушунтириб бера олмади.

У ҳар гал бу ерга келаркан, кўприкни кўриб қалби ёришарди. Талабалар уюшмасининг фаоли сифатида муҳим роль ўйнаганида унинг қони ҳам шу кўприкка тўкилган. Бошқалар каби товон тўлаган. Лекин ҳар куни бирга юрган мана шу синфдошлари унинг талабалар уюшмасидаги ишларини билмасликлари ғалати ҳол. Эҳтимол, бу уюшмадаги махфий тузилма сабаблидир. Исмоил айрим сабабларга кўра ақлини пеш қилиш ва ўзига эътибор қаратишни хушламайди. Ўша сабабларнинг бири ташқи кўринишининг одмилиги ва жуссасининг кичкиналиги бўлса, иккинчидан у ҳар қандай ҳолатда, ҳаттоки талабалар билан узоқ баҳсга киришиб кетса-да, ўз ҳиссиётларини яшира олиши эди. Бунга бир мисол келтиришнинг ўзи кифоя. Иттифоқчилар армиясининг аскарлари ҳар куни ўн марталаб шаҳар аёлларига ҳамманинг кўз ўнгида тегажоғлик қилса-да, ҳукумат бунга бепарво эди. Исмоил ўша аскарларга нафрат билан қараб, ерга туфлар ва бу ҳукумат ўзини биров босиб олишидан бошқага ярамайди, дея жиғибийрони чиқар, бироқ қўлидан ҳеч нарса келмаслигини сезиб, жим бўлиб қоларди.

Шунда у синфдошлари ҳам дунёда юз бераётган ҳодисаларни илмий таҳлилдан мутлақо узоқ йўл билан шарҳлаётганларини ҳис қилар, ҳукумат аҳолига сифатсиз озиқ-овқат беришдан ташқари, унинг онгини ҳам заҳарламоқда деб биларди. Буларнинг барчасига чек қўйиш учун у ўз маданий даражасини оширишга ҳаракат қилади, одамларнинг ҳикояларини тинглайди, китоб дўконларидан маданиятга оид китоблар сотиб олади. Бу китоблар халқ ижодини бузиб кўрсатадиган эмас, балки унинг қудрати ва қобилиятини тараннум этувчи китоблар бўлади.

Шу пайтгача дарсларда хотиржамликка ва бўйин эгишга чақирувчи, мамлакат миқёсида ривожланишга, авом халқнинг ҳаёт даражасини яхшилашга қаратилган юзаки, одамнинг ғашини келтирадиган даъватларни эшитди. Ҳар доим иттифоқчиларнинг фазилатларини, уларнинг дунёда тинчлик ва биродарликни ўрнатишдаги ишларини мақтовчи, ваҳший ва қонхўр нацистларни йўқ қилишга уринишларини улуғловчи мавзуларни ўргангани етар. Улар иттифоқчиларнинг ғалабалари ҳақидаги суратларни тарқатиш ва шарҳлаш, маҳаллий матбуотда мунтазам мақолалар чоп этиш ва бошқа тарғибот усулларидан кенг фойдаланадилар. Исмоил дарёнинг нақд тепасига жойлашган қаҳвахонада ўтириб, сувнинг қирғоққа урилиб, кўкатларни юваётганини томоша қиларкан, ана шулар ҳақида ўйлади.

Исмоил кўприк устидан ўтаётганларга қаради, улар бошларини қуйи солиб ўтиб борар, юзларида сўнгсиз чарчоқ аломатлари. Бирортаси ҳам тўхтаб, душманнинг ҳасад, ваҳшийлик ва хиёнат ўтини очувчи қуролидан халқни тўсиш учун кўксини тутган ёшларга ҳамдардлик изҳор этиб, ташаккур билдирмади. Ваҳоланки, бу ёшлар мустамлакачилик муаммосини адолатли йўл билан ҳал этишга, ўз ерларида ўзлари хўжайин бўлишга, чет элликларсиз шарафли ҳаёт қуришга киришган авлод эди.

Исмоил одатда қаҳвахонага биринчи бўлиб келарди. Бу ўзидан кейин келган дўстининг қулоғига қалбида тўпланиб қолган ҳиссиётларни қуйиш учун қулай имконият. Энг қизиғи, тез орада ўртоқлари ким олдин келишга мусобақалаша бошлашди. Улар бу кичкина файласуф билан ёлғиз ўтириб, ундан ўз маданиятлари ва билимларини оширишда фойдаланишга интилардилар. Исмоил мағрурланишга ва манмансирашга йўл қўймайдиган имонни маҳкам тутар, янада бағрикенг ва камтар бўлишга интилиб, илмий ёки сиёсий-ижтимоий масалаларни таҳлил қилишда ўртоқларидан устунроқ эди. Лекин домино тахтаси устида учрашганларида кўпинча рўйхатнинг охирида бўларди. Шунингдек, кимда қанча пул борлигини ҳисоблашганида ҳам яна рўйхат кетида турарди. Шундай бўлса-да, у дўстларига ҳасад ёки нафрат билан қарамасди.

Исмоил бир неча кун ичида ўртоқлари қалбида ҳукуматга нисбатан кучли нафрат қўзғата олди. Кейинчалик, иттифоқчилар ва ғарбликларни тарғибот қилишдан нарига ўтмайдиган фанлар, энг аввало, тарих ва жамиятшунослик фанларига қатнаш истагини барбод қилди, айнан мана шу икки дарсни бойкот қилиш кейинчалик бошқа дарсларга ҳам ўтди.

Талабалар аввалига тарих дарсига, кейинроқ бошқаларига ҳам кирмасдан, вақтларини кўча-кўйда дайдиш билан ўтказдилар. Лекин бу уларнинг кўпчилиги учун хос эмасди. Дастлаб Абдуллонинг отаси уларни кўчада кўриб қолиб, мактабдаги дарс тугамасидан нега чиқиб кетишгани ҳақида саволга кўмиб ташлади. Ота қаршисида ҳаммалари баробар қасам ичганларигина талабаларни қутқариб қолди. Мана шу кутилмаган учрашувдан сўнг Абдулло Исмоил ва бошқа ўртоқларидан четлаша бошлади, лекин дўстлар энди қаҳвахонада йиғилишга келишиб олишди. Бу ерда кўпинча Исмоил қолганларни иттифоқчи аскарларнинг аҳволини томоша қилишга ундарди. Кемалардаги аскарлар аксарият ҳолда маст-аласт бўлар, ўзлари билан фоҳишаларни етаклаб келардилар.

Бир куни эрталаб Исмоил тонгги суҳбатини қуйидагича бошлади:

– Бугунги хабарни эшитдингларми? Немислар Сталинграддаги жангларда бардош бера олмабди. Ортга чекинибди. Сталинград остонасида нацистларнинг ҳужуми тарқалиб кетади, деб ким ҳам кутган эди.

Абдулло унинг гапини давом эттирди:

– Мен уларнинг, қанчалик ғалаба қозонмасин, барибир бир куни келиб, албатта ортга чекинишларини билардим. Немислар ғарб отлари каби пойганинг биринчи даврасидаёқ йиқиладилар. Немислар худди қутурган ваҳшийлар каби ташланиб, кейин эса такаббурликлари синиб, отхоналарига қайтганлари, худди Биринчи жаҳон уруши даврида бўлгани каби, ҳеч кимнинг эсидан чиққани йўқ. Ҳеч қандай шартсиз ва сўзсиз таслим бўлишувди, шундай эмасми?

Инглизлардан шунчаки нафратланадиган Исо жавоб берди:

– Шахсан мен ҳар қандай ҳолатда ҳам инглизларнинг ғалаба қозонишини истамайман, фақат урушнинг тугашини, башарият уруш азобларидан халос бўлишини тилайман. Кимнинг ғалаба қозониши менга барибир.

Исмоил унинг бу гапини масхара қилиб деди:

– Бунинг маъноси шуки, сен ҳеч кимнинг ғалаба қозонишини истамайсан, лекин бундай ҳол ҳеч қайси урушда юз бермайди. Агар низо маҳаллий бўлиб, кичик миқёсда бўлганида, каттагина сулҳ тузилар эди.

Аммо жаҳон миқёсидаги урушда сен айтган натижа бўлиши мумкин эмас, дўстим.

Абдураҳмон сабрсизлик билан сўради:

– Агар немислар ютқазса, иттифоқчи кучлар Берлин ва бошқа шаҳарларни яксон қилса, араб раҳбарларининг тақдири нима бўлади? Ҳар куни Берлин радиосидан "Яшасин араблар!" деган сўзни эшитаман ва икки араб киши нацист радостанцияси ортида эмас, балки буюк қудратли ислом давлати ортида турганига ишончим ортиб боради. Кейин, эшитишимча, Гитлер исломни қабул қилганмиш, агар у мағлуб бўлса, ўз динига қайтадими, иттифоқчилар уруш бошлаган одамни кечирадиларми?

Синфдошлар ўртоқларининг соддалигидан қаҳқаҳа отиб кулиб юборишди. Исмоил ҳам кулиб, шундай жавоб қилди:

– Сенинг бу туришинг дунёнинг энг буюк раҳбарларидан бири бўлишингдан дарак беради. Лекин бир шарт билан, биласанми қандай шарт? Сен сира оғиз очма! Сенинг гапларинг тарафдорларингнинг кайфиятини тушириб юборади. Қани энди, сенинг мана шу ажойиб қоматинг менда бўлганида эди ёки ҳеч бўлмаса анов файласуфимиз Исода бўлса. Назаримда, Исонинг қайноқ муҳаббати овқат вақтларини ҳам унуттиради. Укалари унинг овқатини ҳам паққос туширадиган бўлган, унга эса фақат узрий муҳаббати ортидан сўлагининг суви қолади. Шундай қилиб, азиз дўстим Абдураҳмон, модомики, сени фақат Гитлер шахсияти қизиқтирар экан, ҳеч қанча вақт ўтмай, сен мен билан Исони бир қўлда кўтарадиган кучлардан бўласан. Араб раҳбарлари тезда ўзларига бошпана берадиган бошқа давлатни топишади, сенинг қора кўзларинг ва хотиржамлигинг учун. Абдураҳмон, сен ваҳшийлар орасида ҳайвондек яшаётган миллионлаб одамлар ҳақида ўйламайсан. Ана шу миллионлаб одамлар эрта-ю, кеч Раббиларига илтижо қилиб, бутун дунёда тинчлик ва хотиржамлик бўлишини сўрайди. Улар ҳуррият ҳидидан нафас олишни, юртни фазилатли ҳукмдорлар ҳалол ва маҳорат билан бошқаришини, халқ манфаатини ўйлашини, оч ва юпун бу халққа озиқ-овқат ва кийим-кечак топишга имконият яратишини, ниҳоят, ўпкалари тўлиб нафас олишни хоҳлайдилар. Бу халқ кўп қурбонлик келтирди, ўз эрки ва шарафи учун янада кўпроқ қурбонлик қилишга тайёр. Дўстим, ҳаммамизнинг орзумиз – бир кун келиб иттифоқчи аскарларнинг бу ердан даф бўлишидир. Ҳозирги ҳукумат ҳам даф бўлсин. Шубҳасизки, улар қилмишларига яраша адолатли жазо олади. Ҳа, биз улардан қасос оламиз, албатта, қасос оламиз!

Синфдошлар Исмоилнинг гапларига берилиб қулоқ солиб ўтирар эканлар, бир нотаниш кишининг ораларига суқилиб кирганини, яқинроққа бир курси қўйиб, ўзини газета ўқиётгандек тутиб ўтирганини сезмадилар. Бегона одам бутун вужуди билан улар муҳокама қилаётган гапларга қулоқ солиб ўтирди...

Синфдошлар ҳазил-чин аралаш бу суҳбатдан тўйиб зерикишгач, ўзларини банд қилиш учун бошқа мавзуларга ўта бошлашди. Узоққа тикилиб турган Исмоилнинг кўзи дарё юзида чиройли ранглар билан безатилган кемага тушди. Сайр ишқибозлари кемани кира қилиш учун биринкетин қатор бўлиб навбатда туришарди.

– Бугун дам олиш куни, – деди Исмоил. – Насронийларнинг дам олиш куни. Бизнинг дам олиш кунимиз эса хурсандчилик ва сайрсиз ўтиб кетади.

– Хўш, ўзинг бу масалани ҳал қилиш учун нима таклиф этасан? – дея сўради Исо унинг бу хусусдаги таклифини кутиб.

– Нима таклиф қиламан? Ғалати савол. Шунга қарамай, дўстим, саволингга жавоб бераман. Мен мумкин бўлмаган нарсани таклиф қилмайман. Бу таклиф ниҳоят даражада табиий, яъни, ҳафта ниҳоясидаги дам олиш кунимизни байрам қилсак. Ҳамма давлат ташкилотлари дам олади. Бир-биримизни бориб зиёрат қиламиз. Болалар учун ўйин майдончалари, катталар учун байрам тадбирлари ташкил этилади, шундай қилишимиз керакки, биз ҳақиқатан ҳам дам олиш кунини нишонлаётганимизни ҳис қилайлик. Бу қийинми? Бундай деб ўйламайман. Биз ҳозир ўтказаётганимиз номига байрам холос, уни уйда, оилада ухлаш билан ўтказамиз. Ҳеч қандай байрам шуури йўқ. Зерикарли, бошқа кунлардан ҳам оғирроқ кечади.

Исо бу гапга пичирлаб қўшимча қилди:

– Бу таклифга ҳамма кўнса ҳам отам дўкони ёпилмаслиги учун сира кўнмайди... Эй Худо, бу нақадар гўзал! Қани энди ҳар ҳафта сайрга чиқсак, дам олиш кунини байрам қилиб нишонласак, бу самарасиз ҳаётимиздаги муттасил мусибатлар оғирини енгиллаштирарди.

Исмоил кулиб унга савол берди:

– Менга қара, агар шаҳарга ҳоким бўлсанг ёки вазир бўлиб қолсанг, нима қилардинг, Исо?

Исо бу тилакдан хурсанд бўлди шекилли, жилмайиб деди:

– Ҳаётимизни миллий байрамларга тўлдирардим... Кейин ошиқлар учун худди Италия, Франциядаги каби махсус сайилгоҳлар ёки истироҳат боғлари ташкил этардим.

Абдураҳмон унинг бу гапига ғудурлаб изоҳ берди:

– Сен доимо дунёвий ишларни ўйлайсан, охиратни эса унутасан.

Исо ёвқараш қилиб, аччиқ кулгига олиб деди:

– Жуда яхши бошладинг, қавмидан чиққан диндор. Агар исломий давлат тузилса, мен сени бошқармага тавсия этаман.

– Нима, сен шундай давлат тузилишидан шубҳа қиласанми? Эй, сен ўзингни катта олма!

Абдулло ўртада баҳслашув кучаймасдан унинг ипини узди ва официантни чақириб, домино ва тўртта чой келтиришни сўради ва ҳисобкитобни ютқазган тўлашини таъкидлади.

Ўйин бошланди. Икки киши немислар бўлишди, икки киши иттифоқчилар. Ўйин немисларнинг ғалабаси билан тугади. Шунга қарамай, ўша гуруҳ қўлини кўтариб, ўйинни тўхтатишни ва сулҳ тузишни талаб қилди. Ўртоқлар қаҳвахонани тарк этиб, тарқалишди.

Бешинчи боб

Аммор ҳожи ҳар бир кўрган одамига бозорнинг касодга учрагани ҳақида шикоят қиларди. Жаҳли чиқиб, сочидан ҳар тортганида битта толаси тўкилади. У нафақат сочини юларди, балки ташналикда сароб кетидан эргашгандек, умидини йўқотарди. Дўкон моллардан бўшаб қолди, деярли бўшади. Лаънати урушнинг олови эса ҳали ҳам авжида. Денгиз йўллари ҳали ҳам денгизчиларнинг молларини ютиб юборар, уларни уммон қаърига чўктиришар ёки урушаётган давлатлардан бири эгаллаб

оларди. У арпа унидан қилинган зоғора нон таъмини ёки хурмо данагини биринчи бўлиб тотганлардан, яхши ҳазм қиладиганлардан бўлди. Инсон ҳатто ҳайвоннинг емишига ҳавас қиладиган ва унга шерик бўладиган аҳволга тушди. Сўзлайдиган ва фикрлайдиган инсондан асар қолмади. Буларнинг барига мана шу уруш сабабчи. Бу аср инсони инсон либосидаги ҳайвондан ортиқ эмас.

Аммор ҳожи янги китоб сотиб олиш учун пул сўраб келган ўғли Исога бақира кетди:

– Сен китоб сотиб олиш учун маблағ истайсан, шундайми? Жуда катта китоб! Нима фойдаси бор, айт-чи менга, ўша китобнинг нима фойдаси бор? Янгича лақмаликдан бошқа ҳеч нима топмайсан. Сизлар ҳам анави уруш қўзғайдиганлардан илмда ва ваҳшийликда ўзиб кетишни истайсизларми? Ҳар ой келиб янги китоб учун пул сўрайсан. Нима, китоблар ҳам ойма-ой ўзгариб турадими? Анави ўқитувчиларнинг аёллари кийимини ўзгартиргани каби китобларини ҳам ўзгартирадиларми? Бу ўқитувчи ва давлат амалдори деганлари нега ночор аҳволимизни ўйламайди, одамларнинг мушкулини осон қилай демайди? Агар бир тийинлик ҳам мол сотмаган бўлсам, пулни қаердан оламан? Нега ўзингни қашшоқлар қаторига ёздириб қўймайсан, шунда мени "китоб пули беринг, мактаб экскурсиясига пул беринг" деган бошоғриқлардан халос қилардинг. Урушда зарар кўрганлар учун садақа, хайр-эсон қилишга пул керак эмиш. Биз ҳам урушда зарар кўрганлардан бўлмай, киммиз? Нега биз учун садақа, хайр-эсон йиғиб беришмайди? Шуми мактабингнинг аҳволи? Биз ҳам ўқиганмиз, оталаримизнинг бошини оғритадиган битмас-туганмас бунақа талабларсиз ўқишни битирганмиз. Оталаримизга сира оғирлигимиз тушмаган. Сен бўлсанг, укаларингга қўшилиб мусибат туғдираяпсан! Фойда тугади, деб юз марталаб айтдим. Ҳеч ким ўйламайди, мана сен каттасан, лекин кўп пулни сен сўраяпсан. Овқатингга пул берайми, китобинггами? Бир хархашанг тугамасидан, бошқаси бошланади. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчиларингнинг ўғрилигидан. Агар менга қўйиб беришганда, барчасини ёқиб юбориб, одамларни улардан қутқарган бўлардим.

Исо отасининг шу бир лаҳзалик исёни олдида ортга чекинай деб турсада, лекин севиклиси Муфиданинг бугун эрталабки табассуми кўз олдидан кетмасди. Муфида бугун кинога боришлари ҳақида эслатганди, бу эса отаси олдида яна тилга киришга рағбатлантирди:

– Лекин, дада, биз ҳозир ўқув йилининг охиридамиз. Бошқа яна китоб керак бўлади деб ўйламайман. Устига-устак биздан камбағаллар китобни мендан олдин олиб келишган бўлса, мен қандай қилиб узр сўрайман? Яна ўша гап айтилади: "Сиз, наждликлар доим бахиллик қиласиз, ҳатто ўқишда ҳам! Пулни ўзингиз билан қабрга олиб кетмайсиз-ку! Илм эса бойлик!" Мана шунга ўхшаш гапларни ўқитувчилар бошимизга ёғдиради.

Бу гаплар отанинг кўнглини юмшатди, авзойи ўзгариб, кўнгли юмшаётгани сезилди, қасам ўрнида деди:

– Бу сафар бераман, энди қорангни кўрсатма! Яна бир тийин сўрайдиган бўлсанг, мактабдаги ҳаётинг тугади, деб ҳисоблашинг мумкин. Бу сохта исмлар ва натижасиз илмни деб сизлардан пул талаб қилишлари бизни инқирозга учратади.

Исо дўконни тарк этар экан, пулни икки қўлида маҳкам ушлаб олган эди, гўёки у бир лаҳзада буғланиб кетадигандай. Отасининг сўзлари қулоғи остида виждонини эзиб жарангларди. Энди уйғониб, турли ярамас фикрлар йўлига эмас, ҳалол йўлга кириш вақтинг келди. Отангнинг кўз ёшлари ва укаларингнинг ризқи ҳисобига ҳаром лаззатдан ҳузурланяпсан. Кичкиналарнинг оҳу-зори лаззатинг чўпларида ўзингни ёндиради. Отанг бахиллик қиляпти дейсанми? Шундай ҳам бўлсин, лекин ким учун, нима сабабдан бундайин тежамкорлик қиляпти? Нафс тегирмони тинимсиз айланади. Ўртоқларингга қара, улар ўз ҳаётидан мамнун, борига қаноат қилишади.

Энг муҳими улар некбин кишилардир, шунинг ўзи етарли. Ўзинг такрор ва такрор айтадиган яхшиликка интилиш ҳақидаги сўзларинг қаерда қолди? Ҳар жиҳатдан ўзингдан устун қиз билан кинозалларда отангнинг пулини совуриш яхши ишми? У сенга биринчи куниёқ: "Ҳаёт бизни елкама-елка туриб, қанчалик қийин бўлмасин, келажагимиз сари йўл очишга чақиради, сўнг ўзаро дўстлик ва висол сўзларини алмашамиз", деб айтмаганмиди? Яна шундай деганди: "Мен учун энг муҳими, сиз тақдирингиз ва келажагингизни ўз қўлингизда маҳкам ушлашингиз, шунда ҳар бир қиздек ўзим танлаган йигитдан истаган сўзларимни эшитишни кутаётганимни биласиз!"

Эй тирик жон, виждонинг қани? Нега сен у қизга мактабдан қочиб юрганингни, вақтингни Исмоилнинг исёнкор фикрларини, ҳаётдаги ҳар бир нарсага нисбатан нафратини эшитишга сарфлаётганингни очиқ айтмайсан? Нега отанг ўқишдан йиқилганингни билмайди? Энг яқин одамларинг ўшалар-ку!

Шубҳасиз, отанг барча хатоларингни кечиради. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб тўғри йўлдан юришга, отанг ва укаларингга бугунги шафқатсиз қимматчиликда ёрдам беришга чин ваъда беришинг керак. Ҳозир сен ҳам, отанг ҳам жар ёқасида турибсизлар, лекин ораларингда катта фарқ бор. Отанг қаҳрамонларча курашиб, барчаларингизни охири аламли хотимадан узоқлаштиради. Сен эса, тамоман бунинг акси, ҳаётда таслим бўлган одамдек, энг ёмон тақдир сари улоқтирувчи тўфонни кутиб ўтирибсан!

Исонинг хаёлида ана шу каби фикрлар айланар, бошини оғриқ қамчилари саваларди. Шунга қарамай у йўлидан кетаверди. У виждон қийноғига кўниккан, қамчиларига банги каби ўрганиб қолган эди.

* * *

Шайх Усмон Абул-Лайл Аммор ҳожининг дўконига халлослаб кириб келаркан, салом ҳам бермай ҳовлиқиб деди:

– Аммор ҳожи, бугунги янгиликларни эшитдингизми?

– Йўқ, Худо ҳаққи, эшитмадим, ишқилиб яхшиликми?

– Немислар... немислар... биродар.

– Нима бўлибди? Москвани эгаллашибдими?

– Э, йўқ, Сталинграддан чекинишибди.

Аммор ҳожи енгил тортиб, жилмайиб деди:

– Биродар, мен сизга айтмабмидим, немислар Россияга ҳужум қилиб, ўз кийимларидан тешик очдилар деб: руслар чигиртка каби, дўстим. Қандай қилиб чумолидай кўпаядиган бундай зурриётни йўқ қилиш мумкин?

Абул-Лайл бироз ғудурлади, сўлагини ютиб, қийинчилик билан нафас олиб деди:

– Лекин энди араб раҳбарларига нима бўлади? Руслар – атеистлар. Ўйлаб ўйим етмаяпти. Эй Аллоҳ, солиҳ бандаларингга ғалаба ато эт, мусулмонлар байроғини баланд кўтарсин!

– Сал ўзингизни босиб олинг, шайх Усмон. Аллоҳга илтижо қилиб, ерга тинчлик ато этишини сўранг! Ҳаммамизнинг хоҳишимиз – ер юзида урушнинг тугаши, бу уруш бизнинг куч-қувватимизни сўриб олди. Ким ғалаба қозонса, ўша бизнинг дўстимиз. Зеро, урушаётганларнинг ҳеч бирида бизнинг манфаатимиз йўқ.

Абул-Лайл дўсти билан уруш ҳақида бир мавзуни муҳокама қилмоқчи бўлганини эслаб (у дўстининг раъйини олдиндан биларди), деди:

– Ҳа, айтгандай, ҳожи, негадир ўғлингиз чўпдай озиб кетибди, Худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол юз бермадими, ишқилиб?

– Йўғ-э, Абул-Лайл, унинг бутун фикру хаёлини дарслар эгаллаган. Тасаввур қилинг, ҳар сафар овқатга ўрнидан зўрға суғуриб оламиз. Иштаҳаси йўқ. Шайх, шу ўғлим ўзимни ҳам ўйлантириб қўяяпти. Мактаб мукофотини олгандан буён ундан хавотирдаман. Ўқиш-ёзишдан бошқа иши йўқ, ҳаттоки ўтган таътилда ҳамма ўқувчилар дарслардан озод бўлса ҳам, у мутолаадан бўшамади. Неча марта эрта тонгда ҳам уйғоқлигини кўрдик. Эй, худо, бунинг натижасидан бизларни бу йил хурсанд қил, ўзи ҳам бироз дам олсин, саъй-ҳаракати самарасини кўрсин!

Ҳожининг некбин тилакларига шайх Усмон ҳам қўшилиб деди:

– Инша Аллоҳ, инша Аллоҳ. Ҳа, у солиҳ фарзанд. Аллоҳга қанчалар илтижо қилдим, исмимни оладиган солиҳ ўғил ато қилгин, деб... Лекин бунда ҳам Аллоҳнинг ҳикмати бўлса керак, фақат анави оқпадар қизни ато этди, у ҳам мени ташлаб кетди. Мен уни ўлди дейман. Бу ҳаётда менга қолган нарса бугунгача Гитлернинг ғалабаси ва исломнинг ўз давлатини қуришдаги муваффақиятини эшитиш учун яшаш эди.

Бироз ўйланиб туриб, қўшиб қўйди:

– Ҳожи, ўғлингиз Исони анави қассоб Муҳаммад Абу Дийянинг ўғли Исмоилдан узоқроқ юришга, унга қўшилмасликка чақиришингизни насиҳат қиламан. Кўринишидан у даҳрий. Тасаввур қилинг-а, ундан бошқа ҳамма одамлар Гитлернинг ғалабасини сўраб дуо қиляптилар. У эса Гитлер – диктатор ва фашист, дейди, америкаликлар ва инглизларни мустамлакачи ваҳшийлар, дейди. Улар бизга ёмонлик келтиришармиш. Бизни ҳеч кимга қўшилмасликка, ҳозирги ҳукуматни ағдаришга, унинг ўрнига халқ манфаатини ўйлаб, урушаётган давлатлар ичида бетараф ҳукумат тузишга даъват қиляпти. Яна дейдики, Гитлердан истиқлол истаб борган араб раҳбарлари, унинг олдидан янги мустамлакачилар армияси ҳимоясида қайтадилар. Ўша мустамлакачиларнинг ҳудуди, агар Гитлер ғалаба қозонса, бутун дунё бўлади. Эшитишимча, бу боланинг отаси қашшоқ экан. Аллоҳнинг берган неъматига шукур қилмайдиган исёнкор.

Абул-Лайл биқини санчаётганини ҳис қилиб, белини ушлаб яна деди:

– Ёшимиз ўтиб қолди, жисмимиздаги оғриқлар ҳам кўпайиб бораяпти. Эй, Аллоҳ, хотимани яхши қилгин!

Аммор ҳожи ҳазиллашиб, кулиб жавоб берди:

– Шайх, сиз ҳар сафар менга қариликни эслатасиз. Бир неча ой аввал уйланиш ниятида эканлигингизни айтганингиз эсингиздан чиқдими?

Шайх Усмоннинг ҳовури босилиб, паст овозда деди:

– Қизимнинг қилган ишидан кейин уйланиш у ёқда турсин, ҳатто яшашга ҳам хоҳиш қолмади. Аллоҳ ўлимимдан олдин уни кўришни тақдиримга битганмикин?

Икковларининг суҳбати дўконга европача кийинган нотаниш киши кириши билан бўлинди. У киши саломлашмасданоқ деди:

– Сиз Аммор Абу Толиб Исо Аммормисиз?

Аммор ҳожи бош силкиб, "ҳа" деган ишорани қилганди, у киши чўнтагидан бир варақа чиқарди-да, қуруқ оҳангда деди:

– Унда мана бу варақага қўл қўйинг.

Аммор ҳожи варақани ўқиркан, қалам ушлаган қўли қалтирай бошлади, кейин нотаниш кишига ҳайрон бўлиб қаради, сўнг ёрдам истагандек Абул-Лайлга ўгирилди.

Шайх Усмон дўстининг авзойи бузилганини кўриб, ундан ҳол сўради:

– Ҳожи, тинчликми?

Аммор ҳожининг лаблари титрар, қалам ушлаган қўли қалтирарди:

– Ҳа, тинчлик. Ғам чекилмасин. Огоҳлантириш... огоҳлантириш...

Сўнг ҳалиги кишига қараб деди:

– Сиз бу менинг ўғлим эканлигига ишончингиз комилми?

Ўша киши қўполлик ва такаббурлик билан жавоб қайтарди:

– Ҳа, ишончимиз комил. Аниқ, жаноб.

Аммор ҳожи ғудраниб деди:

– Субҳоноллоҳ, менинг ўғлим Исо, одобли, ақлли бола давлат хавфсизлигига таҳдид солади, деб ким ҳам ишонади дейсиз? Марҳамат қилиб, айтсангиз, у нима қилибди?

– Билмадим, ўзидан сўранг. Шубҳали талабаларга аралашиб қолган. Билганим шу.

Аммор ҳожи синиқ овозда пичирлаб деди:

– Шубҳали талабалар, қандай қилиб уларга аралашиши мумкин? Ахир, у ўқувчи бўлса, уйдан фақат мактабга чиқади, мактабдан тўғри уйга қайтади. Уйдан кейинги кун тонгигача чиқмайди. Вақтини дарс қилиш билан ўтказади. Менимча, бу ерда англашилмовчилик бор! Бу ерда қандайдир хато борлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

– Мана бу ерга имзо чекинг, акс ҳолда мен билан бирга вилоят жиноят-қидирув бўлимига боришингизга тўғри келади. Мен сизга ҳозир фақат шуни айтишим мумкин. Ихтиёр ўзингизда.

Аммор ҳожининг чакаги осилиб, ўзига-ўзи эшитилар-эшитилмас овозда дерди: "Сиз билан бораман, дўконимни ташлаб кетаман".

– Бўлимнинг қаердалигини айтсангиз, тушдан кейин борсам бўладими?

– Йўқ, бу мумкин эмас. Сиз иккисидан бирини танланг: имзо чекинг ёки мен билан юринг. Тезроқ аниқ бир қарорга келинг! Бу ерда баҳслашиб ўтиришга вақтим йўқ!

Аммор ҳожи варақага имзо қўйгач, нотаниш киши уни тахлаб чўнтагига солди ва дўконни тарк этди. Аммор ҳожи ҳамон тушунарсиз сўзларни ғудурларди.

Шайх Усмон унга юзланиб, сабрсизлик билан сўради:

– Ҳожи, тинчликми?

– Ўғлим Исо, Абул-Лайл.

– Ўғил бола – неъмат. Тинчликми, нима бўлибди, нима қилибди?

– Давлат хавфсизлигига таҳдид солганмиш. Мана шунга ўхшаш гапларни олдин эшитганмисиз? Шу кичкина ўсмир бола катта давлатнинг хавфсизлигига таҳдид соладими? Бир ёш бола катта, кучли давлатнинг хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинми?!

Шайх Усмон ҳам ҳеч нарса тушунмай, ғудранди:

– Давлат хавфсизлигига таҳдид солибди. Бу гапнинг қандай маъноси бор?

– Айтяптики, бу – огоҳлантириш. Ўғлинг шубҳали ёмон одамлар билан йиғилишиб ўтиради, деяпти. Тушундингизми, биродар? Мана шунақа гаплар.

Шайх Усмон гап нимада эканлигини тушуниб, ўзидан фахрланиб деди:

– Сизни бироз олдин огоҳлантирмаганмидим? Анави даҳрийга аралашмасдан, ундан узоқроқ юрсин, деб. Ана ўша сабаб, шубҳасиз. У лаънати Гитлерни сўкарди.

– Қандай қилиб ундан узоқлаштираман, ахир у бирга ўқийдиган синфдоши бўлса! Кейин бу бир қассоб ўғлининг қандай куч-қудрати борки, давлат ундан қўрқса?! Ҳар ҳолда қайси эшикдан нохуш ҳид келса, уни ёпиб қўйгин дейди халқ масали.

Шайх Усмон чўчиб тушди, хавотирланиб, сабрсизлик билан сўради:

– Ҳожи, нимани назарда тутяпсиз? Худо сақласин.

– Ўқишни давом эттиришни тақиқлаб қўяман.

– Лекин, ҳожи, ахир бу ҳаром-ку!

– Шайх, қамоққа тушиш ҳаром! Айниқса, яқинларининг манфаатини қадрламайдиган анави фарзандларни деб.

Шайх Усмон гапни давом эттириб деди:

– Ҳаммамиз Аллоҳга тегишлимиз, ҳаммамиз унинг ҳузурига қайтамиз! Ўғилларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Улар фақат қийинчилик келтиради.

Аммор ҳожи ерга туфлаб, бир нима деб ғудурлади.

– Ёмон фарзандлар, сизлар – исёнкор, осийсизлар.

Олтинчи боб

Уруш ер юзини вайрон қилиб, таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборганини англагандан буён Фуад дунё бўйлаб саёҳат ҳақида гапирмай қўйди. Кейин ўзи ўйлаётган саёҳат қандай бўлади? Ўлимга саёҳатми ёки дунё бўйлаб кезувчи сайёҳларнинг жосусликда айбланиб, ертўлалардаги азобларга саёҳатими?

Фуад отасининг уруш ҳақидаги гапларидан сўнг саёҳатини урушдан кейинга қолдиришга қарор қилганини дўстларига айтиши учун сабаб топилганидан хурсанд бўлди. Бу сабаб отаси айтганидек, қирғинбарот бўлаётган жойлардаги хавф-хатардан иборат. Шу боис у энди уруш ҳақидаги хабарларни, томонларнинг мағлубият ва ғалабаларини диққат билан кузатарди. Ҳар икки томондан ҳалок бўлганлар, бедарак йўқолганлар, асирга олинганлар сонини ёзиб борар экан, уруш ҳақидаги ўйлари уни инсон нақадар ваҳший жонзот деган хулосага олиб келди. Одамлар яшайдиган шаҳар ва қишлоқлар устига ёғдирилаётган бомбалар бир лаҳза ичида ҳаммаёқни вайрон қилиб инсоният эришган энг эзгу ниятларни, унинг порлоқ келажагини барбод қилмоқда. Бундай урушга инсондаги ҳасад, бир-бирини кўролмаслик, бегуноҳ ва тинч аҳолининг

қонини сўришга бўлган ҳайвонларча иштиёқ йўл очади. Фуад уруш ва унинг тарафдорларини ҳар қандай гурунгда, ҳар қандай тадбирда овоз чиқариб қоралайдиган бўлди. Синглиси ярадорларга ёрдам бериш ва уларнинг яқинларига ҳамдард бўлиш мақсадида ҳамшира сифатида кўнгилли бўлиб ёзилиш нияти ҳақида унга сўз очганида уни қўллаб-қувватлади. Мана шу инсонпарварлик йўлига қўшилишининг ўзи уруш қўзғаган ёмон кучларга берилган оғриқли зарба деб ҳисоблади. Ёмон кучлар уруш қўзғаб, бутун дунёда қон тўкилишига олиб келдилар. Бу очкўзлар миллионлаб ҳалок бўлган, ярадор ва бевалар, ота-онасиз қолган болалар, бошпанасиз кишиларнинг кўзёшлари эвазига катта иқтисодий фойда олмоқда. Фуад синглисининг фикрини қўллаб-қувватлаш билангина кифояланмай, иложини топса ўзини ҳам рўйхатга ёздиришни илтимос қилди. Зора, урушда зарар кўрганларга бирор ёрдами тегиб, уларнинг аламини енгиллаштиришга ҳисса қўшса. Фуад маҳмадоналиги боис бу хушхабарни ота-онасига етказишга шошилди. Бироқ онасидан эшитганлари сочларини юлишга, ғазаб ва аламдан ўкиришга мажбур қилди. "Эркин фикрлашимга қўймайсизларми? Бу дардлар, касалликлар жанг майдонларидагина эмас, балки фронт ортида, уруш майдонларидан узоқдаги шаҳарларда ҳам тарқалган". У йиғлаб-йиғлаб, жим бўлиб қолди.

Отаси унга деди:

– Фуад, фикрларинг – учқун. Лекин улар ҳали етилмаган. Бўлмаса, менга айтгин-чи, Британия армиясининг касалхоналари, ҳарбий госпиталлари касаллар дардига малҳам бўлишга сендан бошқасини топишга ожизми, эй Аражуз?

Бу гапларни бошини қуйи эгиб, тунд бир қиёфада эшитгач, Фуад хонасига кириб роса йиғлади.

Унинг сиёсий онги синфдош ўртоқлари билан урушнинг фалсафий назарияси, келиб чиқиш сабаблари, иқтисодий ёки сиёсий жиҳатдан урушга олиб келувчи заруратлар ва бошқа ҳолатлар бўйича билимдонликда мусобақалашишга етарли эмасди. Аммо айрим устаси фаранг дўстлари бу назарияларнинг ҳақиқий мазмунига чуқур кирмаёқ такрор-такрор тилга олар, айни пайтда ҳар куни қулоққа чалинадиган мисолларни тўтиқушдек такрорларди. Ола-кула кўзлари эса ёнларидан ўтаётган қизларни хаёлан ечинтириш билан банд. Шунда бирортаси ўтиб кетаётган қизга эшиттириб, иқтисод мавзусида гап бошларди: "Мен сентиментал инфляцияга чалиндим, лекин йиғилиб қолган орттирмани бўшатишга ҳеч йўл топа олмаяпман, фақат..." У шундай деб қизга олайиб қарар, қиз эса гап қаёққа бурилганини дарров тушуниб, қочиб қоларди. Ёки бошқаси: "Уруш эркакларни йўқ қилиб юборди, биз ана шу танқисликни қоплаш учун зурриётни кўпайтиришимиз керак. Бу гуманитар бурч, кўриб турганингиздек, уни барчамиз елкама-елка туриб амалга оширишимиз керак", дея қизга кўз қисарди.

Албатта, Фуад юқоридаги каби дўстлар даврасидан ўзини тортди. У ўзининг маънавий-маърифий билимларини оширишга жон-жаҳди билан киришди. Дўсти Исо кутубхонасидаги адабиёт ва маданиятга оид кам сонли нафис китобларни мутолаа қилишга берди. Шундай қилиб, Фуад ғоявий ва фикрий жиҳатдан ҳам баркамол инсонга айлана борди. У энди урушдан фақат дунё бўйлаб саёҳатдан маҳрум қилгани сабабли эмас, балки инсоният ўйлаб топган энг катта офат сифатида нафратлана бошлади. Исо ва Фуад ўртасидаги алоқалар ҳам фақатгина қўшничилик юзасидан

келиб чиққан ўртоқлик, синглиси ва Исо ўртасидаги муносабат, бугунми-эрта фош бўлса, занжирдек узиладиган алоқалар бўлмай қолди.

Кўчаларда тарқалган уруш тарғиботи илк марта Фуаднинг юрагини сиқа бошлади. Иттифоқчилар армияси аскарларининг аёллар билан қўлтиқлашиб кетишаётганини кўрганида, ғазабдан унинг бошига оғриқ кирарди...

Аскарлар бу ерга, ҳукумат корчалонлари айтаётганидек, халқнинг манфаати ва ватани мустақиллигини таъминлаш учун келмаганини ҳис қила бошлади. Чет элликларнинг мавжудлигининг ўзи мустақилликни, ватанининг мустақиллигини оғир оёқлари билан босиб, унга тажовуз қиларди. Мамлакат эркинлигига раҳна соларди. Фуад эрк, ҳуррият ҳақида кўп ўқиган, унинг асл моҳиятини тушуниб етган эди. Кўприк жангида ярадор бўлганида бир томчи бўлса-да, қони бекорга тўкилмаганини, ўша қон улуғ маъно касб этганини ҳозир ҳис қилди. Гарчи ўша пайтда буни тушуниши қийин кечган бўлса-да, мана ҳозир у ҳуррият маъносининг бутун залворини ҳис қилиб турибди. Ҳуррият ва эрк ҳар бир инсон учун, ҳар бир миллат учун қандай маъно касб этишини батамом англаб турибди.

Еттинчи боб

Синфдошлар одатлари бўйича Исмоил Муҳаммаднинг таърифича, "Кўприк жанги" қаҳвахонасида терилиб ўтирардилар. Уларнинг ҳар бири доимгидан эртароқ келиб, Исмоил билан алоҳида суҳбат қуриш илинжида бу ерга келишганди. Халқаро аҳвол, айниқса, "ўқ"чилар Шимолий Африкага кирганларидан кейинги вазият таҳлилига оид суҳбатини тинглашга иштиёқлари баланд эди.

Синфдошларнинг барчаси йиғилишса ҳам Исмоилдан дарак йўқ. Унинг келишини кутиб, баъзилари суҳбат билан банд бўлди, яна кимдир чекди. Юзларида савол аломати билан қаҳвахона эшиги томон қарабқараб қўйишар, ҳар гал кимдир кириб келса, дарров эшикка термилишарди. Савол энди очиқ айтилиб, "Нега келмади?" дея бир-бирларидан сўрай бошладилар.

– Нима сабаб кеч қолди экан?

– Бирор нарса бўлдимикан?

– Нима бўлди экан?

Саволлар кўпайиб, хавотирга айлана бошлади.

Исмоилга бирор нарса бўлиши мумкин эмас. У қандай қилиб сувдан қуруқ чиқишни билади. У теран ақл, уйғоқ зеҳн соҳиби. Лекин кеч қолди, биз бунга одатланмагандик. Нега кеч қолди? Ҳа, бирор ҳодиса юз берган бўлса керак. У қандай ҳодиса экан? Саволлар бўғизларида суякдек тиқилиб қолди. Улар ҳозир ана шу саволларига жавоб топиш, кўнгиллари хотиржам бўлиши учун ҳамма нарсани қурбон қилишга тайёр эди. Ахийри Абдураҳмон ўртадаги сукунатни кўтариш ёки сунъий бўлса-да, ўртага бироз хурсандчилик киритиш учун деди:

– Исмоил ниҳоят севги тузоғига илинган бўлса керак. Ким билади, у ҳозир бирорта торкўчадаги деразага орзуманд кўзлари билан тикилиб ўтиргандир. Исмоил вақтини бекор ўтказмайди. Албатта бугунги йиғилишни қурбон қилиб, эртага бизнинг олдимизга кутилмаган янгилик билан келади. Бу хабарнинг янгилиги бугун йўқлигини унуттиради ва биз уни кечирамиз.

Гарчи бундай тахмин барчага ёқиб тушган бўлса-да, қўрқув халос этолмасди. Бу қўрқув ортида Исмоил бирор мусибатга чалиндими, деган хавотир ётарди.

Шу пайт қаҳвахонага Фуад кириб келди-да, тўғри Исо ва ўртоқлари ўтирган курсилар томон қараб юрди. Унинг сочлари тўзғиган, ғилай кўзлари янада бир-бирига тортилиб, қорачиғи йўқолиб кетай дерди. У тупугини ютиб, бир неча марта "ҳавлақа" айтиб, Исога тикилди. Ҳамма синфдошларнинг кўзлари унда эди. Кейин Фуад уларга қараб деди:

– Қани туринглар, у ерда ҳамма намойиш қилмоқда.

Унга бир неча томондан саволлар ёғила кетди:

– Кимлар намойиш қилмоқда? – деб сўрашди.

– Талабалар, ҳамма талаба, уни деб... Мактабни ҳозир полициячилар ўраб олишган.

– "Уни" деганинг ким?

– Исмоил... уни қамоққа олишди. Билмайсизларми?

Шундоқ ҳам ич-этини еб ўтирган талабалар бу гапдан кейин жуда ғазабланишди, ҳаяжондан кўз қорачиқлари кенгайди. Вазиятни дарров тушунган Исо ғазабидан қаҳвахона эшиги қайси томондалигини унутиб, довдираб қолди. Сўнг эслаб эшик томон юрди. Қолганлар унга эргашди. Тиқилинч ҳосил бўлди. Ҳар бири ўз йўлидан бошқасини нари қилай деб туртади, гўёки ичида алангаланаётган исённи босмоқчи бўлгандек. Ҳаммалари чой ҳақини тўлашни ҳам унутиб, ташқарига югурди. Қаҳвахона эгаси уларнинг ортидан ғудраниб қараб қолди: "Бу ёшлар олов, сал нарсага ёниб кетади".

Ёшлар мактаб яқинига келганларида, кутилмаган вазиятга дуч келишди. Мактаб дарвозаси қулфланган, кираверишда милтиқ кўтарган икки полициячи ва юлдузчали офицер қаққайиб турарди. Офицернинг юлдузчаларини ярақлатишга астойдил меҳнат сарф қилгани сезиларди.

Исо ўртоқларидан олдинга ўтиб, офицерга салом берди ва совуққонлик билан сўради:

– Кирсак бўладими, биз талабалармиз.

Офицер ҳафсала билан дазмолланган кителидан чангларни қоқар экан, лўкиллаб, тўс-тўполон қилиб келган йигитчаларга нафрат билан жавоб берди:

– Бугун дам олиш куни. Уйларингизга кетишингиз мумкин.

Сабри тугай деб турган Абдулло унинг қўполлигидан ғижиниб ўртага тушди:

– Лекин, жаноб офицер, бугун дам олиш куни эканлиги ҳақида биз ҳеч қандай маълумот олганимиз йўқ. Бизга киришга рухсат беринг.

Офицер унга ўқрайиб қаради-да, ғазабини яширишга уринаётгандай, шошмасдан, сўз бўғинларига урғу бериб деди:

– Мени масъул деб ҳисоблашингиз мумкин. Тарқалинглар, кетинглар!

Абдураҳмонга офицернинг такаббурлик билан гапириши ёқмади, у олдинга чиқиб деди:

– Лекин биз маълумотни фақат мактаб нозиридан оламиз, бошқа ҳеч кимдан эмас.

Офицер тишини-тишига қўйиб, полициячилар томон қаради, сўнг ўқувчиларга мақтангандек такаббурона назар ташлади ва гўёки уларнинг полициячилар зарбасига чидай олишларини синамоқчи бўлгандай деди:

– Мен сизларга кетинглар дедим. Сизлар ҳам, аблаҳ нозирингиз ҳам жаҳаннамга йўқолинглар!

У янада ёмон сўзлар билан сўкинди.

Шу пайт талабаларнинг ҳам ғазаби қўзиб, офицерни ва уларни бу ерга юборганларни лаънатлай кетишди.

Полициячилар ғимирлаб қолишди. Улар бошлиқлари олдидан талабаларни кичкина дубинкаларини ишга солиб, кўкракларидан қўполлик билан туртиб ҳайдаганча такрорлардилар:

– Кетинглар, кетинглар! Эшитмаяпсизларми?

Фуад кўкрагига қаттиқ ботган полициячининг таёғидан оғриқ сезди ва уни куч билан итариб юборди, ўзи ҳам мувозанатини йўқотиб, зўрға оёғида туриб қолди.

– Нари тур мендан, ифлос, ҳайвон, – деди Фуад.

Офицер Фуаднинг юзига мушт тушурди, калтак товуши девордан қайтиб акс-садо берди.

Ҳамма бир-бирига ташланиб, номутаносиб тўқнашувда муштлашиб, тепишиб, бир-бирини сўкиб, туфлай кетди. Бино ичидаги бир гуруҳ талаба тўполон овозини эшитиб, югуриб келиб, олисдан унга қўшила бошлади. Сўнг қоровулдан калитни олиб ташқари чиқиб, полициячилар устига ёпирилди. Жанг майдони кенгайди. Талабалар устун кела бошлади. Ўзига ва полициячилар устига бостириб келаётган хавфни сезган офицер ҳуштагини чаларкан, тўппончасидан бир неча бор ҳавога ўқ узди. Ўтган-кетган тўпланди, ён томондаги кўчалардан полициячилар югуриб етиб келишди ва ҳамма жангга киришиб кетди.

Полициячилар сони кўпая бошлади, ҳарбий машиналар катта кўчада тўхтаб, ундан ўнлаб полициячи тушиб келди. Тўқнашув авжига чиқар, ҳар икки томондан иштирокчилар сони вақт ўтиши билан ортиб борарди. Хавфсизлик ходимлари ўзларини бошқара олмай, талабалар ва аҳоли устига қараб бетартиб ўқ уза бошлади. Қуролсиз томонни қўрқув қамради, улар ўзларини ён тарафдаги кўчаларга ва мактаб биноси ичига урар, полициячиларга тош ва ғиштлар отардилар.

Секин-аста вазият тинчий бошлади, жанг майдонида ва ён атрофдаги кўчаларда хавфсизлик ходимларининг ҳукмронлиги ортди. Ҳар бир гуруҳ ўз ярадорларини олиб кета бошлади.

* * *

Аммор ҳожи дўконини одатига қарши эртароқ ёпди ва чарчаган жисмини кўтариб уйга йўл олди. Унинг ичида исён бош кўтарди. Уйининг ҳовлисига кириши биланоқ ўғли Исони чақирди. Ўғиллари зинадан чопиб чиқиб акасини хонасидан излай бошлашди. Бироқ Исони ердан ҳам, кўкдан ҳам топишолмай, бу ҳақда оталарига хабар беришди. Отасининг ғазаби бироз босилди. У намоз ўқишга киришди, жойнамозда узоқ ўтириб, дуо қилди. Исодан эса ҳали ҳам дарак йўқ эди.

Ўғлини овқатдан маҳрум қилиш билан жазоламоқчи бўлди, гарчи у бунга эътибор бермаслигини билса ҳам. Хотинини чақириб, овқат келтиришни буюрди. Хотини ҳали овқат вақти бўлмади деб эътироз билдирди, аслида у ўз эътирозига катта ўғлимни кутинглар деган ниятини яширган эди. Ўғли ўзидан олдин овқатланишганини билса, жаҳл қилиб, овқат емай

қўя қоларди. Бироқ она ичидаги гапларини очиқ айта олмай, шу баҳонани айтиб қўя қолди. Оқибатда бошига эридан сўкишлар ёғилди. Шунда у бўйсунишдан бошқа чора топмай, овқатни келтирди, аммо аёлнинг ҳам жаҳли чиқиб, туси ўзгарган эди.

Ҳаммалари дастурхон атрофида дамлари ичига тушиб, жим ўтиришди. Энг жим ўтиргани хотини бўлди. У бир неча марта ўғлининг исмини айтиб ғўлдиради, кейин яна жим бўлиб қолди. Эри унга қўполлик билан: "У уйнинг йўлини билади, ўзи келади", деб жавоб берди.

Ўғиллар ота юзида ғазаб аломатларини кўриб, овқатдан маҳрум бўлмаслик учун овозларини чиқармай, жойларида писиб ўтирдилар. Дастурхондагини паққос туширар эканлар, фақат пичирлаб гапиришарди: "Исо нима қилиб қўйибди экан?", "Онамизнинг нега ундан жаҳли чиқяпти?", "Бечора Исо, отамиз унинг учун нима тайёрлаб қўйганини билмайди", "Кетдик, кечроқ келгин, деб унга хабар берамиз, отамиз ухлаганда келар".

Ота қўлини ювиб, ўғли ҳақидаги саволни қайтарди. Ҳали қайтмаганини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлди ва одатига кўра, пешиндан кейин бироз дам олиш учун хонасига кириб эшикни беркитди. Отанинг безовта бўлишидан қўрқиб, ҳамма жим ўтириб дарсини тайёрлар, ўйинини ўйнар ва чурқ этган товуш чиқармасликка ҳаракат қиларди, акс ҳолда бошлари устида таёқ ушлаган қўлни кўришарди.

Орадан анча вақт ўтди. Пичирлаган саволлар эшитилар даражада кўтарилди. Она эса у ёқдан-бу ёққа юришдан, ўз-ўзига савол беришдан тўхтамасди. Ана, ошхонага кирди, оёқ товушларига қулоқ солмоқда, қўлидаги нарсаларни қўйди. У ёқ-бу ёққа қаради, кейин зинадан кўтарилиб, ёшли кўзлари билан ўғлини қидириб, хонасига ўтди. Узоқ кута олмади. Ўғилларидан бирини қўшниси Умм Фуадникига Исони сўраб жўнатди. Лекин кўнглидаги хавотири ошиб, абаясини кийиб, ёпинчиғига ўранганча, эҳтимол, ҳаётида биринчи марта эри уйида эканлигида ўғлини қидириб, кўчага чиқди.

Умм Фуад одатига кўра оёқларини узатиб, хотиржам чекиб ўтирарди. Унинг саволига ҳам хотиржамлик билан жавоб берди. Қўшнисининг ўғли ҳам келмагани аёлнинг хавотирини синдирди.

Умм Исо қўшниникидан чиқди, лекин кўнглидан хавотир кетмаган, юраги дукиллаб урарди. Қизи ҳам унинг хавотирини оширди, ака-укаларидан бирини мактабга жўнатишни таклиф қилди. Бу фикр онага маъқул келиб, ўзининг истакларини астойдил бажарадиган ўғли Саидни чақирди, унга бир кумуш танга бериб, мактабга бориб акаси ҳақида сўраб келишни буюрди.

* * *

Яна анча вақт ўтди, она кутишдан чарчади, кўзларини эшикка тикиб, ҳар бир товушни ўғли Исонинг қадамлари деб тасаввур қиларди. Қўли ҳеч бир ишга бормай қолди. То кўз олдида ўғлининг новча бўй-бастини кўрмагунча иш қила олмаслигини англади. Ўғлининг хонасига кўтарилди, эҳтимол, унинг хонасида кўпроқ хотиржам бўлар ва бемалолроқ нафас олар.

Ўғли Саидни кўчанинг бошида қўлида бир парча ширинлик билан келаётганини кўриб юраги товонига тушди. Саид гоҳ тўхтаб, ширинликдан бир тишлар, гоҳ йўлида давом этар эди.

Онанинг кўзларидан ёш оқа бошлади, у шошилиб зина томон борди, ёши ўтганига қарамасдан поғоналардан ҳатлаб пастга тушди, бир неча марта йиқилай деди, эшик яқинида тўхтаб, нафас ростлади.

Бир парча ширинлик Саидга онаси насиҳат қилганидек, кўчадан тезроқ юришига тўсқинлик қиларди. Ҳар икки қадам юрганида, ширинлик уни ўзига тортар ва ниҳоят, ака-укалари тортиб олишларини ўйлаб ҳам бирданига еб қўя қолишга қарор қилди.

Аммо шу пайт она эшик тирқишидан бошини чиқариб, шоша-пиша у ён-бу ёнга қаради. Кун тиккага келганида кўчада ким ҳам юрарди? Онаси Саиднинг ширинликни оғзига солиб турган қўлларига бир урди-да, саволлар ёғдира кетди.

Саид волидасига жаҳл билан қаради, онаси қўлига урганида ширинликни ерга тушириб юборган эди. У онасидан яна бир танга беришини, бўлмаса, гапирмаслигини айтмоқчи бўлди-ю, лекин охирги лаҳзада унга раҳми келибми ёки тарсаки ейишдан қўрқибми, деди:

– Мактаб эшиги қулф экан. Дарвоза олдида икки полициячи турибди. Улар айтдики, баъзи талабалар бугун намойиш қилишибди, кўпларини полиция маҳкамасига олиб бориб қамаб қўйишибди.

Онанинг кўзи ёшга тўлди. У қамалганлардан бири ўзининг ўғли эканлигини тушунди. Эрининг хонасига кириб, уни елкасидан силкитиб, ўғлининг полиция маҳкамасига қамаб қўйилгани ҳақида хабар қилди.

Аммор ҳожи кўзлари очиқ бўлишига қарамай, хотини нима деётганини англамас эди. Ич-ичида қандайдир бир қураш кетаётганини сезди. Эҳтимол, бу оталик меҳри ва ғазаб ўртасидаги қураш эди.

Ҳеч қанча вақт ўтмасдан у ўрнидан турди. Икки ҳиссиётдан бири устун келди, у кўйлагини илгакдан олиб, бир сўз демай кийди. Шундан сўнг, бир оғиз сўз айтиб хотинини тинчлантиришга ҳам уринмай уйдан чиқди.

Умм Исо қўллари билан юзини ушлади, фарзандлари оналарининг биринчи марта қўлида дастрўмол билан йиғлаётганини кўришди.

Саккизинчи боб

Полиция Исони бир гуруҳ талабаларга қўшиб, жумладан, Абдулло, Абдураҳмон ва Фуадни ҳам ёпиқ ҳарбий машинада шаҳар марказидаги маҳкаманинг дастлабки ҳибсхонасига олиб келди.

Кўчанинг мактабдан полиция маҳкамасигача бўлган қисми йўловчилар билан тўла бўлиб, уларнинг ҳаракати Исо ва ўртоқлари назарида ғайриоддий туюлди. Баъзилар ўзаро пичирлашар, айримлари югуришга чоғланаётгандай, бошқалари эса давра-давра бўлиб тўпланаётгандай тасаввур уйғотарди. Ҳибсга олинган талабалар минган машина бораётган йўл ана шундай безовта эди. Талабалар эса вақти-вақти билан баъзи шиорларни баралла айтиб шовқин кўтарардилар.

Болалар полиция маҳкамасининг дастлабки ҳибс камерасида Исмоилни учратишди. Унинг эрталабдан буён қийноққа солиниб, бир неча соат сўроқ қилингани сезилиб турарди. Бу ерда бошқа жиноятлари учун ҳибсга олинган кишилар, жумладан, ўғри, қотил, товламачи ва киссавурлар ҳам бор эди.

Исмоилнинг юзлари кўкарган, қийноқ ва калтак излари кўриниб турарди. Дўстлари Исмоилни меҳр билан қучоқлаб, бағирларига босдилар.

Исмоил уларга тинчликни сақлашни, шовқин кўтармасликни тайинлади. Модомики, энди полиция тутқунида эканлар, одамларни жалб қиладиган ҳеч қандай шиор ёрдам бермаслигини тушунтирди. Чунки талабаларнинг бақириб айтган шиорларини фақат полиция ходимлари ва уларнинг "қулоқлари" эшитади. Бу уларни камерада узоқроқ ушлаб туриб, қилган-қилмаган жиноятларини тан олишлари учун турли қийноқларни қўллаб, айбларига иқрор қилдириб имзоларини олиш учун энг яхши баҳона бўлади, холос.

Бироздан сўнг Исони чақиришди. У хонада рутбасида уч юлдуз ярақлаб турган зобитга дуч келди. Офицер ўтирган ёғоч ёзув столи устида бир уюм оқ қоғоздан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Унинг юзида заҳарханда жилмайиш қотиб қолганди.

Исо сочлари тўзиган, елкаси очиқ ҳолда тик турарди.

– Сен Исо Аммормисан? Биринчи курс талабаси? – деб сўради зобит.

– Ҳа.

Зобит жавобни ёзиб қўйди ва сўроқни давом эттирди:

– Исмоил Муҳаммад исмли талабанинг дўстимисан?

– Ҳа.

– Уни ростдан ҳам яхши танийсанми?

– Бу савол билан нимани назарда тутаётганингизни билмадим, таниш деганингиз нима дегани?

– Масалан, доим у билан бирга юрасанми, кўп гаплашасанми?

– У менинг дўстим, мен билан бирга ўқийдиган талаба, бори шу.

Зобит айтилган жавобларни ёзиб олгач, кафтларини бир-бирига ишқади, сўнг ўзини яқин олиб деди:

– Сен ҳаётимда учратган энг яхши талабасан. Ишончинг комил бўлсинки, сен айтадиган маълумотлар хавфсизлик ходимларига исёнкорлар уясини фош этишда ёрдам беради. Биз тинчликнинг қадрига етмай, хавфсизлик ва барқарорликка рахна солиб, сен каби намунали талабаларнинг келажагини барбод қилувчи безориларни жамиятдан ажратиб қўйишимиз зарур. Сен бугун кўрганингдек, айрим ақлли, яхши талабалар баъзан безори талабаларнинг таъсири остига тушиб қолиши мумкин. Биз уларни кечирамиз, чунки улар бошқаларнинг таъсирида бўлганлар. Ваъда бериб айтаманки, терговга ёрдам бериши мумкин бўлган кўрсатмаларингни олиб бўлган заҳотиёқ сени қўйиб юборамиз. Исмингни безори талабалар рўйхатига қўшмасликлари учун мактаб идорасига сен ҳақингда ҳеч нима хабар қилмаймиз. Тергов ишларига ёрдам берар экансан, бу мактабда оладиган баҳоларингга ҳам таъсир қилади. Чунки биз қонунчиликни, тартиб-низомни сақлашда ёрдами берган ҳар бир инсонни, унинг ҳақ-ҳуқуқини қадрлаймиз.

Исо полиция зобитига шубҳа билан қаради. Унинг авраб гапириши ва қизиқтиришга уринаётгани ортида нималар борлигини тушунишга ҳаракат қилди. Зобитнинг сўзларини бир неча бор бўлмоқчи бўлди. Лекин зобит ўзи ёдлаб олган матнни эсидан чиқариб қўйишдан қўрққан бола каби маҳмадоналигини давом эттираверди.

Ва ниҳоят, зобит унга тилла ҳошияли сигарета узатиб, чекишни ва хоҳласа ўтиришни таклиф қилди.

Бироқ Исо бу сахийликни қабул қилишга шижоати етмади ёки атайлаб қуруққина рад этди. Унинг боши ўзи билмаган сабабга кўра айланарди.

– Раҳмат, мен чекмайман.

Зобит Исога шубҳа аралаш қаради ва деди:

– Намунали талаба мана шундай бўлади. Сен ҳақингда ўйлаганларимга ишонч ҳосил қилмоқчи эдим. Энди, Исо ука, ҳозир... Йўқ, шошмай тур...

Зобит курси устига осилган кўнғироқни чалди ва Исога қараб, яна жилмайиб қўйди.

Полициячи келиб, баланд овозда зобит билан ҳарбийча саломлашди ва ёнига турди. Зобит мева шарбати олиб келишни буюрди, кейин Исога яна ўгирилиб қаради, унинг қарашидан секин-аста гап олишга уринаётгани сезилиб турарди. Сўнг кулиб деди:

– Ўйлайманки, ота-онанг қидириб қолмаслиги учун ишни бошлаганимиз дуруст бўлади. Энди айтгин-чи, бу тўполонга бошчилик қилган талабалар ким? Айтмоқчиманки, сизларни бу ишга ундаганлар ким?

– Мен у пайтда мактабда эмас эдим, жаноб.

– Яхши. Кимлар бошқаларни намойишга ундаши мумкин деб ўйлайсан?

– Айтдим-ку, ўша пайт мактабда эмасдим, намойиш ҳақида сира хабарим йўқ.

– Айтмоқчиманки, доим мана шундай намойишларга бошчилик қиладиган талабалар ким, масалан, худди кўприк воқеасида бўлганидек?

– Кўприк жангида мен қатнашмаганман, жаноб. Ўзи кўпинча ҳеч кимга қўшилмайман.

Зобит унга маломат назари билан қаради ва деди:

– Суриштирувни яхши бошлаган эдинг, нега энди ўзингни олиб қочяпсан? Мен сенга чинакам ваъда бердим.

– Мен сизга қасам ичиб айтаманки, доим рост гапираман.

– Исо, ростдан ҳам бошлиқларнинг энг биринчиси дўстинг Исмоил эканлигини билмайсанми? Жобир ва бошқаларни-чи? Сен ўзинг бироз аввал Исмоил дўстинг эканини, доим гаплашиб туришингни тан олдинг. Табиийки, сен уни ва ўртоқларини ҳам яхши танийсан. Энди нега сўзингдан қочяпсан, бу улар билан бошлаган ҳамкорликдан қайтганинг эмасми?

– Биз ҳақиқатан ҳам дўстмиз, жаноб. Вақт ўтказиш учун кўприк қаҳвахонасида йиғилишиб турамиз.

– Вақт ўтказиш... яъни, масалан варақалар ёзиш учун.

Зобит шундай дер экан, макр-ҳийла билан жилмайди.

– Биз ҳеч қандай варақа ёзмаганмиз, жаноб. Мен яна қасам ичиб айтаманки, ҳаётимда бирорта варақа ўқимаганман.

– Мен бу гапингдан фикрингни тўлиқ ўзгартирдинг, деб тушунаман. Бу сенинг манфаатингда эмас, деб огоҳлантираман. Бизда хоҳлаганимизни айттиришга етарли усуллар бор. Терговни қисқа вақт ичида тугатишимиз учун сен ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтадиган намунали талаба бўл! Шубҳасиз, сени ҳозир уйингдагилар қидиришаётгандир. Чиқариб юборишимизга ёрдам бер.

– Жаноб зобит, мен ёлғон маълумот бермайман, шунингдек, билмаган нарсаларим ҳақида билмайман, дейман. Сиз ўқишни ташлаб, қаҳвахонада вақтини ўтказаётган бир талабадан қандай маълумот истаётганингизни эса тушунмайман.

– Бизда кўплаб маълумотлар ва ҳисоботлар бор, унда сизлар қаҳвахонада сиёсий масалаларни муҳокама қилишларингиз ҳақида да-

лиллар мавжуд. Шунингдек, сизлар ўша жойда ўтириб талабаларнинг фаолиятини ҳам муҳокама қиласизлар ва талабалар уюшмаси ташкилотини ҳам бошқарасизлар. Давра бошлиғи – Исмоил Муҳаммад. Тан оласанми? Зиммангдаги фуқаролик масъулиятидан қочма, таслим бўлишдан бошқа чоранг йўқ!

– Қасам ичиб айтаманки, жаноб, мен фақат ҳақиқатни айтаман, ҳақиқатдан бошқа нарсани гапирмайман. Менда сизларга керакли ҳеч қандай маълумот йўқ.

Хонага полиция миршаби бир шиша мева шарбати кўтариб кирди. Зобит унга бақириб, шарбатни олиб чиқиб кетишни буюрди. Сўнг юзлари қизариб, ғазаб билан Исога ўгирилиб деди:

– Ўзинг тан оласанми ёки тилга киришингга мажбурлашсинми?

Исони бу сўзлардан титроқ босди, бироз ҳаяжонланиб деди:

– Мен чиндан қасам ичиб айтаман, ўзим билган бирор нарсани сиздан яшираётганим йўқ.

Зобит кўзлари ола-кула бўлиб, ўрнидан тураркан, Исога қараб деди:

– Сен безориларнинг бошлиғисан, ўзингга ўхшаганларни яширяпсан.

Шундай деб зобит Исонинг жағига куч билан мушт туширди. Исо оғриқдан инграб юборди.

– Энди тан оласанми?

Исо қаддини ростлади, у ҳали ҳам зобитнинг мушти тушган жағидаги оғриқни сезиб, жароҳатини ушлаганича деди:

– Мен терговда бундай ваҳшиёна услубни қўллашга қаршилик билдираман. Мен сизга билганимни айтдим. Шунинг ўзи етарли эмасми?!

– Менга қара, безори, сени яна огоҳлантираман! Шерикларинг ким?

Исо аввал айтганларига ҳеч нарса қўшмасдан такрорлади.

Зобит уни яна маҳкам ушлади-да, юзи ва кўксига мушт тушира бошлади. Исо мувозанатини йўқотиб, ерга йиқилди. Зобит уни ваҳшийларча тепкилади, сўнг хона бурчагида букчайиб ётганича қолдириб, миршабни чақирди ва унга такаббурлик билан буюрди:

– Ол, мана бу ифлос безорини, панжара ортига ташла.

Миршаб уни елкасидан ушлаб олдинга итарди. Исо хонадан чиқар экан, лаблари титрар ва тушунарсиз сўзларни ғўлдирар, жисми эса ғазабдан қалтирарди. Бутун баданидан муздек тер оқар, оёқларигача жиққа ҳўл бўлганди.

Исони ўртоқлари қарсак чалиб кутиб олишди. Сўнг уни қучоқлаб, ўз гапида собит тургани учун далда бера бошладилар, тергов азобларига чидагани учун олқишладилар.

У яна қандай азобларга дуч келиши ҳақида ўйланиб қолди.

Тўққизинчи боб

Аммор ҳожи ўша куни туш пайти уйидан чиқди-ю, лекин қаёққа боришни, ўғлини қаердан сўрашни билмасди. Буни ҳам уйи ва кўчасидан анча масофа юриб ўтганидан сўнг англади. Шундан сўнг ҳам бир неча қадам ташлагач, эрталаб изқувар билан бўлган суҳбат қулоғи остида янгради. У махфий полициянинг идораси туман марказида жойлашганини айтганди.

Аммор ҳожи такси тўхтатиб, ҳайдовчига туман марказига ҳайдашни буюрди. Туман идораси биноси олдида машинадан тушди, аммо бино ичида

ҳеч кимни кўрмади. Иш вақти тугаб, хизматчилар кетиб бўлган эди. Иш кабинетларининг аксарияти берк, очиқларида эса ходимлар хоналарини тартибга солишарди. Улардан бири Аммор ҳожига пешвоз чиқиб, унинг нимадир сўрамоқчи эканини дарров англади. Бунга ўхшаганлар фақат бир нарса эвазига гаплашишга ўрганиб қолганлар. У Аммор ҳожига синовчан назар ташлаб, "Бу одам, албатта, нақдидан сахийроқ бир нима беради", деб тасаввур қилди. "Бунинг устига вақт алламаҳал! Агар бирор муҳим иши бўлмаганида, бундай пайтда ҳаллослаб келмаган бўларди. Юзида савол аломати, афтидан хавотирга тушган", деб ўйлади ходим.

Келган одамнинг хизматига тайёрлигини билдириш учун ходим томоқ қириб йўталиб қўйди. Шу пайт нарида турган бошқаси ундан олдин хизматини таклиф қилди:

– Нима хизмат, ҳожи?

– Марҳамат қилиб қидирув бўлимини кўрсатиб юбора олмайсизми?

– Мен қидирув бўлимида ишлайман, ҳожи. Ҳозир бошлиқ кетган. Аниқ бирор киши керакми?

– Бугун ушланган талабаларни қаерга олиб кетишди?

Ўнинчи боб

Қидирув ходими ўлжага ишонч ҳосил қилиб кўксини тўлдириб нафас олди. Унга бошдан-оёқ назар ташлаб, бундай ҳолатларда қўллашга ўрганиб қолган сунъий овозда деди:

– Албатта, биламан. Лекин улар билан гаплашиш тақиқланган, ҳожи.

Аммор ҳожи атрофига қаради, сўнг ходимга тикилиб, унга ёлвориш оҳангида деди:

– Қўлга тушганларнинг орасида ўғлим ҳам бор, мен учун бирор яхшилик қила оласизми?

– Албатта, мумкин. Аммо бу қонунга хилоф. Мени ишимдан ҳайдаб юборишади деб қўрқаман.

Аммор ҳожи жилмайди, ходимнинг таъмасини тушунди. Қўлини чўнтагига тиқиб, анчагина пул чиқарди ва унинг қўлига қистириб, деди:

– Мен қонунни тушунаман, қонундан бехабар одам эмасман. Лекин сизга ўхшаганлар бундай ҳолатларда ота-оналарнинг хавотирини яхши ҳис қилишади.

Ходим пулларни чўнтагига соларкан, эгасига раҳмат айтиб, деди:

– Ушланганлар масаласи, бу, албатта, сир. Улар ҳозир Марказий қисмдалар. Учинчи бўлим, ертўлада. Лекин сўраганларга мен ҳақимда айта кўрманг.

Аммор ҳожи ходимнинг бошқа гапларини эшитмади, унга раҳмат айтиб, эшикни ёпди. Туман идораси биносини тарк этар экан, ўғлини чиқариб олишда ёрдам бера оладиган танишлари ҳақида ўйлай бошлади. Лекин аввал ўғлини кўриб, хотиржам бўлишга қарор қилди. Яна такси тўхтатиб, учинчи бўлим томон йўл олди. Бўлим маъмури ҳам унга ўғли билан учрашиш маън қилинганини айтди. Лекин ҳожи бу қийинчиликни ҳам пул билан ҳал қилди. Ўғлини билганларини сўзлаб, терговга ёрдам беришга кўндиришни ваъда берди.

Ўғли билан кўришиб, уни маломат қилиб, сўка кетди. Ўғли қасам ичиб, юз берган воқеа унга боғлиқ эмаслигини айтгандан сўнг, отаси унинг гап-

ларига ишонди. У қисм маъмурига ўғлини чиқариб юборишлари учун исёнчи талабалар ҳақида билганини айтишини уқтириб, унга таъсир ўтказишга ҳаракат қилиши борасида берган ваъдасини эслади. Ҳақиқатан ҳам ўғлига пичирлаб, билганларини айтиши зарурлигини уқтирди. Исо қасам ичиб, деди:

– Ҳамма билганларим шуки, биз мактабга кирмоқчи бўлдик, полициячилар киритишмади, ўртоқларим улар билан гап талашиб қолишди, кейин муштлашув бошланди.

Ростдан ҳам унинг билганлари шу эди, холос.

* * *

Аммор ҳожи дастлабки ҳибс камерасини бутун дунёни лаънатлаб тарк этди. У дарҳол танишлари билан боғланиб, улардан ўғлини чиқариб олишда ёрдам сўрай бошлади. Бироқ ҳеч иш чиқмади. Кун бўйи юриб, кечки пайт уйига ғамгин қайтиб келди. Уни хотини кўзда ёши билан қарши олди. Қизи отасининг ғамгин юзларини кўриб, акасининг исмини айтиб, йиғлай бошлади.

Эришгани бор-йўғи – ўғлини қийнамасликларини илтимос қилиб, уни ҳар қандай вақтда зиёрат қилишга рухсат ололгани бўлди. Ҳукуматнинг қўлида сўнгги чора борлигини айтишди. Ҳеч йўл қолмаганда, талабалар сукут сақлаб тураверишса, ўз айбларига иқрор қилдиришга бошқа усул қолмаса, ҳукумат ўша чорани қўллаши мумкин экан. Бу чора – талабаларни ўқишдан маҳрум қилиш ёки янги келган Исо, Исмоил, Абдураҳмон ва Абдулло кабиларни ҳудуддан чиқариб юбориш экан.

Кун ботгач, Исонинг укалари унинг зиёратига отланишди, уларга Фуаднинг синглиси қўшилди.

Ака-укалар учрашуви қизғин кечди. Фақат Муфидагина жим турарди. У Исога меҳр билан қараб тураркан, бошқаларга сездирмай, унинг қўлига ҳафсала билан тахланган бир парча қоғоз тутқазди.

Исо бундай муносабатдан бениҳоя бахтли эди. Укаларининг илиқ гаплари, азобга йўлиқмаслиги ҳақидаги истаклари, улар олиб келган совғасаломлар, отасининг берган каттагина маблағи ва ниҳоят, қизнинг меҳр тўла нигоҳлари ҳамда мактуби... Бу – қизнинг унга ёзган биринчи хати эди. Буларнинг ҳаммаси учун ҳам ҳибсда қолса арзийди...

Исо укалари билан хайрлашар экан, онаси ва синглисига саломини етказишларини сўради. Улар хотиржам бўлишларини, аҳволи яхши эканлигини, ҳеч нарсадан шикоят қилмаётганини таъкидлади. Кейин, чарчаган оёқларини узатиб, бу қоронғида мактубни қандай ўқиш ҳақида ўйланиб қолди. Ўртоқлари эса унинг хаёлини бўлиб, ўзини чалғитиш учун ўйинда иштирок этишга чақирдилар. Ўйин қўйидагича эди: кичик варақка доиралар чизилади, варақнинг ҳамма сатрлари тўлдирилади. Кейин ҳар бир ўйинда иштирок этувчи доирани бошқаси билан боғлайдиган қилиб чизади. Доирани охирги ёпган ўйинчи, ичига ўз исмининг бош ҳарфини ёзишга ҳақли бўлади. Сўнг варақдаги тўртбурчакларни санайди, ким кўп доира эгаллаган бўлса, ўша ўйинда ютган ҳисобланади.

* * *

Отаси ўзини ҳибсдан чиқариб олишга астойдил ҳаракат қилишини Исо яхши биларди. Агар ҳибсдан эрта чиқса, ўртоқлари олдида ноқулай аҳволга тушиб қолишини ўйлаб, бу ҳақда уларга айтди. Шубҳасизки, бошқаларнинг оталари ҳам шу ишни қилади. Фақат Исмоилнинг отаси эмас. Чунки у паст табақадан бўлиб, жамиятда тутган мақоми йўқ даражада эди. Талабалар бу масалани муҳокама қилишар экан, бирорталарини чиқариб юборишса рад этмасликка келишиб олишди. Чунки агар қамоқдан ҳаммамизни озод қилишмагунча ҳеч биримиз ёлғиз чиқмаймиз, дейишса, ҳукумат уларни нафақат ўртоқлик, балки уюшма боғлаб турибди, деган хулосага келиб, Исмоилга янада жабр бўлади, деган қарорга келишди.

Ярим тунга яқин Исодан бошқа ҳамма ухлаб қолди. У бедор эди. Ўзини ҳар тундагидек кўча ҳаракатини кузатиб, севиклиси хонасининг рўпарасидаги айвонда ўтирган ҳолда тасаввур қиларди. Қандай қилиб ҳам тасаввур қилмасин, ахир унинг муҳаббати ўртоғи Абдуллонинг ундови билан ҳақиқий бўса олганидан сўнг ўн чандон кучаймадими? Ўша воқеадан сўнг кўча орқали севгилисига йўллайдиган ҳаво бўсалари билан кифояланмай, ростдан ҳам бағрига босди, икки инсоннинг ҳиссиётлари, уларни боғлаб турган ошиқ қалбларнинг юксак инсоний туйғулари фош бўлди, ҳақиқий маънодаги муҳаббатга айланди.

У ўзини ухлаётгандек кўрсатиб, каравотга чўзилгач, чойшаби остида мактубни ёйди, хира чироқда ҳарфларни қийинчилик билан бўлса-да ўқий бошлади:

“Азизим,

Дўстларингизга нисбатан тутган бугунги ҳалол муносабатингиз учун соф ва буюк муҳаббатим сизга бўлсин! Сиз ўз муҳаббатингиз ва тамойилларга ишончингизда ростгўй бўлдингиз. Қаҳрамонлигингиз менинг қонимда ҳам жўш урди, гўёки сизнинг оташин юрагингизни ўзимнинг мурғак қалбимда кўтариб юргандек ҳис қилдим! Сиз туфайли дугоналарим олдида яна бир бор бошимни баланд кўтардим, назаримда эркаклик ва фидойилик чўққисига чиқдингиз.

Ўртоқлик шарафини сақланг. Тамойилларингиз шарафини сақланг! Барча қийноқларга ва дўқ-пўписага чиданг! Мени ўйламанг, чунки мен фақат сизникиман! Бугун биринчи марта тунни ёлғиз, бедор ўтказаман, сизни узоқдан туриб дуо қиламан.

Бўсаларим ва муҳаббатим сизга.

Сизни севувчи М.”

Исо мактубни тахлаб, кўкрак чўнтагига соларкан, жилмайганича уйқуга кетди.

Ўн биринчи боб

Дастлабки ҳибс камераси олти квадрат метрдан ошмайдиган бир хонадан иборат бўлиб, деворлар чала сувоқ қилинган устунга туташган. Деворлардан бирининг энг юқори қисмидаги кичкина туйнук темир пан-

жара билан қопланган. Бурчакда эса ҳожат учун тунука челак қўйилган. Хона бўйлаб тўшалган эски кўрпанинг увадаси чиқиб кетган.

Ҳибсдагилар ҳақиқатан ҳам турфа хил одамлар эди. Булар орасида ёши олтмишдан ошиб, сочларига оқ тушган, бургут кўзидан бошқа ҳеч нимаси билан ўзига жалб қилмайдиган бир киши бўлиб, айтишларича, у сейфларни ўмариш ва катта ҳовлиларга ўғирликка кириш бўйича устаси фаранг экан. Ҳибсга олинганига олти ойдан ошса ҳам айбини исботлайдиган ва унинг ишини маҳкамага оширишга яроқли бирорта далил йўқ бўлиб, уни ҳукумат партиясининг қароргоҳини ўмаришга кирганига иқрор бўлишини умид қилиб ушлаб туришибди экан. Бир неча кундан сўнг у талабаларнинг сирларидан воқиф бўлгач, уларга ёзув машинкаси ва яхши мебель сотиб олишни таклиф қилди. Ўғри талабаларнинг ҳам партияси бор, деб ўйларди.

Яна бир айбланувчи моҳир киссавур эди. Бошқаларга ўзининг саргузаштларини, гўёки у лашкарбоши-ю, қилган ишлари ўзга юртларни эгаллаб олишга ўхшаш қаҳрамонликдек фахрланиб ҳикоя қилди. Ўзининг айтишича, бу сафар полициячилар қўлига тушиб қолганига сабаб – ҳали ишни эплолмайдиган ҳаваскор киссавурни ўзига шерик қилиб олгани экан. Киссавур катта автобусдаги йўловчилардан бирининг кармонини моҳирлик билан шилиб олибди. Шунда унинг ёш шериги ҳам ўз санъатини синаб кўрмоқчи бўлиб, эплай олмай қўлга тушибди. Ҳамма ўз ҳамёнига қўл урибди. Шунда бир йўловчининг ҳамёни йўқолгани маълум бўлибди. Йўловчилар қўлга тушган ҳаваскор киссавурни дўппослашга тушганларида у дарҳол бу ишни шериги қилганини айтибди. Шундай қилиб, ҳар иккови ҳибсга олинибди.

Учинчи маҳбус эса эчкисини ўғирламоқчи бўлган қўшнисини ўлдириб қўйибди. Албатта, қонун ўғриларни жазолайди, лекин ўғрини ўлдириш ҳам жиноят. Ҳар бир жиноятга яраша жазо бор!

Тўртинчи маҳбус уста товламачи экан. У қалбаки пулларни ўтказиш ва ўғирланган молларни пуллашни қойиллатаркан.

Буларнинг ҳаммасига ҳибсга олинган бешта талабани ҳам қўшсак, мана шу нам, рутубатли камерадагиларнинг сони тўққиз кишини ташкил қилади. Қўёш тушмаганидан зах тортиб кетган камерадан сийдик ва тутуннинг ҳиди анқиб турарди.

Пўлатдан ясалган ягона эшик олдида ҳамиша ўқланган милтиқ кўтариб соқчи турарди. У кўп эснар, иши оғирлигидан доим шикоят қиларди. Кириш эшиги олдида икки соат туришдан иборат вазифаси унга катта қийинчилик туғдирарди.

Фуаднинг бошқа болалар билан алоқаси мустаҳкамлана борди. Биринчи марта шу жойда уларга нисбатан бегонасираши бироз енгиллашди. Бу талабаларни илгари ҳам кўрган бўлса-да, аммо эътибор бермаган эди. Чунки мактаб катта, у ерда беш мингта талаба таълим оларди. Талабалар сонининг бундай кўплиги яқиндан танишишни қийинлаштирарди. Кўпчилик бир-бири билан кўз таниш бўлса-да, аммо яқиндан билмасди. Худди кўплаб йўловчиларни ҳар куни учратганимиз каби.

Фуад энди бахсларда эркин қатнаша бошлади. Улар ҳар қандай мавзуда бемалол суҳбатлашардилар. Муҳаббат ҳақида баланд овозда, сиёсат, уруш ҳақида эса пичирлаб, паст овозда, соқчи эшитиб қолишидан қўрқиб сўз юритишарди. Соқчи ҳам вақти-вақти билан масъул эканлигини эсла-

тиб уларга тикилиб қараб қўярди. Аслида у милтиқни кўтариб турганида эснар, бошқа пайт, масалан, маиший ҳаёти ва оилавий муаммоларини ўйлаганида эса ўзини муҳим вазифани бажараётгандек тутарди.

Талабаларнинг ўзаро суҳбатларида улкан савол пайдо бўлди. Агар терговчи таҳдид қилганидек, ўзлари умуман билмайдиган тафсилотларни, эшитмаган воқеаларни эътироф этишмаса, тан олишмаса, оқибатда уларни мактабдан ҳайдаб юборишса нима бўлади? Шубҳасизки, ҳибсга олинганларнинг ўзаро суҳбатларидан тушунилгани юзасидан қўшимча ҳисоботлар ёзилади. Далиллар, иддао қилинишича, жуда хавфли, давлат хавфсизлигига таҳдид солади ва барча талабаларга таъсир қилади.

Бундай ҳолатда Исмоил бирорта энг яқин араб давлатига, масалан, Қувайтга ҳижрат қилишини айтди, чунки бу янги давлат, у ерда ишчи кучи ва янги қобилиятлар керак.

Исо ўзининг асл ватанига қайтишни афзал кўрди. Яқинлари ва бутун қишлоқ аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлашга ожиз ўша ватани энди барча кўзлар тикилган қиблага, умидлар масканига айланганди. Яқинда у ердан отилиб чиққан қора олтин, шубҳасиз, моҳир миллий ишчи кучларга муҳтож. Бу шундай ишларки, унингсиз замонавий тараққиёт амалга ошмайди. Ҳар бир халқнинг тараққиёти эса нефть саноати билан чамбарчас боғлиқ. Ватандошлари текинхўр ёки дангаса эмас. Лекин иш ўринлари жуда чекланган. Бу ўринлар ҳам асосан тижорат ва давлат ташкилотларидаги лавозимлардан иборат. Келажак саноатни чуқур эгаллаган мутахассисларга ва моҳир ишчиларга муҳтож. Пул топилди, энди мутахассисларни яратиш лозим. Улар ғамхўрлик ва рағбатлантириш билангина тайёрланади. Нефть компанияси қанча уринмасин, ҳамма соҳаларни қамраб ололмайди. Демак, албатта уланмаган иплар қолади, уларни боғлайдиган кишилар керак. Ҳукуматнинг ўзи ҳамма ипларни боғлай олмайди. Чунки иплар кўп, жуда кўп. Улар билан шуғулланадиган, уларни охирига етказадиган ҳайъатлар ва жамиятлар зарур. Ватани ўшандай куч-қувват ва ақлларга муҳтож бир пайтда, шу жойда улғайиб келаётган ёшлар ва мўмин инсонлар қаторида бўлиш хайрли иш эмасми?

Ўз фикрига ўртоқларини ҳам қизиқтириш учун қўшиб қўйди:

– Мен нефть минтақаларининг ва нефтни қайта ишлаш корхоналарининг улкан бўлишини хоҳлайман. Чунки келажагимизнинг биринчи ҳарфлари ана ўшалардир. Улар бизни битта ҳарфдан гап тузишга чақирадилар. Жумлалардан эса сатрлар ва асарлар яратилади. Биз ана шу асарлардан курашимиз қиссасини, авлодлар оша тараққиётимиз давомини катта ҳарфлар билан битамиз.

Ҳаммалари Исо таърифлаган корхоналарнинг буюклигини кўз олдиларига келтириб, ўйланиб қолдилар. Улар гўё шу дамда ҳар бир улкан корхона ёнига кичик бир ғишт қўя бошладилар. Ғишт устига ғишт қўйилса, девор пайдо бўлади. Девор тўсиқни ташкил қилади ва эҳтиёжни қондиради. Баъзи бирови ўзини тўқимачилик фабрикасини, баъзиси шакар заводи, айримлари эса металлургия корхонасини бошқараётгандек тасаввур қилдилар. Ана, ишчилар жиддий қиёфада ва ғурур билан бошларини меҳнатдан кўтардилар. Ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар келажаклари – фарзандларининг келажаги эканлигини, бир парча нон деб аёллари ва болаларининг сарсон-саргардон бўлмасликлари учун яратилаётган келажаклари эканлигини яхши англадилар.

– Ватанимнинг ўзгаришини, гуллаб-яшнаган, мен фахрланадиган ватан бўлишини жуда-жуда истардим. Сизлар билан бора оламанми? Мен ҳам аслида муқаддас ерданман. Бобом ҳаж амалини бажараётиб вафот этган. Унинг қабри шу ерда. Тоза ерда, пайғамбар ерида, босқинчилар ва лаънати иттифоқчилар аскарларининг қадами етмаган муқаддас тупроқда.

Лекин ҳеч ким бу саволга жавоб бермади. Ҳаммалари ўзларини ўйлантириб қўйган Исонинг янгича фикрларига ғарқ бўлиб ўтирибди. Йўқ, бу шунчаки айтилган фикр эмас, балки ҳақиқат эди. Исо ҳаттоки ўзи учун ҳам катта ҳақиқат бобида сўз очди. Уларнинг шу пайтгача бу ҳақиқат ҳақида ўйлаб кўришга вақтлари бўлмаган эди...

Исо гўёки асосини ўзининг биродари қурган бинони кўтариш ҳақида орзу қилаётгандек, деди:

– Фуад, юртимиз катта. Бунда турли халқларга хос таркиб ҳосил бўлган, энг муҳим сифати эса бу ерда кўнгил кенг. Бу кенглик ҳар қандай инсоннинг қалбидан катта. Бу гаплар янги эмас. Пайғамбарлар ва расуллар етишиб чиққан ер ҳар қачон инсонларга ҳидоят, тинчлик ва одамийлик рисолаларини етказган. Бу жой сохталикдан асар ҳам бўлмаган асл маъдан. Сен шу ерда яшай оласан, деб ишонаман.

– Нега яшай олмас эканман? Эшитганларим бу муқаддас ерни қабул қилиш учун қийинчиликларни енгиб ўтишимга етарли деб ўйлайман.

– Лекин бу бизнинг ўтмишимизга зид. Биз тупроқ устига катта умидларимизнинг баланд қасри ва улкан тоғини қуряпмиз. Биз қўлимизни қўл берадиганларга ва бирга курашадиганларга узатамиз. Мана шу сеҳрли тупроқларни кичкина қанотларини пирпиратиб учадиган қушларга макон қиламиз. Биз бу кенг саҳроларни қушлар сайрайдиган боғларга айлантирамиз.

Фуад, сен қўлингда кетмон кўтара оласанми ёки сассиқ мой денгизида суза оласанми?

– Ҳа, қила оламан, қасам ичиб айтаманки, қўлимдан келади. Мен хаёлимдаги фикрларни фойдали ишга, самарали лойиҳага айлантира оламан. Куч-қувватим тартибга солишга муҳтож, холос.

Исо гўёки Фуаднинг тақдири ўзининг қўлидадек, бош силкитиб деди:

– Шубҳасиз, мен буни эплайман, агар хоҳласанг, ўзим билан олиб кетаман. Сендан отилиб чиқадиган фикр булоғи яратаман. Сен бунга қодирсан. Бузғунчи эмас, бунёдкор фикрга, яратишга қодирсан. Бу шундай фикр бўладики, у юртни баланд кўтаради. Лекин сен юртнинг қайси ғиштини, қайси лойини қормоқчисан?

– Мен танламайман. Ҳозир юртга ҳар қандай қўл, ҳар қандай соғ ақл керак. Қўл ва ақл соҳиби сифатида исталган бинога боришга тайёрман. Аввал кичик ниҳол экаман, у униб-ўсиб, катта дарахтга айланади, соясида мен билан бирга ҳузур қиласиз. Лекин менга соя эмас, қуёш керак, менинг куч-қудратимни эритиб, теримни дарёга айлантирсин, экинимни суғорсин. Бу гаплар чиройли гаплар-а? Буларни ўзим сўзлаётганимга ишонгим келмаяпти, Исо, тилимга мана шу чиройли ибораларни келтирган сен эмасми?

– Фуад, бу чиройли гаплар сенинг ақлинг остидан, онгинг остидан чиқяпти. Булар бир лаҳзада туғиладиган фикрлар эмас. Улар онгинг остида аввалдан бор эди. Ақлингни эса Аллоҳ берган, бошқа бунақа савол берма.

Фуад кулди, бошқалар унга қўшилишди. Ҳаммалари ўйлаётган нарсаларини ҳам унутиб, Исо ва Фуад ўртасидаги суҳбатни берилиб тинглаб, ҳайратга тушиб ўтирардилар. Исонинг ўз суҳбатдошини ишонтира олиш қудратига эга эканлигини билмас эдилар. Улар ҳар доим уфққа тикилиб, оловли муҳаббатига ғарқ бўлган Исони билардилар, холос. У ҳеч қачон бунчалик сўзга чечан бўлмаган. Исмоил биринчи марта унинг сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлади. У ўз ҳиссиётларини тўхтатолмай эшитилар-эшитилмас деди:

– Исо, сен-ла биргаман. Азиз ватанимизга мени ҳам олиб кет. Бу аср сен каби фарзандларни яратгани қандай хайрли!

У хаёлан ўз ватани ташқаридан келтирилаётган, импорт қилинаётган маҳсулотлардан, қиммат машиналар ва бошқа кўнгилочар воситалардан тортиб то консерваланган маҳсулотларгача барчасидан секин-аста қутулаётганини тасаввур қилди. Бунинг учун жуда асабий даврдан ўтилади, бу шундай замон бўладики, саноатнинг ўсишига имкон яратиш, бозорда оёққа туриб олиш учун қўлингдаги маблағни тежайсан. Саноат эса худди кичкина боладек. У секин-аста тетапоя қилиб юриб, сўнг катта бўлади ва бошқасини барпо этади, ўз-ўзини таъминлаш даражасига етади. Чин маънода ўз-ўзини таъминлаш.

Исмоил шу фикрларга етганида хаёлида “араб давлатида ишлаб чиқарилган” деган ёзувни ўқиётганини тасаввур қилиб, жилмайди. Табассум бутун чеҳрасига ёйилди, қалби қувончга тўлиб, кўзларида ёш билан қаҳқаҳа отишига сал қолди.

Исо хаёлида айланаётган фикрларни ўртоқларидан яшира олмасди. Ҳаммалари жилмайишди, бир кун келиб, унинг бу хаёллари ҳақиқатга айланишини тасаввур қилишди.

Ўн иккинчи боб

Ҳамма томонлар учун урушнинг кузи кириб келган эди гўё. “Ўқ”чиларнинг ғалабалари куз япроқлари сингари сўлиб тўкиларди. Кўплаб майдонларда бинафшаранг нурлар тараларди. Ғалабалардан маст бўлган “иттифоқчилар” аскарлари кўчаларда қўшиқлар куйлаб, кўрсаткич ва ўрта бармоқларини инглиз тилида “ғалаба” маъносини англатувчи сўзнинг биринчи ҳарфи “V” шаклида қилиб юқори кўтарардилар. Машиналардан болаларга қараб шоколад ва тамаки отилади, болалар эса уларнинг кетидан югуриб, маст аскарларнинг уятсизликларини масхара қиларди.

Муфида ўз хонасидан кўчага қараб шаҳардаги ҳавас қиладиган манзарани томоша қилиб ўтирарди. Кўчадаги манзара гўёки Моцарт ва Бетховен мусиқалари оҳангларига рақс тушаётгандай эди.

Роммель ал-Аламайн жангида узил-кесил тор-мор этилди. Немислар олдида ўз жонларини сақлаб қолиш йўлида чекиниб, мағлуб бўлганларини яшириш учун Магино чизиғини қайта ислоҳ қилишдан бошқа чора қолмади.

Бугун иттифоқчиларнинг ғалабасини байрам қилиш учун мактаблар ҳам ёпилган. Яҳудийлар ўз хурсандчиликларини Фаластинда намойиш қилдилар, улар араб маҳаллаларига ҳужум қилдилар. У ерда араблар билан тўқнашувлар юз берди, албатта, инглизлар кўнгилхушлик учун уларга ҳамроҳлик қилишди.

3. шаҳарчасида душманни тор-мор қилиш умиди пучга чиқди. Бу шаҳарча икки йил олдин Аммор ҳожининг ватани эди. Иттифоқчиларнинг ғалабаси шаҳарча аҳлининг орзусини бутунлай йўққа чиқарди, уларнинг хаёлида бир илинж – "ўқ"чиларнинг ғалабаси уларга Яқин Шарқда катта ислом давлати тузишга имкон яратиб беришидан умид бор эди, холос. Бу орзуларини Гитлер қўллаб-қувватлаганди.

Лекин немисларда эркаклар қолмади. Улар учувчисиз учоқларни юбордилар, уларни масофадан туриб радар бошқаради. Бу мисли кўрилмаган илмий янгилик эди. Бироқ бу янгилик, бунёдкорлик учун, яратиш учун эмас, балки бузғунчилик ва йўқ қилиш учун яратилди. Лондон ва Париж портлашлар жаҳаннамида яшаяпти, иморатларининг парчалари осмонга пуфакчалар сингари сочилмоқда.

Рус айиғи бошқа томондан немисларни шол қилиб, мағлубиятга дучор этиб, совуғи душман қалбига қўрқув солган Сибирь кенгликларидан эмаклаб келмоқда эди. Немислар қорли тоғлар узра палапартиш равишда чекиниб, ортларида минглаб ҳалок бўлганлар ва ярадорларни қолдирдилар.

Муфида гултувакни қўлига олиб, уни деразадан кўчага улоқтирди. У ерга тушиб, парча-парча бўлгач, кўнглида бироз хотиржамлик ҳис қилди. Муфида бу ҳаракати билан ўз ҳиссиётларини ифодаламоқчи бўлди. У бунақанги мажнунларча тўполонда қатнашиб, уни байрам қила олмайди. Ўзи севган инсон қамоқда экани, ҳуррият туткуни эканини эсласа, қалби чўғ бўлиб ёнаётганини ҳис қилади. Юрагида биринчи муҳаббат куртаги қандай қилиб униб чиққанини ёлғизликда эслашга, ўшанда ўзи қандай ҳиссиётларни бошидан кечирганини ёдга олишга ҳаракат қилди. У ўз қалби олдида очиқ-ойдин бўлиши керак, ҳозир ҳис-туйғуларини ошкора қилмаса ҳеч ким унинг қалби қаъридагиларни била олмайди. У хотиржам бўлиши керак, унинг кўксидаги мурғак қалб ўзининг ҳиссиётлари билан нафас олмоқда. Уни биринчи марта кўрганида хаёлга чўмди, ўша онда ич-ичини сезилар-сезилмас ёритаётган нурни ҳис қилди. Ўша нурнинг шаффоф ёрқинини ушлаб қола олмади. Нур ҳиссиётдир, у модда эмас. Нур ич-ичига кириб қалтиратган титроқни тўсатдан пайдо бўлган, деб изоҳлашга ҳаракат қилди. У ҳеч қачон янги қўшнилари Расулуллоҳ юртидан келган деб тасаввур қилмаган эди. Муфида уларнинг ҳилпираб турувчи оқ кўйлакларини ёқтириб қолди. Кекса инсонлар ривоят қилганларидек, уларни фаришталар ҳалол қилган. Муфидага қўшниларнинг ажойиб шеваси ҳам ёқди, лекин дастлаб бу шевадаги сўзларнинг маъносини тушунишда қийналди. Буларнинг барчасига қарамай, ҳаётидаги бу янги чеҳраларни яхши кўриб қолди. Исони кўрганида эса, айниқса нигоҳлари тўқнашганида, сесканиб кетди.

Исо уялиб гап бошлаганида, сўзлари ҳиссиётларини қитиқлади, уларда хурсандчилик ва саодат яширинган эди. Муфида бошида буларнинг ҳаммасини тан олгиси келмади, лекин йигитнинг ёқимли сўзларидан баҳраманд бўлиш учун бағрига олишга даъват этаётган чақириққа қарши тура олмади. Исонинг суҳбатлашаётганида ўзини эркин тутиши, ҳар нарсани шарҳлашда оддийлиги, унда такаббурликдан асар ҳам йўқлиги Муфидага ёққан эди. Исо ўз фикрларини, гарчи уларнинг сабаблари мураккаб бўлса ҳам, очиқ баён этарди, гўё йигитнинг фикрлари ҳамма тушунадиган ва биладиган гаплардек. Исонинг табиатидаги Муфидага ёқмаган жиҳат унинг ёлғизликни афзал кўриши, тенгқурлари каби ҳар ердаги кўнгилхушликлардан баҳраманд бўлишга интилмаслиги эди. Ле-

кин шунга қарамай, Муфида Исони бутун ютуғу камчиликлари билан тўлалигича яхши кўриб қолди, шу жумладан, бошқалардан ажратиб турадиган жиҳатини ҳам. Муҳаббат туйғуси ҳақиқатан мукаммал бирлик бўлиб, уни тақсимлаб ёки бир қисмини олиб, қолганини ташлаб юбориб бўлмайди, чунки у муайян бир сабабга кўра пайдо бўлади. Муфида Исонинг фикрлари ва орзуларига ошно бўлиб, узоқларни кўзлаган умидлари қанотида суза бошлади.

Қиз Исонинг кутубхонасидаги кўплаб китобларни ўқишга берилиб кетди. У ана шу китоблардан билим ва завқ топди, ҳаётини лойқалатиб кўнглини сиқадиган бўшлиқни ёритувчи нур топди. Мопассан, Анатоль Франс ва Гюго қиссалари, Ламартин ва Шалле шеъриятидан завқланди. Муфиданинг хаёллари юксакларда сузиб юришга отланди. У ўзини топган ўша муҳитда ким учундир маъбудага айланди. Ўша кимса қизнинг қулоғига узрий муҳаббат маъноларини қуярди. Унинг таъмини эса севишганлар лаблари татиб кўрарди. Бу ердаги шоирона муножот ва лаззатлардан баҳраманд бўлиш жисмоний эмас, маънавий ҳузур бағишларди.

Муфида Исони ана шундай севди. Бироқ ундан ўз ҳис-туйғуларини яширди. У ўз муҳаббати меҳробида ибодат қилар ва бундан завқ оларди, худди бир жаҳаннамдан қочиб, янада кучлироқ бошқа жаҳаннамга тушган маъшуқа Тайисни севган коҳин каби.

Исо Муфидани бағрига босганидан бироз ўтгач, биринчи бўсасини олди, ўшанда қиз ўзини топталгандек, бутун орзу-умидлари ва соф хаёллари ернинг энг ифлос четига отилгандек ҳис қилди. Йигит унга текканида, қизнинг бадани сесканиб, у ўз меҳробига тавба қилиш учун қочиб кетган эди. Қиз йигитдан бир неча кунгача қочиб юрди. Ўз муҳаббатини синади, ўз қаршилигини текшириб кўрди. Охирида эса худди Тайиснинг ошиғи тиз чўккани каби ўзини йигитнинг оёқлари остида тиз чўккан ҳолда топди. Унинг дўсти мулойим эди. Унга ўзини тушунишга ёрдам берар, худди ибодатга келувчи банданинг тавбасини қабул қилаётган коҳин каби унинг тавбасини ботинига киритишга уринарди. Муҳаббат шаробидан бир қултум, бир қултум қуйиб, қизнинг йигитга муҳаббати мустаҳкамланишига ёрдам берарди. Қиз томирларда оқаётган қон каби илдам юра оладиган даражага етгач, оёққа турди. Шунга қарамай, ўз ҳиссиётларини жиловлаш учун қаттиқ қаршилик қилди. Унинг ёрдами билан бу ҳиссиётларни бошқа томонга йўллай олди. Шу йўл орқали бутун инсониятни севди. Уруш туфайли бошига мусибат тушиб, фарзандларидан айрилганлар ва беваларнинг оҳ-воҳларини ҳис қиладиган бўлди, натижада қизнинг зеҳнида уруш жабрдийдалари ва етимларга ҳамширалик қилиш фикри туғилди. Ота-онаси қизнинг бу фикрини ғалати деб устидан кулишди, акаси Фуад эса унинг ҳиссиётларини қўллаб-қувватлади.

Муфида жанг майдонларида яралар бўлганларга ёрдам бериб, аламларини енгиллаштирувчилар сафида бўла олмаганидан сўнг уларга ҳамдардлик билдириш билан кифояланди, холос. Қўлидан ер юзидаги барча яралорларга шифо тилаб, сарсон-саргардон бўлганларга паноҳ сўраб дуо қилишдан бошқа иш келмаслигидан афсус чекди.

Қиз яна бир бор кўчага назар ташлади. Нигоҳи гултувакка қадалди. Гултувагининг гуллари орасида бир тўққизил чечак ҳали ҳам деразаси остида очилиб турганини кўриб жаҳли чиқди. Дарров ўрнидан туриб,

зина бўйлаб пастки қаватга тушди. Эшикни очиб кўчага чиқди. Ўша чечакни авайлабгина қўлига олиб, бағрига босди. Шу лаҳзада юзига табассум югурди, қарши тарафдаги айвонга маъюс қаради, чунки у берк эди.

Кўзидан оққан ёш томчиси ёноғига думалаб тушди.

Ўн учинчи боб

Сейф ўғриси ҳали ҳам гап сотарди. У ўзи яшаётган ўғрилар ҳаётидан қиссалар ҳикоя қиларди. Исо ҳам бир воқеани эслади. У бир марта, тўғрироғи, бир неча марта ўғирлик қилганди. Нима учун? Муҳтож бўлгани учун. Отаси унга нисбатан жуда қаттиққўл ва зиқна эди, ўқиш пайтида "уф" тортиб истар-истамас озгина пул бериб турарди. Таътилда эса Исо тамаки сотиб, отасига қўл чўзмай, ўзи пул топарди. Хаёлида, "Одамлар нега ўғирлик қиладилар?" деган бир савол пайдо бўлди. Қари ўғрига шу саволни берди:

– Нега ўғрилик қиласиз, э...

– Менинг исмим Аббуд.

– Нега ўғрилик қиласиз, Аббуд?

– Кун кўриш учун ўғрилик қиламан, болам. Лекин қачон ўғриликни бошлаганимнинг тарихи узун, болалигимдаги хотираларга бориб тақалади. Ҳаётим сир эмас. Полициячилар яхши билишади. Эҳтимол, сен ёки мана бу ўртоқларингдан бирортаси полиция офицери бўлишингиз мумкин, кейин менинг изимдан ҳар ерда қувиб юрасизлар. Эҳтимол, шунда ҳар хил "иш"лар билан танишарсизлар. Лекин ҳечқиси йўқ, ҳозир айтиб берадиганларим ҳам сизларга ёрдам беради, – деб Аббуд ҳикоясини бошлади:

– Мен бир қишлоқда улғайдим, қишлоқ катта бўлгани учун у ерда бемалол назоратсиз, Аллоҳ яратгандек, ҳур, эркин юравердим. Қишлоқнинг этагини кўз билан илғаб бўлмас эди. Яйловларини эса худди сунжусий гилам тўшалган каби кўз қувониб томоша қиларди.

Менга айтишларича, биз ўша ерларнинг эгаси ва ундаги ҳаёт ҳокими шайх Ҳардонга эргашганлардан эканмиз. Биз қандай қилиб унга эргашганлардан бўлиб қолдик, ахир биз унинг лойидан бўлмасак, тақдиримизни ўз қўлимиз билан яратган бўлсак, деб соддаларча савол берганимда, менга пичирлаб, биз ўликдан тирилтирилган ернинг бир парчасимиз, йўқ жойдан барпо бўлганмиз дейишганди.

Сўнг жавоб берувчи фахр билан деди:

– Биз ер сайидлари қавмиданмиз, унинг эгаси бизнинг сайидимиз ва шу замин.

Мен бу мантиқни тушунмадим, лекин улар менинг қўлимга кетмон билан омочни тутқазиб, "Анави ўт-ўланга бурканган тоғ ортига бор, у ерда ҳеч нарса ўсмайдиган шип-шийдам ерни кўрасан, ўша сенинг ҳиссанг бўлди. Бир кўрайлик-чи, сен уни қандай қилиб экинзорга айлантираркансан", дейишди.

Ёшлик кучи билан кетмонимни маҳкам ушлаб ишга киришиб, ер чопдим, унга муҳаббатим ва умидимни экдим. Бир йил ўтгач, ер пешона теримнинг мевасини берди. Шу ерни йўқдан бор қилишда, унинг гуллаб-яшнашида умримнинг гулини завол қилдим. Менинг эккан экинларимни ўрнак қилиб келтира бошлашди.

Ернинг эгаси келиб, бошини силкитиб, елкамга қоқиб, ҳосилни йиғиб олишга ишора қилди.

Шу зайлда йиллар ўтаверди. Мен барқарор бўлишим керак эди, орзу-умидларимдан келиб чиққан сояларда ниятларим амалга ошишини хоҳлардим, вужудим муҳаббатини сўрган меҳнат таъми билан уйғунлашишини истардим. Мен севиб қолдим.

Отамга уйланиш мавзусида гап очдим, у алам билан жилмайиб секингина деди:

– Бу менинг ҳам орзу-умидим, болам. Лекин бунинг учун пул қани?

Мен отам ҳазиллашяпти деб ўйладим.

– Менинг шунча йиллар қилган меҳнатим самараси қаёққа кетди, ота? – дедим. – Шунча меҳнатим ҳақини бермайсизларми?

Отам хўрсиниб жавоб берди:

– Буни тушунишинг қийин, ўғлим.

– Лекин мен уйланишни хоҳлайман! Бошқалар каби уйланишга ҳаққим йўқми? Нега мени бундан маҳрум қиласизлар?

Отам таслим бўлган ҳолда деди:

– Сен хоҳлаганингдек бўлсин! Мен бу ҳақда жанобга гап очаман, зора раҳми келиб, ўз ғамхўрлигига олса.

Мен отамнинг ўртага тушишини кутдим, кечалари уйқум келмади. Хаёлимда қўзғалган фикрлар мени олов каби ёндирарди. Отамнинг ундан олган жавоби бу масалани кўриб чиқишга берган ваъдаси бўлди. Жаноб ишлари кўплигидан бу мавзуни унутди, мен уйланмоқчи бўлган қиз эса турмушга чиқиб кетди.

Аламдан кўйлакларимни йиртиб ташладим. Исёним отамдан бошқанинг бошига етмади. У жилмайиб қабул қилди, хўрсиниб, хўмрайди. Мен яна бошқа қизни ёқтириб, биринчи муҳаббатимни унутдим. Илтимосим такрорланди, раҳмлари келди. Лекин у қиз ҳам мени маҳрумлик ва ғазаб оловида ёндириб, турмушга чиқиб кетди.

Исёним янада кучли ва чуқурроқ такрорланди. Мен ўша ернинг эгаси эмас, қули эканлигимни билдим. У ер менинг қонимни сўриб, кучимни оларди. Ер эгасидан эса амалга ошмаган ва ошмайдиган ваъдалардан бошқа ҳеч нарса олмасдим.

Мен қулликдан қочдим. Мақсадсиз қочдим. Лекин Аллоҳнинг кенг ерида эркимни қидириб, ҳурриятимни изладим.

Иш бошладим, ҳар хил ишларни қилдим. Лекин маошим етарли эмасди. Бетоб бўлдим, дард кучимни олиб қўйди. Озганимдан арвоҳга ўхшаб қолдим. Қўлини чўзиб бир бурда нон сўрайдиган тиланчига айландим. Инсоният билан кўринишдан бошқа ҳеч нарса боғлаб турмайдиган, кўзларидан ўзга аъзоси қимирламайдиган одамга айландим. Сарсон-саргардонлик ва очликни билдим.

Бир куни бир одамнинг менга раҳми келиб ана шу очлик ва бетобликдан олиб чиқди, у каминани ўз уйига олиб бориб, яхшилик ва эҳсон қилди.

Бир неча кундан сўнг куч-қувватим бироз тикланди. Танамни дард тарк этди. Енгил ишларни бажара оладиган ҳолга келдим. Ўз-ўзимга қасам ичиб, мана шу инсонга хизмат қиламан, агар лозим бўлса ҳатто жонимни ҳам фидо қиламан деб сўз бердим. Бу қароримдан ўзим фахрландим. У киши бир неча кундан сўнг, агар хоҳласам, бирга ишлашимни таклиф қилди. Ҳеч иккиланмай рози бўлдим. Лекин мен халоскоримнинг нима

иш қилишини билмас эдим, ундан нима иш қилишим кераклиги ҳақида ҳам сўрамадим.

Кейинроқ билсам, менинг дўстим катта ўғри экан.

Мен ўша кишига шогирд тушдим, кўп ўғрилик ишларида ўнг қўлига айландим. Кейин қўлга тушдик, қамоқхона "меҳмон"и бўлдик. Бир йилдан кейин бизни озод қилишди. Иккинчи марта қўлга тушдик. Саккиз ой ўтириб чиқдик. Хавфсизлик ходимлари менинг кимлигимни билишди. Пешонамга ўғри деган тамға босилди. Жиноят-қидирув бўлимининг нишонига айландим, шаҳарда нима ҳодиса юз берса мени тафтиш қиладиган бўлишди. Ҳалол иш топишга ҳаракат қилдим, лекин ўтмишим саҳифалари тавба қилишга бўлган чин хоҳишимнинг амалга ошишига тўсқинлик қилди.

Очликка чидолмай, ўғриликка қайтдим ва омадим келди. Ҳаётдаги йўлим аниқ бўлиб қолди. Агар яшашни истасам, олдимда мана шундан бошқа ҳеч қандай йўл қолмади, агар шу ишни қилмасам, очликдан ўлиб кетганимни биров сезмай қолади, деган қарорга келдим.

Мен ашаддий жиноятчига айландим. Шундай қилиб, кунларим сарсон-саргардонлик ҳалқаларидан иборат бўлиб, доимо қамоқ билан тугарди. Ҳозир элликдан ошганимга қарамай, на уйим бор, на бола-чақам. Чунки жиноятчиларнинг уйланишга, фарзанд кўришга ҳаққи йўқ.

Бу менинг қиссам, болам. Хавфсизлик ходимлари агар бирор ўғрилик рўй берса, ҳозиргача мени ҳибсга оладилар. Мен эса ҳозир ё нон ёки сабзавот, ёки шунга ўхшаш бирор нарса сотаман.

Эҳтимол, қиссамнинг сенга нафи тегиб қолар, агар полиция зобити бўлсанг, жиноятчиларга раҳминг келиб муомала қиласан. Жиноят иши бўйича суриштирув олиб борганингда, ишнинг шаклини эмас, мазмунини ҳам ўрганарсан. Бир нарсага ишонгинки, жиноятчиликка чек қўйишга фақат жазонинг ўзи етарли эмас. Жиноятни бартараф этиш унинг сабабларини ўрганишдан бошланади.

Бу қайсар жиноятчининг оғзидан чиқаётган сўзлар Исонинг фикру-хаёлига қаттиқ таъсир қилди. Унинг айтганлари ҳамма учун аниқ ҳақиқат эди. Қандай қилиб мана шу киши бу масалани шундай енгил таҳлил қилиб бера олди?

Исо қўлини чўзиб, у кишининг елкасига қўйди ва деди:

– Ишонингки, сиз ноҳақлик қурбони эканингизни тушунаман. Сиз ўз халқига нафи тегадиган солиҳ фуқаро бўлишингиз мумкин эди. Лекин...

Исо худди ўзига-ўзи мурожаат қилаётгандай деди:

– Ижтимоий адолат – фазилатли ҳаётнинг асоси!

* * *

Аммор ҳожи ўғлини дастлабки терговдан чиқариб олишга тиним билмай, жон-жаҳди билан киришди.

Отаси ўзини дўкони сари бошлаб кетаётганини Исо тушунди. Аммор ҳожи ўғлига ўқишни давом эттиришдан фойда йўқлигини тинмай айтар, агар ўртоқлари билан алоқаларини давом эттирса, келгуси сафар тўғридан-тўғри қамоққа тушишини таъкидларди. Ўғли ўрнига қўл қўйган мажбурият ҳақидаги тилхат мазмунига кўра, тўполон келтириб чиқаришга сабаб бўладиган ҳаракатлар қилса, уни чегарадан нарига депортация қилиб юборишлари ҳам мумкин. Бу дегани агар хавфсизлик

хизматидагилар лозим топишса, давлат ва хавфсизлик манфаати учун шундай чора ҳам қўллашарди.

Исо бу гапларни тинглар экан, пешонасини тириштириб, қовоғини солди. У эътироз билдиришга уринди. Исо тўполон келтириб чиқаришга сабаб бўладиган иш қилганини ёки бирор фитнада қатнашганини тан олмади. Лекин у кўксига таёқ қадалганда ўзини ҳимоя қилди. Ўз-ўзини ҳимоя қилишни қонун кафолатлайди. Шунинг учун ўз шаънини ҳимоя қилар экан, қонун бузилмайди. Ҳақиқат ва адолат ҳар қандай қонуннинг асосидир.

Исо ана шундай сўзлар билан отасининг ишончини тикламоқчи бўлди, яна қийинчилик туғдирмасликка ваъда берди. Мудҳиш тақдирдан қутқариш учун отасининг қоқмаган эшиги қолмади, илтимос қилиб ялинганлари етар.

Исо ўзида куч топиб деди:

– Мен сизнинг ўқишимни ташлаш ҳақидаги қарорингизга эътироз билдирмайман, дада. Лекин айтганларингизни бажаришим учун сиздан битта илтимосим бор эди.

Аммор хожининг юзи ёришди, ўғлини қучоқлаб олай деди-да, уни ўпиб, деди:

– Нима хоҳласанг, айтгин, ўғлим, қулоғим сенда.

Исо тупугини ютиб, аста сўзлай бошлади, унинг нигоҳи қора булутлар тўпланаётган самога тикилган эди.

– Дада, ўзингиз биласиз, тижоратга мойиллигим йўқ. Бунинг учун яралмаганман. Мен иш қидириб кўришимга нима дейсиз? Масалан, ёзиш билан боғлиқ иш қидирсам, маош олсам, сизга ёрдам қилардим, укаларимнинг турмушдаги эҳтиёжларини таъминлашингизда кўмакчи бўлардим.

Аммор хожи жим қолди, ўғлига анчагача тикилиб турди ва савол берди:

– Қаерда ишлашни хоҳлайсан?

– Қаерда бўлса ҳам. Энг муҳими, тижорат муҳитидан узоқроқ бўлса бас, тижоратда, шубҳасиз, ишим юришмайди.

Ота ўғлининг эплаб кета олиши мумкин бўлган соҳаларни хаёлидан ўтказа бошлади.

Исо шариллаб қуяётган ёмғирга эътибор берди, йўловчиларнинг баъзилари ўзларини дўконларнинг айвончалари остига урдилар. Шамол бу айвончаларни куч билан ҳилпиратарди.

Қалбида бир фикр ўрмалади. Юзида пайдо бўлган хўмрайиш уни зулматга етаклади. Дейлик, у ишга киради. Бу ўзини нотаниш одамларга дучор этадиган янги тажриба. Негадир доимо янги одамлар билан танишишдан қўрқади. Одамлар унинг куч-қудратини синаб кўрадилар, унга шубҳа назари билан қарайдилар. Кейин эса айтишади:

– Бу ходимнинг савияси етарли эмас. Ишни эплай олмайди. Қандай қилиб ишга олишди уни?

Агар уни ўз ҳолига қўйишса, кўнглидагидек, куч-қудрати билан ишлашга қўйиб беришса, эплай олади. Аммо бирор ишни бажараётганда, ўнлаб кўзлар тикилиб турса, бу ҳол уни яна ўқувчиликка қайтаради, у талабалик ҳаётини бутунлай рад этаётганди.

Бунинг устига иш уни талабалар гуруҳидан, уларнинг ҳар хил фикрларидан узоқлаштиради. Талабалик ҳаёти қалбининг ва фикрларининг кўп қисмини эгалларди. Улар билан кейин қандай учрашади, орзу-умид-

ларини қандай қилиб ўртоқлашади? Дўстлари, шубҳасиз, секин-аста ундан узоқлаша борадилар... Бу дегани у маърифат денгизидан узоқлашади. Ундаги билимлар эса ўзини саёз, енгил-елпи ўйин ва кўнгилхушликларга оғиб кетишдан ҳимоя қилган бўларди.

Булутлар кўзёшларини тўкиб бўлди. Енгил ҳаво оқими булутларни ўзга манзилларга сураркан, тили билан томларнинг тепаларини ялар, ўз атрофида гулчамбар ясар ва ҳаво тепалиги ташкил этиб, ундан хотиржамлик ва барқарорлик тараларди.

Укаси Жобир хурсанд бўлиб бўйнига осилди, бағрига босди. У акамни бошқа кўрмасам керак, деб қўрққан эди.

Акасининг қулоғига шивирлаб деди:

– Онам сизни ўйлаб роса қайғуга ботди, эсидан оғмасидан олдин бориб хабар олинг.

Аммор ҳожининг ҳам эсига хотинини кўриш келди, у ўғли қамоқда бўлган бир ҳафта ичида озиб, юзлари сарғайиб кетди, бир ҳафта туз тотмади. Аммор ҳожи катта хато қилганини тушуниб деди:

– Уканг ҳақ гапни айтяпти. Менинг эсимдан чиқибди. Шайтонга лаънатлар бўлсин. Онангнинг олдига бор! Тез бор! У сени чўғ устида кутиб ўтирибди. Бу қариган эсга ҳам лаънат. Бор, Аллоҳнинг паноҳида бўлгин!

Исо ҳаллослаб, уйга қараб чопиб кетди. Юраги тез урарди. У шошиб борар экан, Муфидани ҳам ўйлади.

Ўн тўртинчи боб

Исо эртаси куни кечки пайт Исмоилни зиёрат қилгани дастлабки тергов қамоғига борди. Исмоилнинг отаси ва баъзи амакилари қанча ҳаракат қилишмасин, катталарга қанча учрашишмасин, ҳукумат уни озодликка чиқаришни рад этди.

Исо дўстини кўриб дод деб юборди. Кўз ўнгида у билган Исмоилнинг арвоҳи турарди, холос. Исмоил ҳаракатчан, сўзга чечан, кулиб турувчи, киришимли, унча-мунча қаршиликни қайтароладиган йигит эди. Лекин ҳозир унинг қаршисида озғин, ранги лимондек сап-сариқ, кўзлари кир-тайган, қарашлари синиқ, юзи калтак изларидан кўкарган, нигоҳидан алам сезилиб турган бола намоён бўлди.

Исо дўстининг аҳволидан даҳшатга тушиб, уни саволга тутди:

– Нима бўлди, Исмоил? Нега сени бу аҳволда кўриб турибман? Нима, бетобмисан? Гапирсанг-чи, биродар!

– Ҳеч нарса, Исо. Ҳеч нима бўлгани йўқ.

– Кўзларимга ишонмаяпман. Ростини айт, илтимос, гапиргин.

– Ҳеч нарса бўлгани йўқ, Исо. Айтдим-ку, ҳаммаси жойида. Кеча бироз эркалатишди. Эркалатишди, холос.

– Эркалатишди? Ким улар? Исмоил, ҳозир ҳазилнинг вақтими?

– Мен ҳазиллашмаяпман, Исо. Терговчилар, албатта. Тонг отгунча қоронғи хонада уйқу беришмади, ўзлари ҳам ухлашмади. Азоблаш санъатларидан баъзиларини синаб кўришди.

Исо бутун қисмни бошига кўтариб бақирди:

– Демак, сени азоблашибди!.. Бу жиноят-ку! Бу – ваҳшийлик! Қани виждон? Қани раҳм-шафқат? Қани адолат? Қонун қаерда қолди? Расво қилишди! Ҳаётдаги ҳамма нарсани расво қилишди. Улар ёмон одамлар!

Полиция миршаб ва зобитларидан бир нечаси югуриб келди. Исони ушлаб, қўполлик билан итара бошладилар. Исо уларга бор кучи билан қичқириб қаршилик қиларди. Лекин улар кўпчилик эди, уни ўраб олиб, эчкини туртгандай ҳар томондан таладилар. Лекин тилини тия олишмади. Исо уларни бўралатиб сўкарди. Уни кўйлагидан тортиб чоғроқ қўшни хонага ваҳший ҳайвонни судрагандай судраб олиб кирдилар ва устидан қулфладилар.

Бир пайт қаршисида ғазаб билан турган терговчини кўрди. У ғазаб ўтида деди:

– Сени икки кун олдин чиқариб юборган эдик. Яна шу марказга тўполон қилгани келдингми, лаънати?

Шундан сўнг терговчи Исони шафқатсизларча калтаклай кетди, у ҳолдан тойгунча, юзи демай, дуч келган жойига тепиб мушт тушираверди. Охири ваҳшийларча кўксига тепди. Миршабларга Исони шу аҳволда, атрофида нима бўлаётганини англамайдиган ҳолда қолдиришларини буюрди.

Зобит ишора билан миршаблардан бирига бир челак сув келтириб, ҳушидан кетганнинг устига сепишни буюрди. Миршаб буйруқни бажарди. Исо нафас олиб, қон тўла қизарган кўзларини очди.

Зобит қўполлик билан деди:

– Отанг сенга яхши тарбия бермабди, ўғлим. Энди унинг ўрнига сени биз тарбиялаймиз.

Исо унга жавоб бера олмади, тили айланмаётганини ҳис қилди. Юзидан оққан сувни артиш учун қўлини кўтарди. Сув ҳали ҳам кўйлагига оқар, ўзи эса қўл-оёғи узилгандай қимирлай олмас эди. Охири, тилга кириб, қўрқмасдан деди:

– Сизлар ваҳшийсизлар, жаноб!

Зобит тишларини ғижирлатиб, жаҳл билан жавоб берди:

– Сен яқинда бундай сўзларни унутасан.

Уни ҳақоратлаб, юзига туфлади.

Узоқдан Исмоилнинг овози эшитилди. У бор овози билан бақириб, бутун қисмни бошига кўтарарди.

– Эй, қотиллар, уни тинч қўйинглар! Эй, қаҳри қаттиқлар, сизларда виждон йўқ! Бир инсоннинг жиноятларингизга нисбатан ўз ҳиссиётларини ифодалашига қўйиб беринг! Сизларга лаънатлар бўлсин, эй золимлар!

Ёш фуқаро бошлаган бу тўполонга бошқа маҳбуслар ҳам қўшилди. Уларнинг овози кўча ва майдонларга ҳам эшитилди. Баъзи ўткинчилар тергов хонаси қаршисида тўпланиб, ҳодиса ҳақида гапира бошлашди. Кейин улар ҳам қичқиришга тушдилар:

– Йигитни озод қилинг! У ҳеч нарса қилмаган! Уни чиқариб юборинг!

Зобит миршабларга тезроқ ҳаракат қилишни, ҳайвонга ўхшаб қараб турмасликни айтиб бақирди.

Миршаблар оломонни куч билан тарқата бошлади. Аскарлар етиб келиб, одамларни ҳайдашди, уларнинг бошлари устида таёқлар кўтарилди. Аскарлар тўпланганлардан учтасини ушлаб, қолганларини катта қийинчилик билан тарқатдилар.

Аскарларнинг ҳаракати йўловчиларни қўрқитиб, ўз йўлларида кетишга мажбур қилди, аммо улар бор овози билан миршабларни сўкиб кетаверди. Исо эса хона бурчагига улоқтириб ташланганича букилиб ётарди.

У жароҳатларини силаб, адолат ва фазилатли ҳаёт ҳақидаги фикрларга чўмганди.

У отасига тўғри йўлдан боришга ваъда берган эди. Тўғри йўл отасининг наздида жуда мўътадил бўлиш, яъни жуда тўғри бўлиш, яхшидан ҳам юқорироқ бўлиш демакдир. Ёмон полициячилар эса одамгарчилик қилмайдилар ва адолатсиздирлар.

Исо икки кун олдинги онаси билан учрашувини эслади. Она ўғлининг кўксига бошини қўйиб йиғларди, очлик ва хавотир туфайли тамом бўлай деган жуссаси ила боласини соғиниб қучоқларди. Онасининг соғлиғи ёмонлашганини кўриб у қийин аҳволга тушди. Раҳми келиб: "Сизни энг яхши табибга олиб борай", деди. Лекин онаси қуриб-қақшаган лабларини қимирлатиб деди:

– Сен менинг табибимсан, Исо. Сени одатдагидек уйга кириб-чиқаётганингни кўрсам, соғлигим тикланади.

Муфида уни кўрган заҳоти йиғлади. Табассуми кўзёшларига қоришиб кетди. Йиғининг сабаби дийдор шукуҳиданми ёки унинг аҳволини кўриб қайғуга тушганиданми, Исо буни билмасди. Лекин қиз йигитга:

– Хафа бўлманг, бу – хурсандчилик кўзёшлари, – деди.

Укалари унинг атрофида гирдикапалак бўлишди. Унинг қўл-оёқларини ушлаб кўришар, гўёки қамоқ унинг бирор аъзосини узиб олгандай қўрқишганди.

Синглиси уни кўриб қичқирганида онасини қўрқитиб юборди. Онаси намозини бўлиб, оппоқ намоз кийимида кўришди. Ўғлининг намоз кийимига бир неча марта ўралашиб қолганини кўрган она уни маҳкам бағрига босар экан, тинмай ўпарди.

Фуад Исо билан қучоқ очиб кўришаркан, қулоғига пичирлаб деди:

– Мени ҳисобга олишни эсдан чиқарма, сен билан Ҳижозга кетаман, нарсаларимни тайёрлаб қўйдим.

У Фуаднинг режани тез бажараётгани учун жилмайди. Қўлини маҳкам қисиб жавоб берди:

– Сен амалий инсон экансан. Ёнғин пайтидаги аланга каби.

– Хайрли ишларнинг энг яхшиси тез бажарилгани. Биласанми, мен қамоқдан чиққанимдан буён Қуръонни яна қайтадан ўқий бошладим, баъзи ҳадисларни ёд олдим. Лекин, афсуски, соқолим ҳали ўсиб чиқмади. Туклари жуда сийрак. Кўряпсанми? Яхшилаб қара, ушлаб кўра оласанми?

Исо бу сафар баланд овозда қаҳқаҳа отиб кулди ва жавоб берди:

– Соқолинг чиққанига ишонмаганларга кўрсатишга ёнингда микроскоп олиб юришинг керак.

Фуад Исонинг калакасидан хафа бўлиб қовоғи осилди, афсусланиш оҳангида деди:

– Демак, ҳали мен ўйлаган даражада ўсмабди. Бу қандай аҳмоқлик, дин пешвоси – соқолсиз!

Унинг эсига Муфида билан кўздан пана бир хонада ёлғиз қолгани келди.

Исо отасининг ўқишни ташлаш ҳақидаги фикрига рози бўлганини айтганида Муфида қаттиқ хафа бўлди ва унга: "Сиз ўз келажагингизни йўқотасиз. Бунақада сиз сайқалланган қобилиятсиз ва ўзингиз фахрланишингиз мумкин бўлган шаҳодатномасиз қоласиз!" деди.

– Мен кундузи ишлаб, кечки пайт ўқишимни давом эттираман, – деб қизни ишонтирди у. – Кечки пайт ва кундузнинг бир қисмида бўш

ўтирганимдан сиқиламан. Ишлаш, меҳнат қилиш – келажакни яратишнинг ягона йўли. Биз мактабда бериладиган назарий билимларни ҳақиқатга ўгирмас эканмиз, улар ҳеч қандай қийматга эга бўлмайди. Биз билимларимизни ҳаётга татбиқ қилганимиздагина унинг натижасини ва ҳаётимизга уйғунлашишини ҳис қиламиз.

Муфидани бу мантиқ қаноатлантирди. Исо доимо қизни ўз нуқтаи назарига ишонтира олади. Бундай пайтда қиз бошқалар билан бўладиган муомаласидаги ўз имкониятларини дарҳол унутади. Йигитнинг нуқтаи назарига таслим бўлиши унинг ўз олдига қўйган мақсадига эришишга қодир эканлигига бўлган ишончидан келиб чиқадими ёки Исонинг фикрлари раъйига таъсир қилиши остида карахт бўлиб қолиб, рад этишни дарҳол унутадими? Қайси бири кучлироқ эканини қиз билмас эди. Лекин қизнинг билгани шу эдики, йигит ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилаётганида унинг фикрларига эътироз билдира олмасди.

Терговчининг овози Исонинг хаёлларини бўлди, терговчи заҳархандалик билан сўз қотди:

– Эй, ўзини билимдон қилиб кўрсатувчи, бу дейман, цемент пол устида ўтириб яхши бўлиб қолибсанми? Ёки бу аҳмоқликларга қанчалик ўралашиб қолганингни энди тушундингми?

Хонанинг деразасига ёмғир томчилари уриларди. Исо ёмғирни кузатарди, ёмғир бироздан сўнг шариллаб қуйиб, деразани савалай бошлади. Ташқаридаги шовқин тинчиганди. Фақат аскарларнинг гурсиллаб қадам босишлари эшитиларди, холос. Терговчи гапини давом эттирди:

– Менга ҳозир Жиноят-қидирув бошқармаси бошлиғи телефон қилиб, сенинг ўпкангни бостириб, такаббурлигингдан сал тушириб қўйишимни буюрди. Биз ҳаёт қонунини эсингга солиб қўямиз. Ҳечқиси йўқ, сен бу дарс давомида бир неча марта ҳушингдан кетасан. Ҳушингни йўқотганинг бир умрга сабоқ бўлади. Сен, болапақир, аҳмоқлар ичида биз учун ягона эмассан. Сендан аввал ҳам қабиҳ исёнчиларни кўрганмиз, тирноқларини қаламлаб қўйганмиз. Ўзимиз билмаган далилларни турли йўллар воситасида тилга киритиб биламиз. Агар толеинг ёмон бўлмаганида ҳозир бирон қиз билан тунни бедор ўтказган бўлардинг. Яхши кўрган қизинг бор-а? Ўзинг ҳам анчайин хушбичим кўринасан. Лекин Антар каби нутқ сўзлашдан бошқасини билмайдиганлардансан. Бу тунни тушингга кирмаган нарсалар билан бедор ўтказишингга мажбур қиламан. Оҳ-воҳ қилиб, ой нури остида эрталабгача мижжа қоқмайсан. Ҳозир соат етти бўлди, бедорликка ҳали эрта. Соат бир бўлишини, қоронғи тушишини кутамиз. Бедорлик қоронғи тушгандан кейин бошланади деган фикримга қўшиласанми?

Терговчи зўр бериб кулди ва тишларини ғижирлатиб гапида давом этди:

– Гапирмайсан-а, тилинг айланмай қолдими? Соқов киши билан бедор бўлиш мен учун қизиқ эмас. Лекин майли, тунни бедор ўтказишингга қўйиб бераман. Бу таклиф жиддийга ўхшамаяптими? Ёлғизлик ва зулмат. Ҳар ҳолда агар шоир бўлсанг, қоғоз ва қалам бераман, "Ёлғизлик ва зулмат" номли қасида битасан.

Исо маҳмадона терговчининг гапларини эшитиб, ваъдаларини бажаришидан қўрқди ва бироз тушкунликка тушиб деди:

– Лекин жаноб терговчи, мен бундай жазога лойиқ иш қилмадим.

Хонани терговчининг қаҳқаҳаси тўлдирди.

– Жазо... Ким айтди, биз жазолаймиз деб? Йўқ, асло. Аҳмоқлигининг сабабини тушуна бошлаган миттивой, биз сени жазоламаймиз. Тунни ёлғиз бедор ўтказишингга шароит яратамиз, холос. Бедорлик. Шоирона бедорлик. Кўриниб турибдики, сен ташқарида яхши яшашни билмас экансан. Шунинг учун ўзингни бу ерга ташлагани қайтиб келдинг. Биз сени меҳмон қилиш учун нима қилишимиз керак? Мавқеингга муносиб бедорлик ташкил қилиб бериш бизнинг бурчимиз.

Исо терговчининг аччиқ заҳарханда сўзларига жавоб берди:

– Жаноб, рухсат берсангиз, айтган сўзларимнинг сабабини сизга тушунтирсам...

Терговчи унинг гапини бўлди:

– Мени ишонтирмоқчимисан? Мен сенинг намунали йигит эканингга ишонаман. Сен ҳиссиётлар дўстисан. Фақат ичингда яширинган қобилиятларингни намоён этишга ёрдам бериб, қўлингдан тутадиган одамга муҳтожсан. Сен бизга ўша қобилиятларингни кўрсатишни хоҳламайсанми? Юртингнинг ҳукумати қобилиятларингнинг зое кетишида бизни айбламоқда, миттигина қушча. Биз қўшнилар билан яхши алоқаларни сақлаб қолишга интиламиз. Сени чегара ортига улоқтиришдан олдин ана шу қобилиятингни жилолантиришингни хоҳлаймиз. Бу гўзал иш бўлмайдими?

Исо бир нима демоқчи бўлди. Лекин унинг сўзлари доимо терговчининг лақмалиги ва масхараси билан тўқнашарди. Исо қанча ҳаракат қилмасин, бу шафқатсиз кимсадан яхшилик чиқмаслигини тушунди.

Терговчи ташқаридагиларга қўнғироқ чалганида, коронғи тушган, чор-атроф зимистон эди. Миршаблардан бири кирди, терговчи кўрсаткич бармоғи билан Исони кўрсатиб, деди:

– Мана буни ёлғиз изоляторга олиб бор, бу тун у бизнинг меҳмонимиз. Бу оқшом ухлайдиган жой топа олмабди, кўчаларда айланиб юриш ўрнига биз билан бирга тунни бедор ўтказишни афзал кўрибди. Олиб боргин-да, унга ғамхўрлик қил. У қизиққон.

Миршаб буйруққа бўйсуниб, ҳарбийча салом берди ва Исони қўполлик билан туртиб, ташқарига олиб чиқди. Терговчининг нафрат тўла нигоҳи унинг ортидан кузатиб қолди.

* * *

Аммор ўғли Исони яна қамаб қўйишгани ҳақида эшитганида, ғамқайғуга ботди. Онаси бу хабарни эшитибоқ ҳушидан кетди. Қизлари бир нималар деб қичқирганида маҳалланинг хотин-халажи тўпланди. Муфида қўшни қизнинг йиғисига шерик бўлди. Сочларини юлиб, икки қўли билан ўзининг юзларига ура бошлади.

Илк бор севгилисига нисбатан чин ҳиссиётини кўпчилик олдида фош этди. Тўсатдан келган хабар қизнинг яшириб юрган туйғуларини алғов-далғов қилиб юборди. Қиз иродасини йўқотиб, ҳиссиётларини жиловлай олмай қолди. Муфида бу ишнинг охири бахайр бўлишига ишонар, ваҳший ҳукумат идораларига лаънатлар ўқирди. Унинг овози шунчалар баланд кўтарилдики, аёллар Исонинг онаси қолиб, у билан овора бўла бошладилар ва уни ақлдан озган деб ҳисобладилар.

Аммор ҳожи тезда уйга кирди. Кўчанинг ўртасига келганидаёқ уйидаги аёлларнинг дод-войи қулоғига чалинган эди. Уйидагилардан бирортаси ўлиб қолдими, деган хаёлга борди. Уни кўриб бегона аёллар ўзларини четга олишди, уялиб бир четга сурилишди.

У хотинини кўрганида, хотини энди ҳушига келаётган эди. Унга ҳозир полиция марказидан келаётганини, ўғлини кўрганини, аҳволи яхши эканлигини айтиб, кўнглини хотиржам қилди.

Аммор ҳожи хотинининг кўнглини тинчитиш учун ўзини хурсанд қилиб кўрсатаётган эди. Аслида эса у ўғлини жуда ёмон аҳволда кўрган, лекин ҳеч нима қила олмаслигини билиб, Худога ёлвориб, уни ўз ҳимоясига олишини, анави шафқатсизларнинг берадиган азобига чидашда ўзи ёрдам беришини сўрарди.

Ҳожи ўғлини қоронғи хонада кўрди, шариллаб ёғаётган ёмғир деворларни савалашдан тўхтамасди. Ўғли тунда мана шу ерда қоладими, деган саволига терговчи "ҳа" деб жавоб берганида, ўғлининг ҳукуматни энг ёмон сўзлар билан сўкаётганида ҳақ эканига биринчи марта иқрор бўлди. Қандай қилиб инсон ўз биродарига мана шундай қоронғи ва зах, ҳамма ёғидан кўнгилни айнитиб қусдирадиган қўланса ҳид келиб турган хонада қолишини раво кўради? Аммор ҳожи терговчига мурожаат қилиб, ўғлига раҳм қилишларини, у нима деяётганини ўзи ҳам билмайдиган ёш бола эканлигини инобатга олишларини сўради. Терговчи эса иржайиб тишларини кўрсатишдан нарига ўтмади, кичкина кучугини эркалатаркан, деди:

– Ҳожи ҳазрат, хотиржам бўлинг. Ўғлингизнинг аҳволи яхши бўлади. Эртага уни сизга соғ-саломат қайтарамиз, фақат озгина фарқ билан. Қалбида одобдан ариқ кавлаймиз, узун тилини тиядиган қилиб қўямиз. Бу унинг учун энг енгил жазо. Ўғлингиз марказда исён уюштирмоқчи бўлди. Бу жуда хавфли жиноят. Сизга уни бундай ишлардан узоқроқ тутишни маслаҳат бераман, чунки у ўзини-ўзи идора эта олмайди ва сизга ҳали кўп муаммолар олиб келади. Ҳукумат идоралари бундайларни ҳеч қачон мулойимлик билан қабул қилмаган.

– Қанақа мулойимлик ҳақида гапираяпсиз, жаноб зобит? Қилганларинг ғирт ваҳшийлик-ку. Қоронғи хонада каламушларга шерик бўлиши тўғрими? Ахир, бу муносиб жазо эмас...

– Ҳожи, етар, бас қилинг. Кета қолинг! Бугун ўғлингиздан эшитганларимиздан тўйдик. Сиз қолган ўғилларингиз олдига боринг. Хотиржам бўлинг, биз ўз вазифамизни бажарамиз. Бизнинг вазифамиз шаҳарда хавфсизликни ва қонун устуворлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш. Сиз шуни тушунинг: адолат ўз йўлида кетмоғи лозим. Келгусида фарзандларингизни яхши тарбия қилинг! Полицияга ҳужум қилишни, сўкишни ўргатманг.

Аммор ҳожи чиқиб кетди. Чиқиб кетар экан, боши хумдек шишиб, юрагини гўё мушук тирнарди. Яна дўстларининг, таниш-билишларининг олдига йўл олди. Улар бир илож қилиб ўғлини муқаррар жинниликдан қутқаришлари керак. Агар у тунни шу ерда ўтказса, ҳоли вой бўлади. Аммор ҳожи терговчининг сўзларини эшитганида пешонасидан совуқ тер чиқди. Терговчи юқори ташкилотдагилар бу йигитнинг адабини бериб қўйишни қаттиқ тайинлаганини эслади.

Барча ҳаракатлари зое кетгач, Аммор ҳожи омад қўлдан кетганини ҳис қилди ва судралиб уйига қайтди. У тунда уйғониб кетди, ўғли қичқираётгандай туюлди: "Мени ўлдириб қутқаринглар! Ақлдан озганимдан кўра шу яхшироқ".

Полиция маҳкамасида шунақа оҳ-воҳларни эшитганди. Бу сўзлар ўғлидан чиқаётганига ишонгиси келмовди. Ўғлининг аҳволини анча яхши деб тасаввур қилганди. Ҳаётини тўқчилик ва хурсандчиликда ўтказган боласига шундай муомала қилишадими? Яродор ҳайвон каби ўкиряптику! Бутун орзу-умидларини боғлаган ўғли мана шундай ваҳшийликларга дуч келадими? Ўғли бунга чидай олмайди! Ўғли қоронғи, зах хонада тунашга чидай олмайди!

Аммор ҳожи шуларни ўйлар экан, роса йиғлади. У ҳасратини уйқу билан енгиш учун ўзини каравотга ташлади. Лекин уйқу унинг изтиробга тўла кўзларидан, алам ва оғриқдан эзилган руҳидан узоқда эди.

У тунни бедор ўтказди. Кўзёшини кафтлари билан артар, оғриқ ва алам қалбини эзиб, парча-парча қилар эди.

* * *

Исони ваҳшийларча азоблашгандан сўнг уни биринчи бўлиб кўрган Фуад бўлди. У қаттиқ ҳаяжонда эди. Буни отасига Ҳижозга сафар қилиши ҳақида очиқ айтганидан ҳам сезса бўларди. Отаси эса, одатдагидек масхара қилди. "Мен сени руҳий касалликлар шифохонасига олиб бориб текширтираман, қилаётган ишларинг ақлдан озганингдан далолат беради", деди.

Исо ҳам ҳаяжонланар, тишларини ғижирлатар, ўзига нисбатан ваҳшийларча муомала қилишганини унутолмасди. Топталган иззати учун қасос олишни хоҳларди. Шунингдек, ҳукумат ўзига кийгизган тун либосини йиртиб ташлашни истарди. Тунги либосни, қоп-қора либосни парча-парча қилишни хоҳларди. У тун зулматидан ёруғлик кутарди.

Исмоил эса боши оққан томонга қараб кетишга қарор қилди. Унинг бундан бошқа чораси ҳам йўқ эди. Чиқиб кетиши учун фақат уч кунгина муҳлат берилган. Шу муддат ичида у жомадонини йиғиштириб, туғилган ватанини абадулабад ташлаб кетиши керак.

Уч ўртоқ Исмоилга сафарида шерик бўлишга келишиб олишди. Қамоқдан чиққанларидан буён яқинлари ўрнатган чеклов уларнинг жонларига тегиб кетган, қамоқ бундан кўра раҳм-шафқатлироқ эди, деган хаёлга келишган эди.

Жўнаб кетишга жиддий тайёргарлик кўрилиб, тўсиқлар бартараф қилинди. Уларнинг паспортлари йўқ эди. Лекин Исо полициячилар кўзидан йироқ йўллардан юрадиган бир неча ҳайдовчини танирди. Бу одамлар қўшни давлатлардан контрабанда молларни олиб келардилар. Аксарияти отасининг мижозлари бўлиб, уларни жуда яхши биларди.

Фуад мазкур гуруҳга қўшилишни астойдил хоҳлади. Исо доимо Фуад учун масъулиятни ўз бўйнимга оламан деб ўйларди, у эса ўзидан бошқанинг масъулиятини бўйнига олишни истамайди.

Ёмғир шиваламоқда. Ташқарига энди тушаётган ёруғлик кечаги тунни эслатади, Исо тонггача мижжа қоқмади. У Фуадга қараб, қатъият билан деди:

– Фуад, сен хоҳлаганингни қилишинг мумкин. Тайёргарлигингни кўравер. Аллоҳга таваккал қил!

Фуаднинг чеҳраси ёришиб, хурсанд бўлиб деди:

– Унда мен Миллий кинотеатрда намойиш қилинадиган сўнгги фильмни кўриб олай, ажойиб фильм. Бирга боришни хоҳлайсанми? Бу соқолим

чиқиб, отанг каби шайх бўлишимдан олдин кинотеатрга охирги марта қадам босишим бўлади.

Исо кулди-да, жавоб берди:

– Лекин менинг соқолим чиқиб бўлган. Шунинг учун мен масжидга боришни афзал кўраман. Аллоҳнинг уйига бориб, Яратгандан мана шу катта қамоқхонадан озод бўлишни сўраб дуо қиламан.

Исо бир йил олдин ёзган қиссасининг бобларини эсларкан, ўзига-ўзи савол берди: "Ўша қиссанинг боблари бўлиб ўтган воқеаларни бошимиздан кечиришимиз учун ёзилмаганмикин?"

Орзуларининг яқинда амалга ошишидан умид қилиб жилмайди.

Ўртоқлар контрабанда товарлар ортилган машинага миндилар. Моллар солинган сандиқлар орасида яширинишлари мумкин бўлгани ҳолда ҳаммалари олдинги ўриндиққа тиқилдилар. Ҳайдовчи икки киши ёнида, яна икки киши орқа ўриндиққа жойлашишини сўраганида, ким қаерда ўтириши ҳақида ўзаро маслаҳат қила бошладилар. Таклифлар баҳс-мунозарага уланиб, саҳро йўлидаги тун зулматида мавзуни унутдилар. Машина бўғиқ овоз чиқариб илгарилар, тун қоронғилиги гўё уни ютиб юбораётган эди. Уч соат ўтгач, саҳро ўртасига етиб келишди. Бу жойда машинанинг ғириллашидан бошқа товуш эшитилмасди. Баъзан бўрилар увиллар, сўнг чироқни кўриб қочиб кетарди. Ҳайдовчи чироқни ўчирди. Чегарачилар кўп учрайдиган минтақадан ўтишаётган эди. Ойнинг заиф кумуш ёғдуси ёрита олганидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Ой ўзининг заиф нурлари билан гўё қўрқинчли саҳронинг яширин томонларини фош этарди.

Машина саҳро марказини кесиб ўта бошлади. Йўловчилар энди ҳайдовчи айтган барча хавф-хатар ортда қолди деб ўйлади. Ҳайдовчи бу номаълум йўлдаги баъзи саргузаштларини қайта сўзлаб бера бошлади. Бироздан сўнг орага жимлик чўкди.

Шу пайт сукунат ва қоронғиликни кетма-кет отилган ўқ овози бузди. Ҳайдовчи бор куч билан эски машинасининг газини босди. Машина ўзининг оғир ғилдираклари билан йўлни ютар ва ҳайдовчининг: "Менга етолмайсизлар, пастлар!" деган овозини босиб борарди.

Лекин отилаётган ўқлар машинани қувиб ўтарди. Гўёки саҳро бўйлаб чегарачилар экиб чиқилгандек эди. Ўқлар машинанинг олдидан найзадек учиб, атрофига ёғиларди.

Машина баландроқ тепаликка яқин келди. Чегарачилар айнан мана шу ерда яширинишга одатланишганди.

Ҳайдовчи ўзига-ўзи гапираётгандек деди:

– Агар мана шу тепаликдан ўтиб олсак, бу ваҳшийларнинг изини ҳам кўрмаймиз.

Ҳайдовчи яна газни босди. Машина тепалик ўртасига чиққанда, унга ўқлар ёмғирдек ёғила бошлади. Машинанинг олд ойнасини тешиб ўтган бир ўқ Фуаднинг пешонасига тегди...

Ҳайдовчи елкасидан яраланди, Исмоил ҳам. Машинанинг моторига ҳам шикаст етди.

Машина тўхтади, уни чегарачилар ўраб олди.

Исо дўсти Фуадга қараб, унинг бошидан қон тўхтамай оқаётганини кўрди. Ўзини дўстининг устига ташлаб: "Қотиллар, қонхўрлар, босқинчилар! Фуад дўстимни ўлдиришди! Уни ўлдиришди!" дея бақирди. Сўнг ҳушидан кетди.

Исо Фуадни бундай жонсиз ҳолатда кўрганини ақлига сиғдиролмаганди.

Лекин, ким билади, эҳтимол, ўликлар тириклардан яхшироқдир?

Сўнгги боб

Исо ич-ичини зир титратган товушга эътибор берди. Жиноятнинг даҳшатини тасаввур қилди, бу жиноятни у қилмаган эди. Лекин қандай қилиб бундаги ўз масъулиятидан қочади? Қандай қилиб ўртоғи Фуаднинг ўлдирилиши манзарасидан қочади? Фуаднинг бош суяклари худди пахса девор бўлаклари каби сочилиб, миясининг қуйқаларини ёғаётган ёмғир оқизиб кетганини ўз кўзи билан кўрди.

У кўз ёшларини ва овозини жиловлашга уринди. Лекин ёшлари бағрида алангаланаётган оловни ўчиларди.

Катта машина тўхтаган жойида худди муз каби қотиб турарди. Ойнатозалагич Фуаддан сачраган қонни артар, бу қон ўқ унинг бошида ҳосил қилган тешикдан оқарди. Ўқ бошининг бир парчасини титиб тешик ҳосил қилган ва ундан оқаётган қон оёқлари остида тўпланарди, юзи тиззасига тегиб, қимирламай қолганди.

Исо машина ойнасидан ўртоғига охирги марта назар солганида, юзига катта кўзёши думалаб тушди, у узоқ ялтиради, бу кўзёшини у кўзининг мижжасида анча сақлаб турган эди. Ўртоғига марсия айтишга сўз қидирди, лекин фикрлари ҳам музлаб, қотиб қолган эди. У бошини қуйи эгганда ўз кўйлагида ҳам қон доғини кўрди.

Исо қалбида кўтарилаётган исённи ҳис қилди, бу исён тўлқиндек тинмай кўпирар эди. Бу омадсиз сафар ортида режалаштирган барча ниятлари чиппакка чиқди. Кўйлагидаги дўстининг қони уят тамғаси каби эди. У кўйлагини йиртиб ташламоқчи бўлди, у ўзини йиртиб ташламоқчи бўлди. У борликдан бутунлай йўқ бўлишни хоҳлади. Қичқирди.

Овоз уни яна титратиб юборди.

– Исо, сиз мендан шу тақлид қочиб кетасизми? Аҳду паймонларимиз қани?

– Лекин мен сенинг акангни ўлдирдим. Мен уни ўлдирдим, Муфида. Менга раҳм қилмайсанми?

Исо ўзини йиғлаётган деб тасаввур қилди. У ўз севгилиси олдида йиғлаётган эди. Бир пайтлар ўзининг эркаклиги, мардлиги билан фахрланган, унга мақтанган эди. Бу жойда севгилиси ёлғиз эмасди, онаси, синглиси, укалари – барчаси унинг каравоти атрофини ўраб олган эдилар. Ҳаммалари бир бўлиб эркинлигини қуршаб олган эдилар. Гўёки уларни ягона мақсад бир ерга тўплагандек эди. У ҳам бўлса уни ерга уриш, таҳқирлаш, журъатли қадамларини аҳмоқона деб аташ. Отаси дўконидан қайтиб келганида шундай деб атаган эди. Ўғлини юзлари сарғайган, ранги оқарган, кўзлари киртайган ҳолда кўриб, ўзини қўрқитиб юборган ҳаёлдан титради. Ўғли ҳатто уйга киришга ҳам журъат қила олмасди. Отаси ўғлининг қалбидаги ҳиссиётларни сезди. “Қотил” деган аччиқ қисмат ортидаги тушкунлик аломатларини, мағлубият белгиларини ўқиди.

Ота ўғлининг қўлларидан мулойимлик билан ушлаб, уй сари бошлади ва секин пичирлаб деди:

– Соғ-саломатлигинг учун Аллоҳга шукур! Бу сенинг сўнгги саргузаштинг бўлсин! Сен шундай деб ўйламайсанми?

Исонинг тили калимага келмади. Кўп нарсаларни, қуруқ ваъдадан узоқ гапларни айтмоқчи бўлди. Гаплари мазмунида ҳеч қандай ҳазил йўқ эса-да, айтмоқчи бўлганларини бошқа олам, фазилатли олам сари қилган омадсиз сафари кашф этган эди. Аммо улар айтилмай қолди.

Ҳовлига қадам қўйганида барча нигоҳлар унга қадалди. Укалари тавқ каби ўраб олиб, кўзларига ишонмай, ҳайрон қолиб тикилардилар. Нигоҳларидан инилари энди бошқа инсонларга айланганини, аввал танимаган чеҳраларга йўғрилганларини ҳис қилди. Улар чин дилдан хушнуд эдилар. Кўплаб саволлар уни уялтирганидан хурсанд бўлди. Балки баъзилари уни бундай, такаббурликдан ҳоли аҳволда кўриб, обрўсини сал камайтирган ва аввалгидан сал пастроқ кўришаётган бўлишлари мумкин.

Онаси олдига келиб, уни ҳали ҳам ўраб турган укаларидан ажратиб олди, нигоҳини ердан узиб, ўғлини маҳкам қучиб, ўпаркан, кўзларида ёш билан сукунатни бузиб деди:

– Исо, болагинам, қайтиб келдингми? Соғ-саломатлигинг учун Аллоҳга шукур! Ўғлим, жоним...

Исо шундагина ўзининг аҳволига эътибор берди. Ва ниҳоят, тилга кирди:

– Ҳа, онажон, мен қайтиб келдим. Лекин узоқ вақт қолмайман. Мен катта киши бўлиб қолдим. Шундай эмасми, онажон?

Онасининг бу гапларга рози бўлишдан ўзга чораси йўқ эди. У қўрқар эди, аниқроғи, ўғли учун қўрқарди. У ўғлини янада маҳкамроқ қучоқлади. Онаси ўз бағрида ўғлининг анча озиб қолган жисмини ҳис қилди. Ўғлини оч қолган, уйни тарк этгандан буён овқат емаган деб ўйлади. Уйда ҳамма қимирлаб қолди. Битталари фонусни ёққан, яна бирлари Исо ювиниши учун идишда сув келтирган, яна кимдир ичишга бир пиёла сув узатган... Онаси ҳаммага буйруқ берарди. Хизмат қилиш учун топшириқ берар, оғзи тинмай жаврарди. Барча топшириқлари бажарилаётганини кўриб, шу пайтгача эрига ҳеч нарса демаганини эслади ва унга мурожаат қилиб, хурсандчилик билан деди:

– У албатта қайтиб келади, деб сизга айтмаганмидим?

Аммор ҳожи томоғини қириб, секин-аста бир неча қадам қўйди, юзидаги хурсандчиликни сал яшириш учун ўзини бироз жиддий қилиб кўрсатди.

Исо атрофига қараб, уйдаги аҳволни хаёлида аввал қандай бўлса, ўша ҳолатга келтиришга ҳаракат қилди. Онасининг жойнамози ҳар сафар намозидан кейин тахлаб қўйилганидек текис тахланмаган. Унинг уйда йўқ бўлиши онаси бу ерда ўрнатган баъзи тартибларнинг амал қилинмаслигига олиб келган деб ўйлади. Ўз обрўси ҳали ҳам баланд эканлигини ҳис қилди. У бошидан кечирган ягона тажрибаси, гарчи у муваффақиятсиз ва омадсиз бўлса ҳам, обрўсини янада оширганди.

Хаёлида воқеадан хабар топган севгилиси Муфиданинг қиёфаси пайдо бўлди-ю, ўз жисмининг заифлашганини, боши оғирлашиб кўксига тушаётганини ҳис қилиб, барча фикрларини ўзидан узоқлаштирди. Унинг роса уйқуси келган, дам олишга муҳтож эди.

Исо ўрнида ётар экан, ўша кунги ва ундан бир кун олдинги воқеалар кўз олдидан ўтди. Қулоғи остида отилаётган ўқлар овози эшитиларди. Ўқлар қора машина устига ёмғирдек ёғилиб, олд ойнасини тешиб ўтди, ўқлардан бири ўртоғи Фуаднинг пешонасига тегди.

Қон. Қон отилиб чиқар ва ҳар томонга, ҳатто кўйлагига ҳам сачрарди. У бир нима қаттиқ чаққанини ҳис қилди, ҳатто тушида ҳам жиноятини кўтариб юрмаслик учун дарҳол кўйлагини даф қилди.

Ўша тунда юмшоқ ўрин-кўрпасига ухлаш учун ётди, лекин у роҳат таъмини тотмади. Ҳиссиётларини ларзага солган тушлар – қўрқинчли воқеалар кўз ўнгидан кетмасди. Қалбининг тубида уни ўраб олган атрофидаги барчага – полициячилар, отаси, ўрнатилган урф-одатлар, ўзига ва фикрларига қарши исён қўзғалган эди.

Хаёлида севгилисига айтадиган сўзларини тартибга сола бошлади. Шу билан қўрқинчли тушларини бир амаллаб унутмоқчи бўлди. Аммо қалбини тирнаган надомат туйғуси Фуаднинг ўлимига сабабчи бўлгани каби ўлдирай дерди. Исо каравотида у ёқдан-бу ёққа ағдарилар, қалбидаги жароҳат азоб берарди.

– Нега уйғондинг, ўғлим? Овқат ейсанми?

Онаси унинг азобли тўлғанишларини кузатаётганди. У ўғлидан хавотирда, ўғли учун қўрқар, унинг фикрларидан ташвишда эди.

– Онажон, илтимос, ухланг, мени ёлғиз қолдиринг. Мен билан хонада бирор кимса бўлишини хоҳламайман. Мен катта бўлиб қолдим. Катта бўлдим, онажон. Тушунаяпсизми? У ҳам шу ерда. Фуад шу хонада. Фуад ҳам шу ерда.

Онаси дод солиб йиғлади. Кўзёшларини артди. Ўғлини дуо қила кетди. Шайтондан ва арвоҳлардан қўриқласин деб "оятал-курсий"ни ўқиди. Ўғли эса бақирарди:

– Сиз уларни ҳеч қачон ҳайдаб юбора олмайсиз!

– Исо, ўғлим, ҳозир отангни чақираман.

Доимо отаси, тушида ҳам отаси. Нега бу хотин тушунишни хоҳламайди? Ўз ҳолига қўйиб, мусибатдан азобланишга қўйиб бермайди? Қачон бу аёл унинг ўз азоби ва надоматидан роҳатланишини тушунади? Нега мана шу лаззатдан ҳам маҳрум қилишади? Алам ва оғриқ лаззатидан. Қачон бу аёл унинг қилмаган жиноятини рад этаётганини англайди? У доимо бировлар қилган хатолар учун товон тўлайди. Бунга ўрганиб ҳам қолган. Отаси йўлга солишда хато қилди, товонини у тўлади. Ёлғиз яхши кўрган қалби унинг даъватларига қулоқ солди. Исмоил унга мажҳул томон сари қочишни таклиф қилди. Шерик бўладиган кимсани топмади.

У доимо бошқаларнинг мусибатларига шерик эди. Шунга қарамай, ҳеч қачон улардан ажралишни, ёлғиз қолишни ўйламаган. Ўша бошқалар борлиғи эди. Улар билан яшарди, чунки ўшалар ҳаётига мазмун ва мақсад киритардилар. Шундай, унинг мусибати самимий эди.

Энди нима бўлади?

У йўлини тўсадиган ва оғирлаштирадиган муаммолардан озод бўлиши керак.

Исо Муфидага тикилди. Муфида унга очиқ юз билан қararди. Лекин Исо унинг қарашларида ўзга бир одамни кўрди, Фуадни кўрди.

Исо ўз ўрин-тўшагига чўкди. У қон ҳовузига чўкди. У ўзини қўрқитиб юборган ва қолган барча фикрларини йўққа чиқарган бир нарсани тушундики, у энди ҳозирдан бошлаб бир оннинг ўзида икки хил ҳаёт ила яшайди.

Биринчиси Фуаднинг ўлими билан тугади. Иккинчиси севиклисининг кўзларида яшайди!

Льюис КЭРРОЛЛ

(1832–1898)

АЛИСА КЎЗГУ ОРТИ ЎЛКАСИДА

Инглиз тилидан
Моҳира ОТАБОЕВА
таржимаси

5. Жун ва сув[1]

Алиса шундай деб рўмолни тутиб олди ва эгасини излаб атрофга аланглади. Бу пайт Оқ Қиролича ўрмон оралаб саросар югуриб келарди.

– Сизни бу ерда учратганимдан бағоят хурсандман, – деди Алиса одоб билан ва Қироличага рўмолини елкасига ташлаб олишига кўмаклашиб юборди. Оқ Қиролича эса унга тикилиб, нуқул “Бутерброд, бутерброд”, деб ғўлдирарди. Алиса нима қиларини билмай:

– Мен Оқ Қироличага мурожаат қилаяпманми? – деди.

– Хўш, ҳа, агар сен шуни мурожаат деб билсанг. Аммо мен бундай деб ҳисобламайман, – деди Қиролича.

Алиса тортишишдан тийилиб, жилмайганча:

– Агар Ҳазрати олиялари менга қандай мурожаат қилишни айтсалар, астойдил ҳаракат қилардим, – деди.

– Мен бу билан шуғулланишни мутлақо истамайман! – деб жавоб берди боёқиш Қиролича.

Алиса Қироличанинг палапартиш кийинганини кўриб турарди.

– Сочингизга нима бўлди? – сўради у.

– Биласанми, кеча тароғимни йўқотиб қўйдим.

Алиса баҳоли қудрат Қироличанинг сочларини тартибга келтирди.

– Мана қаранг! Менимча, энди тузукроқ бўлди. Барибир оқсоч ёлласингиз керакка ўхшайди, – деди у.

– Сени жон деб ёллардим. Ҳафтасига икки пенс бераман, кунора мураббо билан ҳам сийлайман, – деди Қиролича.

Алиса ўзини кулгидан тия олмади ва:

– Мени ёллашингизни истамасдим... мураббога ҳам ҳушим йўқ, – деди.

– Мураббо жуда ширин, – деди Қиролича.

– Яхши, аммо бугун мураббо ейишни хоҳламаяпман-да...

– Шундоқ ҳам бугун мураббо бўлмайди. Қоидага кўра, мураббо кеча ёки эртага бўлади... зинҳор бугун эмас, – деди Қиролича.

– Аммо эрта қачондир бугун бўлади-ку, – деди Алиса.

[1] Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

– Бўлмайди. Мураббо кунора берилади. Билсанг, бугун орадаги кун, – деди Қиролича.

– Тушунмадим, – деди Алиса.

– Бу тескари яшаш дейилади, – мулойим жавоб қилди Қиролича.

– Тескари яшаш? Бунақасини олдин эшитмагандим, – ҳайрон бўлди Алиса.

– Бунинг яхши томони – ўтмишни ҳам, келажакни ҳам хотирлай олишингда.

– Менинг хотирам фақат ўтмишдагиларни эслайди. Келажакдагини содир бўлишидан олдин эслаёлмайман, – жавоб берди Алиса.

– Фақат ортда қолганларни ёдда сақлаш хотиранинг сустлигидан, – деди Қиролича.

– Сиз-чи, нималарни яхши эслай оласиз?

– О, мен икки ҳафтадан кейин бўладиган воқеаларни яхши хотирлайман, – деди Қиролича бармоғини боғич билан ўраркан, бепарво оҳангда. – Масалан, Қиролдан мактуб келишини. У ҳозир қамоқда. Суд эса кейинги чоршанбадагина иш бошлайди. Ҳар қалай, жиноят ҳаммасидан кейин содир бўлади.

– Эҳтимол, у умуман жиноят қилмас? – деди Алиса.

– Бу ундан-да яхши, шундай эмасми? – деди Қиролича.

Алиса бу гапнинг тўғрилигини ҳис қиларди.

– Албатта, шундайку-я, аммо ҳозир у қамоқда ҳали қўл уришга улгурмаган жинояти учун жазо олаяпти.

– Ноҳақсан, азизам. Сени ҳам ҳеч жазолашганми? – сўради Қиролича.

– Ҳа, фақат қилган хатоларим учун. Лекин бу бошқа масала, – деди Алиса.

– Уларни қилмаганингда яхши, яхшироқ ва яна-да яхшироқ бўларди! – деди Қиролича. У ҳар гал "яхши" деганида овози кўтариларди ва охирида чинқириб гапирди.

Алиса: "Бу хато", деб гап бошлаганди ҳамки, Қиролича шундай додвой солдики, у гапини тугатолмади.

– Вой, в-о-о-о-о-й бармоғим! Бармоғим қонаяпти! – деб қўлини силкиб бақирди Қиролича.

У шундай "оҳ-воҳ" чекдики, Алиса қулоқларини қўллари билан беркитиб олди.

– Нима бўлди? Бармоғингизга нимадир санчилдими?

– Ҳозирча киргани йўқ, аммо тез орада санчилади, в-о-о-о-о-й! – деди Қиролича.

– Бунинг қачон бўлишини кутгандингиз? – деди Алиса боши қотиб.

– Рўмолимни қайта қистириб қўяётганимда, тўғноғич бармоғимга санчилиб кетади, – деб йиғлаб юборди шўрлик Қиролича. Шу сўзларни айтиши биланоқ тўғноғичнинг учи очилиб кетди.

– Эҳтиёт бўлинг! – ҳайқирди Алиса, аммо кеч қолди. Тўғноғич аллақачон Қироличанинг бармоғига санчилганди.

– Ана энди бу ерда воқеалар қандай рўй беришини билиб олдинг, – деди Қиролича Алисага тиржайиб.

– Нега ҳозир бақирмаяпсиз? Ахир, бармоғингиз лат еди-ку? – сўради Алиса.

– Чунки мен аллақачон додлаб бўлдим-да, – деди Қиролича.

Шу пайт кун ёриша бошлади.

– Қарға учиб кетди чоғи. Бундан шундай хурсандманки!

– Афсус, мен хурсанд ҳам бўлолмайман. Сенга маза, ўрмонда яшайсан, истаган пайтинг хурсанд ҳам бўла оласан, – деди Қиролича.

– Фақат бу ерда жуда ёлғизман, – деди ҳазин оҳангда Алиса. У ёлғизлик ҳақида ўйлаши билан кўзёш қиларди.

– О, ўтинаман, фақат йиғлама! Катта қиз эканингни ўйла, бугун узоқ йўл босганингни ёки соат нечалигини ўйла. Нимани ўйласанг ўйла-ю, зинҳор кўзёш тўкма! – дерди Қиролича.

– Нима ҳақидадир фикрлай бошласангиз, йиғламайсизми? – сўради Алиса.

– Азизам, ҳеч зот икки ишни бирданига қилолмайди, – деди Қиролича виқор билан. – Кел, ёшингдан бошлайлик. Неча ёшдасан?

– Роппа-роса етти ярим ёшдаман, чин сўзим.

– Чин сўзим, демасанг ҳам сенга ишонаман. Энди менинг айтадиганларимга ишониб кўр-чи. Мен бир юз бир ёш, беш ою, бир кунликман.

– Ишонолмайман бунга! – деди Алиса.

– Ишонолмайсан? Ҳаракат қилиб кўр-чи: қани, чуқур нафас ол-да, кўзларингни юм.

Алиса кулиб юборди.

– Фойдаси йўқ. Имконсиз нарсаларга ишониш қийин-ку.

– Менимча, сенга тажриба етишмаяпти. Сенинг ёшингда буни кунига ярим соатлаб машқ қилардим. Нонуштагача ўзимни олтита мумкин бўлмаган нарсага ишонишга мажбур этардим. Рўмол тағин учиб кетаяпти! – деди Қиролича.

Тўғноғич яна очилиб, шамол рўмолни ариқнинг устидан учириб кетди. Қиролича ҳам унинг ортидан қўлларини кенг ёйиб ҳавога кўтарилди.

– Тутдим, – деди у ғолибона.

– Бармоғингиз анча яхши бўлиб қолгандир? – деди меҳрибонлик билан Алиса унинг кетидан ариқчадан сакраб ўтаётиб.

– О, анча яхши! – чинқирди Қиролича, у учиб ўтаркан, овози чийиллаб чиқарди. – А-а-а-а-нча яхши-и-и! Я-я-я-хш-и-и-и! Бэ-э-э-э!

Алиса Қироличага қараб ҳайратдан қотиб қолди. Кейин кўзларини ишқаб яхшироқ тикилди. У нима рўй берганини англолмасди. Ҳозир дўкондами? Қаршисида ўтирган... ростдан ҳам Қўйми? Ҳа, у нимқоронғи дўкончада эди, тўғрисида эса Қўй ниманидир тўқиб ўтирарди.

– Нима харид қилмоқчисан? – сўради Қўй ниҳоят ишидан бошини кўтариб.

– Ҳали билмадим. Аввалига атрофни кўздан кечирсам дегандим, – деди Алиса мулойим оҳангда.

– Сен истасанг икки томонингни ёки тўғрингни кўришинг мумкин. Аммо шу туришингда зинҳор атрофни бутунича кўра олмайсан. Борди-ю, бошингнинг орқа томонида кўзларинг бўлса, бу бошқа гап, марҳамат.

Алиса ўгирилиб токчаларга яқинлашди. Дўконда антиқа буюмлар кўп эди. Бироқ Алиса қайси токчага тикилиб қараса, бўм-бўш бўлиб қолар, ёнидагилари эса тўлалигича турарди.

– Бу ерда буюмлар кўчиб юраркан, – деди у ҳам қўғирчоққа, ҳам қутига ўхшаш, ўзидан нур таратувчи буюмни тутишга уринаётиб. Ўша нарса зумда Алиса қараётган токчанинг тепадагисига ўтиб қолаётганди.

Шу дамда унинг хаёлига ажойиб фикр келди: “Мен уни нигоҳим билан энг баланд токчагача олиб чиқаман. Ҳар ҳолда шифтга учиб чиқмас”.

Бахтга қарши шундай бўлди. Буюм шифтга осон ва зумда кўтарилиб олди.

– Нега ҳалидан бери у ёқдан-бу ёққа айланаверасан? – деб Қўй яна бир жуфт тўқийдиган игналарни қўлидагиларга қўшиб олди. Энди у ўн тўрт жуфт игна билан тўқиётганди. Буни кўриб Алисанинг оғзи ланг очилиб қолди.

“Шунча игна билан қандай тўқияпти? Қўлида худди жайрани ушлаб олгандек”, дерди ичида ҳайрон қолиб.

– Эшкак эша оласанми? – деб Қўй унга бир жуфт игнани узатди.

– Ҳа, бироз... аммо бу ерда, бу игналар билан эмас, албатта, – дегани ҳамоноқ Алисанинг қўлидаги игналар эшкакка айланиб қолди. Улар энди кичик қайиқда эдилар.

– Эшкакни эш! – маъради Қўй бошқа бир жуфт игнани қўлига оларкан.

Алиса ҳеч нима демай эшкак эша бошлади. Сувда қандайдир ғалати бир нарса бор эди. Гап шундаки, Алиса сувга туширганида эшкак ўша нарсага кириб қолар ва тортиб чиқариш қийин бўларди.

– Эш, эш эшкакни! – деб шанғиллади Қўй. – Қисқичбақаларни тутяпсанми?

“Жажжи қисқичбақаларни тутишни истардим”, ўйлади Алиса.

– Эш деяпман, эшитмаяпсанми?! – яна игналарни қўлида кўпайтираркан, жаҳл билан ўшқирди Қўй.

– Эшитганда қандоқ! Сиз тез-тез, шанғиллаб қайтараверасиз, эшитмай бўладими? Қани Қисқичбақалар? – деди Алиса.

– Сувда-да, албатта, – деди Қўй қўли игналарга тўлиб кетганидан улардан бир нечтасини сочига тиқиб қўяётиб. – Эш дедим!

– Нега нуқул “эш, эш” деяверасиз? Арқонманми эшилаверадиган? – деди Алиса.

– Йўқ, сен калтагина ипсан, холос, – деди Қўй.

Алисага бу гап оғир ботди ва у чурқ этмай кетаверди.

– О, нилуфарлар! Қандай чиройли, а? Илтимос қиламан...

– Бу борада мендан илтимос қилишинг шарт эмас. Уларни мен бу ерга ўтқазмаганман, узиб олмоқчи ҳам эмасман, – деди Қўй тўқишдан бош кўтармай.

– Аммо мен буни назарда тутмовдим. Уларни тергунимча бироз кутиб туролмайсизми? Қайиқни бир нафас тўхтатсак, қаршимасмисиз? – сўради Алиса.

– Нега мен уни тўхтатишим керак. Эшкак эшишни бас қилсанг, ўзи тўхтайди.

Шундай қилиб, қайиқ тўхтади. Қизча Қўйни унутиб, энг чиройли нилуфарларни узишга киришди.

– Қайиқ ағдарилиб кетмасин-да! О, қандай гўзал гуллар! Анавиларга етолмаяпман-да. Энг яхшилари доим қўл етмас жойда бўлади, – деди-да, бир даста гул билан қайтиб жойига ўтирди ва эшкак эшишда давом этди.

Нилуфарлар тез орада чиройини йўқота бошлади. Биласиз, табиатан бу гуллар доим тезда ҳиди ва чиройини йўқотади. Улар қордек эриб кетишди. Аммо Алиса бунга ортиқ эътибор бермади, чунки атрофида бундан-да ажабтовур нарсалар кўп эди.

Қўққисдан эшкак яна ўралиб қолди, уни тортаман деб Алиса қайиқдаги боя узган нилуфарлар устига йиқилди.

Хайрият, шикастланмади, ўрнидан туриб қаддини ростлади. Қўй эса ҳеч нарса бўлмагандай тўқишда давом этарди.

– Тутганинг яхшигина Қисқичбақа экан! – деди у Алисага.

– Йўғ-э? Мен уни кўрмадим-ку? Митти Қисқичбақани кўрсайдим! – деб Алиса лойқа сувга тикилди. Аммо Қўй лом-мим демай кулиб қўйида-да, яна иши билан машғул бўлди.

– Бу ерда Қисқичбақалар кўпми? – уни саволга тутди Алиса.

– Қисқичбақалар ҳам, бошқа нарсалар ҳам тўлиб ётибди. Фақат қарор қилишинг керак. Нима сотиб олишни хоҳлайсан? – сўради Қўй.

– Сотиб олишни? – деди Алиса ва шу ондаёқ эшкаклар ҳам, қайиғ-у дарё ҳам ғойиб бўлди ва у яна ўша ғира-шира каталакдай дўконда пайдо бўлиб қолди.

– Мен тухум сотиб олмоқчи эдим. Қанча туради? – деди у.

– Биттаси беш пенс... иккитаси икки пенс, – жавоб берди Қўй.

– Иккитаси биттасидан арзон экан-да? – ҳайрон бўлиб сўради Алиса пул чиқараётиб.

– Фақат иккита олсанг икковини ҳам ейишинг шарт, – деди Қўй.

– Унда битта бера қолинг, илтимос, – деди Алиса пулни узатиб. У ўзича: "Ким билади, иккови ҳам айниган бўлса-чи?" деб ўйлади.

Қўй пулни олиб қутига солди ва:

– Мен ҳеч қачон одамларнинг қўлига нарса тутқазмайман. Ўзинг бориб олишинг керак, – деди. Шундай деб у тухумни олди-да, дўконнинг нариги томонидаги баланд токчалардан бирига қўйди.

"Қизиқ, қўлга берса нима бўларкан-а? – ўйларди Алиса нимқоронғи дўконда стол-стулларга суриниб. – Тухум яқинлашганим сари узоқлашяпти. Бу нима, стулми? Унда булар-чи? Шохми? Стулнинг шохлари бўлмайди-ку! Бу ерда дарахтнинг ўсиши жуда ғалати! Бу ариқча, чоғи! Бу мен кўрган дўконлар ичида энг антиқаси!"

Алиса ҳар қадамида ҳайратланиб йўлида давом этарди. У яқинлашган нарсалар дарахтга айланарди. Тухум ҳам шу кўйга тушишига унинг ишончи комил эди.

6. Ади-Бади

Хайрият, тухумга ҳеч нарса қилмабди, фақат катталашибди, холос. Бўй-басти одамларники билан тенг бўлиб қолибди. Алиса яқинроқ келгач, унинг кўзлари, бурни ва оғзи ҳам борлигини кўрди. Яна-да яқинлашган эди, бу Ади-Бади эканини пайқади.

– Ишонаманки, бошқа кимса бўлиши мумкин эмас! – деди Алиса ўзига ўзи.

Ади-Бади девор устида чордана қуриб ўтириб олувди. Девор шунчалик энсиз эдики, Алиса бу ҳолатда у қандай қилиб мувозанат сақлаётганига қизиқди. Ади-Бади эса қилт этмас, Алисага ҳам қиё боқмасди.

– Тухумнинг ўзгинаси-я! – деб юборган Алиса унинг ҳар дақиқада ағнаб тушиши мумкинлигини ўйлаб қўлларини кенг ёйиб ушлаб олишга тайёр турарди.

– Мени тухум деяверишлари қонимни қайнатади, – деди Ади-Бади узоқ сукутдан сўнг Алисага қарамай. – Баъзи одамларнинг гўдаклардан фарқи йўқ, – деб қўшиб қўйди у ҳамон шу тахлит ўтираркан.

Алиса нима дейишни билмади. Ахир, буни суҳбат деб бўлмасди-да, чунки у Алисага қараб гапирмаётганди. Шуни ўйлаб қизча майин товушда шеър айта бошлади:

Ади-Бади деворда ўтирарди,
Ади-Бади қулади бирдан.
Қирролликнинг барча отлиқ аскари,
Қирролликнинг жами қўшин, лашкари
Йиғиб ололмади Ади-Бадини ердан.

– Сўнгги сатр жуда узунлик қилади, – деди Алиса шеър айтиб бўлгач Ади-Бади уни эшитаётганини ҳам унутиб.

– Бу ерда ўзингга-ўзинг бунақа валдирайвермай, яхшиси исмингни айт, – деди Ади-Бади ниҳоят Алисага илк бор қараб.

– Менинг исмим Алиса, аммо...

– Қандай аҳмоқона исм! – деди Ади-Бади шартта унинг гапини бўлиб. – Хўш, бу қандай маънони англатади?

– Исм қандайдир маъно билдириши шартми? – сўради Алиса шубҳаланиб.

– Албатта, шарт, – деди Ади-Бадининг бироз чеҳраси очилиб. – Масалан, менинг исмимни олайлик. У менинг кўринишимни ифодалайди. Келишган ташқи кўринишимни. Сеники эса исталган кўринишни ифодалайверади...

– Нега у ерда бир ўзингиз ёлғиз ўтирибсиз? – сўради Алиса ортиқ баҳслашишдан тийилиб.

– Негаки, ёнимда ҳеч ким йўқ! Бунга жавоб беролмайди, деб ўйлагандинг-а? Қани, яна савол бер-чи?! – қичқирди Ади-Бади.

– Ер нисбатан хавфсизроқ деб ўйламайсизми? Девор жуда энсиз экан-ку? – давом этди Алиса.

– Қандай жўн савол-а? Албатта, ўйламайман! Негаки йиқилсам, Қирол ўз оғзи билан ваъда берганки...

– От ва лашкарларини жўнатади, – унинг гапини бўлди Алиса яна.

– Бу жуда ёмон одат! – бақира кетди Ади-Бади. – Сен эшик ортида, дарахт панасида, мўрида туриб олиб гап пойлагансан.

– Ҳечам-да! Бу китобда ёзилган, – деди Алиса хушмуомалалик билан.

– О, тушунарли. Улар бу ҳақда китобларда ёзишлари мумкин, – деди бироз тинчланиб Ади-Бади. – Китобнинг номини "Англия тарихи" деганмидинг? Қани, менга яхшилаб қараб ол! Мен ўша Қирол билан сўзлашган кимсаман, ахир! Эҳтимол, мендақасини қайтиб кўрмассан! Мен билан қўл сиқишингга ижозат бераман, мен кеккайганлардан эмасман!

Шундай деб унинг оғзи қулоғига етди.

– Ҳа, барча оту, лашкарларини юборади, – мамнун давом этди Ади-Бади. – Улар мени зумда яна юқорига чиқариб қўйишади, ҳа, ҳа, шундай қилишади! Ана энди мен сенга савол бераман. Хўш, неча ёшдасан? Фақат аниғини айт.

– Етти ёшу олти ойликман, – деди Алиса.

– Хато!

– Ҳозир неча ёшда эканимни назарда тутаяпсиз, деб ўйлабман, – тушунтирди Алиса.

– Агар шуни назарда тутганимда, шундай деб сўрардим, – деди Ади-Бади.

Алиса тортишмоқчи эмасди, шу боис индамай қўя қолди.

– Етти ёшу олти ой, – такрорлади Ади-Бади. – Жуда ноқулай ёш. Мендан маслаҳат сўраганингда, сенга етти ёшингда қолавер, деган бўлардим, аммо энда кеч.

– Ҳеч қачон улғайишим ҳақида биров билан маслаҳатлашмаганман, – деди Алиса.

– Ғуруринг йўл қўймайдими?

– Ахир, ўсмай туролмайман-ку.

– Бир ўзинг эплолмассан, икки киши уддалайди. Биргалашиб еттида тўхтаб турардинглар, – деди Ади-Бади.

– Тасмангиз бунча чиройли, – мавзуни ўзгартирмоқчи бўлди Алиса.

Ади-Бади бироз жим турди-да, кейин жаҳл билан:

– Эътиборинг учун айтиб қўяй, бу тасма эмас, галстук, қизча. Кўриб турганингдек, жуда чиройли галстук. Боз устига Оқ Қирол ва Қироличанинг туҳфаси, – деди.

– Ростданми? – деди Алиса ниҳоят суҳбат учун яхши мавзу топилганидан шодланиб.

– Улар буни менга туғилмаган кунимда совға қилишган, – ўйчан гапирди Ади-Бади.

– Туғилмаган кунимга совға? – деди Алиса тушунолмай.

– Бу туғилмаган кунингда бериладиган совға, албатта.

Алиса сал-пал тушунгандай бўлди.

– Менга кўпроқ туғилган кунимда бериладиган совға ёқади, – деди у.

– Нима деяётганингни ўзинг ҳам билмайсан! – шанғиллай кетди Ади-Бади. – Бир йилда неча кун бор?

– 365 кун, – деди Алиса.

– Туғилган кунинг неча марта бўлади?

– Бир марта.

– Агар 365дан бирни айирсак қанча қолади?

– 364, албатта.

Ади-Бади шубҳаланиб қаради.

– Шуни қоғозга ёзиб ҳисобласанг яхшироқ бўларди, – деди у.

Алиса жилмайиб, чўнтагидан ён дафтарини чиқарди-да, ёзди:

$$\begin{array}{r} 365 \\ -\ 1 \\ \hline 364 \end{array}$$

Ади-Бади дафтарчани олиб диққат билан кўздан кечиргач:

– Тўғри бажарганга ўхшайсан, – деб ғўлдиради.

– Сиз дафтаримни оёғини осмондан қилиб ушлаб турибсиз, – деди Алиса.

– Ҳа, албатта, – деди Ади-Бади Алиса тўғрилаб ушлатиб қўйгач. – Ўзим ҳам бу ғалатироқ кўринаяпти дегандим-а. Хуллас, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, сен 364 кун туғилмаган кунингга аталган совғани олишинг мумкин.

– Албатта, – деди Алиса.

– Туғилган кунингга аталган совғани атиги бир кун оласан. Мана, сенга шон-шуҳрат.

– Шон-шуҳрат деб нимага шама қилаётганингизни билолмадим, – деди Алиса.

Ади-Бади кулди.

– Тушунмаслигинг табиий. Мен шунчаки қотилликнинг далили, демоқчи эдим.

– Аммо шон-шуҳрат қотиллик далили деган маънони англатмайди-ку, – деди Алиса.

– Қачон мен бирор-бир сўзни ишлатсам, у фақат ўзим танлаган маъносигина англатади, – деди у.

– Бундан чиқди, сиз сўзларни ҳар хил маъно англатишга мажбур қила оларкансиз-да? – деди Алиса.

– Бу ерда аслида ким хўжайин, гап мана шунда, – деди Ади-Бади.

Алиса бир нима дейишга ожиз эди, сал ўтиб Ади-Бадининг ўзи яна гапирди:

– Сўзларнинг ҳар бири ўз феъл-атворига эга... айниқса феъллар. Улар гердайган. Равишлар эса... улар билан истаганингни қилишинг мумкин. Аммо асло феълларга бундай қила кўрма. Яхшиямки, мен уларни бошқара оламан. Бўйин эгмаслар! Бу ҳақда мен, мана, нима дейман!

– Кечирасиз, "бўйин эгмаслар"нинг маъноси нима? – сўради Алиса.

– Ана энди ўзингни ақлли болалардек тутаяпсан, – деди Ади-Бади мамнун қиёфада. – Менимча, бу мавзуда етарлича гаплашдик. Сен, яхшиси, энди нима қилмоқчилигингни айт. Ахир, қолган умрингни бу ерда қаққайиб ўтказмассан?

– Иккита сўзга шунча маъно кўп-ку? – деди Алиса ҳамон бояги сўзлар ҳақида ўйлаб.

– Қачон сўзга кўп маъно юкласам, доим қўшимча пул тўлайман, – деди Ади-Бади.

– О! – яна боши қотди Алисанинг.

– Ҳа, сен уларни шанба куни пулни олиб кетгани келишганида кўрсанг бўлади, – давом этди Ади-Бади.

(Алиса ундан нима билан тўлашини сўрамади, шунинг учун буни сизга биз ҳам айтолмаймиз).

– Сиз сўзларнинг маъносини изоҳлашда анчагина билимдон экансиз, жаноб, – деди Алиса. – Яна бир меҳрибонлик қилиб менга "Жаббервок" шеърининг мағзини чақиб беролмайсизми?

– Қани, айт-чи! Мен сенга ҳали ижод қилинган ва қилинмаган шеърларни ҳам изоҳлаб бера оламан.

Шунда Алиса биринчи тўртликни ўқиб берди:

Айни туш маҳал...
Шилимшиғу, калтакесак янглиғ узун бўрсиқлар,
Қум соатнинг ҳар ёнин кавлашарди тинмайин.
Ўламсадай қушу, йўлдан озган чўчқалар,
Аксиришнинг товуши улар хур-хурин бузар.

– Бошланишига етарли, – деб Ади-Бади шеърни бўлди. – "Туш маҳал" бу кундузги соат тўрт пайти, тушликка овқат иситаётган вақтинг[1].

– Жуда яхши. "Шилимшиқ"чи? – сўради Алиса.

– Хўш, "шилимшиқ" "шилта" ва "лим" сўзларидан олинган. Яъни, ўзига турли маъноларни олаверадиган сўзлардан иборат. Икки сўзни қўшсанг, бошқа сўз келиб чиқади.

– Энди тушунгандай бўлаяпман. "Калтакесак янглиғ узун бўрсиқлар" нима дегани?

– Бу бўрсиққа ҳам, калтакесакка ҳам ўхшаб кетадиган жониворлар.

– Уларнинг кўриниши жуда-жуда антиқа бўлса керак.

– Ҳа, шунақароқ. Улар қум соатга ин қуриб, пишлоқ билан кун кечиришади.

– Кейинги мисранинг маъноси нима?

– Улар тиним билмай тешик қазишаётганини билдиради.

– Қум соатнинг атрофидами?

– Ҳа, ўтлоқдаги қум соатнинг орқа ва олд томонларини қазишади. Ўламса қушлар – полювгичга ўхшаш жониворлар.

– Йўлдан озган чўчқалар ҳақида нима дея оласиз?

– Бу яшил рангли чўчқалар, йўлдан озганига келсак, уйига элтадиган йўл назарда тутилаяпти, менимча.

– "Хур-хур" қандай товуш бўлди?

– Бу ҳуштак билан маърашнинг ўртасидаги товуш, аксиришдан ҳам бор унда озгина. Бу шеърни қаердан топдинг ўзи?

– Мен буни китобда ўқигандим, – деди Алиса.

– Кўрганингдек, шеърларни бошқалардан аъло ўқийман, – деди Ади-Бади.

– Шак-шубҳасиз, – деди Алиса унинг шеър ўқишидан қўрқиб.

– Сенга айтиб берадиган ҳозирги шеърим кайфиятни чоғ қилади, – деди Ади-Бади Алисанинг ниятини пайқамай.

– Миннатдорман, – деди Алиса маъюс тортиб ва ўтириб олди.

Қиш пайти далалар бурканса оққа,
Қувонишинг учун куйлайман ялла.

– Лекин мен куйламаяпман, – аниқлик киритди Ади-Бади.

– Кўриб турибман, – деди Алиса.

– Буни кўраётган бўлсанг, кўзларинг ғоятда ўткир экан, – деб давом этди Ади-Бади.

Баҳорда дарахтзор яшил бўлганда,
Юрагимдагини айтаман сенга.

– Катта раҳмат, – деди Алиса

Ёзда, кунлар бўлганда узун,
Англаб етажаксан қўшиғим мағзин.
Куз келиб дарахтлар сарғайган пайти,
Қаламни олгин-да, ёзиб ол уни.

[1] Инглизлар тушликни одатда шу пайтда тановул қилишади.

– Ёзиб қўяман, агар шунча узоқ муддатда унутиб юбормасам, – деди Алиса.

– Гап сотишни бас қил, – деди Ади-Бади. Кейин янги шеърини бошлади:

Мен хат ёздим балиққа,
Битдим истагим ҳақда.
Денгиздаги балиқлар
Менга жавоб ёздилар.
Шундай эди бу жавоб:
"Бажаролмаймиз, жаноб..."
Хат ёздим яна бир бор,
Дедим: "Бўйсунмоқ даркор".
Майна қилди балиқлар:
"Қаҳр нени ҳал қилар?"
Ёздим тағин, икки бор,
Маслаҳат қилмади кор.
Тоқат бўлди асти тоқ,
Олдим човгум, қўлга боқ.
Юрак ўйнарди шу дам,
Човгумга тўлдирдим дам.
Ёнимга кимдир келиб,
Деди: "Уйқуда улар".
Жавоб бердим унга мен:
"Уйғот, қани, бўл чаққон!"
Буни айтдим бақириб,
Қулоғини қиздириб.

Ади-Бади шу жойида овозини шундай баландлатдики, гўё қичқира бошлади.

Лекин совуқ бу кимса,
"Жар солишинг шартмас" дер.
Қаламтарошни олиб,
Уйғотишга бордим мен.
Эшик берклигин кўриб,
Тепдим дарғазаб бўлиб.
Қулфланган экан у,
Тутқичидан тортдиму...

Орага сукут чўкди.

– Тугадими? – деб сўради Алиса.

– Ҳа, ниҳоясига етди. Хайр! – деди Ади-Бади.

Алиса кутилмаган хайрлашувдан ҳайрон қолди. У ўрнидан туриб:

– Кўришгунча хайр! – деди.

– Борди-ю, яна учрашсак ҳам сени танимайман, – деди жавобан Ади-Бади ва бармоқларини хайрлашгани узатаётиб. – Сен бошқа одамлар билан бир хилсан, – деб қўшиб қўйди.

– Юзимга қарасангиз, таниб оласиз. Одамларни юз-кўзидан фарқлашади, – деди Алиса ўйга чўмиб.

– Муаммо ҳам шунда-да. Сенинг юзинг ҳам ҳамманикидек. Иккита кўз, ўртада бурун, тагида эса оғиз. Доимгидек бир хил. Агар кўзларинг бурнингни бир томонида ёки оғзинг юқорида бўлганида, бу ажратиб олишга ёрдам берарди.

– Унда рисоладагидек бўлмасди, – эътироз билдирди Алиса.

У бир муддат Ади-Бадининг гапиришини кутди, аммо у на юмиб олган кўзларини очди, на қизчага қаради. Алиса ноилож яна бир бор "Хайр!" деди-да, ҳамсуҳбатининг жавобини ҳам кутмай нари кетди. Юриб бораётиб у:

– Бунинг бари бетайин, – дейишдан ўзини тия олмади. – Учратганларим орасида энг бемаъниси...

У гапини тугатишга улгурмай даҳшатли наърани эшитди.

7. Арслон ва Яккашох

Зум ўтмай ўрмонга аскарлар бостириб келишди. Кўз очиб юмгунча улар бутун ўрмонни эгаллади. Алиса дарахт ортига яшириниб уларни кузатарди. У оёқда туришни ҳам эплолмайдиган бунақа аскарларни сира кўрмаганди. Бири йиқилиши билан бошқалари ҳам унинг устига ағанарди, шу тахлит ер аскарлар билан тўлиб кетди.

Кейин отлар келди. Уларнинг оёқлари тўртта бўлса ҳам аскарлар каби тик туришга нўноқ эди. Алиса кетиш учун қулай фурсат келди, деб ҳисоблаб жўнаб қолди. Ниҳоят, у ўрмондан ялангликка чиқди ва у ерда Оқ Қиролга дуч келди. Қирол ерга ўтириб олиб, ён дафтарига нималарнидир ёзиш билан овора эди.

– Мен уларнинг ҳаммасини жўнатдим. Ўрмондан келаётиб аскарларга кўзинг тушмадими, азизам? – деди уни кўриши билан Қирол қувониб.

– Кўрдим, мингтача эди, чамамда, – деди Алиса.

– Аниқроғи, тўрт минг икки юз еттита, – деди Қирол дафтарига қараб. – Отларнинг барини жўнатолмадим. Улардан иккитаси ўйин учун керак эди. Бир жуфт хабарчини шаҳарга кетгани боис юборолмадим. Йўлга қара-чи, агар бирортасини кўрсанг, дарров менга айт.

– Ҳеч ким кўринмаяпти, – деди Алиса.

– Шундай ўткир кўзим бўлганда эди, – деди Қирол. – Ҳеч кимни илғаганингни қара-я! Тағин шундай масофадан!

Алиса ҳануз йўлдан кўзини узмасди.

– Кимнингдир қораси кўриняпти! – деди у ниҳоят. – Аммо у жуда секин... ва ғоятда кулгили тарзда юриб келаяпти.

Хабарчи илонбалиқдек мункиб-мункиб келар, бурилганда эса қўлларини елпиғичдай ёйиб оларди.

– Келаётган англо-саксон хабарчиси ва у англо-саксонча юриб келаяпти. У хурсанд бўлса, шундай қилпанглаб юради. Исми Қуён.

– Севгилимнинг исми бошланар "Қ"дан, – Алиса ўзини тия олмай дугоналари билан ўйнайдиган сўз ўйинини айтиб юборди. – Чунки у доимо қувноқ. Ёмон кўрганимнинг оти ҳам бошланар "Қ"дан, боиси у жуда қилтириқ. Уни тўйдирдим бир кун қуймоққа. Ва у яшар...

– Ва у яшар баланд бир қирда, – деди Қирол Алиса "Қ"дан бошланадиган жой номини топгунича. – Яна бир хабарчининг исми Каллаварам. Билганингдек, менда улар иккита, бири боришга, бири келишга.

– Ўтинаман... – деди Алиса.

– Тиланиш яхши ишмас, – қизнинг гапини бўлди Қирол.

– Тушунтириб беришингизни ўтиниб сўрамоқчи эдим. Нега бири келишга, бошқаси боришга?

– Буни айтмаганмидим? Менда улар иккита бўлиши шарт. Олиб боргани ва олиб келгани.

Шу пайт хабарчи келиб қолди. У нафаси тиқилганидан ҳарчанд гапиришга уринса-да, ҳеч нима дея олмас, фақат қўлларини силкитиб аянчли аҳволда Қиролга қараб турарди.

– Сен мени қўрқитаяпсан. Ўзимни ёмон ҳис қилаяпман. Менга сэндвич узат, – деди Қирол.

Хабарчининг халтасини очиб сэндвични олганини кўрган Алиса ҳайрон бўлиб қараб қолди. Қирол уни очкўзларча апил-тапил еб қўйди.

– Яна! – деди Қирол.

– Пичандан бўлак ҳеч вақо қолмади, – деди хабарчи халтасини ковлаштириб.

– Унда пичанни узат, – шивирлади Қирол.

Унинг анча ўзига келиб қолганидан Алисанинг кўнгли ёришди.

– Ўзингни ёмон ҳис қилганингда, ҳеч нарса пичандек наф бермайди, – деди у Алисага.

– Йўлда кимни учратдинг? – деб сўради Қирол хабарчидан пичанни олаётиб.

– Ҳеч кимни, – деди хабарчи.

– Тўппа-тўғри. Мана бу ёш хоним ҳам уни кўрди.

– Қўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Ҳеч ким мендан тезроқ юра олмаслигига ишонаман, – деди ранжиб хабарчи.

– У югура олади. Қани энди нафасингни ростлаган бўлсанг, бизга шаҳарчада нималар бўлганини айтиб бер-чи, – деди Қирол.

– Буни фақат қулоғингизга айтаман, – деб хабарчи Қиролга яқин келди. Алиса хафа бўлди, ахир, у ҳам шаҳарда нималар рўй берганига қизиқаётганди-да. Бахтига, хабарчи шивирлаш ўрнига бор овози билан бақирди:

– Улар яна ўз билганларидан қолмаяпти!

– Улар деганингиз ким? – сўради Алиса.

– Арслон ва Яккашох-да, албатта, – деди Қирол.

– Тож учун курашми?

– Ҳа. Энг кулгили томони, менинг тожим учун! Қани, уларни бориб кўрайлик-чи.

Қирол ва хабарчи ўша ёққа югуриб кетишди. Алиса ҳам чопаётиб қадимги қўшиқни минғирлаб такрорларди:

Тож учун жанг қилмоқда Яккашох билан Арслон,
Чор-атрофин қуршаган ғала-ғовур оломон.
Беришар оқ-қора нон, олхўри-пирог биров,
Дўмбира садолари кейин ҳайдар шаҳардан.

– Ким... ютса... тож... шуники... бўладими? – сўради Алиса югураётиб нафаси тиқилгани боис узуқ-юлуқ гапираркан.

– Йўқ, азизам! Бу бемаъни фикр хаёлингга қаердан келди? – деди Қирол.

– Марҳамат қилиб... балки бир дақиқага... тўхтармиз... нафас ростлагани...

– Мен марҳаматлиману, аммо буни тўхтатадиган даражада кучли эмасман. Биласан-ку, дақиқалар елдек учади!

Ниҳоят, улар жанг қилаётган Арслон ва Яккашохни қуршаб турган оломонга яқин келишди. Иккови шундай чанг-тўзон кўтарардики, аввалига Алиса улардан қайбири Арслон, қайбири Яккашохлигини билолмади. Аммо Яккашохнинг шохидан уни таниб олди.

Каллаварам, яъни иккинчи хабарчи ҳам шу ерда уларни томоша қилаётганди. Унинг бир қўлида финжонда чой, наригисида эса бутерброд бор эди.

– У ҳозиргина қамоқдан чиқди, – шивирлади Қуён Алисага. – У ерда фақат чиғаноқ билан боқишган. Шунинг учун у жуда очиққан, чанқаган. Қалайсан, болакай? – деди у Каллаварамнинг елкасига қўлини қўйиб.

Каллаварам ўгирилиб бош ирғади-да, кавшанишда давом этаверди.

– Қамоқда маза қилдингми, болакай? – деди Қуён.

Бу сафар Каллаварам кўзига ёш олиб бир қараб қўйди-да, лом-мим демади.

– Гапиролмай қолдингми?! – қичқирди Қуён, аммо Каллаварам ҳамон тинмай кавшанарди.

– Гапирсанг-чи! – бақирди Қирол. – Улар қандай жанг қилишаяпти?

– Яхши. Ҳар бири саксон етти марта оёғидан зарба еди, – деди Каллаварам.

– Менимча, тез орада уларга оқ ва қора нон тарқатилса керак, – деди Алиса.

– Шуни кутишаяпти. Еяётганим ҳам ноннинг бир бурдаси.

Шу пайт танаффус эълон қилинди. Қирол: "Ўн дақиқа дам олинг!" дегач, Каллаварам ва Қуён нонни тарқатишга киришиб кетишди. Алиса таъмини билиш учун бир бурда олди, аммо нон қотиб қолган, тошдай қаттиқ экан.

– Ўйлашимча, улар бугун ортиқ уришолмайди. Бор, ноғорачиларга айт, бошлайверишсин, – деди Қирол Каллаварамга.

Каллаварам чигирткадек сакраб-сакраб жўнаб кетди. Алиса унинг ортидан жим кузатиб турди. Қўққисдан у:

– Қаранг, қаранг, Оқ Қиролича мамлакат бўйлаб югуриб кетаяпти! У жуда чопағон-а? – деди.

– Ортидан душман тушгани аниқ. Ўрмон ёвларга тўла, – деди Қирол у ёққа қараб ҳам қўймай.

– Сиз-чи, унга ёрдам бермоқчимасмисиз? – ажабланди Алиса унинг бепарволигидан.

– Фойдаси йўқ! – деди Қирол. – У ҳаддан ташқари тез югуради. Бу худди Бандерснэчни тутишга урингандай гап. Истасанг, Қиролича ҳақида ён дафтаримга қайд қилиб қўяман... У беназир Қиролича. "Қиролича" сўзи икки "о" билан ёзилармиди? – минғирларди у ўзича дафтарини очаётиб.

Шу пайт қўлларини чўнтагига тиққанча Яккашох улар томон кела бошлади.

– Бу сафар мен олдиндаман-а? – деди у Қиролга тик қараб.

– Бироз... Бироз. Уни шохинг билан сузмаслигинг кераклигини билардинг-ку, – асабий жавоб берди Қирол.

– У жароҳатланмади, – деди Яккашох бепарво ва йўлида давом этаётиб, кўзи туйқус Алисага тушди. У ортга ўгирилиб, қизга нафрат билан ўқрайди.

– Бу... нима? – сўради у ниҳоят.

– Бу қизалоқ! – жавоб қилди Қуён Алиса қаршисида туриб англосаксонча тавозе билан таништираркан. – Биз уни бугун топиб олдик. У ҳақиқий ва икки карра табиий.

– Мен уларни фақат махлуқчалар ҳақидаги чўпчакларда бўлишади, деб ўйлардим. Унинг жони борми? – деб сўради Яккашох.

– У ҳатто гапира олади, – деди Қуён.

– Қани, гапир-чи, қизалоқ! – деди Яккашох Алисага қараб.

Алиса табассумини яширолмади ва кулиб гап бошлади:

– Биласизми, мен ҳам Яккашохларни фақат эртакларда бўлади, деб ўйлардим. Аввалларидан ҳечам тирик Яккашохни кўрмовдим.

– Хўш, ана энди бир-биримизни ўз кўзимиз билан кўрдик. Агар менга ишонсанг, мен ҳам сенга ишонаман. Келишдикми?

– Ҳа, агар шуни истасангиз, келишдик, – деди Алиса.

– Олхўрили пирогингни тарқата қол, қария, – деди Яккашох Қиролга ўгирилиб. – Қора нонингни оғзимга ҳам олмадим.

– Албатта, албатта, – деди Қирол ва Қуёнга қараб: – Халтангни оч! Йўқ, бунисинимас, у пичан билан тўла-ку, – деб шивирлади.

Қуён халтадан пирогни чиқариб Алисага тутқазди, яна у патнис билан пичоқни ҳам олди. Алиса буларнинг ҳаммаси халтага қандай сиққанини тасаввур ҳам қилолмади. Буни у кўзбўямачиликка йўйди.

Бу воқеалар рўй бераётганида Арслон ҳам уларнинг даврасига қўшилганди. У буткул ҳолдан тойганидан кўзлари юмилай-юмилай дерди.

– Бу нима? – деди у Алисани кўриб дўриллаган овозда.

– Унинг нималигини сен ҳечам тополмайсан! Бунга қурбинг етмайди! – дағдаға қилди Яккашох.

Арслон Алисага разм солди-да:

– Сен ҳайвонмисан, сабзавотми ё минералмисан? – деб сўради.

– Бу эртаклардаги махлуқ! – бақириб тушунтирди Яккашох Алиса жавоб бергунча.

– Қани, олхўрили пирогни бўл-чи, Махлуқча, – деди Арслон ўтириб, иягини панжасига тираганча. – Икковинг ҳам ўтир. Фақат пирог адолатли тақсимлансин.

Қирол бу икки баҳайбат мавжудотнинг ўртасида ўтириб қолганидан унчалик хурсанд эмас эди-ю, бироқ начора, бошқа жой йўқ эди-да. Алиса катта идишни тиззасига қўйиб, ариқ бўйига чўкди ва пирогни тақсимлашга киришди.

– Жуда қулоқсиз пирог экан! Кесган бўлагим яна қайтадан бирлашиб қоляпти! – деди у.

– Сен кўзгу орти пирогини қандай кесишни билмайсан. Аввал уни тақсимла, кейин кес, – эътироз билдирди Яккашох.

Бу гап Алисага бемаънидек эшитилган бўлса-да, шундай қилди. У идишни ҳамманинг олдига бир-бир кўтариб олиб борди, шунда пирог ўзўзидан учга бўлинди.

– Ана энди кес, – ўргатди Арслон Алиса жойига бўш идиш билан ўтираркан.

– Айтгандим-а! Бу ноҳақлик! – дея қичқирди Яккашох Алиса пичоқни ушлаб нима қиларини билмай турганда. – Махлуқнинг Арслонга берган бўлаги меникидан икки баравар катта-ку!

– У ўзига бир тишлам ҳам олиб қолмабди. Махлуқжон, сенга олхўрили пирог ёқмайдими? – сўради Арслон.

Алиса жавоб беришга улгурмай, ноғоралар чалишни бошлади. У ноғораларнинг овози қаердан келаётганини англолмасди. Бутун чор-атроф ноғора товушига тўлган, бошининг устидан ҳам келарди бу шовқин. У оёғи остидаги ариққа қаради-да, ундан ҳатлаб ўтди.

Сакраб ўтаётиб у Арслон ва Яккашохнинг ҳаловати бузилиб, ўрнидан туришганини кўрди. Алиса даҳшатли шовқиндан қулоқларини қўли билан маҳкам беркитиб олди.

– Агар уларни шу ноғоралар шаҳардан ҳайдаб чиқармаса, бошқаси бу ишни қилолмайди, – деди у ўзига-ўзи.

8. Бу менинг кашфиётим

Шовқин-сурон тингач, Алиса атрофга қаради. Ҳеч ким йўқлигини билиб, Арслон ва Яккашохни тушимда кўрибман-да, деган ўйга борди. Аммо сал ўтмай оёқлари остидаги идишга кўзи тушгач, "Ҳар қалай, тушим эмас экан", деди ўзига-ўзи. "Фақат биз ҳаммамиз бир тушнинг бўлаги бўлмасак бўлди. Бу туш Қора Қиролники эмаслигига умид қиламан! Бошқаларнинг тушига тегишли бўлишни жиним суймайди!"

Унинг ўй-хаёлларини туйқусдан "Ҳей! Ҳей! Кишт!" деган овоз бўлди. Қора кийимли Рицарь у томон елдек учиб келарди. У етиб келиши билан отининг жиловини тортди-да:

– Сен менинг асирамсан! – деб жар солди.

Алиса асира бўлганидан эмас, Рицардан хавотирда эди. Рицарнинг оти тўхташи билан у ерга қулаб тушди. Қайта эгарга жойлашгач эса:

– Сен менинг... – дея оғиз очувди, яна бир бошқа овоз эшитилди.

– Ҳей! Ҳей! Кишт! – деб янги душман келиб қолди. Алиса унга ҳам ажабланиб қараб тураверди.

Бу сафар от қўйган Оқ Рицарь эди. У ҳам Қора Рицардек тўхташи ҳамоноқ ерга ағнади. Отига қайта мингач эса икки рицарь бир-бирига анча пайт ёвқараш қилиб турди. Алиса бир унисини, бир бунисини томоша қиларди.

– Билганингдек, у менинг асирам! – деди ниҳоят Қора Рицарь.

– Тўғри, аммо кейин мен уни озод қилдим! – деди унга жавобан наригиси.

– У ҳолда жанг қиламиз! – деб Қора Рицарь дубулғасини кийди (унинг эгарга осилган дубулғаси от шаклида эди).

Улар шунчалик аёвсиз жанг қилардики, Алиса халақит бермаслик учун дарахт ортига беркинди.

– Қизиқ, жанг қоидалари қанақа экан-а? Агар улардан бири бошқасини урса, у отдан йиқилади, мабодо зарбани ўтказиб юборса, биринчиси отдан ағанайди... бунча шовқин солишмаса! Отлари эса пинагини ҳам

бузишмайди-я! Гўё рицарлар стулга чиқиб жанг қилишаётгандай! – деди Алиса ўзига-ўзи уларни кузатаётиб.

Рицарлар нуқул боши билан йиқилишар, бу ҳам бир қоида бўлиб, Алиса буни ҳали пайқамаганди. Уруш иккала рицарнинг ағанаши билан ниҳоясига етди. Улар ўринларидан туриб қўл сиқишди ва Қора Рицар ғизиллаб жўнаб қолди.

– Бу ғалаба, шундай эмасми? – деди Оқ Рицар Алисага.

– Билмадим. Мен кимнингдир асираси бўлишни хоҳламайман. Қиролича бўлсам дейман, – деди Алиса иккиланиб.

– Кейинги арикдан ўтсанг, мақсадингга етасан. Сени ўрмон чегарасигача кўриқлаб бораман. У ёғига ўтолмайман, биласан-ку. Фақат ўша ергача боришим мумкин.

– Миннатдорман! Дубулғангизни ечишга ёрдам берайми? – деди Алиса.

Рости, бу осон кечмади, аммо амаллаб дубулғани ечиб олди.

– Мана энди нафас олишим анча енгиллашди, – деди Рицарь сочларини орқага сермагач, Алисага мамнун бўлиб меҳрибон кўзларини тикканча.

Алиса бунақанги ғаройиб жангчини ҳеч кўрмаганини ўйларди. Рицарь ўлчами ўзига мутлақо тўғри келмайдиган зирҳни кийиб, елкасига почта қутисининг оғзини пастга қаратиб осиб олганди. Алиса қутини синчковлик билан томоша қилди.

– Сенга менинг митти қутим ёқиб қолди, чоғи, – деди Рицарь дўстона оҳангда. – Бу менинг шахсий кашфиётим. Унда кийим-кечакларимни, яна сэндвичларни сақлайман. Ичига ёмғир тушмаслиги учун, кўриб турганингдек, уни тескарисига осиб олдим.

– Аммо бунақада ичидагилари тушиб кетади-ку? Унинг очиқлигини биласизми? – деди Алиса хушмуомалалик билан.

– Бундан хабарим йўқ эди! Шунинг учун ҳам буюмларим унда турмаётган экан-да! Уларсиз қутидан нима фойда!

Шундай деб Рицарь уни шох-шаббалар томон ирғитмоқчи бўлди-ю, аммо хаёлига қутини шохга осиб қўйиш фикри келиб, эҳтиёткорлик билан уни дарахтга илиб қўя қолди.

– Нега бундай қилганимни биласанми? – деди у Алисага.

Қиз бош силкиди.

– Унга асаларилар ин қуради, деган умидда шундай қилдим. Кейин мен ундан асал олиб тураман.

– Аммо сизда арихона бор экан-ку. Ҳар қалай шунга ўхшаш... ана, эгарга боғланган, – деди Алиса.

– Ҳа, бу жуда яхши арихона, аммо ҳали бирорта ари келгани йўқ. Нариги сичқон ини. Шу сичқонлар ариларни келишга қўйишмаяптими дейман-да... ёки аксинча, арилар сичқонларга йўл беришмаётгандир, билмадим, – деди Рицарь.

– Сичқон ини нимага керак? Менимча, сичқонлар отнинг орқасида яшамайди, – деди Алиса.

– Эҳтимол, яшар, – деди Рицарь ва бироз жим тургач, қўшиб қўйди. – Ҳар нарсага тайёр туриш керак. Шунинг учун ҳам отнинг тўпиқларида ҳалқалари бор.

– Нима учун? – қизикди Алиса.

– Наҳангларнинг тишларига қарши-да! Бу ҳам каминанинг ихтиролари-дан, – жавоб берди Рицарь. – Қани, отга чиқиб олишимга кўмаклаш-чи, сени ўрмон чегарасигача олиб бораман... Анави идиш нимага керак?

– Олхўрили пирог учун.

– Уни ўзимиз билан ола қоламиз. Олхўрили пирог учраса, у асқотади. Халтага солишга кўмаклашиб юбор-чи.

Алиса билан Рицарь икковлашиб уни халтага жойлашга уринсалар-да, бунинг сира уддасидан чиқишолмади. Рицарь идишни солаётиб, бесўнақай ҳаракат қилганидан икки-уч марта ўзи халтага тушиб қолди.

– Кўрганингдек, бу осон иш эмас! Халтада бир талай шамдонлар бор-да, – деди ишни уддалашгач Рицар. У сабзи-ю, камин асбоблари ва яна ҳар хил тақир-туқурларга тўла халтани эгарга илиб қўйди.

– Сочларинг яхши ёпиштирилган деб умид қиламан, – деди Рицарь йўлга тушишлари билан.

– Ҳар доимгидек, – жилмайиб қўйди Алиса.

– Бу етарли эмас! Бу ерда шамол шунақанги кучли эсадики, нақ илдизи билан суғуриб олади-я! – деди Рицарь ташвишланиб.

– Бунга қарши бирор кашфиёт ўйлаб топмаганмисиз? – сўради Алиса.

– Ҳозирча йўқ, аммо соч тўкилишига қарши чора топганман, – деди Рицарь.

– Жон-жон деб эшитаман.

– Аввалига сочларингни эҳтиёткорлик билан мевали дарахт шохла-ридек тикка қиласан. Соч тўкилишининг асосий сабаби, мен сенга айт-сам, уларни пастга қараб осилиб туришидир. Юқорига қараб ўсса, сира тўкилмайди. Бу ҳам ўзимнинг кашфиётим. Истасанг, ундан фойдалани-шинг мумкин.

Алисага бу чора унчалик маъқул келмади. У шу ҳақда ўйлаб жим ке-тар, фақат вақти-вақти билан отда юришга нўноқ Рицарга кўмаклашгани тўхтарди. Ҳар гал от тўхташи билан (бу ҳол кўп такрорланарди) Рицарь олдинга йиқилар, жонивор юриши ҳамоноқ (бу ҳам тез-тез рўй берарди) у орқага ағнарди.

– От минишда тажрибангиз камроқ шекилли, – деди Алиса бешин-чи марта йиқилган Рицарга қарашаётиб. Рицарь хафа бўлгандек, унга қаради-да:

– Нега бундай деяпсан? – деди эгарга жойлашаётиб.

– Чунки одамлар бу борада тажрибасиз бўлишсагина шундай тез-тез йиқилишади.

– Менинг тажрибам катта!

Алиса бу вазиятда энг яхшиси "Ростданми?" деб сўраган маъқул деган ўйда иложи борича самимий оҳангда шундай деди. Улар жим қолишди. Ҳар сафар навбатдаги йиқилишда Рицарь кўзларини юмиб олар, Алиса эса буни кутиб турарди.

– От минишда энг муҳими, – Рицарь қўлларини силкитиб гап бошла-ди, – мувозанат...

Шундай деб у яна ағнади. Гап қандай кутилмаганда бошланган бўлса, шундай қўққисдан узилиб қолди. Бу гал у Алиса юраётган йўлакка ағнади.

– Суюкларингиз синмадими? – сўради Алиса чўчиб.

– Бирортаси ҳам, – деди Рицарь. Аслида у икки, учта суяги синишига ҳам қарши эмасди. – От минишда, энг муҳими, боя айтганимдек... мувозанат сақлаш... худди ҳозиргидек, билдинг.

У қулочларини ёйиб нима демоқчилигини тушунтираётиб, бу сафар нақ отнинг туёқлари остига чалқанчасига учиб тушди.

– Бу жуда кулгили! Аслида сиз болаларнинг ўйинчоқ отини минсангиз бўларкан, – деди Алиса тоқати-тоқ бўлиб.

– Яхши, ўша отдан битта ола қоламан. Битта, иккита ёки бир нечта, – деди Рицарь ўйчан қиёфада.

Уларнинг сукут сақлашлари узоққа чўзилмади. Рицарь яна гап бошлади:

– Мен кашфиётлар қилишга жуда устаман. Охирги марта мени турғизаётганингда ўйчанлигимга эътибор қилдингми? Чунки ўша пайт дарвозадан ошишнинг янги йўлини ўйлаб топаётувдим. Қандайлигини эшитмоқчимисан?

– Бажонидил, – деди Алиса мулойим оҳангда.

– Буни қандай амалга оширишни айтиб бераман. Ўша пайт ўзимга-ўзим шундай деяётгандим: ягона муаммо – оёқлар, бош шундоқ ҳам тепада. Биринчи бўлиб бошни дарвоза пештоқига қўяман-да, унга чиқиб оламан. Қарабсанки, оёқлар ҳам керакли баландликда бўлади ва ошиб ўтавераман.

– Менимча, бунақада ағанашингиз ҳеч гапмас. Ҳар қалай, бу жуда мураккаб-ку?

– Буни ҳали синаб кўрганимча йўқ. Шунинг учун бирор тайинли гап айтолмайман. Бироқ ўзим ҳам қийинроқ бўлишидан ҳайиқиб турибман.

– Дубулғангиз антиқа экан, – деди Алиса мавзуни ўзгартириш кераклигини англаб. – Бу ҳам ўзингизнинг ихтироларингизданми?

Рицарь дубулғасига ғурурланиб қараб олди-да, тушунтирди:

– Ҳа. Бундан-да яхшироқ биттасини ихтиро қилувдим. Отдан учиб кетганимда дубулға мендан олдин ерга тушарди, натижада мен қисқароқ масофага йиқилардим. Аммо, ёмон тарафи, унинг ичига тушиб қолишим мумкин эди. Бир марта шундай ҳам бўлди. Энг ёмони, Оқ Рицарь уни шартта кийиб олди. У дубулғани ўзиники, деган ўйга борган экан.

– Ишқилиб, унинг бошига шикаст етказмадингизми? – деди Алиса овози титраб.

– Уни тепишимга тўғри келди, албатта, – деди Рицарь жиддий оҳангда. – Шунда у дубулғани ечди. Ундан чиқишимга эса соатлаб вақт кетди. Менинг ёруғлик тезлигида ҳаракат қилишимни биласан-ку.

– Бироқ бу тезликнинг бошқача тури-ку? – деди Алиса.

Рицарь бошини сарак-сарак қилди.

– У ерда тезликнинг барча тури бор эди. Униси ҳам, буниси ҳам, – деб қўлларини кўтаргани ҳамоно яна учиб тушди.

Алиса югуриб унинг ёнига борди. Бу гал Рицарь ростдан ҳам шикастланишидан хавотирда эди. Алиса унинг оёқларидан бошқа ҳеч нимани кўрмади, дарвоқе, Рицарнинг овози ҳам эшитиларди.

– Тезликнинг тури кўп, – қайтарди у. – Бироқ бировнинг, камига эгаси ичида бўлган дубулғасини кийиб эҳтиётсизлик қилганди.

– Каллангиз ерга кириб қолган бўлсаям, хотиржам гапирасиз-а? – деди Алиса уни оёқларидан тортаркан.

Рицарь унинг саволидан ажабланди.

– Танамнинг қаерда бўлишининг нима аҳамияти бор. Миям доим бир хилда ишлайверади. Аслида оёғимни осмонга қанча кўп кўтариб турсам, шунча яхши ихтиролар қила оламан.

Рицарь бироз жим тургач, ер остидан паст овозда гапиришда давом этди:

– Қилган ихтироларимдан энг аълоси пудинг бўлган. Бундай пудинг қачондир пиширилганига ҳам, пиширилишига ҳам ишонмайман! У мен кашф этган энг ақлли пудинг.

– У нимадан тайёрланади? – саволга тутди Алиса унинг овози ҳазин бўлиб қолганини сезиб.

– Сиёҳшимгичдан, – жавоб берди Рицарь.

– Ундан рисоладагидек пирог чиқмас-ов...

– Битта ўзидан дуруст чиқмайди. Порох ёки сургучга ўхшаш бирор нарса қўшиш керак. Шу ерда сени қолдириб кетишим керак, – деди улар ўрмон четига келиб қолишганда.

Алисанинг хаёли пудинг билан банд эди.

– Хомуш тортиб қолдинг. Сенга қўшиқ айтиб берақолай, – деди Рицарь.

– Узун эмасми? – деб сўради кун бўйи неча бор қўшиқ тинглашига тўғри келгани учун Алиса.

– Узун. Аммо жуда-жуда чиройли. Уни ким эшитса, кўзига ёш келади ёки...

– Нима ёки? – сўради Рицарь Алиса жим бўлиб қолгач.

– Ёки келмайди. Қўшиқнинг сарлавҳаси – "Олабуғанинг кўзлари".

– О, қўшиқ шундай номланса керак-да, а? – деди Алиса қизиқиб кетиб.

– Йўқ, тушунмадинг. Сарлавҳаси шундай номланади. Аслида қўшиқ "Қария" деб номланади.

– Унда мен қўшиқнинг номи қандай десам тўғри бўларкан-да?

– Йўқ. Қўшиқнинг номи бутунлай бошқа – "Йўллар ва маънолар".

– Хўш, қўшиқ ўзи қандай экан? – деди Алиса чалкашиб кетиб.

– Энди шуни айтмоқчи эдим. Ростини айтсам, қўшиқ – "Дарвозада ўтириб". Куйи ўзимга тегишли.

У отини тўхтатиб, ҳам раҳмдил, ҳам аҳмоқона юзига табассум ёйилиб, қўлларини тебратиб куйлай бошлади.

Бу Алиса кўзгу ортига қилган саёҳати давомида бутун умр эслаб юрадиган воқеа эди. Йиллар ўтса-да, Алиса кейин ҳам шу ҳолатни майда тафсилотларигача ёдда сақлаб қолди. У Рицарнинг мовий кўзларини, меҳрли табассумини, сочлари узра нур сочаётган қуёшни, отнинг оҳиста одимини, ўрмонда ортида қолган кўланкалару, дарахт ёнида уйқусираб қўшиқ тинглаганини – барча-барчасини хотирлай оларди.

Рицарь балладасининг сўнгги сартларини куйлаб бўлгач:

– Тепаликдан пастгача беш ярд қолди, ариқчадан ўтиб, Қиролича бўласан... Бироқ, олдинига менинг кетишимни кузатиб туролмайсанми? – деди.

Алиса у кўрсатган томонга энди бурилаётувди, у яна:

– Кўп кутишингга тўғри келмайди. Сўқмоқдан қайрилаётганимда қўлингни силкитиб қўйсанг бўлгани, – деди.

– Албатта. Кузатиб қўйганингиздан жуда миннатдорман. Қўшиқ учун ҳам раҳмат. У менга жуда ёқди, – деди Алиса.

– Шундай деб умид қиламан. Фақат кутганимдек кўзёш тўкмадинг.

Улар қўл сиқишди ва Рицарь ўрмон ичкарисига равона бўлди.

– Кузатишимга кўп вақт кетмас, – деди ўзига-ўзи Алиса унинг ортидан қараб қоларкан. – Яна йиқилди! Одатдагидек, боши билан. Шунга қарамай, тағин осонгина отга миниб олди.

Рицарь аввал бир томонга, кейин бошқа томонга ағанай-ағанай кетиб борарди. Тўртинчи ёки бешинчи марта йиқилганидан сўнг у ўгирилиб қаради, Алиса унга қўл силкиди ва у кўздан ғойиб бўлгунча шу тахлит тураверди.

– Қани энди сўнгги ариққа – Қиролича бўлгани олға! Жуда улуғвор жаранглаяпти-да ўзиям!

Бир-икки қадам босгач, у ариққа етиб келди.

– Ниҳоят сакказинчи катак! – ҳайқирди у ўтаётиб ва ўзини юмшоққина гулларга бурканган майсазорга отди. – О, бу ердалигимдан шундай бахтиёрманки! Бошимдаги нима? – ажабланди у бошидаги оғиргина нарсани пайпаслаб кўраркан. – Бу қандай қилиб сездирмай бошимда пайдо бўлиб қолди? – деб у ўша нарсани қўлига олди.

Бу олтин тож эди.

9. Қиролича Алиса

– Ажойиб! – деди Алиса ўзига-ўзи. – Бунчалик тез Қиролича бўламан деб ўйламовдим... Сизга, Ҳазрати олиялари, мана, нима демоқчиман: ўтлоқда бундай чўзилиб ётиш ярамайди! Кимлигингизни зинҳор унутманг!

Ҳаммаси бир зумда, ғаройиб тарзда рўй бергани боис, Алиса икки ёнида Қора ва Оқ Қироличаларни кўриб зиғирча ажабланмади. Улар бу ерга қандай келиб қолишганини сўрамоқчи бўлди-ю, лекин бу бетгачопарлик бўлишини ўйлаб фикридан қайтди.

– Марҳамат қилиб айтсангиз... – деди ниҳоят у Қора Қироличага юзланиб.

– Сенга қачон мурожаат қилишсагина гапиргин! – деб унинг гапини бўлди Қиролича.

– Аммо ҳамма шу қоидага амал қилса, яъни гапиришсагина оғиз очадиган бўлсангиз, бошқалар сизнинг мурожаатингизни кутса-чи? У ҳолда, кўриб турганингиздек ҳеч ким ҳеч нарса демайди, бундан эса... – бидирлади доим баҳслашишга тайёр Алиса.

– Аҳмоқона мулоҳаза! – қичқирди Қиролича. – Нега тушунмайсан, қизалоқ? – деди кейин ўйланиб. Сўнг мавзуни ўзгартирди-да:

– Ўзингни Қиролича деб аташга нима ҳаққинг бор? То имтиҳондан ўтмагунингча Қиролича бўлолмайсан. Имтиҳонни эса, яхшиси, тезроқ бошлай қоламиз.

Икки Қиролича бир-бирига қараб олишди ва Қораси Алисага:

– Доим ҳақиқатни сўзла. Гапиришдан олдин ўйла, кейин эса гапингни ёзиб қўй, – деди.

– Буни назарда тутмаганимга ишончим комил... – деб эътироз билдиргани ҳамоноқ Қиролича:

– Маънисиз гаплардан нима фойда, ўйлаб кўр. Ҳатто ҳазилларда ҳам қандайдир маъно бўлиши керак. Сен ҳатто икки қўллаб ҳаракат қилсанг ҳам буни инкор этолмайсан, – деди.

– Мен ҳечам икки қўллаб рад этмайман, – деди Алиса.

– Ҳеч ким сени шундай қилади, деяётгани йўқ. Мен агар уриниб кўрсанг ҳам қилолмайсан дедим, – тушунтирди Қора Қиролича.

– У ҳам шундай демоқчи эди, – гапга аралашди Оқ Қиролича. – У бирор нарсани инкор этишни истайди-ю, нималигини билмайди!

– Феълингга чидаб бўлмайди, – эътироз билдирди Қора Қиролича. Орага ноқулай жимлик чўкди.

Қора Қиролича сукутни бузиб Оқ Қироличага:

– Сизни тушликдаги Алисанинг базмига лутфан таклиф қиламан, – деди.

Оқ Қиролича ҳам жилмайиб:

– Мен эса сизни таклиф қиламан, – деди.

– Менинг базмдан сира хабарим йўқ. Агар меҳмонларни таклиф қилиш керак бўлса, буни фақат ўзим бажаришим керак-ку, ахир.

– Ҳозир сенда шундай имкон бору, аммо ўйлашимча, сен етарлича одоб-ахлоқ дарсларини олмагансан.

– Одоб-ахлоқ дарсда ўқитилмайди. Дарсларда ҳисоб-китоб ва шунга ўхшаш нарсалар ўргатилади, – деди Алиса.

– Сенга қўшишни ўргатишганми? Қани бирга бирни, унга яна бирни, яна бирни, яна бирни, унгаям бирни, кейин яна бирни, яна бирни ва яна бирни қўшсак неча бўлади? – сўради Оқ Қиролича.

– Билмадим. Ҳисобдан адашиб кетдим, – деди Алиса.

– У қўшишни билмас экан, – деди Қора Қиролича. – Айиришни-чи? Саккиздан тўққизни айирсак неча бўлади?

– Саккиздан тўққизни? Билолмадим, – деди Алиса.

– Айиришдан ҳам бехабар. Бўлишни-чи? Нонни пичоқда бўлсак... жавоби қандай бўлади?

– Менимча... – дейиши билан Қора Қиролича Алисанинг гапини бўлиб:

– Бутерброд бўлади-да, – деди. – Майли, яна айиришдан савол бера қоламиз. Итдан суякни айирсак нима қолади?

Алиса ўйлади.

– Суякнинг қолмаслиги аниқ. Уни айирсам, ит ҳам қолмайди. У мени тишлайди. Демак, мен ҳам қолмайман!

– Сенингча, ҳеч нима қолмайдими? – деди Қора Қиролича.

– Ўйлашимча, шундай.

– Ҳар доимгидай хато. Итнинг айниган феъли қолади, – деди Қора Қиролича.

– Қанақасига, ахир...

– Қанақасига бўларди, ўйла, ғазабдан ит қутурадими? – ўшқирди Қиролича.

– Эҳтимол, – жавоб берди Алиса.

– Кейин, ит кетгач, унинг айниган феъли қолади-да! – ғолибона шанғиллади Қиролича.

– Улар ҳар хил томонларга кетишса-чи? – деди Алиса тилини тия олмай. Кейин ўзича: "Қандай сафсаталарни гапираяпмиз-а!" деб ўйлади.

– У ҳисоб-китобдан мутлақо бехабар, – деди Қироличалар бараварига.

– Ўзингиз-чи, ҳисоблай оласизми? – деди қўққисдан Алиса Оқ Қиролича томон ўгирилиб.

Қиролича кўзларини чирт юмиб олиб:

– Мен, агар вақт берсанг, қўшишни бажара оламан, – деди.

– Сен-чи, алифбони биласанми? – сўради Қора Қиролича.

– Албатта, биламан, – деди Алиса.

– Мен ҳам, – шивирлади Оқ Қиролича. – Биз уни биргаликда тез-тез такрорлаб турамиз, азизам. Сенга бир сирни очай... мен сўзларни ҳарфлаб ўқий оламан. Зўр-а! Ғам чекма, сен ҳам вақти келиб буни ўрганиб оласан.

Шу пайт Қора Қиролича яна сўроқни бошлаб қолди:

– Энди фойдали саволларга ўтамиз. Хўш, нон қандай тайёрланади?

– Буни биламан! – хурсандлигидан қичқириб юборди Алиса. – Аввал қанчадир миқдорда ун соласиз...

– Гул қаердан тўпланади? Боғданми ё томорқадан?

– Хўш, у умуман олганда тўпланмайди, – тушунтирди Алиса. – У ерда...

– Ер неча акрдан иборат? – деди Оқ Қиролича. – Сен шунча нарсани ҳисобга олмаслигинг мумкин эмас.

– Уни елпинглар, – дея гапни бўлди Қора Қиролича. – У шунча нарсани ўйлагач, боши қизиб кетади, ахир.

Шунда улар Алисани барглар билан елпий бошлашди. Ниҳоят, қиз елпишни бас қилишларини сўради, шамолдан унинг сочлари тўзғиб кетганди.

– Энди ўзига келиб қолди. Тил биласанми? Французчада "сафсата" нима бўлади? – деб сўради Қора Қиролича.

– "Сафсата" инглизча сўз ҳам эмас, – тез жавоб қайтарди Алиса.

– Ким инглизча деб айтди? – деди Қора Қиролича.

Алиса бу гал бўш келмай жавоб топди:

– Агар сиз мендан "сафсата" қайси тилда деб сўраганингизда французча деган бўлардим!

– Баҳслашмай қўя қолайлик, – деди Оқ Қиролича. – Чақмоқ чақишининг сабаби нима?

– Чақмоқнинг боиси – момақалдироқ, – қатъий жавоб берди Алиса. Чунки жавоб тўғрилигига ишонарди, аммо бироздан кейин:

– Йўқ! Йўқ! – дея шошиб жавобини тўғрилади. – Мен бунинг аксини айтмоқчи эдим!

– Тузатишга кеч қолдинг! Гапирганингда доим оқибати ҳам бўйнингда бўлади, – деди Қора Қиролича. – Дарвоқе, ўтган сешанбада шунақанги момақалдироқ бўлдики. Мен ўтган ҳафтанинг сешанбаларидан бирини назарда тутаяпман.

Алисанинг боши қотди.

– Бизда сешанба ҳафтада бир марта бўлади, – деди у.

– Бунақада бирор иш қилишга имкон қолмайди-ку? Бу ерда эса айрим кун ва тунлар икки-уч марталаб такрорланади. Баъзан қишда беш тунни бирданига ўтказамиз, иссиқроқ бўлиши учун, албатта, – деди Қора Қиролича.

– Беш тун бир тундан иссиқроқ бўладими? – сўради Алиса.

– Беш баробар иссиқроқ, албатта.

– Ундай бўлса, беш маротаба совуқроқ ҳам бўлиши мумкин...

– Албатта! Беш марта иссиқроқ, беш марта совуқроқ ҳам бўлади, худди мен сендан беш маротаба бойроқ ва ақллироқ бўлганимдек.

"Жавоби йўқ топишмоқнинг ўзгинаси!" деган ўйга борди Алиса.

– Ўшанда Ади-Бади ҳам шу ерда эди. У ўша куни қўлида қаламтарош билан келганди, – гапни давом эттирди Оқ Қиролича.

– Нима хоҳлаганди у? – сўради Қора Қиролича.

– Ичкарига киришни, у бегемотни излаб юрганини айтувди. Ўша пайт уйда ундай жонивор йўқ эди, – деди Оқ Қиролича.

– Одатда бўлармиди? – сўради Алиса ҳайратланиб.

– Ҳа, фақат пайшанба кунлари, – деди Қиролича.

– Унинг аслида нега келганига ақлим етиб турибди. У балиқларни жазоламоқчи бўлган, чунки... – Алисанинг гапи чала қолди. Чунки Оқ Қиролича яна ҳалиги гапини давом эттирди.

– Қандай момақалдироқ бўлганини тассавур ҳам қилолмайсан! ("У ҳеч қачон тасаввур қилиб ҳам кўрмаган", дея изоҳ киритди Қора Қиролича). Томнинг бир бўлаги учиб кетганди, момақалдироқ ичкарига кирди. У хона бўйлаб айланиб юрар ва столларни, буюмларни тарақлатарди. Мен эса қўрққанимдан исмимни ҳам эслолмасдим.

Алиса ўзича: "Мен зинҳор фавқулодда вазиятда исмимни хотирлашга уринмасдим! Бундан нима наф?" деб ўйлади-ю, боёқиш Қироличанинг туйғуларини камситмай деб индамай қўя қолди.

– Ҳазрати олиялари, унинг гуноҳини афв этинг, – деди Қора Қиролича Алисага, Оқ Қироличанинг бир қўлидан ушлаб туриб. – У аҳмоқона валдирашдан ўзини тия олмаса ҳам, хайрли нарсаларни кўзлаб гапиради.

Оқ Қиролича Алисага мўлтираб тикилди. Қиз шундай пайтда мулозамат қилиши кераклигини сезиб турса-да, хаёлига бирор жўяли фикр кела қолмасди.

– У рисоладагидек тарбия кўрмаган. Лекин ҳайратланарлиси, шунга қарамай, у барибир меҳрибон, – гапида давом этди Қора Қиролича.

Шунда ҳе йўқ, бе йўқ Оқ Қиролича бошини Алисанинг елкасига қўйди ва:

– Шундай уйқум келаяптики! – деди.

– Бечорагина, роса чарчабди! Унга алла айтиб бера қол, – деди Қора Қиролича.

– Мен бирорта ҳам алла билмайман-да.

– Унақада ўзим айта қоламан, – шундай деб Қора Қиролича аллани бошлади:

Алисанинг тиззасида ором олгин, алла-ё,
Мизғиб олгин, базмгача бор ҳали вақт, алла-ё.
Ундан чиқиб борадурмиз рақсга ҳам, алла-ё,
Оқ ва Қора Қиролича, Алиса ва ҳамма-ё.

– Ана, сўзларини билиб олгандирсан? Энди менга куйлаб бер. Менинг ҳам уйқим келди, – деб у Алисанинг иккинчи елкасига бошини қўйди-да, зум ўтмай донг қотиб ухлаб қолди.

– Нима қилсам экан? Аввалари бунақаси бўлмаган, яъни бир-йўла икки Қироличага баравар ғамхўрлик қилинмаган! Бутун Англия тарихида бунақаси учрамаган... Учраши ҳам мумкин эмас-да, чунки бир вақтда

ҳечам биттадан ортиқ Қиролича бўлмаган. Уйғонинг, жуда ҳам оғир экансиз! – деди Алиса тоқати-тоқ бўлиб, аммо Қироличалар бунга жавобан енгилгина хуррак отиб қўя қолишди. Кейин икковиям қаёқадир ғойиб бўлди.

Алиса ҳеч нимани тушунмай йўлида давом этаверди ва қўққисдан тепасига "Қиролича Алиса" деб ёзилган баҳайбат эшик қаршисидан чиқди. Эшикнинг ҳар икки томонига қўнғироқ илинган бўлиб, бирига "Меҳмонлар қўнғироғи", иккинчисига "Хизматкорлар қўнғироғи" сўзлари битилганди.

Ичкаридан эса мусиқа товуши эшитиларди.

– Мусиқанинг ниҳоясини кута қоламан, – деди у ўзига-ўзи. – Кейин-чи? Қайбирини чаламан? – дея қўнғироқдаги ёзувларни кўриб боши қотди. – Ахир, мен на меҳмон, на хизматкорман. Бу ерга "Қиролича қўнғироғи" деб ҳам ёзиш керак эди...

Шунда эшик қия очилиб, тумшуғи узун бир мавжудот бош суқди-да:

– Меҳмонлар келаси ҳафтагача қабул қилинмайди, – деб эшикни ёпиб қўйди.

Алиса эшикни узоқ тақиллатди, қўнғироқни чалди, лекин ичкаридан садо чиқмади. Ниҳоят, нарироқдаги дарахт остида ўтирган Қурбақа туриб, у томонга келди. У сап-сариқ либосда, оёғига катта пойабзал кийиб олганди.

– Нима бўлди? – сўради у шивирлаб.

– Эшикка жавоб берадиган хизматкор қаерда ўзи? – деди Алиса тутақиб.

– Қайси эшикка? – деди Қурбақа.

– Мана бунга-да!

Қурбақа катта-катта кўзлари билан эшикка қараб турди-да:

– Эшикка жавоб берадиган? У ўзи нима сўраяпти? – деди.

– Гапингизни тушунмадим, – деди қиз.

– Инглизча гапирдим, шундайми? Ёки кармисан? У сендан нима сўраяпти?

– Ҳеч нарса! Мен уни тақиллатаяпман!

– Бундай қилма, зинҳор бундай қила кўрма, – деди Қурбақа ва эшик ёнига келиб, уни улкан оёқлари билан бир тепди-да:

– Унга тегма. Шунда у ҳам сенга тегмайди, – деди минғирлаб яна бояги жойига қайтаркан. Эшик очилиб ичкаридан куйлаётган овозлар эшитилди:

Қиролича Алиса чорламоқда базмга,
Кўзгу орти аҳли, қани кетдик, чаққонроқ.
Келиб шерик бўлинглар бу базму зиёфатга,
Оқ ва Қора Қиролича-ю, камина-ла илдамроқ.

Юзлаб овозлар қўшиққа жўр бўлди:

Қадаҳларни тўлдиринг, бўлинг дарҳол, шошилинг,
Аямай дастурхонга тугма, кепакдан сепинг.
Қаҳваларга мушуклар, чойларга қўшинг сичқон,
Уч карра ўттиз марта, айтинг қизга шараф-шон!

Алиса ўзича: “Ўттизни учга кўпайтирса, тўқсон бўлади. Қизиқ, кимдир буни ҳисоблаётганмикан?” деб ўйлади. Бир дақиқа жимиб қолгач, ўша овоз яна куйлади:

Кўзгу орти аҳли, – Алиса сўз олиб дер, –
Сизга шараф кўриш, тинглаш бизларни.
Еб-ичиш ҳам келтиражак чексиз ифтихор,
Оқ, Қора Қиролича ҳамда мен-ла бахтиёр.

Овозлар жўр бўлди:

Қиёму, сиёҳларга тўлсин бугун қадаҳлар!
Ичса кўнгил яратувчи неки борки, қуйинглар.
Қумга олма шарбати, жунга вино қўшинглар,
Тўқсон тўққиз карра шараф Алисага, жўшинглар!

– Тўқсон тўққиз карра! – қайтарди Алиса. – Буни ҳисоблаш ҳам қийин! Яхшиси бирдан ичкарига кира қолай...

У ичкарига кириши билан ҳамма жимиб қолди.

Алиса ташвишланиб стол атрофида ўтирганларга қаради. У ерда турли жониворлардан иборат элликтача меҳмон бор эди. Уларнинг баъзилари ҳайвонлар, айримлари қушлар, ораларида ҳатто бир-иккита гул ҳам бор.

– Таклиф қилмасам ҳам келаверишгани соз бўлибди, – хаёлидан ўтказди Алиса.

Стол тўрида эса учта стул бўлиб, Оқ ва Қора Қироличалар аллақачон ўз жойларини эгаллашганди, ўртадаги стул бўш эди. Алиса нокулай сукунатга эътибор бермай, ўша стулга ўтирди.

Ниҳоят, Қора Қиролича гап бошлади:

– Шўрва ва балиқни ўтказиб юборинг. Унга бироз гўшт беринг, – деди.

Официантлар Қўй оёғидан олиб келишди. Алиса нимадан бошлашни билмай қараб қолди.

– Уялаяпсан чоғи. Кел, сени Қўй оёғи билан таништириб қўяман. Алиса, бу Қўй оёғи, Қўй оёғи, бу Алиса.

Оёқ идишда туриб Алисага таъзим қилди, Алиса ҳам таъзим билан жавоб қайтарди.

– Сизни бурдаласам майлими? – деди у қўлига пичоқ ва санчқини оларкан. Қироличалар бир-бирига қараб олишди.

– Йўқ, албатта, – деди қатъий оҳангда Қора Қиролича. – Сенга таништирилган нарсани бурдалаш одобдан эмас! Қўй оёғини олиб кетинг!

Официантлар уни олиб кетишди-да, ўрнига олхўрили пудинг келтиришди.

– Илтимос, Пудингни таништирмасангиз, – деди Алиса шошиб. – Акс ҳолда кечки таомсиз қоламан. Ундан бир бўлак кесиб олсам майлими?

Бироқ Қора Қиролича:

– Пудинг, бу Алиса, Алиса, бу Пудинг. Энди уни олиб кетинг, – деганди, Пудингни дарров олиб кетишди. Алиса ҳатто Пудингга таъзим қилишга ҳам улгурмади.

“Фақат Қора Қиролича буйруқ бераркан-да!” ўйлади у. Шу боис ҳам ўзини синаб кўрмоқчи бўлиб:

– Официант! Пудингни ортга қайтаринг, – деб буюрди. Шу он Пудинг столда пайдо бўлди. У чунонам катта эдики, Алиса қўл уришга бироз хижолат тортди. Лекин барибир уни тақсимлаб, Қора Қироличага узатди.

– Қандай сурбетлик! Сени ҳам бўлакларга бўлсам ёқармикан! – ўшқирди Пудинг.

Унинг овози йўғон эди. Алиса ҳайратланиб қараб қолди.

– Эътироз билдирсанг-чи! Нима, Пудинг билан гаплашиш қўлингдан келмайдими? Балиқдай чурқ этмайди-я!

– Биласизми, бугун шу қадар кўп шеър тингладимки, – дея қиз оғиз жуфтлаган эди, ҳамма унга қаради. – Ажабланарлиси, уларнинг деярли бари балиқ ё шунга ўхшаш мавжудотлар ҳақида эди. Нега бу ерликлар балиқларга бунчалар ишқибозлигини билмайсизми?

– Дарвоқе, балиқлар хусусида, – деди Қора Қиролича Алисанинг қулоғига энгашиб. – Оқ Ҳазрати олиялари балиқлар ҳақидаги топишмоғу, жамики шеърларни билади. Саволингга ундан жавоб оласан.

– Қора Ҳазрати олиялари буни эслатиб ғоятда саховат кўрсатди, – деди мулойим оҳангда Оқ Қиролича. Кейин Алисанинг қулоғига энгашиб шивирлади: – Бу жуда соз бўларди. Айтаверайми?

– Марҳамат, – хушмуомалалик билан рухсат берди Алиса.

Оқ Қиролича табассум қилиб, шеърини бошлади:

Аввал балиқ тутасан,
Кучинг бўлса бу осон.
Кейин сотиб оласан,
Ақчанг бўлса бор имкон.
Энди уни пиширгин,
Зумда бўлади тайёр.
Идишга қўйгин секин,
Дастурхон бўлсин бисёр.
Келтир уни емакка,
Стол унга мунтазир.
Қопқоғин ол эрмакка,
Идишда балиқ ҳозир.
Лекин қопқоқ елимдек,
Бамисли қийин жумбоқ.
Олинармикан қопқоқ,
Ё аксин лозим қилмоқ.

– Ўйлаб олиб, кейин жавоб бер, – деди Қора Қиролича. – Биз эса сенинг соғлиғинг учун ичамиз. Қиролича Алисанинг соғлиғи учун!

У бор овози билан шундай деб бақиргач, меҳмонлар шу заҳоти ичишни бошлашди. Улар ғалати тарзда ичишарди, баъзилари қадаҳларни бошларига кийиб олиб, юзларига оқиб тушаётган ичимликни тамшаниб ялар, бошқалари эса ичимликни столга тўкиб, эгилиб ҳўплашарди. Яна кимдир (кенгуруга ўхшаганлари) қовурилган гўштли идишнинг ичига тушиб олиб, қайласини сипқоришарди. “Булар чўчқанинг ўзгинаси-я!” ўйлади Алиса.

– Сен миннатдорчилик билдиришинг лозим, – деди Қора Қиролича Алисага юзланиб.

– Биз сенга кўмаклашамиз, – шивирлади Алисага ўрнидан тураётганида Оқ Қиролича.

– Ташаккур, ўзим уддалайман, – деди қиз пичирлаб.

– Бу хато бўлади, – деди Қора Қиролича дангал.

– Мен миннатдорчилик билдиргани тураяпман... – дея нутқини бошлади Алиса. У ростдан ҳам ўрнидан бир неча дюйм кўтарилганди, бироқ уни ушлаб жойига қайта ўтқазишди.

– Эҳтиёт бўл! – қичқирди Оқ Қиролича Алисанинг икки қўлидан ушлаб. – Нимадир бўлаяпти!

Қолгани (кейинчалик Алисанинг тасвирлаб беришича) кўз очиб юмгунча рўй берди. Шамлар шифтгача ўсиб кетди. Шиша идишлар бир жуфт ликопчаларни қанот, санчқиларни эса оёқ қилиб олишди. "Қушларга ўхшаб қолишди-я", хаёлидан ўтказди Алиса.

Шу он ён томонидан кимнингдир кулгиси эшитилди. У Оқ Қироличага нима бўлди деб ўгирилса, Қироличанинг ўрнида Қўй оёғи ўтирарди.

– Мана мен! – деган чинқириқ келди шўрва солинган идишдан. Алиса ўша ёққа қараса, Қироличанинг илжайган башараси шу заҳоти даф бўлди. Пайсалга солишнинг вақти эмас. Меҳмонларнинг айримлари идишларга ётиб олишган, қошиқлар у томонга келишарди.

– Ортиқ тоқатим қолмади! – деб Алиса ўрнидан сапчиб турди-да, иккала қўли билан дастурхонни тортди. Бир тортишдаёқ ликопчалар, идиш-товоқлар, меҳмону шамлар аралаш-қуралаш ерга тўкилди.

– Сизни эса... – у Қора Қиролича томон юзланди. Бахтга қарши у жойида эмасди. Тўғрироғи, у кичрайиб қолганди ва рўмолига ўралашиб гир айланарди.

Бошқа пайт Алиса бундан ҳайратланарди, эҳтимол. Аммо бу гал у:

– Сизни эса... – деб Қора Қироличани қўлига олди-да, – мушукчадек силкитиб ташлайман, – деди.

10. Силкитиш

У гапираётиб Қироличани бор кучи билан дам олдинга, дам орқага силкитарди. Қора Қироличанинг юзи борган сари кичрайиб, кўзлари каттариб, яшил тусга кириб борарди. Силкитаётганида у яна... ўзгарар... юмшоқ, думалоқ бўлиб қоларди.

11. Уйғониш

... ва у ростдан ҳам мушук бўлиб чиқди.

12. Бу кимнинг туши эди?

– Ҳазрати олиялари, бунчалик баланд овозда хуриллаш ярамайди, – деди Алиса кўзларини ишқалаб. – Сен мени уйғотиб юбординг, ахир! Қандай ажойиб туш эди-я! Кити, сен кўзгу ортида доим мен билан бирга эдинг, биласанми?

Аммо мушукча бунга жавобан хур-хурлаб қўйди, бу “ҳа” деганими, “йўқ” деганими, билиб бўлмасди. Шунинг учун Алиса стол устидаги шахмат доначаларидан Қора Қироличани излаб саралай бошлади. Уни топгач, гиламга тиззалаб ўтириб, бир-бирини кўришлари учун мушук ва Қироличани юзма-юз қўйди.

– Ана энди, Кити, қара, сен мана нимага айланиб қолгандинг! – дея у хурсандлигидан чапак чаларди.

Бироқ мушук қарагиси келмаётгандек бошини нуқул четга буриб олаверарди. Жиндек бўлса ҳам, ўзидан уялгандек кўринарди.

– Ўтир, азизам! – деди Алиса кулиб. – Ўйлаётганингда... эй йўқ, хурилаётганингда таъзим қил, бу вақтни тежайди, эслаб қол!

Шундай деб, у мушукчани ўпиб қўйди.

– Оппоққинам менинг, – деб гапида давом этди у Дина ялаб-юлқаб ювинтираётган оқ мушукчага елкаси оша қараб. – Дина Оқ Ҳазрати олияларини тозалашни қачон тугатаркан? Бунчалик кир бўлиб кетганингга сабаб тушимдаги палапартишлигинг бўлса керак... Дина! Унинг Оқ Қироличалигини билармидинг? Динанинг ўзи-чи, нимага айланиб қолганди? Ўзинг айт-чи, Дина, Ади-Бадигами? Менимча, сен... Ҳар қалай, тушимда сенга ёққани балиқлар ҳақидаги шеър экани аниқ. Эртага тонгда сени махсус таом билан сийлаб, “Дурадгор ва Морж”ни айтиб бераман.

Энди эса, Кити, аслида бу кимнинг туши эканини бир ўйлаб кўрайлик-чи. Азизам, бу жиддий масала, шунинг учун панжангни ялашни бас қил... Кити, ўзинг ҳам кўрдинг-ку... туш меникимиди ё Қора Қиролники? У, шубҳасиз, тушимнинг бир қисми бўлган, аммо мен ҳам у кўрган тушнинг бир бўлаги бўлганман-ку! Туш Қора Қиролникимиди? Қадрдоним, тушимда сен унинг рафиқаси эдинг, шунинг учун буни билишинг лозим. О, Кити, масалани ечгани кўмаклашсанг-чи! Ишончим комилки, панжаларинг унгача кутиб тура олади.

Бироқ Кити Алисани эшитмай муғомбирлик билан бошқа панжасини ялай бошлади.

Хўш, сизнингча, бу кимнинг туши эди?

Шарлотта БРОНТЕ

(1816–1855)

ЖЕЙН ЭЙР

Роман[1]

Рус тилидан
Шаҳло АҲРОРОВА
таржимаси

ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

Икки кун ўтди. Ёзги оқшом тушди; аравакаш мени Уиткросс деб номланадиган чорраҳада тушириб кетди. У мен берган пулга бундан бу ёғига олиб кетолмасди, менда эса бир шиллинг ҳам қолмаганди. Экипаж бирпасда тушган жойимдан бир мил узоққа кетиб улгурди ва мен ёлғиз қолдим. Шу он тугунчам эсимга тушиб, уни экипажда қолдирганимни сездим. Менда умуман ҳеч нарса қолмаганди. Уиткросс – шаҳар эмас, ҳатто қишлоқ ҳам эмас: бу бор йўғи чорраҳадан тўрт тарафга кетган йўлни қоронғида ҳам кўриниши учун бўр билан белгилаб қўйилган тош устун эди. Унинг тепасида ҳар тарафга кўрсатиб қўйилган тахтачалар ўрнатилган бўлиб, унда ёзилишича, энг яқин шаҳар ўн мил, узоқроғи эса йигирма милдан зиёд узоқликда жойлашган экан. Менга бу шаҳарнинг номи ва қайси графликка келиб қолганим таниш эди. Бу шимолий графликлардан бири бўлиб, ери балчиқ ва тепаликлардан иборат. Орқадаги икки тарафда эса одамлар яшамас, қир-адирларга уланиб кетган зангори водий оёғим остидан бошлаб узалиб ётарди. Бу ерда аҳоли кам яшайди чоғи, йўлда ҳеч ким кўринмади. Бу йўл ғарбга чўзилиб кетган, шарқ, жануб ва шимол тараф оппоқ, кенг ва сукунат оғушида эди; бу йўллар қалин ва гуркираб ўсиб ётган супургигуллардан иборат ботқоқ ва бўш ерлар устидан ўтганди. Балки битта-ярим йўловчи ўтиб қолиши мумкин эди, аммо ҳозир ҳеч кимнинг кўзига кўрингим келмасди: нотаниш одамлар бу ерда, тош устун ёнида ёлғиз, мақсадсиз нима қилиб турганимга ҳайрон бўлишлари мумкин эди. Агар улар мендан савол сўрасалар, паришонхотир жавобларим билан уларда шубҳа уйғотишим мумкин эди, холос. Мени одамлар билан боғлайдиган ҳеч қандай ришта қолмаган. Ҳеч қандай умид ёки қизиқиш ўзимга ўхшаш мавжудотлар орасига чорламаётган, кўринишимда уларнинг менга нисбатан яхши фикрда бўлмасликлари ва ҳамдардлик қилишга ҳам кўзлари учмаётгани тайин эди. Ҳозир она

[1] Давоми. Бошланиши аввалги сонларда.

табиатдан бўлак қариндошим йўқ эди; мен фақат унинггина кўксига бош қўйиб, ором сўрашим мумкин.

Мен супургигуллар орасига чўкиб, баланд ўсган бута поясидан ушлаганча, қалин майса устига тиззалаб, сўқмоқ буримларига кўз ташладим ва мох босган гранит қоятошга кўзим тушди. Ўша тош тагига бориб ўтирдим. Қияликда баланд ўсган буталар мени қуршаб олган, қоятош эса бошим устида осилиб турар, унинг устида кенг осмон намоён эди.

Мана шу хилватда ҳам тинчланиб олишим учун бирмунча вақт керак бўлди; мен яқин ўртада тўдасидан ажраган бирор ҳайвон бўлишидан ва мени бирор овчи ёки браконьер топиб олишидан қўрқардим. Шамол увиллаши мен томон келаётган буқа бўлиб туюлди ва бошимни кўтардим; балиқчи қушнинг овози эса одамникига ўхшади. Аммо қўрқувларим асоссиз эканини кўриб, кириб келаётган туннинг сукунатидан тинчланиб, жойлашиб олган жойим ишончли эканини ҳис этдим. Шу пайтгача ҳали бирор-бир фикр йўқ эди миямда, шу пайтгача фақат қулоқ тутиб, атрофга боқдим ва қалтирадим; энди менга фикрлаш имконияти қайтган эди.

Нима қилишим керак? Қаерга бораман? Нима қилишимни, қаерга боришимни билмасдим. Одамзот яшайдиган қўналғага етиб олгунимга қадар қалтироқ вужудим қаршисида узоқ йўл турарди; бошпана топгунимга қадар марҳамат сўраб илтижолар қилишим, одамлар менинг ҳикоямни эшитиб, ақалли бирор эҳтиёжимни қондиришга ёрдам бергунларига қадар нафратли муносабатларни, эҳтимол, жуда кўп раддияларни қабул қилишим лозим эди. Буларнинг бари изтиробли саволлар эди мен учун.

Супургигулни ушлаб кўрдим: у қуруқ ва танида ёз кунининг иссиқ тафтини сақлаб турган эди. Осмонга қарадим: у очиқ ва қоятош атрофида юлдузлар милтирай бошлаганди. Кам-камдан шудринг ёға бошлади, аммо мен деярли уни ҳис этмаётган, ҳатто шабада шивирини ҳам эшитмаётган эдим. Табиат хайрихоҳ ва меҳрибон эди, назаримда барча хўрликларим билан ҳам мени севарди; мен одамлардан ишончсизлик, ҳақоратлар ва нафрат кутган ҳолда, табиат пинжига қизи янглиғ кирдим. Ҳар ҳолда, бугун унинг меҳмони бўламан, негаки, унинг фарзандиман; у эса пул талаб қилмай, мени онам каби бағрига олади. Менда бир бурда нон сақланиб қолганди, уни куннинг ярмида биз кесиб ўтган шаҳарчада сўнгги чақамга сотиб олгандим. Супургигуллар орасида черника мевалари пишиб, қора ақиқ мунчоқ янглиғ кўриниб турарди, улардан бир ҳовуч териб олдим ва ўша нон билан едим. Бу жўнгина овқат қониқтирмаса-да, очлик азобига бирмунча таскин берди. Тамаддидан сўнг кечки ибодатимни ўқидим-да, ётдим.

Қоятош атрофидаги супургигуллар қалин ўсганди; оёғимни улар орасига узатдим, улар икки ёнимда девор сингари саф тортиб турсалар-да, тоза ҳавони тўсмас эди. Мен рўмолимни икки буклаб, устимга ёпдим; қия ва мох билан қопланган дўнглик менга ёстиқ вазифасини ўтади. Ўрнашиб олгач, ҳар ҳолда тун бошланиши олдидан совуқни сезмадим.

Юрагим безовталигини айтмаганда, уйқум тинч бўлди. У қон томиб турган яралари, нимталанган торлари туфайли ҳасрат чекаётганди; у жаноб Рочестер ва унинг тақдири тўғрисида қайғураётган эди. Унга ачиниб, ғам чекарди; уни соғиниб қўмсаётганди; яраланган қуш каби ожиз бўлсада, қанотларини потирлатганча, севгани ёнига учиб боришга шай, аммо ҳар қанот қоқиши уни чўчитиб, ларзага солаётган эди.

Шу хаёллар гирдобида ўрнимдан туриб, тиззаладим.

Тун чўкиб, юлдузлар порлаётган, сокин ва хотиржам бўлгани туфайли, қўрқувга асос йўқ эди. Биз Худонинг ҳамма ерда мавжуд эканини биламиз; аммо ҳаммадан ҳам кўра, унинг қудратига гувоҳ бўлганимизда, кўпроқ эслаймиз; айнан мана шундай беғубор тун осмонида унинг дунёлари сокин йўл солганида, унинг қудрати ва чексизлигини ҳис этамиз. Мен жаноб Рочестер учун илтижо қилиш мақсадида тиззаладим. Осмонга қараб, хира парда ортида буюк Сомон Йўлининг ёшини кўрдим. Унинг нима эканини, фазода қанчалар беҳисоб қуёш атрофидаги сайёралар ўзидан бор йўғи хира ёғду қолдириб, учиб юришини эслаб, худонинг куч ва қудратини яна бир бора ҳис қилдим. У ўз мавжудотини асрашга қодир эканини билардим: ер ҳам, ундаги бирор жонзот ҳам худонинг амрисиз ҳалок бўлмайди; мен унга шукрона келтирдим, негаки у Яратувчи бўлиш билан бирга руҳнинг ҳалоскори ҳамдир. Жаноб Рочестер ҳалок бўлмайди, негаки у худонинг бандаси, уни худонинг ўзи асрайди. Мен яна қоятош бағрига бош қўйиб уйқуга кетдим ва уйқуда барча ғамларни унутдим.

Кейинги куни муҳтожлик ва эҳтиёжлар бутун ёқимсиз қиёфаси билан бўй кўрсата бошлади. Уйғониб, атрофга боққанимда, қушлар алақачон инларини тарк этишган, боларилар супургигуллардан бол йиғишга тушиб кетгандилар; шабнам ҳали қуримаган, аммо тонгнинг узун сояси қисқара бошлаган, қуёш осмонни заррин нурга кўмган эди.

Қандай иссиқ, осуда ва ажойиб кун! Кўз олдимда олтин ранг кенгликлар ястаниб ётарди. Ҳамма ерда қуёш акс этарди. Мана шу нурлар билангина яшаб, ёруғлик билан қорин тўйдириб бўлганда эди! Мен қоятош оралиғидан сирғалиб чиққан калтакесакни кўрдим. Мазали черникалар оралаб ғизиллаб учиб юрган болариларни ҳавас қилдим. Агар калтакесак ёки болари бўлганимда эди, бу ердан яхшигина озуқа ва доимий қўналға топган бўлар эдим. Аммо мен одам эдим, эҳтиёжларим ҳам одамники сингари эди: бу эҳтиёжни ҳеч нарса билан қондириб бўлмайдиган жойда ушланиб қолишдан мантиқ йўқ эди. Ўрнимдан туриб, атрофга назар ташладим. Келажагимга умидсизлик билан қараб, бир нарсадан – Яратгувчи руҳимни шу тундаги уйқум вақтида ёнига чақириб олмаганидан надомат чекдим; шунда чарчаган ва ўлим туфайли олдинда турган курашлардан омон қолган бу вужуд ер бағрида ором топиб, тупроққа қоришиб кетган бўлар эди. Аммо ҳаёт эҳтиёжлари, изтироблари, масъулиятлари билан бирга мени тарк этмади; энди унинг юкини кўтариб юриш, эҳтиёжларини қондириш, азобларига тоқат қилиш ва вазифаларни адо этмоқ лозим. Мен йўлга тушдим.

Уиткроссга етиб олиб, баланд осмонда иссиқ нур сочаётган қуёшга орқа ўгирганча, қадам босдим. Йўналиш танлашда бошқа нима ҳам қила олган бўлардим? Мен узоқ йўл босдим, танамни чулғаб олган чарчоққа, юрагимни ва бутун борлиғимни кишанлаб олган руҳсизликка ён бериб, ҳаракатдан тўхтаб, биринчи дуч келган тош устига ўтирган вақтимда қўнғироқ овозини эшитдим – бу черков қўнғироғи эди.

Овоз сари юра бошладим, бир соатлар олдин гўзаллигини мен илғашдан тўхтаган тепаликлар орасида қишлоқ ва нарироқда қўнғироқхонага кўзим тушди. Ўнг тарафимдаги бутун водий экинзор, яйлов ва қайинзорлари билан ранг-баранг тусга кирганди; кўм-кўк водий оралаб жилваланиб оқаётган дарёда чайқалиб турган ғаллазор, қуюқ ўрмон ва яшнаб турган

ўтлоқларнинг акси товланарди. Эътиборимни ғилдирак овози тортди ва йўлга қараб, тепаликка юки билан оғир ўрмалаб чиқаётган аравага кўзим тушди. Сал пастроқда подачи иккита сигирни ҳайдаб борарди. Атрофимни одамлар ҳаёти, одамлар меҳнати қуршаб турарди. Мен курашни давом эттиришим лозим: ҳаётимни асраш учун бошқалар каби меҳнат қилишим керак.

Қишлоққа кириб борганимда соат иккилар бўлиб қолганди. Унинг ягона кўчаси охирида ойнаси олдига нон қўйиб қўйилган дўкончани кўрдим. Шунақа бўлка нонни қанчалар егим келаётганди! Озгина тамадди қилиб олсам, бу нотаниш дунёда сал қувватимни тиклаб олган бўлардим. Овқатсиз йўлимда давом этиш жуда оғир эди. Ўзим кабилар орасига келгач, яна эрким ва қувватимни тиклаш истаги пайдо бўлди менда. Қишлоқ ўртасидаги бу ўтиб-қайтиш йўлида очликдан ҳушни йўқотиш жуда ёқимсиз ҳолат эканини ҳис қилдим. Нон эвазига таклиф қилишим мумкин бўлган бирор нарсам борми ўзи? Ўйлай бошладим. Бўйнимда шоҳи рўмолим, қўлқопим бор эди. Мен одамлар бундай муҳтожлик пайтида қандай йўл тутишларини деярли билмасдим. Улар мендаги нарсаларни нон эвазига олишлари мумкинми? Менимча, олишмаса керак, аммо ҳаракат қилиб кўриш лозим.

Дўкон ёнига бордим, у ерда бир аёл ўтирарди. Бинойидек кийинган аёл, кўринишидан хоним мени табассум билан кутиб олди. У менга қандай хизмат кўрсатиши мумкин? Мен уялдим, илтимосимни изҳор қилиш учун тилим айланмаётганди. Мен унга эски қўлқопим ёки ғижим рўмолимни таклиф қилолмасдим; бунинг фойдасиз эканини ҳис қилиб турардим. Мен ундан жуда чарчаганим боис, бир дақиқа шу ерда ўтиришни сўрадим, холос. Аёлнинг савдо қилиш умиди пучга чиққани учун, менинг илтимосимни совуққина кутиб олди ва стул берди, мен унга ўтирдим. Кўзимга ёш қадала бошлади, аммо бу нохуш бўлишини билганим учун ёшларимни куч билан қайтардим. Сўнг ундан қишлоқда тикувчи борми, дея сўрадим.

– Ҳа, икки ёки учта. Аммо улар базўр иш топишади.

Мен мулоҳаза қила бошладим: мен йўлнинг охирига қадар келиб, муҳтожлик билан юзма-юз тургандим. Боз устига на бирор буюмим, на пулим ва на дўстим бор эди. Нимадир чорасини топиш керак. Аммо нима? Мен қаергадир мурожаат қилишим керак. Аммо қаерга?

Эҳтимол у бирор қўшниси оқсоч излаётганини билар?

Йўқ, у эшитмабди.

– Бу ерда асосан нима иш қилишади? Қишлоқдагилар нима билан шуғулланади?

– Айримлар фермаларда чоракорлик қиладилар; кўпчилик эса жаноб Оливернинг металл қуйиш заводида ва игна фабрикасида ишлашади.

– Жаноб Оливер аёлларни ҳам ишга оладими?

– Йўқ, у ерда фақат эркаклар ишлашади.

– Аёллар нима билан шуғулланишади?

– Билмайман, – жавоб берди менга аёл. – Биров у, бошқаси бу юмуш билан. Бечоралар амал-тақал қилиб кун кечиришади.

Кўринишдан, саволларим уни зада қилди; унинг жонига тегишга ҳақим бормиди ўзи? Бир-иккита қўшнилар чиқишди, аниқки, стул уларга керак эди. Мен ўрнимдан турдим.

Мен икки тарафдаги уйларга аланглаганча, яна кўча бўйлаб кета бошладим, аммо улардан бирига кириш учун бирорта сабаб ёки асос тополмадим. Бир соат ёки ундан кўпроқ вақт қишлоқ атрофида тентираб юрдим, гоҳ ундан узоқлашардим, сўнг яна қайтиб келардим. Очлик буткул ҳолдан тойдирди ва кўча бошидаги тўсиқ ёнига ўтирдим. Аммо бир неча дақиқа ўтиб, яна оёққа турдим ва бирор чора ёки ҳеч бўлмаганда бирор маслаҳат истаб, яна изғий бошладим. Торкўча бошида чиройли оқ уй турарди, ёнида эса жудаям тоза ва ранг-баранг бўлиб яшнаб турган боғи бор эди. Мен тўхтадим. Бу оқ эшик ёнида тўхташга ва нур акс этаётган болғачани уришга қандай ҳақим бор эди? Бу уй эгалари менга марҳамат кўрсатишидан умид қилсам бўлармиди? Бироз иккиланиб, кутиб турдим, сўнг секин тақиллатдим. Тоза либос кийган кичик юзли аёл эшикни очди. Фақат ўта ҳолдан тойган одамга хос қалтираган, секин ва аянчли овозда умидсиз бир оҳангда хизматкор керакмасми, деб сўрадим.

– Йўқ, – жавоб берди у, – биз хизматкор тутмаймиз.

– Айтолмайсизми, қаердан иш топишим мумкин? – давом этдим мен. – Мен бу ерлик эмасман, бу ерда танишларим ҳам йўқ. Қанақа бўлса ҳам иш излаяпман.

Аммо у мен учун ўйлашга ва иш излашга мажбур эмас эди; боз устига менинг ташқи кўринишим, ғалати аҳволим ва илтимосим унга шубҳали туюлди, эҳтимол. Аёл бош чайқади – у менга ҳеч қандай маълумот беролмаганидан афсусда эмиш; мулойимлик билан ва оҳиста, аммо мени ортда қолдириб, оқ эшик ёпилди. Агар у сал қия очиқ қолдирилганда ҳам, балки бир бурда нон сўраган бўлардим, руҳим буткул тушиб кетди…

Меҳмонсуймас қишлоққа қайтишга мадорим қолмаганди, афтидан у ердан бирор ёрдам кутишга ҳожат йўқ эди. Мен жон деб йўлимни узоқда кўриниб турган ўрмон томонга бурган бўлардим, у мени меҳмондўстлик билан кутиб олишига ишончим комил эди, аммо шу қадар заиф, ҳолсиз ва очликдан силлам қуриган эдики, ички бир туйғу одамзот қўналғаси атрофида бирор-бир егулик умидида санғиб юришга мажбур қилаётганди. Очлик ўлаксахўр қуш каби ич-этимни ер экан, ёлғизлик ёлғизликдай, ором ҳам ором бўлмаслигини билардим.

Мен уйларнинг олдига борардим, кейин қайтардим, яна борардим ва яна ортимга кетардим. Онгимда эса, ночор аҳволимга кимнинг хайрихоҳлигини қаратиш ё талаб қилишга ҳеч бир ҳақим йўқ, деган ўй ҳукмрон эди. Бу орада кун кечга оға бошлади, мен эса ҳамон бошпанасиз оч ит каби санғиб юрардим. Далани кесиб ўтиб, қўнғироқхонани кўрдим ва ўша ёққа юрдим. Қабристон ёнидаги уйда чоғроқ, аммо чиройли ва мустаҳкам бино турарди, унинг руҳоний уйи эканига шубҳам йўқ эди. Мен айрим ҳолларда ташқаридан иш излаб келган ҳеч кими йўқ одамлар маслаҳат ё ёрдам сўраб руҳонийларга мурожаат қилишлари ёдимга тушиб қолди. Ахир, руҳонийнинг вазифаси ҳам одамларга ёрдам, ҳеч бўлмаганда маслаҳат бериш эмасми? Менинг назаримда ундан ёрдам ёки маслаҳат олишга ҳақим бор эди. Шундай қилиб, охирги кучимни тўпладим-да, ўша ёққа юрдим. Уйнинг ёнига келиб, эшикни қоқдим: эшикни қари аёл очди ва ундан, бу руҳонийнинг уйими, деб сўрадим.

– Ҳа.

– Руҳоний уйдами?

– Йўқ.

– Яқин орада қайтадими?

– Йўқ.

– Узоққа кетганми?

– Унчаликмас, уч мил нарига. Унга отаси тўсатдан вафот этгани ҳақида хабар келди; ҳозир у Маршэндда, ишончим комилки, икки ҳафталарсиз у ердан қайтмайди.

– Унинг хотини-чи, уйдами?

Йўқ, уйда ундан бошқа ҳеч ким йўқ экан, у эса хўжалик юритувчи экан. Аммо, ҳурматли ўқувчи, мен ундан ҳам ёрдам сўрай олмасдим, умуман, мен ҳеч кимдан садақа сўрай олмасдим. Яна кетдим.

Бошимдан рўмолимни олиб, дўкон пештахтасидаги бурда нонни тасаввур қилдим. О, очлик азобини босиш учун ҳеч бўлмаса нон ушоғи ёки бир қошиқ шўрва бўлса эди! Ўзим билмаган ҳолда, яна қишлоқ томон юрдим ва ўша пештахтали дўкончани топиб, у ерга кирдим; гарчи у ерда дўкон соҳибасидан бошқалар бўлса ҳам, рўмолим эвазига нон сўрашга журъат этдим.

Аёл менга ошкора шубҳа билан қаради: у ўз молини ҳеч қачон бу йўл билан сотмас экан. Деярли умидсизлик билан, ундан ҳеч бўлмаса яримта нон беришини илтимос қилдим. У яна рад этди ва рўмолни қаердан олганимни билмаслигини айтди.

Шунда мен унга қўлқопимни таклиф этдим, аммо бу буюм ҳам унга керак эмас экан.

Булар ҳақида муфассал баён қилиш кўнгилни хира қилади, ҳурматли ўқувчи. Айримлар ортда қолган қийинчиликларни эсга олиш ёқимли, деб таъкидлашади, аммо мен учун ҳаётимнинг мана шу бўлагига қайтиш жудаям оғир: жисмоний азоблар билан бирга руҳий изтироблар – булар жуда аламли хотиралар эди мен учун. Мен кўксимдан итарганлардан хафа бўлмадим. Ўзим ҳам шуни кутгандим ва ҳеч нарса қила олмасдим: одатда бундай ғариблар ҳамиша шубҳа туғдиришади, яхши кийинган ғариблар эса муқаррар шубҳа остида қолади. Айтайлик, мен фақат иш сўрадим, лекин бу билан шуғулланиш ҳеч кимнинг зиммасида эмас. Айниқса, мен биринчи бор кўриб турган ва мен ҳақимда ҳеч нарса билмайдиган одам. Нонини алмаштиришни истамаган мана бу аёлга келсак, агар мен унга шубҳали туюлсам ёки алмаштириш унинг учун бефойда бўладиган бўлса, у ҳақ. Бу ҳақида қисқа баён этишга рухсат беринг. Гарчи уларни гапириш мен учун оғир.

Ғира-ширада ферма ёнидан ўтдим; очиқ эшик рўпарасида фермер нон ва пишлоқ билан овқатланарди. Мен тўхтадим ва дедим:

– Менга бир бурда нон бероласизми? Жудаям очман.

У ҳайрон бўлиб менга қаради; аммо бир сўз ҳам демай, олдидаги катта юмалоқ нондан катта бўлак кесиб, менга узатди. Афтидан у мени фақир деб эмас, қора нон қанақа бўлишини кўриш хаёлига келиб қолган ғайриоддий бир хоним, деб қабул қилди. Мен уйдан нари кетиб, ерга ўтирганча, нонни ея бошладим.

Мен бошпана топишдан умидимни узган эдим, шу боис юқорида таъкидлаб ўтганимдай, уни ўрмондан изламоқчи бўлдим. Аммо туним жуда ёмон ўтди: уйқум тез-тез бузилди, ер нам, ҳаво салқин эди. Бундан ташқари яқинимдан одамлар тез-тез ўтиб туришди, мен эса ҳар гал ўз қўналғамни алмаштиришга мажбур бўлдим. Мен хотиржамлик ва оромни

деярли ҳис этмадим. Тонгга яқин ёмғир ёғди; у кейинги кун ҳам давом этди. Бу кун қандай ўтганини батафсил баён этишни мендан сўраманг ўқувчи; мен аввалгидай иш изладим, аввалгидай рад этишди, аввалгидай очлик азобини тотдим. Бир мартагина овқатланиш насиб қилди. Бир ферма эшиги олдида косасидаги совуқ бўтқасини чўчқанинг овқатига тўкмоқчи бўлган қизалоқни кўриб қолдим.

– Шуни менга бероласанми? – сўрадим мен.

У менга ажабланиб қаради.

– Ойи! – бақирди у. – Бу ерда бир аёл мендан бўтқани сўраяпти.

– Майли, берақол, қизим, – жавоб бўлди уйдан, – гадой бўлса керак. Чўчқа барибир емайди.

Қизча қўлимга қуюқ бўтқани тўкди ва мен уни очкўзлик билан еб қўйдим.

Нам қоронғулик қуюқлаша бошлаганида, мен бир соатдан бери кезиб юрган сўқмоқда тўхтадим.

"Кейинги кунларда мадорим тарк этди мени, дедим мен ўзимга. Бошқа юролмаслигимни ҳис қиляпман. Наҳотки, бу тунни ҳам хорликда ўтказсам? Наҳотки, шу ёмғир остида совуқ ва нам тупроққа бош қўйиб ётишимга тўғри келса? Шундай бўлади, деб қўрқаман, ахир, менга ким ҳам бошпана берарди? Лекин бу жуда ҳам оғир, негаки, мен оч, заиф ва бемадорман, мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ, олдимда эса фақат умидсизликни кўряпман. Бунақа аҳволда эрталабгача яшай олмаслигим тайин. Нега энди яқинлашаётган ўлимни қарши олишдан қўрқаман? Кераксиз ҳаёт учун курашиш нима учун керак менга? Жаноб Рочестернинг тирик эканини биламан ва ишонаман; совуқ ва очликдан вафот этиш – бундай тақдир табиатга ҳам хуш келмайди. О, ишонч, мени яна бироз қўллаб тур! Ўзинг ёрдам бер ва қадамимни ўзинг бошқар!"

Туман қоплаган нигоҳим хиралашган ва қоронғилашиб бораётган теварак бўйлаб аланглади. Қишлоқдан жудаям узоқлашиб кетибман, у кўринмай ҳам қолибди. Ҳатто унинг атрофидаги серҳосил далалар ҳам ғойиб бўлибди. Сўқмоқлар мени яна ялангликка олиб чиқди; ернинг бироз ишлов берилган ингичка ва узун бўлаги ҳам қўриқ каби супургигуллар босиб кетган бўлиб, мени хўмрайган тоғлар билан ажратиб турарди.

"Нима ҳам қилардим, кўчада ёки одамлар ўтадиган йўлдан кўра шу ерда ўлган яхшироқ, – мулоҳаза юритдим мен. – Хароб тобутга солиб, ғариблар қабристонида чиригандан, жасадимни қарға ва қузғунлар чўқиб кетгани яхши".

Шу ўй билан йўлимни тоғ томон бурдим ва унга яқинлашдим. Энди эса ётиш учун бироз хавфсизроқ, ҳеч бўлмаганда одамлар кўзидан пана жой топишим лозим. Аммо атрофим фақат бўшлиқ бўлиб, яшил кўринган тараф қамиш ва мох босган ботқоқликдан, қорайиб кўринган тараф эса супургигул буталари қоплаган кенгликдан иборат эди. Ғира-ширада бу фарқни аранг ажратдим; мен кун ёруғида галма-гал келган оч ва тўқ рангларни эсладим, улар ҳам кун нури билан бирга хиралашиб борарди.

Нигоҳларим ҳамон ботқоқликлар ва чакалак буталар орасида дайдир экан, тўсатдан қоялар ва ботқоқлик орасида милт этган шуълани илғаб қолди. "Бу сароб", қарор қилдим мен ва унинг ғойиб бўлишини кута бошладим. Аммо шуъла яқинлашмади ҳам, йўқолмади ҳам, бирдай нурланиб тураверди. "Демак бу ҳозиргина ёқилган гулхан бўлиши керак", тахмин

қилдим мен ва унинг ловуллашини кутиб, кузатишда давом этдим. Аммо у пасаймади ҳам, аланга ҳам олмади. “Менимча, бу бирор уйда милтираётган шам, – қарор қилдим мен. – Агар шундай бўлса, у ёққа боришимнинг фойдаси йўқ: у жудаям узоқда; лекин яқин бўлгандаям, бундан менга нима фойда? Эшикни тақиллатганимда ҳам, юзимга қараб ёпишади”.

Мен юзимни ерга босиб ётдим. Бирмунча вақт қимирламадим. Тунги шамол мен ва қоялар устида дайдиб, узоқлардан ингроқ олиб келарди. Ёмғир ёғаётганди ва мен суягимгача ивиб кетдим. О, агар совуқдан ўлиш тақдиримга битган бўлса, ҳеч нарсани сездирмасдан, жонимни олақолсин. Аммо менинг ҳали ҳам ҳаёт қони оқаётган танам совуқ оқимдан қалтирарди. Бироз ўтиб, яна ўрнимдан турдим.

Шуъла ҳамон ёмғир оралаб милтираб турарди. Мен яна юришга ҳаракат қилдим; хароб танамни кўтарганча, шуъла томон секин юра бошладим. У мени ёнбағирлик ва қишда ўтиб бўлмайдиган катта балчиқзордан олиб ўтди; ҳатто ҳозир, ёзнинг ўртасида ҳам у оёғим остида билчиллар, мен дам-бадам қоқилиб кетардим. Икки марта йиқилдим, лекин икки гал ҳам ўрнимдан туриб, йўлимда давом этдим. Шуъла менинг охирги умидим эди. Унгача етиб боришим лозим эди!

Балчиқзордан ўтгач, супургигулзорда узун бўлиб тўшалган ёруғликни кўрдим. Яқинлашдим: бу йўл эди ва у мени шуъла сари олиб борарди. Шуъла эса юқоридан, афтидан дарахтлар қуршовидаги – чамаси, улар қарағай эди, уларнинг шамойилини қоронғида базўр илғадим – гумбаздан таралаётганди. Мен унга яқинлашганимда менинг йўлчи юлдузим йўқолиб қолди: орамизда қандайдир тўсиқ бор эди. Мен қўлимни узатдим ва қаттиқ нарсани пайпасладим – бу паст деворнинг дағал тошлари бўлиб, устида ёғочдеворга ўхшаган нимадир, унинг устида эса тиканли тўсиқ бор эди. Мен пайпаслаганча, юришда давом этдим. Олдимда нимадир оқ нарса кўринди; бу кичкина эшик эди; мен уни аранг итардим ва у очилди. Икки тарафдаги игнабаргли буталарни илғадим.

Эшикдан кириб, буталардан сўнг ғира-шира паст ва узун қурилишга эга бўлган уйни пайқадим. Лекин шуъла йўқолганди. Атроф зимзиё эди. Эҳтимол, уй эгалари ухлашга ётишгандир? Мен шундай бўлишидан қўрқдим. Эшикни излаб, бурчакдан бурилдим ва яна ердан тахминан бир фут баландликда ромб шаклидаги панжарали дераза ойнаси ортида ўша шуълага кўзим тушди; у қандайдир печак ёки деворни қоплаб ўсган қандайдир ўсимликнинг қуюқ барглари остида янада кичрайганди. Дераза шу қадар ингичка эдики, уни барглар тўсиб тургани туфайли парда ёки дарчага ҳожат ҳам қолмаганди; дераза устида осилиб турган барглarni бир тарафга суриб, энгашганча, ойнадан ичкарига қарадим. Кўзим поли қиртишлаб тозаланган хонага тушди; ёнғоқдан қилинган жавонда қалайранг ликобчалар териб қўйилган бўлиб, уларда торф ёнаётган ўчоқ олови акс этиб турарди; шунингдек, девор соатига, оддийгина бўялмаган стол ва бир нечта стулларга назар солдим. Менга маёқ бўлган шам стол устида ёркин нур сочиб турарди; унинг ёруғида кўриниши қўполроқ, аммо уст-боши атрофдагиларга нисбатан ўта озода бўлган қари аёл пайпоқ тўқиб ўтирарди.

Менинг нигоҳим бу буюмлар устидан бирров сирғалиб ўтди – уларнинг бари одатий ва ўзига хос ҳеч бир жиҳати йўқ эди. Ўчоқ олдида тўпланган

гуруҳ улардан кўра қизиқроқ эди. Унинг ёқимли тафти ва пуштига мойил ёғдусида назокатли аёллар, бошдан-оёғигача хонимлар ўтиришарди; бири пастгина тебранма курсида, иккинчиси эса кичкина ўриндиқда жойлашиб олганди. Улар креп матоси қўшиб тикилган мотам либосида бўлишиб, бу қора кийим уларнинг юз ва қиёфаларидаги гўзалликни янада бўрттириб турарди. Катта қари овчи ит улардан бирининг тиззасига улкан бошини қўйиб, иккинчисининг қўйнида эса ғужанак бўлиб қора мушук ётарди.

Бундай нафосатли хонимларни бу оддий ошхонада кўриш ғалати эди. Ким экан булар? Улар стол ёнида ўтирган кекса аёлнинг қизи бўлишлари мумкин эмас эди, негаки, у ғирт деҳқон қиёфасида бўлиб, қизларда эса назокат барқ уриб турарди. Мен бу аёлларни илгари ҳеч кўрмаганман, аммо бир қарашда юзларидаги ифода гўё менга танишдай туюлди. Уларни эҳтимол ёқимтой деб бўлмас, чунки улар ўта рангпар ва жиддий эдилар, китоб устига эгилган юзлари эса чуқур ўйчан боқарди. Улар ўртасидаги столчада иккинчи шам ва икки жилд катта китоб турар, улар қўлларидаги кичик китобни ўқиш жараёнида мана шу китобларга дам-бадам қараб, солиштиришар, одатда чет тилдаги китобни ўқиётиб, луғатдан фойдаланганда шундай қилинади. Буларнинг ҳаммаси шу қадар сокин ва овозсиз рўй берардики, гўё уларнинг қомати соя-ю, шам ёруғидаги хона картинага ўхшарди. Шу қадар жимлик чўккандики, кулнинг панжарага қўнаётгани, бурчакдаги соатнинг ураётгани яққол эшитилиб турарди; назаримда кекса аёл қўлидаги икки урчуқнинг ҳам овозини илғаётгандим. Шу боис, бу сукунатни бузган овозни мен бемалол эшитдим.

– Қулоқ сол, Диана, – деди қизлардан бири машғулотидан бошини кўтариб, – Франц ва кекса Даниель тунни бирга ўтказадилар. Франц даҳшат ичра уйғотиб юборган тушини айтиб беради, – эшит! – Ва у паст овозда менга нотаниш ва мен тушунмайдиган тилда бир неча жумлани ўқиди; бу французча ҳам, лотин тилида ҳам эмасди. Мен бу грек ёки немис тилидалигини билмадим.

– Жуда кучли ёзилган жойи, – деди у ўқиб бўлгач. – Мен ҳайратда қолдим.

Иккинчи қиз бошини кўтариб, оловга тикилганча, ҳозиргина опаси ўқиган жумлаларни такрорлади. Кейинчалик менга нотаниш бўлган бу тил билан танишдим, гарчи биринчи эшитганимда бу сўзлар менга ҳеч бир маънони англатмаган ҳолда, металл жарангига ўхшаб эшитилган бўлса ҳам, ҳозир шу ўқилган жумлаларни сизга ҳам келтираман.

– Da trat hervor einer, anzusehen wie die Sternennacht[1].

– Ажойиб! Зўр! - хитоб қилди опаси, унинг теран қора кўзлари чақнаб турарди. - Кўряпсанми, тунд ва қудратли фаришта – архангель қандай тавсифланган. Мана шу қаторларнинг ўзи юзлаб тумтароқ жумлалар битилган варақлардан аъло. Ich wage die Gedanken in der Schalle meines Zornes und die Werke mit dem Gewichte meines Grimms[2]. Менга жуда ёқди!

Иккиси яна жим бўлиб қолишди.

– Ер юзида мана шундай гаплашадиган мамлакат борми? – сўради кекса аёл тўқишдан бошини кўтариб.

– Ҳа, Ханна, – бу Англиядан анча катта мамлакат ва у ерда айнан мана шундай гаплашишади.

[1] Ўшанда кўриниши юлдузли тунга ўхшаш кимдир олдинга чиқди.

[2] Мен фикрларни нафрат косасида ўлчайман ва ишларни ғазаб ўлчови бирла ўлчайман.

– Улар бир-бирларини қандай тушунишаркин, билмайман; агар бирортангиз ўша мамлакатга бориб қолсангиз, улар нима дейишаётганини тушунган бўлардингиз, тўғрими?

– Биз, менимча бироз тушунган бўлардик, аммо ҳаммасини эмас. Чунки, биз сиз ўйлагандай, олим эмасмиз, Ханна. Биз немисча гаплашолмаймиз ва луғатсиз уни тушунмаймиз.

– Бундан сизга нима наф?

– Биз вақти келиб, бу тилдан, ҳеч бўлмаганда, унинг қабул қилинган ифодаланиш асосларидан дарс бермоқчимиз, шунда ҳозиргидан кўра кўпроқ пул ишлаб топамиз.

– Эҳтимол. Бироқ, энди ўқишни тугатинг, бугун етарлича меҳнат қилдингиз.

– Ҳа, бу тўғрига ўхшайди. Мен чарчадим. Сен-чи, Мери?

– Ўлар даражада. Луғатдан бошқа ўқитувчи бўлмаган пайтда тилни тирмашиб ўрганишдан ҳам оғир иш бўлмаса керак.

– Сен ҳақсан. Айниқса немис тилига ўхшаган тилни. Сент-Жон қачон қайтаркин?

– Энди қайтиб қолса керак, соат роппа-роса ўн бўлди, – Мери белбоғидан чиқариб қўйган олтин соатига қаради. – Ёмғирнинг кучлилигини қара! Ханна, илтимос, қараб кўринг-чи, меҳмонхонадаги олов ўчиб қолмадимикан?

Аёл ўрнидан туриб, мен ғира-шира кўриб турган йўлак эшигини очди. Кўп ўтмай, унинг кўмирни титаётганини кўрдим ва у яна жойига қайтди.

– Эҳ, болаларим, – ўша хонага кирсам, юрагим ғижимлаяпти: у жудаям ҳувиллаб қолган... бурчакка суриб қўйилган креслонинг бўм-бўшлигини кўриш қанчалик оғир.

У кўзини фартуги билан артди; қизларнинг бусиз ҳам жиддий юзи янада ғамгин бўлиб қолди.

– Аммо у бундан кўра яхшироқ дунёга кетди, – давом этди Ханна. – Унинг ёнимизда йўқлигига ўкинмаслигимиз керак. Ҳаммагаям мана шундай осон ва сокин ўлим топиш насиб этсин.

– Айтишингизга қараганда, у бизни эсламадими? – сўради қизлардан бири.

– Улгурмади, кабутарларим; отангиз бир дақиқада кетди. Тунов куни у ўзини бироз ёмон ҳис этди, аммо жиддий нарса йўқ эди. Жаноб Сент-Жон ундан сизларнинг бирортангизни чақиришни сўраганида, у кулди. Икки ҳафта олдин ўрнидан турганида эса бошида оғирликни ҳис қилди, ором олиш учун ётиб, қайтиб уйғонмади. Акангиз олдига кирганида унинг танаси буткул совуб бўлган экан. Эҳ, болажонларим, унақа одам энди дунёга келмайди. Жаноб Сент-Жон ва сизлар ўтганларингизга нисбатан бутунлай бошқа одамсизлар. Тўғри, онангиз кўп жиҳатдан сизга ўхшарди ва у ҳам сиз каби ўқимишли эди. Сен унга қуйиб қўйгандай ўхшайсан, Мери, Диана эса кўпроқ отасига тортган.

Қизлар бир-бирларига шу қадар ўхшар эдиларки, оқсоч аёл (кекса аёлнинг кимлигини англагандим) улар ўртасида қандай фарқ кўраётгани мени ҳайрон қолдирди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам хушқомат, бамаъни, насаби тоза ва улуғвор қиёфаси ўзига ярашиб турарди. Тўғри, биттасининг сочи тўқроқ эди, шунингдек, улар сочларини турлича турмаклашганди. Мери ёрқин каштанрангли сочини ўртадан фарқ очиб, силлиқ тараб

ўрганди, Диананинг тўқроқ рангли сочи эса бўйнига қўнғироқ бўлиб тушиб турарди.

Соат ўнга занг чалди.

– Очқаган бўлсангиз керак-а? – деди Ханна. – Жаноб Сент-Жон келгач, тамаддини рад этмайди.

Ва у стол устига дастурхон тўшай бошлади. Иккала қиз ҳам ўринларидан туришди; уларнинг меҳмонхонага ўтишни мўлжаллашаётгани кўриниб турарди. Мана шу дақиқагача мен эътибор билан уларни кузатдим, уларнинг ташқи кўриниши ва суҳбати менда шунчалик қизиқиш уйғотдики, мен ўзимнинг абгор ҳолатим ҳақида деярли унутгандим; энди яна ҳолатимни ҳис эта бошладим, кўриниб турган қарама-қаршиликдан аҳволим янада абгор ва умидсиз ҳолга келган эди. Назаримда, уй эгаларининг эътиборини ўзимга қаратиш, менинг эҳтиёжим ва изтиробларимнинг ҳақиқий эканлигига уларни ишонтириш, уйсиз бир дайдига бошпана сўраш ҳақидаги фикрлар мутлақо бемаъни эди. Эшик ёнига келиб, журъатсизлик билан тақиллатарканман, умидларим хомхаёлдан бошқа нарса эмаслигини ҳис этиб турардим. Ханна эшикни очди.

– Сизга нима керак? – сўради у қўлида тутиб турган шам ёруғида менга ажабланиб қараганича.

– Уй соҳибаси билан гаплашсам бўладими? – сўрадим мен .

– Яхшиси, улардан нима исташингизни айтинг. Қаердан келдингиз?

– Мен бу ерлик эмасман.

– Шундай бемаҳалда сизга нима керак?

– Менга омборхона ёки бирор жойингизда тунашга изн беринг, илтимос. Яна бир бурда нонни қизғанмаслигингизни ўтиниб сўрайман.

Ханнанинг юзида мен қўрққан нарса, ишончсизлик аломати пайдо бўлди.

– Сизга бурда нон бераман, – деди у, бироз жимликдан кейин, – аммо биз саёқ одамга бошпана беролмаймиз. Ким ҳам бундай қиларди?

– Соҳибангиз билан гаплашишга рухсат беринг.

– Йўқ, асло. Улар сиз учун нима ҳам қилиша оларди? Бундай вақтда бу ерда ўралашманг. Уялмайсизми!

– Мени ҳайдасангиз қаерга бораман? Нима қиламан?

– О! Ишончим комилки, қаерга боришни ва нима қилишни жуда яхши биласиз. Сиз бирор аҳмоқона ишни содир этмасангиз бўлди. Мана сизга чақа. Энди кетинг…

– Чақа қорнимни тўйдирмайди. Яна қадам босишга кучим қолмади. Эшикни ёпманг. О, Худо ҳақи, ёпманг!

– Нега ёпмас эканман? Бусиз ҳам бутун ошхонага ёмғир кириб кетди…

– Ёш хонимларга хабар беринг… Мени улар олдига киритинг…

– Ҳеч қачон! Сиз тарбиясизлардансиз шекилли, – акс ҳолда бундай шаллақилик қилмаган бўлардингиз. Йўқолинг бу ердан!

– Мени ҳайдасангиз, ўлиб қоламан!

– Ҳечам бундай эмас. Сиз ёмон ниятда тунда санғийсиз ва тарбияли одамларнинг деразасидан кузатасиз. Эҳтимол яқин ўртадаги панада босқинчи гуруҳингиз ёки бошқа ёвуз ниятли ҳамтовоқларингиз ҳам бордир? Уларга айтиб қўйинг, биз уйда ёлғиз эмасмиз: бизда эркаклар ҳам, ит ҳам, милтиқ ҳам бор. – Шу сўзларни айтиб, садоқатли, аммо қайсар оқсоч эшикни ёпди ва зулфинни солди.

Бу энди ҳаддан ортиқ эди! Мени ўткир ва қаттол оғриқлар ғижимлай бошлади. Алам юрагимни поралаб ташлади. Шу қадар ҳолим тугаган эди-ки, бир қадам ташлабоқ, бўсағадаги сув устига йиқилдим. Инграб юбордим, қўлим лат еганди. Чегарасиз изтироб ичра ўкириб юбордим. О, бу ўлим шарпаси! О, бутун даҳшати билан яқинлашиб келаётган сўнгги соатлар! Ўз яқинлари орасидан бадарға этилган бу ёлғизлик! Нафақат умид учқуни, балки шижоатимнинг сўнгги томчиси ҳам қандайдир онларда қуриб қолди. Аммо, кўп ўтмай, яна ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим.

– Энди ўлимдан ўзга чорам қолмади, – дедим мен, – аммо Худога ишонаман. Унинг иродасини итоат билан қабул қиламан.

Бу сўзлар нафақат хаёлимдан ўтди, балки тилимга ҳам чиқди, бор аламларни юрагимнинг тубига ташлаб, уни жим қилишга мажбур қилдим.

– Ҳамма одамлар ҳам ўлишлари керак, – яқингинамда кимнингдир овози эшитилди, – аммо ҳамма ҳам, худди ҳозир сизнинг чекингизга мадорсизликдан ҳалок бўлиш тушаётгани каби оғир ва барвақт ўлимга маҳкум эмас.

– Ким гапиряпти? Ким? – сўрадим мен кутилмаган бу овоздан қўрқиб кетиб, негаки, ёрдам учун ҳар қандай умидим сўниб бўлган эди. Рўпарамда қандайдир одам турарди, аммо зимзиё тун ва заифлашган кўз нурим билан уни кўра олмадим. Келган одам қаттиқ ва кетма-кет тақиллатиш билан ўзи ҳақида хабар берди.

– Бу сизми, жаноб Сент-Жон? – бақирди оқсоч.

– Ҳа, ҳа, тезроқ очинг.

– Уҳ, бу бемаъни тунда шалоббо бўлиб, совқотиб қолган бўлсангиз керак! Киринг! Сингилларингиз хавотир олаётганди, атрофда ёмон одамлар изғиб юришибди. Бу ерга бир тиланчи келди… У ҳалиям кетмабди, кўряпсизми, ётиб олибди! Туринг! Қандай шармандалик! Бу ердан кетинг, дедим сизга!

– Тинчланинг, Ханна. Менинг бу аёлга икки оғиз гапим бор. Сиз уни уйга киритмай, ўз бурчингизни бажардингиз. Энди мен ҳам ўз бурчимни бажариб, уни уйга киритишим керак. Мен яқин орада туриб, сизни ҳам, уни ҳам эшитдим. Менимча бу ноодатий ҳол, буни муҳокама қилишим лозим. Хоним, ўрнингиздан туринг-да, мен билан уйга киринг.

Мен машаққат билан ўрнимдан турдим. Бир дақиқадан сўнг, ўта тоза ошхонада, ўчоқ олдида ҳолсиз, қалтираб ва ўзим ҳақимда ғалати, аянчли ва мудҳиш таассурот туғдираётганимни англаб турардим. Икки ёш хоним, уларнинг акаси – жаноб Сент-Жон ва кекса оқсоч менга тикилиб туришарди.

– Сент-Жон, ким бу? – сўради сингиллардан бири.

– Билмайман; уни эшик олдидан топдим.

– Унинг рангида қон қолмабди, – деди Ханна.

– Бўр ёки ўлим каби оқ. У ҳозир йиқилиб тушади, уни ўтказинг.

Ҳақиқатан ҳам бошим айланаётганди; агар стул қўйишмаганда йиқилиб тушган бўлардим. Мен гапиролмасам-да, ҳали ҳам ҳушимни йўқотмагандим.

– Эҳтимол бир қултум сув уни ўзига келтирар? Ханна, сув келтиринг. Унинг мутлоқ мадори қуриб битган. У қанчалар озғин! Юзида бир томчи қон йўқ!

– Ҳақиқий арвоҳнинг ўзи!

– У касал ёки оч қолган.

– Менимча, оч қолган. Ханна, бу сутми? Уни менга беринг, бир бурда нон ҳам.

Диана (мен устимда энгашган вақти оловни тўсган узун қўнғироқ кокили орқали билдим) бир тўғрам нонни сутга ботириб, оғзимга солди. Унинг юзи менга жуда яқин эди; мен унда ҳамдардликни ўқидим. Ҳаяжонли нафаси эса унга ёққанимдан дарак берарди. Унинг оддий сўзларида ҳам шу туйғу бор эди, бу эса менга таъсир қилаётганди.

– Сут ичишга ҳаракат қилинг.

– Ҳа, ҳаракат қилинг, – мулойимлик билан такрорлади Мери; унинг қўллари ҳўл бўлган шляпамни ечди ва бошимни кўтарди. Мен таклиф этилган нарсаларни аввал базўр, сўнг эса очкўзлик билан ея бошладим.

– Бирданига кўп емасин, уни тўхтатинг, – деди акаси, – ҳозирча етади. – У шундай деб сут солинган пиёлани ҳам, нон солинган ликобчани ҳам нари сурди.

– Яна озроқ, Сент-Жон, – қара, унинг кўзлари қанчалар оч.

– Ҳозир бошқа мумкинмас, синглим. Кўрамиз, энди гапиролармикин. Сўра-чи, исми нима экан.

Мен гапира олишимни ҳис этдим ва жавоб бердим:

– Исмим Жейн Эллиот. – Сиримни сақлаш учун илгаридан исмимни бошқача айтишни режалаштириб қўйгандим.

– Қаерда яшайсиз? Яқинларингиз қаерда?

Мен индамадим.

– Бирор яқин танишингизга одам юборсак бўладими?

Мен бош чайқадим.

– Ўзингиз ҳақингизда нималарни айтиб бероласиз?

Ниҳоят, мана шу уй остонасини ҳатлаб ўтиб, уй соҳиблари олдида ўзимга келган эканман, энди ўзимни ҳаммадан хўрланган, ҳайдалган саёқ деб ҳис этмаётгандим. Мен тиланчи қиёфасини олиб ташлашга қарор қилдим; менга одатий ифодаларим қайтиб келди. Мен деярли ўзимга келдим ва жаноб Сент-Жон мендан ўзим ҳақимда гапириб беришни сўраганида, бироз танаффусдан сўнг дедим:

– Жаноб, бугун сизга ҳеч нарсани батафсил сўзлаб беролмайман.

– У ҳолда, – сўради у , – мендан нимани кутяпсиз?

– Ҳеч нарса, – жавоб бердим мен, менинг кучим энг қисқа жавоб беришгагина етарди.

Гапга Диана аралашди.

– Айтмоқчисизки, – сўради у, – биз сизга керакли ёрдамни бердик ва энди яна балчиққа ботиб, тунда ёмғир остида кўчага қўйиб юборишимиз керакми?

Мен Дианага қарадим. Унинг юз ифодасида ички куч меҳрибонлик билан уйғунлашганди. Мен тўсатдан оқиб келган жасоратни ҳис этдим. Унинг қайғудош нигоҳига табассум билан жавоб қайтариб, дедим:

– Мен сизга ишонаман. Мен ҳатто уйсиз, дайди ит бўлганимда ҳам бундай тунда мени кўчага чиқариб юбормасдингиз; йўқ, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман. Мени нима қилсангиз қилинг, аммо илтимос, мендан узун ҳикоя сўраманг. Мен зўрға нафас оляпман, гапирганда томоғим бўғилиб қоляпти.

Учаласи ҳам менга жим қараб қолишди.

– Ханна, – деди ниҳоят жаноб Сент-Жон, – у бироз шу ерда ўтирсин; ундан ҳеч нарсани сўраманг; ўн дақиқадан сўнг қолган сут ва нонни беринг. Мери, Диана, меҳмонхонага юринг, бу ҳодисани гаплашиб оламиз.

Улар кетишди. Кўп ўтмай, қизлардан бири қайтиб келди, аммо қайси эканини билмайман. Ўша вақтда иссиқ олов ёнида мени лаззатли мудроқ оғушига олганди. Ярим овозда у Ханнага қандайдир топшириқ берди. Сўнг оқсоч ёрдамида мен машаққат билан зинадан кўтарилдим, эгнимдан ҳўл кийимларни ечиб олиб, иссиқ ўринга ётқизишди. Сўнгсиз чарчоқ изидан қувонч учқунини ҳис этган ҳолда, Худога шукрона келтирдим ва ухлаб қолдим.

ЙИГИРМА ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Кейинги уч кеча-ю кундуздан менда хира хотиралар қолган, холос. Мен бошимдан ўтган айрим ҳиссиётларнигина эслайман. Мен деярли бошимда ҳеч бир фикрсиз ва ҳеч бир ҳаракатсиз ётдим. Кичкина хонада, ингичка каравотда ётганимни биламан. Гўё мана шу каравотга қапишиб қолгандим. Мен тош каби қотиб, ҳаракатсиз ётардим, мени силжитиш ўлдириш дегани эди. Мен вақтнинг оқишини, тонг кун билан, кун эса оқшом билан алмашаётганини ҳис этмадим. Агар хонага кимдир кирса ё чиқса, буни сезардим, ҳатто унинг кимлигини ҳам билардим, олдимда туриб гапирилган ҳамма гапларни тушунардим, аммо жавоб қайтаролмасдим: қўлларимни ҳам, лабимни ҳам қимирлатиш оғир эди мен учун. Мендан ҳаммадан кўп Ханна хабар олиб турди. Унинг келиши мени ҳаяжонга соларди. Мен унинг шу уйда эканлигимдан жаҳли чиқаётганини, мени ҳам, аҳволимни ҳам тушунмаслигини, менга қарши эканини ҳис қилардим. Бир кунда икки марта хонамга Мери ва Диана кирарди. Каравотим ёнида туриб, бир неча оғиз сўз билан фикр алмашишарди:

– Уни уйга киритганимиз қандай яхши бўлган!

– Ҳа, уни, албатта, эрталаб эшик олдида ўлик ҳолда топган бўлардик. Унинг бошига нималар тушганини билишни жуда истардим.

– Бечора, бошидан кўп нарслар кечиргани кўриниб турибди. Шўрлик, роса саргардон бўлганга ўхшайди!

– Гапиришидан, маълумотли кўринади, кийимига қарайдиган бўлсак, кир ва ҳўл бўлса ҳам, кам кийилган ва яхши тикилган.

– Юзи ғалати: озғин ва ғамгин, аммо менга ёқди. Соғайиб, кучга киргандан сўнг, ёқимтой кўриниш олишига ишонаман.

Мени уйга киритганликларидан афсус қилганлари тўғрисида бир оғиз ҳам сўз эшитмадим, шубҳа ёки хавотир ҳам сезмадим. Бу мени тинчлантирди.

Жаноб Сент-Жон фақат бир марта кирди; менга қараб, аҳволимни сурункали ва ҳаддан зиёда чарчоқ асорати, дея баҳолади. Доктор чақиришнинг ҳожати йўқ экан, табиат ва вақтнинг ўзи даволай оларкан. Асабимнинг ҳар бир толаси зўриққан, бутун аъзоларим бир қанча вақт ором олиши керак. Ҳеч қандай касаллик йўқ. Соғайиш бошланган ва бу етарлича тез амалга ошмоқда. Бу хулосани у сокин овозда, бир нечта жумла билан тушунтирди; бироз танаффусдан сўнг узун тавсифга ўрганмаган одам оҳангида деди:

– Ўзига хос юз; унда ахлоқсизлик ёки беодобликнинг ҳеч қандай аломати йўқ.

– Умуман йўқ, – жавоб берди Диана. – Тўғрисини айтганда, Сент-Жон, бечора қизга нисбатан менда қандайдир иликлик уйғонган. Мен бундан кейин ҳам унга ҳомийлик қилишимизни истаган бўлардим.

– Буни худо билади, – жавоб бўлди унга. – Кўринишидан, бу ёш қизнинг яқинлари билан келишмовчилик юзага келган ва шунинг оқибатида ўйлаб ҳам ўтирмай, уларни тарк этган. Агар у қайсарлик қилмаса, эҳтимол, уни оиласига қайтариш мумкиндир; бироқ унинг юзида қатъий феъл-атвор аломатларини кўряпман, бу эса унинг гапга кўнишига менда шубҳа туғдиряпти. – У бир неча дақиқа мени кузатиб турди ва қўшимча қилди: – У ақлли, лекин умуман чиройли эмас.

– У жудаям касал, Сент-Жон.

– Касалми, соғми, у ҳамиша кўримсиз бўлиб қолади. Унинг юз тузилиши гўзалликка оид кўриниш ва мафтункорликдан мосуво.

Учинчи куни ўзимни яхшироқ сеза бошладим; тўртинчи кун эса гапириб ва ҳаракат қила бошладим, каравотдан туриб, ўгирила олдим. Ханна – бу туш вақти эди – менга бўтқа ва қовурилган нон олиб келди. Мен маза қилиб еб олдим, овқат жуда ёқди; иситмалаб ётганимда нимаики татиб кўрмай, ҳаммаси бемаза туюларди, бу овқат эса ўта хуштаъм эди. Ханна кетгач, кучим тикланаётганини, қайтадан жонланаётганимни ҳис этдим. Ҳаракатсизлик тарк этганди мени. Ўрнимдан турсам яхши бўларди. Аммо нима кияман? Мен ерда ётиб ухлаб, балчиққа судралган нам кўйлагимними? Менга марҳамат кўрсатган одамларга бу кийимда кўриниш мен учун уят эди. Аммо мен бу таҳқирдан қутулдим.

Каравот ёнидаги стулда буюмларим тоза ва қуруқ ҳолда турарди. Қора шоҳи кўйлагим эса деворга илиғлиқ эди. Унда бир донаям доғ қолмаган, силлиқ дазмолланган ва кўзга чиройли ташланарди. Ҳатто бошмоқларим ҳам тозаланиб, пайпоғим ҳам тахлаб қўйилган эди. Мен ювиниш учун лозим бўлган буюмлар, шунингдек, тараниб олишим учун тароқ ва чўткани ҳам кўрдим. Қаттиқ зўриқишдан сўнг, ҳар беш дақиқада дам олиб, амаллаб кийиниб олдим. Шунчалик озибманки, кўйлагим эгнимда осилиб қолди. Уни рўмол билан ёпдим ва аввалги ёқимтой кўринишга кирдим (бирорта доғ ҳам, бетартиблик ҳам қолмаганди, мен эса бу нарсаларни ўзим учун таҳқир деб билар ва ўта ёмон кўрардим), тўсиқни тутиб, тош зинадан секин энсиз йўлакка тушдим ва ниҳоят, ошхонагача етиб олдим.

У ер ёниб турган олов ва янги ёпилган нон ҳиди билан тўла эди. Ханна нон пишираётганди. Маълумки, ҳеч қачон ҳайдалмаган ерга сепилган уруғ маҳсулоти бўлган хурофотни юракдан илдизи билан чиқариб ташлаб бўлмайди; у тош ёнидан ўсган ажриқ каби қайсарлик билан бош кўтариб чиқаверади. Биринчи танишувда Ханна менга буткул салбий муносабатда бўлди; сўнгра у бироз юмшади; энди эса, мени чиройли кийимда ва батартиб кўринишда кўриб, ҳатто кулиб ҳам қўйди.

– Яхшимисиз? Ўрнингиздан турдингизми? – сўради у. – Демак, аҳволингиз яхши. Агар истасангиз, олов ёнидаги менинг кресломга ўтиринг.

Ханна тебранма стулни кўрсатди, мен ўтирдим. У ўз ишлари билан куймаланишда давом этди, ҳар замонда менга кўз қирини ташлаб қўярди. Печдан нонни оларкан, ўгирилиб, бирдан мендан сўраб қолди:

– Сиз дастлаб келганингизда шу даражада садақа сўрашингизга тўғри келганмиди?

Бир лаҳза ғазаб ярқ этиб ўтди; аммо ҳақиқатан ҳам худди тиланчи каби келганимни ва хафа бўлишга асос йўқлигини эслаб, мулойимлик билан, лекин қатъий жавоб қайтардим:

– Мени тиланчи сифатида қабул қилиб нотўғри қиласиз. Мен гадой эмасман. Сиз ва соҳибаларингиз кабиман.

Бироз жим туриб, у деди:

– Бундай деб ўйламайман, – ахир, сизнинг уйингиз ҳам, пулингиз ҳам йўқ-ку?

– Уй ёки пулнинг йўқлиги сиз ўйлаганингиз каби гадойликни билдирмайди.

– Сиз зиёлилардан мисиз? – сўради у суҳбат давомида.

– Ҳа.

– Лекин сиз ҳеч қачон пансионда бўлмагансиз-а?

– Мен пансионда саккиз йил бўлганман.

Унинг кўзлари катта очилиб кетди.

– Унда нима учун ўзингизга нон учун пул ишлаб топмайсиз?

– Мен ишлаб топганман ва умид қиламанки, яна нонимни меҳнат қилиб топаман. Бу парманжакларни нима қиласиз? – сўрадим мен у мева тўла саватни келтирган пайтда.

– Пирогга соламан.

– Беринг, мен тозалаб бераман.

– Йўқ, мен сизга юмуш қилдирмайман.

– Лекин мен бўшман, нима биландир шуғулланишим керак, беринг.

Ханна рози бўлди ва ҳатто кўйлагим устидан тўшаш учун тоза сочиқ ҳам келтириб берди.

– Кирлаб қўймайсиз, – аниқлик киритди у. – Сиз қора ишларга кўникмагансиз, бу қўлларингиздан кўриниб турибди. Эҳтимол, тикувчи бўлгандирсиз?

– Йўқ янглишдингиз. Сизга ким бўлганимнинг аҳамияти йўқ, бу сизни ташвишлантирмасин. Яхшиси айтинг-чи, бу қўрғон нима деб аталади?

– Кимдир уни Марш-энд деб атайди, кимдир эса – Мурхауз деб.

– Бу ерда яшайдиган жентльменнинг номи жаноб Сент-Жонми?

– Йўқ, у бу ерда яшамайди; у фақат меҳмонга келиб туради. У ўз қавмида, Мортонда яшайди.

– Бу ердан бир неча мил наридаги қишлоқчадами?

– Ҳа, ўша жойда.

– Ким у?

– У руҳоний.

Мен руҳонийни сўраб борганимда, черков уйидаги хўжалик бекасининг гапини эсладим.

– Демак, бу отасининг уйи, шундайми?

– Ҳа, кекса жаноб Риверс шу ерда яшарди. Унинг отаси ҳам, бобоси ҳам, катта бобоси ҳам шу ерда яшашган.

– Демак, бу жентльменнинг номи – жаноб Сент-Жон Риверс?

– Сент-Жон – унинг исми, Риверс эса шарифи.

– Сингилларининг номи Диана ва Мери Риверсми?

– Ҳа.

– Уларнинг отаси ўлдими?

– Уч ой олдин миясига қон қуйилиб ўлди.

– Уларнинг оналари йўқми?

– Соҳибамиз роппа-роса бир йил олдин ўлган.

– Сиз бу уйда кўпдан бери яшайсизми?

– Ўттиз йилдан бери. Учта болага ҳам ўзим энагалик қилганман.

– Демак, сиз ҳалол ва садоқатли хизматкорсиз. Сизга муносиб баҳо бераман, гарчи менга қўпол муносабатда бўлиб, тиланчи, деб атаган бўлсангиз ҳам…

У яна менга ажабланиб қаради.

– Билиб турибман, – деди у, – сиз тўғрингизда буткул янглишдим; бу ерда санғиб юрадиган безори дайдилар кўп, шу боис мени кечиришингиз лозим.

– …гарчи сиз, – давом этдим мен қаттиққўллик билан, – ҳатто итни ҳам қувмайдиган бу тунда мени ҳайдаб солсангиз ҳам.

– Ҳа, бу яхши иш бўлмади, аммо нима ҳам қилардим! Мен ўзимдан ҳам кўра болаларни кўпроқ ўйладим. Бечорагиналар! Мендан бошқа уларга қайғурадиган одам йўқ. Хоҳлайсанми, йўқми, жаҳлдор бўлишга тўғри келади.

Мен бир неча дақиқа сукут сақладим.

– Менга бунча таъна қилманг, – деди у яна.

– Йўқ, барибир сизга таъна қилишга тўғри келади, – дедим мен, – нима учунлигини ҳам айтаман. Мени ёлғончи, деб ҳисоблаб, кўксимдан итарганингиз ёки уйим ва пулим йўқлиги туфайли келган хулосангиз учун эмас. Сиз христиан сифатида, фақирликни жиноят, деб ҳисобламаслигингиз керак эди.

– Тўғри, бундай қилмаслигим керак эди, – деди у, – жаноб Сент-Жон ҳам шундай деди. Мен ноҳақ бўлган эканман; энди кўряпманки, сиз мен ўйлагандан бутунлай бошқа одам бўлиб чиқдингиз. Сиз жуда мулойим ва боадаб хоним экансиз.

– Майли, шундай бўлақолсин. Сизни кечираман. Қўлингизни беринг.

У унга беланган қадоқ қўлини менинг қўлим устига қўйди; дўстона табассум эса унинг қўпол юзига нур бағишлади ва шу дақиқадан бошлаб биз дўст бўлиб қолдик.

Кекса аёл гапиришни яхши кўрар экан, мен меваларни тозалаганимга қадар, пирог учун хамир олиш мобайнида ҳаётдан ўтган соҳиби ва у икки қиз ва акасини атагани каби “болалар” тўғрисида бир қанча маълумотларни батафсил сўзлаб берди.

Оқсочнинг айтишига қараганда, марҳум жаноб Риверс, анча оддий одам бўлган, аммо бу унинг жентльмен бўлишига ҳалақит қилмаган, насаби эса узоқ ўтмишга бориб тақаларкан. Марш-энд қурилгандан бери, қарийб икки юз йилдан ортиқ Риверсларга тегишли бўлиб келаркан; тўғри, бу уй кўринишидан унча каттамас, ҳам оддий, уни албатта жаноб Оливернинг Мортон-Вейлдаги саройи билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо у яна Оливернинг отаси, Билл Оливерни ҳам эсларкан, у эса бор-йўғи игна фабрикасида ишчи бўлиб ишлаган. Риверслар эса – барча Генрихлар давридан бошлаб зодагон бўлиб келишган, Мортон черковида сақланадиган туғилганликни қайд этиш дафтарини кўрган киши бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин экан. Кекса жентльмен шу ерликлар каби оддий ин-

сон бўлиб, ов қилишнинг ашаддий ишқибози ва яхши соҳиб бўлган. Уй соҳибаси ҳам бутунлай ўзгача аёл бўлиб, ўқишни жуда ҳам яхши кўрган ва ҳамиша ниманидир ўрганиш билан банд бўлган, бу жиҳатдан болалари ўзига тортган. Уларга ўхшагани бу ўлкаларда йўқ ва бўлмаган ҳам; тили чиққанданоқ ўқишга ҳавас қўйишган, ҳамиша бошқалардан ажраб туришган. Жаноб Сент-Жон вояга етиб, коллежга ўқишга кирган, сўнг пасторлик қила бошлаган; қизлар эса мактабни тугатишлари биланоқ мураббийлик қилишга қарор қилишган. Уларнинг айтишича, оталари бир ишонган одами туфайли жуда кўп пул йўқотган, яъни, пул олган одам хонавайрон бўлиб, пулни қайтаролмаган. Энди оталари етарлича маблағга эга бўлмаганлиги туфайли, қизлар ўзлари учун қайғуришга қарор қилишган. Опа-сингиллар деярли уйда яшашмайди, улар жаноб Риверс ўлими туфайли қисқа вақтга келишган; аммо улар Марш-эндни, Мортонни, мана шу тоғлар ва супургигуллар ўсиб ётган кенг далаларни жуда яхши кўришади! Уларнинг иккаласи ҳам Лондон ва шу каби жуда кўп катта шаҳарларда бўлишган; лекин улар ҳамиша уйдан ҳам яхшироқ жой йўқ эканлигини таъкидлаб айтишади. Улар ўзаро жуда ҳам аҳил! Ҳеч қачон уришиб-тортишишмайди! Бундай аҳил оила ер юзида топилмаса керак.

Парманжакни тозалаб бўлгач, опа-сингиллар ва уларнинг акалари қаерда эканлигини сўрадим.

– Мортонга сайр қилгани кетишган, ярим соатда қайтишади.

Улар ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай қайтишди ва уйга ошхона орқали киришди. Жаноб Сент-Жон мени кўриб, индамай, бош эгиб сўрашди ва ёнимдан ўтиб кетди, икки қиз эса тўхташди. Мери тузалиб, тўшакдан турганимдан хурсанд бўлгани ҳақида бир неча дилкаш сўзларини мулойимлик билан изҳор қилди; Диана эса қўлимдан тутиб, бошини чайқади.

– Менинг пастга тушишга рухсат беришимни кутиш керак эди, – деди у. – Ҳали ҳам рангингиз ўзидамас. Бечора қизгина! Бечора қиз.

Диананинг овози менга кабутарнинг ғуврашига ўхшаб эшитилди. Унинг нигоҳлари менга қувонч бағишларди. Юзи эса жуда ҳам ёқимтой туюлди. Мерининг юзи ҳам нурли, мафтункор эди; аммо у камгапроқ бўлиб, мулойимлигига қарамасдан, бироз ётсираб турарди. Диананинг нигоҳларида ҳукмронлик акс этиб, бу, билганингиздай, ироданинг ифодаси эди. Менга ҳамиша ақлга йўғрилган ҳукмронликка ён бериш, виждонан ва муносиб ёндашув бўлганда қатъий иродага бўйсуниш ҳузур бағишлаган.

– Бу ерда нима қиляпсиз? – давом этди у. – Сизнинг жойингиз бу ерда эмас. Биз Мери билан гоҳида ошхонада эркинликни ҳис этиш учун ўтирамиз, сиз эса меҳмонимизсиз, меҳмонхонада бўлишингиз керак.

– Менга шу ер ҳам ёқади.

– Қаранг, Ханна ишлаяпти, эгнингизга ун текизишингиз мумкин.

– Бунинг устига ошхона сизга ўта иссиқлик қилади, – қўшимча қилди Мери.

– Албатта, – деди опаси ҳам. – Юринг, айтганимизни қилинг! – У қўлимни қўйвормасдан, ўрнимдан туришга мажбур қилди ва қўшни хонага олиб ўтди.

– Шу ерда ўтира туринг, – деди у мени диванга ўтказиб, – биз пальтомизни ечиб, чой тайёрлаймиз. Бу ҳам ботқоқликлар орасидаги хилват

уйимизда биз фойдаланадиган имтиёзлардан бири. Биз кўнглимиз тусаганида ёки Ханна пишириш, вино қайнатиш, ювиш ёхуд дазмоллаш билан банд бўлганда ўзимизга-ўзимиз хизмат қиламиз.

У эшикни ёпиб, мени рўпарамда китоб ёки газета ўқиб ўтирган жаноб Сент-Жон билан ёлғиз қолдирди. Мен аввал меҳмонхонага, сўнг унинг соҳибига назар солдим.

Бу хона унча катта бўлмай, жуда оддий жиҳозланган, аммо тозалиги ва тартиблилиги билан жуда ҳам шинам эди. Эски урфдаги кресло ялтирар, ёнғоқдан тайёрланган стол эса ойнадай ярақларди. Қачонлардир яшаган бир неча аёл ва эркак портретлари гулқоғоз қопланган деворга ярашиб турарди. Ойнаванд эшикли шкафларга китоб ва қадимий чиннилар териб қўйилган. Хонада бирорта ортиқча ҳашам, ҳамда пушти ёғочдан ясалган аёллар иш столи ёнида турган иккита стулдан ўзга замонавий мебель кўринмасди; мебель, гилам, пардалар афтидан анча кўҳна, аммо яхши сақланган эди.

Деворда осилиб турган портретлардаги эркак тасвири каби, индамай, лабини юмиб, қўлидаги ўқиётган нарсасидан кўз узмасдан, қимирламай ўтирган жаноб Сент-Жон кузатишга мос воситага айланганди: шу ўтиришида ҳайкалга ўхшарди. У навқирон, тахминан йигирма саккиз, йигирма тўққиз ёшларда, баланд ва тик қоматли, бенуқсон ва тўғри ифодали юзи эса беихтиёр эсда қоларди. Қирра буруни ва оғизи, энгаги афиналикларникига хос эди. Инглизларда антик образга яқин бунақа юзларни кам учратиш мумкин. Менинг юзимдаги беўхшовликни кўрганда ўз юзидаги мана шу уйғун ифодадан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Унинг катта кўзлари мовий ва киприклари қуюқ бўлиб, фил суягидай оппоқ ва баланд пешонасида ёрқин рангли сочлари тўзғиб турарди.

Мафтункор қиёфа, шундай эмасми, ҳурматли ўқувчи? Шундай бўлсада, мулойим, ювош ва нозик табиатли бу кўриниш унчалик таассурот қолдирмасди. Хотиржамлигига қарамасдан, назаримда унинг лаби ва лаб чизиқларида, бурун катакларининг титроғида қандайдир баджаҳллик, бешафқатлик ва шиддат бордай эди. У сингиллари қайтиб келишмагунича, менга бир оғиз сўз айтмади, ҳатто бошини ҳам кўтариб қарамади. Диана, чой тайёрлаш билан банд бўлган ҳолда, хонага кириб-чиқиб турарди ва у менга ҳозиргина пиширилган пирог олиб кирди.

– Буни ҳозироқ еб олинг, – деди у, – жуда очқаган бўлсангиз керак. Ханна нонуштадан сўнг сизга бўтқадан бошқа ҳеч нарса бермаганини айтди.

Мен рад этмадим, чунки иштаҳам жуда ҳам очилиб кетганди.

Бу орада жаноб Риверс китобни ёпиб, стол ёнига келиб ўтирди ва менга чиройли мовий кўзларини қадади. Унинг қарашида ошкора синчковлик ва қатъият бор эди, бундан кўриниб турардики, у шу пайтга қадар тортинчоқлик боис эмас, атайлаб менга назар ташламаганди.

– Сиз жуда ҳам оч қолдингизми? – сўради у.

– Ҳа, жаноб.

Мен ҳамиша тўғри, шунингдек, қисқа ва лўнда жавоб беришга ўрганганман.

– Енгил иситма сизни уч кун овқат ейишдан тўсгани яхши бўлди; бирдан тўйиб овқат ейиш хавфли эди. Энди бемалол ейверсангиз бўлади, бироқ барибир меъёрни ушлаб турган маъқул.

– Сизга узоқ вақт тирик товон бўлмайман, деб умид қиламан, жаноб, – мен буткул хижолатлик билан қовушмаган ва беилтифот жавоб қайтардим.

– Йўқ, – деди у совуққонлик билан. – Сиз яқинларингизнинг манзилини айтсангиз, биз уларга хабар қиламиз ва сиз уйингизга қайтасиз.

– Бу – сизга тўғрисини айтаман – менинг ихтиёримда эмас; менинг уйим ҳам, яқинларим ҳам йўқ.

Учаласи ҳам менга қараб қолишди, аммо уларда ишончсизликни кўрмадим. Уларнинг кўзларида шубҳа эмас, қизиқувчанлик акс этиб турарди. Бу гап ёш қизларга тегишли эди. Сент-Жоннинг нигоҳлари эса, илиқ ва шаффоф бўлишига қарамасдан, муносабатни аниқ кўрсатмасди. Афтидан у бу кўзлардан ўз ичидагиларни очиш эмас, ўзгаларнинг ичидагини ўқиш учун фойдаланарди. Ундаги бу ёпиқлик руҳлантиришдан кўра, шошириб қўярди одамни.

– Айтмоқчисизки, – сўради у, – умуман ҳеч кимингиз йўқ, шундайми?

– Ҳа. Мени одамлар билан боғлаб турадиган ҳеч қандай ришта йўқ; мен Англиядаги бирор уйдан марҳамат кутишга ҳақли эмасман.

– Сизнинг ёшингизга нисбатан жуда ғалати аҳвол. – Шу ерда унинг кўзлари менинг стол устида турган қўлларимга қадалди. Бу унга нима учун кераклигини англолмадим, аммо сўзидан кейин аниқ бўлди.

– Ҳали турмушга чиқмаганмисиз?

Диана кулди.

– Ахир, у ўн етти ё ўн саккиздан ошмаган, Сент-Жон, – деди у.

– Мен ўн тўққизга қараб кетяпман; аммо турмушга чиқмаганман.

Мен юзимга ловуллаган қизиллик югуриб чиққанини ҳис этдим, негаки, турмуш ҳақидаги суҳбат менда аччиқ хотираларни уйғотарди. Ҳаммалари мендаги ноқулайлик ва хижолатликни сезишди. Диана ва Мери, менга ачинган ҳолда, қизарган юзларимдан нигоҳларини олишди, аммо уларнинг қаттиққўл акаси ҳамон тикилиб қараганча, йиғлаб юбормагунимча, сўроқда давом этди.

– Охирги вақтларда қаерда яшагандингиз? – сўради у.

– Мунча кўп савол берасан, Сент-Жон? – шивирлади унинг қулоғига Мери.

Аммо у менга шундай қараб турардики, назаримда унинг ўткир ва қаттиқ нигоҳлари ҳамон мендан жавоб кутарди.

– Мен яшаган жойимни ҳам, унинг соҳибини ҳам айта олмайман, – бу менинг сирим, – қисқа жавоб бердим мен.

– Сиз ўз сирингизни Сент-Жонга ҳам, сўраган бошқа одамга ҳам айтмасликка ҳақингиз бор, – деди Диана.

– Аммо мен сиз ва сизнинг ўтмишингиз ҳақида ҳеч нарсани билмасам, сизга ҳеч қандай ёрдам беролмайман, – деди унинг акаси. – Ахир, сиз ёрдамга муҳтожсиз, шундай эмасми?

– Ҳа, муҳтожман ва уни излаяпман. Мен бирор чинакам марҳаматли одамнинг кўмагида кучимга яраша иш топишим керак; ҳеч бўлмаганда энг зарур эҳтиёжимга лойиқ пул ишлашим лозим.

– Чинакам марҳаматли бўла оламанми-йўқми, билмадим, аммо сизнинг шундай тўғри ниятингиз бор экан, қўлимдан келганча ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Шу боис, даставвал айтинг-чи, охирги вақтда нима иш қилгансиз ва нима иш қўлингиздан келади?

Мен бу вақтда чойимни ичиб бўлгандим. У худди баҳодирга вино қувват бергани каби, менга куч бағишлади. Заифлашиб қолган асабларимни чиниқтиришга янги куч ато этган ва бунинг натижасида ёш ва синчков қозининг саволларига аниқ жавоб қайтариш имконини топгандим.

– Жаноб Риверс! – дедим мен унга ўгирилганча, худди ўзи каби тик ва тортинмай қараб. – Сиз ва сингилларингиз менга одам ўз яқинига кўрсатадиганидан ҳам зиёда катта марҳамат кўрсатдингиз: олижаноб меҳмондўстлигингиз билан ҳаётимни қутқариб қолдингиз. Бу эса сизга менинг чексиз миннатдорлигимни қабул этиш ва мен ҳақимда бирмунча нарсаларни очиқ билиш ҳуқуқини беради. Мен ўз руҳий хотиржамлигим, жисмоний ва маънавий хавфсизлигим, шунингдек, бошқалар учун ҳам зиён келтирмасликка ҳаракат қилган ҳолда, сиз паноҳингизга олган бир дарбадарнинг ўтмишини ҳикоя қилиб бераман.

Мен руҳонийнинг етим қолган қизиман. Ота-онам эсимни таниб улгурмасимдан олдин вафот этишган. Мени камбағал қариндошим асраб олди ва меҳрибонлик муассасига ўқишга берди. Олти йил ўқувчи ва икки йил ўқитувчи бўлиб яшаганим бу муассасанинг номини ҳам айтишим мумкин, – ...шир графлигидаги Ловуд етимлар мактаби. У ҳақда эшитган бўлишингиз керак, Жаноб Риверс. У ернинг таъминотчиси муҳтарам Роберт Брокльхерст.

– Жаноб Брокльхерст ҳақида эшитганман ва бу мактабни ҳам кўрганман.

– Мен Ловуддан бир йил олдин чиқдим ва хусусий мураббия бўлишга қарор қилдим; яхши жой ҳам топдим ва бахтиёр эдим. Сизникига келишдан тўрт кун олдин бу жойни ташлаб чиқишга мажбур бўлдим. Кетишим сабабини айтишга ҳақим йўқ ва айтолмайман: бунинг зиёни бўлмаганида ёки уйдирма бўлиб туюлганида ҳам аҳамияти йўқ. Мен шаънимга доғ туширмаганман ва худди сиз учалангиз каби бирор жиноятга дахлдор эмасман. Аммо мен ростданам бахтсизман. Ҳали узоқ вақт бахтсиз бўлиб қоламан, негаки, мени мен учун жаннат бўлган уйдан ҳайдаб чиқарган фалокат ғайритабиий ва даҳшатли. Уйдан чиқишда фақат икки мақсадни кўзда тутгандим: қочиш ва яшириниш; шунинг учун битта тугундан бўлак ҳамма нарсани ташлаб кетдим, ўша тугунни ҳам мени Утикроссда қолдирган фойтунда унутиб қолдирибман. Шу боис бу ерда пулсиз ва буюмсиз қолиб кетдим. Икки тунни очиқ осмон остида ўтказдим, икки кун мобайнида бирор остонадан ҳатлаб ўтолмай, саргардон кездим; очлик ва чарчоқдан бутунлай ҳолдан кетганимда, бир марта нимадир ейишга муваффақ бўлдим; буткул мадорим қуриб, очлик мени енгганда, сиз, жаноб Риверс, эшигингиз олдида ўлишга йўл қўймадингиз ва уйингизга киритдингиз. Мен буткул кўзимни очмай, ҳаракатсиз ётган бўлсам-да, шуурим уйғоқ эди ва сингилларингизнинг мен учун самимийлик ва бағрикенглик билан қанчалар меҳрибонлик қилишганини биламан, уларнинг бу яхшиликлари ва сизнинг Худо йўлидаги марҳаматингиз олдида туганмас қарздорман...

– Уни кўп гапиришга мажбур қилма, Сент-Жон, – деди Диана мен жим бўлиб қолганимни кўриб, – кўринишидан, ҳали унга ҳаяжонланиш оғирлик қилади. Бу ёққа келинг, Эллиот хоним, диванга ўтиринг.

Мен ўзим ўйлаб топган бу номни эшитиб беихтиёр сапчиб тушдим, у ҳақида бутунлай унутган эканман. Ҳеч нарсани кўздан қочирмайдиган жаноб Риверс бунга эътибор қилди.

– Исмингизни Жейн Эллиот дегандингиз, тўғрими? – сўради у .

– Ҳа, – дедим мен, – бу ҳозир аташим лозим бўлган ном, аммо ҳақиқийси бундай эмас, шунинг учун унга ҳали ўрганмаганман.

– Ҳақиқий исмингизни айтмайсизми?

– Йўқ. Мен дунёда ҳамма нарсадан ҳам кўра сирим очилишидан қўрқаман ва унга олиб борадиган ҳар қандай тушунтиришдан ўзимни олиб қочаман.

– Бунга ҳақингиз бор, – деди Диана. – Энди эса, ака, уни бироз ўз ҳолига қўйинг.

Бироқ, қисқа танаффусдан сўнг Сент-Жон ўшандай талабчанлик билан сўроқ қилишда давом этди:

– Сиз бизнинг меҳмондўстлигимиздан узоқ фойдаланишни истамайсизми? Кўриб турибманки, сингилларимнинг меҳрибонлигидан, айниқса, менинг марҳаматимдан тезроқ ҳоли бўлиш истагидасиз, шундайми? (Мен меҳр ва марҳаматнинг фарқини яхши тушунаман ва хафа бўлмайман, – бу борада сиз ҳақсиз.) Сиз кимгадир тобе бўлишни истамайсиз, тўғрими?

– Ҳа, мен бу ҳақда гапирдим. Менга жой ёки ишни, ёхуд қаердан иш излаш мумкинлигини кўрсатинг; сиздан илтимос қиладиганим фақат шу; менга энг узоқдаги кулбага бўлса ҳам, кетиш имконини беринг. Жой топилганга қадар шу ерда бўлиб туришга рухсат беринг: дарбадарлик ва бошпанасизлик даҳшатларини қайта бошдан ўтказишдан қўрқаман.

– Ҳа, албатта, сиз бизникида қоласиз, – деди Диана қўлини бошимга қўйиб.

– Албатта, – такрорлади Мери ҳам ўзига хос самимийлик билан.

– Кўриб турганингиздек, сизга ғамхўрлик кўрсатиш сингилларимга қувонч бағишлайди, – деди жаноб Сент-Жон, – бу худди қиш шамоли деразамизга учириб келган ярим музлаган қушчага ғамхўрлик қилишга ўхшайди. Мен ҳам сизга иш топишда кўмаклашишга хайрихоҳман ва буни амалга оширишга ҳаракат қиламан; аммо менинг имкониятларим жуда ҳам чекланган эканини эътиборга олинг. Мен бор-йўғи қашшоқ қавмнинг қишлоқ пастори-ман; менинг ёрдамим ҳам энг оддий бўлиши мумкин. Агар сиз бўлғуси ишингиздан кўнглингиз тўлмаса, унда мен таклиф қиладиганимга нисбатан яхшироқ таклиф қилиши мумкин бўлган бошқа жойдан иш излашингизга тўғри келади.

– У қўлидан келадиган ҳар қандай тоза ишни қилишга розилигини айтди, – жавоб берди мен учун Диана, – ва сен биласан, Сент-Жон, унинг ишонадиган бошқа одами йўқ; хоҳласа-хоҳламаса сен каби қаттиқ одам билан ҳисоблашишга тўғри келади.

– Агар бирор яхшироқ иш топилмаса, мен тикувчилик, оқсочлик, ҳатто беморга қарашга ҳам тайёрман, – жавоб бердим мен.

– Яхши, – деди совуққина қилиб жаноб Сент-Жон. – Мўлжалингиз шундай экан, сизга ёрдам беришга ваъда бераман; мен буни қандай ва қачон имконияти туғилса, ўшанда амалга ошираман.

Шундай дея, у яна чой олдидан ўқиётгани китобини ўқишга тутинди. Кўп ўтмай, мен ҳам турдим; мен у ерда кўп ўтирганим ва кўп гапирганим боис, кучим қолмаганди.

ЎТТИЗИНЧИ БОБ

Мурхауз соҳибларини қанча яқин билганим сари, улар шунча кўнглимга ўтира бошлашди. Бир неча кунда соғлигим анча яхшиланди, мен энди тўшакдан туришим ва ҳатто бироз сайр ҳам қилишим, Диана ва Мерининг машғулотларида иштирок этишим, истаганимча улар билан суҳбат қуришим, изн беришганда бу қизларга кўмаклашишим мумкин эди. Бундай мулоқотлар менга қувонч бағишларди, қарашларимиз, ҳиссиётларимиз ва дидимиз бирлиги туфайли туғилган бундай қониқишни мен биринчи бора ҳис этаётгандим.

Уларга ёққан китоб менга ҳам ёқар, уларга қувонч бағишлаган нарса мени ҳам хурсанд қиларди, улар эъзозлаган нарса менинг ҳам ҳурматимга сазовор бўларди. Улар ўзларининг хилватдаги бу уйларини яхши кўришарди. Мана шу новдалар чирмашган деворли, панжара қопланган деразали, паст томли кичкина, кулранг ва кўҳна уй ўзининг тоғ шамоли кучидан ёнлаб ўсган қарағайзор хиёбони билан, фақат ёввойи гулларгина гуллайдиган, игнабаргли ва найзабаргли буталар қоплаган боғи билан менда ҳам чуқур ва ўзгармас гўзал таассурот уйғотганди. Уй атрофини қоплаб олган бинафшаранг супургигул бутазорлари, орқа эшикдан кенг водийга олиб чиқиб кетадиган, даставвал тепаликлар орасидаги қирққулоқлари орасидан, сўнг эса пахмоқ юнгли қўзичоқлар ҳамда кулранг қўйлар ўтлаб юрган, супургигул бутазорлари билан чегарадош далалар орасида буралиб ўтадиган тош сўқмоқ опа-сингилларга жуда ҳам ёқарди, улар бу манзаранинг мафтуни эдилар. Бу ҳиссиётлар менга ҳам бегона эмасди ва уни қизлар билан бўлишардим. Мен кимсасиз бу гўшанинг табарруклигини, уни ўраб турган табиатнинг жозибасини туярдим. Нигоҳларим мох ва наъматаклар, гуллаб ётган майсазорлар, барқ урган қирққулоқлар ва гўзал гранит қоялар ўзига хос ранг-баранглик бериб турган баланду паст тепаликларга боқиб лаззатланарди. Буларнинг ҳаммаси, худди улар каби, мен учун ҳам қувончнинг тоза ва тотли манбаси эди. Бўрон шиддати ва енгил шаббода, булутли ва қуёшли кун, тонгги ва кечки нур, ойдин ва тийра тун – буларнинг ҳаммаси уларга бўлгани каби, менинг ҳам қалбимга ўз жозибаси билан ҳаяжон бағишларди.

Уй ичида ҳам ана шундай ўзаро мувофиқлик, уйғунлик ҳукмрон эди. Ҳар иккала қиз менга нисбатан билимли ва кўп ўқиган бўлиб чиқишди; аммо мен ҳам улар билан ўтган кунларимда қизлар босиб ўтган йўлга киришга ҳаракат қилдим. Мен улар берган китобларга муккамдан тушиб кириб кетардим, кундузи ўқиганларимни оқшомда улар билан бирга муҳокама қилиш менга адоғсиз шодлик ато этарди. Фикримиз бир жойдан чиқар, гапларимиз бир-бирини тўлдирар, бир сўз билан айтганда, қарашларимиз тўла мувофиқ эди.

Бизнинг учлигимизда биринчилик ва бошқарув роли Дианада бўларди. Жисмонан у мени барча нарсада қойил қолдирарди: у гўзал, кучли, шу билан бирга унда шунчалар кўп ҳаётий қувват бор эдиким, бунга лол қолмай илож йўқ эди. Дастлабки оқшомларда мен тўла қувватга кирмаганим туфайли, кўп гапира олмасдим, қувватга кириб, сўзамоллигим ошганда эса, менга кўпроқ Диананинг оёғи олдидаги кичик стулчада жимгина ўтириб, унинг тиззасига бош қўйганча, мен юзаки билган мавзуларда Мери билан

иккалаларининг қандай чуқур муҳокама қилишларини тинглаш ёқарди. Диана менга немис тилини ўрганишни таклиф қилди. Бу дарслар менга жуда маъқул тушди. Менга ўқувчилик, унга эса ўқитувчилик ўрни жуда мос эди. Бизнинг табиатимиз бир-бирини тўлдириб, ўртада мустаҳкам алоқа пайдо қилди. Опа-сингиллар чизишимни билишган заҳотиёқ, уларнинг қалам ва бўёқлар қутиси ихтиёримга берилди. Менинг рассомчилик санъатим – мана шу борада уларни қойил қолдира олдим – қизларни лол ва мафтун этди. Мери соатлаб ёнимда ўтириб, чизишимни томоша қиларди; сўнг у мендан сабоқ ола бошлади; у жуда итоаткор, зийрак ва серғайрат шогирд эди. Мана шундай мулоқотларда ҳафта кунлардек, кунлар эса соатлардек ўта бошлади.

Сент-Жонга келсак, сингиллари билан шунчалик тез ва самимий дил-лашиб кетганимизга қарамай, аввалгидай ўзини нари тутишда давом этаверди. Унинг ётсираши сабабларидан бири уйда кам бўлиши эди; у асосий вақтини шу қишлоқдаги уйлари бир-биридан анча узоқда жойлашган камбағал ва беморлар ҳолини йўқлаш билан ўтарди.

Афтидан, унинг бу пасторлик вазифасига ҳеч қандай об-ҳаво халақит қила олмасди. Ёмғирми, дўлми, эрталабки машғулотини тугатгач, отасидан қолган қари ити Карло ҳамкорлигида ўз вазифасими, бурчими, бунисини аниқ билмайман, адо этгани кетарди. Гоҳида, об-ҳаво жуда-ям ёмон бўлган пайтлари сингиллари уни уйда қолишга кўндирмоқчи бўлишаркан, у ўзининг ғалати, қувноқдан ҳам кўра тантанавор тусдаги табассуми билан шундай дерди:

– Агар шамол ёки ёмғир бу енгил вазифани адо этишимга тўсқинлик қила олар экан, унда мен ўз бурчимни бажара оламанми?

Диана ва Мери одатда унга жавобан чуқур нафас олиб, ўйга чўмиб қолардилар.

Сент-Жоннинг уйда кам бўлишидан ташқари, у билан дўстлашишга халақит қиладиган яна бир нарса бор эди: унда қандайдир одамовилик: ғамгинлик, ҳатто қайғуга ўхшаш нимадир яширин эди. Гарчи у пасторлик вазифасини астойдил адо этиб, ҳаёти ва одатлари бенуқсон бўлса-да, – кўринишидан, у ҳақиқий христиан ва саховатпешалар учун хос ички хотиржамлик ва кўнгил ёруғлигига эга эмасдай эди. Оқшомлари у ўзининг қоғозлар уйқашиб ётган столида ўтираркан, бирдан ўқиётган китобидан нигоҳини узиб ёки перосини қўйиб, бошини чангаллаганча аллақандай мавҳум хаёллар гирдобида қолган ҳоллари тез-тез учрарди; аммо, бир нарса аниқ эдики, бу хаёллар уни безовта қилиб ташвишга соларди, негаки, кўзларида гоҳида ўзига хос учқун чақнаб, қорачиғи кенгайиб кетарди.

Назаримда, табиат, сингиллари каби унга шодлик манбаси бўлиб хизмат қилолмасди. Бир марта, фақат бир мартагина менинг ҳузуримда у бу оддий ва вазмин тоғларда жозиба туйишини, болалигидан мана шу оғир томли, йўсин деворли ота уйига боғланиб қолганини эҳтироф этиб ўтди; бироқ унинг сўзлари қувончли эмас, маъюс ва ғамгин чиқди. Афтидан, у супургигуллар ўсган кенгликларни оромбахш сукунати боис бир марта ҳам кезмаган, уларнинг гўзаллигидан баҳра олмагандай эди.

Киришувчан бўлмагани сабаб, унинг ақл салоҳиятини тезда баҳолай олмадим. Илк бор, Мортон черковидаги ваъзини эшитиб, унинг фавқулодда қобилияти тўғрисида тасаввур ҳосил қилдим. Бу маърузани жон деб тав-

сифлаган бўлардим, аммо бунга кучим етмайди. Мен ҳаттоки ундан олган таассуротимни ҳам аниқ етказиб беролмайман.

У вазминлик билан сўз бошлади, ифодаси ва овоз оҳангига келсак, у охиригача бир маромни ушлаб турди. Лекин, гарчи қолипда ушлаб турилсада, ҳаяжонга солувчи бир кескин ифодалар нутқ пардасини жонлантириб, кўтариб борарди. Бунинг ҳаммаси нотиқ ички қувватни бир ерга жамлаб тўғри бошқара билгани натижаси эди. Юрак ҳаяжонда, ақл нотиқлик қудратига асир бўлган, аммо тингловчи хотиржамликни туймайди. Нотиқ сўзларида ғалати бир алам бор эдиким, у малҳамдай мулойимликдан мосуво эди; у кальвинизмнинг танлов, қисмат, ўлимга маҳкумлик шартларидан иқтибослар келтирар ва ҳар гал бу унинг овозида тақдир ҳукми янглиғ садо берарди. У тўхтаганида кўнглимни хотиржамлик ва ёруғлик ўрнига қандайдир андуҳ чулғаб олгандай бўлар ёки менга (бошқаларга қандай, билмайман) бу оташин нутқ гўё кўнгилнинг ушалмаган орзулар ва безовта интилишлар олови қайнаб ётган тубидан ловуллаб чиқаётган оловдан озиқланаётгандек туюларди. Ишончим комил эдики, Сент-Жон Риверс, пасторлик вазифасини жон куйдириб адо этиши, виждон амри билан иш тутиши, ҳаётининг покдомонлигига қарамай, ҳар қандай икир-чикирлардан устун бўлган кўнгил хотиржамлигини тополмаганди; мен ҳамиша гапиришдан ўзимни олиб қочсам-да, жонимни қиймалаб турадиган, йўқотган жаннат ва барбод бўлган умидларимнинг азобли аламлари каби нимадир бор эди унда.

Бу орада ой ўтди. Диана ва Мери ҳадемай Мурхаузни тарк этишлари ва уларни Жанубий Англиянинг катта шаҳарларидан бирида кутиб турган ўзгача муҳит, ўзгача ҳаётга қайтишлари лозим эди; уларнинг ҳар иккиси ҳам бой ва кибор, уларнинг қандай баланд наслдан келиб чиққанларини билмайдиган, туғма қобилиятларига шунчаки ошпазнинг санъати ёки оқсочнинг эпчиллиги янглиғ қарайдиган, уларга юқоридан туриб, хизматкордай муносабатда бўладиган хонадонларда мураббиялик қилишарди. Жаноб Сент-Жон ҳанузгача мени жойлашга ваъда берган иш ҳақида бир марта ҳам гапирмади; бироқ мен бирор ишни топишим ўта зарур эди. Бир куни тонгда, у билан меҳмонхонада бир неча дақиқа ёлғиз қолган вақтимда стол, стул, иш кабинетидаги китоб тахтаси ёрдамида ясалган дераза токчаси ёнига боришга қарор қилдим; унга ўзимни қизиқтирган саволни бериш учун керакли сўзларни излай бошладим, негаки, унга ўхшаган одамови одамларни муз каби қоплаб оладиган тўсиқни синдириш ҳамиша қийин кечган; лекин биринчи бўлиб сўз очиб, у мени бу қийинчиликдан қутқарди.

Ёнига борганимда, кўзини кўтариб, менга қараб:

– Мендан бирор нарсани сўрамоқчимисиз? – деди у.

– Ҳа, менбоп бирор иш бор эканлиги тўғрисида ҳеч гап эшитмадингизми?

– Мен топдим, аниқроғи уч ҳафта олдин сиз учун бир нарса ўйлаб қўйдим. Аммо бу ерда, кўринишидан сиз керакли ва шод бўлганингизни, сингилларим эса, сизга боғланиб қолишгани ва сизнинг даврангиздан чуқур қониқиш топишганини кўриб, уларнинг Марш-энддан кетадиган вақти яқинлашмаганича, бунинг оқибатида сизнинг ҳам кетиш вақтингиз келмаганича кутишга қарор қилгандим.

– Ахир, улар уч кундан кейин кетишади-ку? – сўрадим мен.

– Ҳа, улар кетишгач, мен ҳам ўз уйимга, Мортонга қайтаман, Ханна мен билан кетади, бу эски уй эса қулфланади.

Мен гапининг давомини кутдим; бироқ, назаримда унинг хаёллари бошқа томонга кетиб қолди; кўзларидан кўрдимки, у мендан ҳам, менинг ишимдан ҳам узоқлашганди. Уни ўзимни қизиқтирган саволга қайтаришга тўғри келди.

– Мен учун қандай жойни назарда тутгандингиз, Жаноб Риверс? Сиз кечиктирган муҳлат у ишни қўлга киритишимга халақит қилмаслигидан умид қилсам бўладими?

– О, йўқ, бу сизни ўша ишга жойлаштириб қўйишимга боғлиқ, аммо сиз, бу таклифни қабул қилсангиз, албатта.

У яна жим бўлиб қолди, гўё у гапини давом эттиришни истамаётганди. Мени сабрсизлик чулғаб олди: бир-икки беҳаловат ҳаракатим ва унга қаттиқ тикилиб турган нигоҳларим ундан кутаётганим тўғрисида сўздан кам тушунча бермади.

– Бекорга шошиляпсиз, – деди у. – Сизга очиқ айтишим керак: мен сизга қизиқроқ ва фойдалироқ нарса таклиф қила олмайман. Шунинг учун, гап нима ҳақидалигини тушунтиришимдан олдин, сизни огоҳлантирганимни эсга олишингизни илтимос қиламан: сизга қилган ёрдамим, албатта, агар у амалга ошса, бу худди кўрнинг чўлоққа қилган кўмаги каби бўлади. Мен камбағалман; отамнинг қарзларини тўлаганимдан сўнг менга фақатгина мана шу эски қўрғон, орқа тарафидаги синиб, қуриб ётган қарағайзор, олдидаги найзабарг буталар ўсган бир парча ботқоқ ергина қолади. Менинг ному нишоним қолмади. Тўғри, Риверслар – қадимий сулола, бироқ айни вақтда улардан қолган учта вакилдан иккитаси бегоналар қўлида ишлаб, ўзи учун нон топади, учинчиси эса нафақат тириклигида, ҳатто ўлим соатларида ҳам ўзини-ўз Ватанида бегона бўлиб қолади, деб ҳисоблайди. Шу боис у ўз саодатига шубҳа билан қарайди ва бу дунёда унга яқин турган айрилиқ хочини тақишни ва ўзи арзимас ходими ҳисобланган бутхонанинг каттаси келиб, тантанавор тарзда "Тур ва ортимдан юр!" деган сўзини сабрсизлик билан кутади.

Сент-Жон ўз нутқларидаги каби вазминлик билан теран овозда сўзлади; юзи рангпарлигича қолди, кўзларида эса ўша шиддатли ўт чақнади. У давом этди:

– Нишонсиз ва қашшоқ одамга хос тарзда сизга оддий ва арзимас ишгина таклиф қила оламан. Эҳтимол, кўриб турганимдай, жамият назокатли деб аташига ўрганиб қолган инсон сифатида буни ўзингиз учун таҳқир, деб биларсиз; сизнинг дидингиз анча юқорини кўзлайди ва бугунга қадар сиз ҳеч бўлмаганда ўқимишли одамлар орасида бўлгансиз. Лекин мен одамлар манфаатини кўзловчи иш таҳқир қилмайди, деб ҳисоблайман. Менинг фикримча, христиан қўшчи қисматига қанча беҳосил ва беунум ер тушса ва меҳнати қанча кам тақдирланса, унинг иззати шунча баланд бўлади. Унинг қисмати – кашшоф қисмати янглиғ, христианликнинг биринчи кашшофи хаворийлар бўлиб, уларнинг бошловчиси Нажоткорнинг ўзи эди.

– Нима ҳам қилардим, – дедим мен у яна жим бўлиб қолгач, – давом этинг.

У давом этишдан олдин менга қаради; афтидан у юзимни, гўёки ундаги ифодаларни саҳифа ва ҳарфлар сингари, шошилмай ўрганди. Кузатув натижасини қуйидаги сўзларда ифода этди:

– Ўйлашимча, сиз мен тавсия қилган жойни қабул қиласиз, – деди Сентжон, – у ерда бирмунча вақт ишлайсиз, бироқ, худди мен овлоқ қишлоқ черковида қишлоқ руҳонийси доирасида бир умр ўралашиб қолганим каби, доимий қолмайсиз, бундай бўлиши мумкин эмас. Негаки, сизнинг борлиғингиз, худди меники каби ҳар қандай жимликка қарши, фақат бу сизда ўзгача тарзда ифодаланади.

– Аниқроқ тушунтиринг, – сўрадим мен у яна жим бўлиб қолганда.

– Яхши, сизга қанчалар арзимас, фойдасиз ва кундалик иш таклиф этаётганимни кўрасиз. Отам ўлди, энди ўзимга-ўзим хўжайинман ва Мортонда кўп қолмайман. Бу ердан бир йилга қолмай кетсам керак. Ҳозирча шу ерда эканман, бор кучимни ўз қавмимга хизмат қилишга сарфлайман. Бу ерга икки йил олдин келганимда Мортонда битта ҳам мактаб йўқ эди; камбағалларнинг боласи таълим олишнинг ҳар қандай имкониятидан маҳрум эдилар. Мен ўғил болалар учун мактаб очдим, энди эса қизлар учун очмоқчиман. Унга туташган коттеждан ўқитувчи учун икки хона олишга муваффақ бўлдим. У йилига ўттиз фунт ҳақ олади; хона жиҳозланган, тўғри, жуда оддий, аммо яшаш учун керакли ҳамма нарса бор. Бунинг учун қишлоғимиздаги ягона бой одам, бу водийдаги игна фабрикаси ҳамда чўян қуйиш заводи эгаси жаноб Оливернинг ягона қизи Оливер хонимдан миннатдор бўлишимиз лозим. Бу хоним ўқитувчига ҳақ тўлаш билан бирга, бир ўзи қийналиб қолади, деган ўйда мактабда ва уйда кундалик ишларига кўмаклашиш шарти билан етимхонадан бир қизалоқни ўқитиш ва кийинтиришни ҳам бўйнига олмоқчи. Ўқитувчи бўлишни истайсизми?

У саволни негадир шошилиб берди; назаримда, менинг жаҳлим чиқиб кетишини, ҳеч бўлмаганда менсимаслик билан шундай имкониятни рад этишимни кутганди. Гарчи, баъзи бирларини топган бўлса-да, ўй ва ҳиссиётларимни тўлиқ билмаганлиги туфайли, Сент-Жоннинг бу таклифга ижобий муносабатимга ишончи комил эмас эди. Ҳақиқатан ҳам иш жойи жуда оддий, аммо у ҳозир мен ниҳоятда муҳтож бўлган бошпанани бераётганди; бу иш бой хонадондаги мураббияликка нисбатан машаққатли эди, бироқ у менга эркинлик берарди; бегоналар қўлида қулларча муте бўлиш қўрқуви юрагимни қиздирилган темир каби куйдираётганди; бу ишда эса ориятни топтайдиган, номуносиб, маънавий таҳқирлайдиган ҳеч нарса йўқ эди. Мен қарор қилдим.

– Таклифингиз учун миннатдорман, жаноб Риверс, мен уни бажонидил қабул қиламан.

– Сиз мени тўлиқ англамадингиз шекилли? – сўради у . – Гап қишлоқ мактаби ҳақида кетяпти: ўқувчиларингиз фақат қишлоқ деҳқонларининг, яхшироқ ҳолатда эса фермерларнинг қизи бўлишади. Тўқиш, тикиш, ўқиш, ёзиш ва ҳисоб – сиз ўқитишингиз керак бўлганларнинг бари мана шундан иборат. Сиз бу ерда ўз билимларингизни қўллай оласизми? Сизнинг ақлингиз, қалбингиз, қарашларингиз бундан қониқадими?

– Мен уларни керак бўлганига қадар асраб тураман. Улар менда қолаверади.

– Сиз нимани зиммангизга олаётганингиз тўғрисида ўзингизга ҳисоб беряпсизми?

– Албатта.

У кулди, лекин бу табассумда алам ҳам, маъюслик ҳам йўқ эди, унда ҳақиқий қувонч ва чуқур қониқиш акс этаётганди.

– Қачон ишга киришасиз?

– Мен янги бошпанамга эртага кўчиб ўтаман, агар истасангиз, янаги ҳафта машғулотларни бошлашим мумкин.

– Ажойиб, майли, шундай бўлақолсин.

Сент-Жон ўрнидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади. Сўнг тўхтаб, яна менга қаради. У бош чайқади.

– Нимадандир норозимисиз, жаноб Риверс? – сўрадим мен.

– Сиз Мортонда узоқ қолмайсиз, йўқ, йўқ.

– Нега? Бундай дейишингизга қандай асос бор?

– Кўзларингизни ўқидим; улар ҳаётнинг сокин оқимидан дарак бермаяпти.

– Мен иззатталаб эмасман.

У чўчиб тушди.

– Нега иззатталаблик ҳақида гапиряпсиз? Сизнингча иззатталаблик нима? Мен ўзимдаги бу гуноҳни биламан, аммо қандай топдингиз?

– Мен фақат ўзим ҳақимда гапирдим.

– Яхши, иззатталаб бўлмасангиз, унда сиз… – У жим бўлди.

– Нима мен?

– Айтмоқчиманки, эҳтирос ва шиддат ичингизни тимдалайди; аммо сиз бу ифодани бошқа маънода тушуниб, хафа ҳам бўлишингиз мумкин. Сизни инсоний меҳр ва муҳаббат бошқаради. Ишончим комилки, сиз зиммангиздаги бу вазифани узоқ ва ёлғиз адо этишга, ҳеч қандай рағбатсиз, бир хил ишни бажаришга кучингиз етмайди. Худди мен каби, – қўшимча қилди у қизишиб, – мен тоғ ва ботқоқлик орасидаги бу хилватда кўмилиб узоқ яшай олмайман; Худо ато этган табиатим бунга тўсқинлик қилади; менга ато этилган қобилият увол бўлаяпти. Бу ерда қанча зиддиятлар бор эканлигини кўриб турибсиз. Мен, ҳозиргина Худонинг берганига қаноат қилиш тўғрисида ваъзхонлик қилиб, оддий ўтинчи ёки сув ташувчи ҳам ўзининг меҳнати билан Худо йўлида хизмат қилиши мумкинлигини исботлаган одам ҳам, руҳоний бўлатуриб, ич-этимни еб яшайман. Аммо бир куни ўз хислатларимизни қарашларимиз билан уйғунлаштиришимиз керак-ку!

У хонадан чиқиб кетди. Мен уни мана шу соат ичида бир ой давомидагига кўра кўпроқ билиб олдим. У мени таажжубга солди. Акаси ва туғилган уйи билан айрилиқ онлари яқинлашгани сари Диана ва Мери маъюс ва ғамгин бўлиб борардилар. Улар буни сездирмасликка қанчалик ҳаракат қилишмасин, ичларини тирнаётган ғамни енгиш ёки яширишнинг иложи йўқ эди. Бир гал Диана бу айрилиқ аввалгиларига умуман ўхшамаслигини айтди. Улар Сент-Жон билан узоқ йилларга, эҳтимол бир умрга айрилишлари керак эди.

– У ҳамма нарсани аллақачондан бери ўз олдига қўйган мақсади йўлида қурбон қилади, – деди Диана, – жумладан, қондошлик ва бунданам кучли бошқа туйғуларини ҳам. Сент-Жон вазмин кўрингани билан, Жейн, гоҳида ўлим каби қайсар бўлиб қолади, ундан ҳам ёмони, виждони уни қатъий қароридан қайтаришга йўл қўймайди. Тўғриси ҳам, мен у билан қандай баҳслашишим мумкин? Қарори ҳақиқатталаб, инсонпарвар, христианликка содиқ бўлади, аммо бу қарор юрагимни парчалаб ташлайди.

Шундай дея, унинг гўзал кўзлари ёшга тўлди. Мери эса ўз иши устига бирдан бошини эгиб олди.

– Биз отамизни йўқотдик. Ҳадемай, на бошпанамиз ва на акамиз бўлади, – шивирлади у.

Шу пайтда, тақдир худди "кулфат ёлғиз келмайди", деган нақлни исботламоқчи бўлгандай ва худди атайлагандай, яна бир ҳодиса рўй бердиким, бу ғам устига ғам қўшди. Дераза ортида қандайдир хатни ўқиётган Сент-Жон ўтиб кетгани кўзга ташланди. У хонага кирди.

– Тоғамиз Жон вафот этибди, – деди у.

Афтидан икки қиз гарчи эсанкираб қолган бўлсалар-да, ошиқча эҳтироссиз ва қайғусиз қабул қилишди; чамаси, бу воқеа ғамгинликдан кўра муҳимроқ эди.

– Вафот этибди? – такрорлади Диана.

– Ҳа.

У акасининг юзига диққат билан қаради.

– Энди нима бўлади? – сўради у паст овозда.

– Нима энди? – такрорлади Сент-Жон, унинг юзи мармар каби ўзгармай, қотиб турарди. – Нима энди? Ҳеч нарса. Ўқи.

У хатни синглисининг тиззасига ташлади. Диана унга кўз югуртириб, Мерига узатди. У ҳам жимгина ўқиб кўргач, хатни акасига қайтарди. Ҳар учаласи ҳам бир-бирига қарашди, уларнинг юзларида ғамгин ва ўйчан табассум бор эди.

– Омин! Биз ўз кунимизни кўра оламиз! – деди ниҳоят Диана.

– Аввалгидан ёмон яшамаймиз, – деди Мери.

– Тўғри, аммо бу бўлиши муқаррар нарсани жудаям аниқ қилиб кўрсатиб турибди, – эътироз билдирди жаноб Риверс, – ҳайратомуз фарқ.

У хатни стол ғаладонига солиб, ёпди-да, чиқиб кетди.

Бир неча дақиқа ўртага сукут чўкди. Сўнг Диана менга қаради.

– Жейн, сиз бизнинг сиримиздан тааҳжубга тушган бўлсангиз керак, – деди у, – ва шундай яқин қариндошининг ўлимидан қайғурмаяпти, деб бизни оқибатсизликда айблаётган бўлишингиз ҳам мумкин. Аммо биз умуман уни билмасдик. У онамизнинг акаси. Отамиз кўп йиллардан бери у билан чиқишмай келарди. Унинг маслаҳати билан отам давлатининг катта қисмини таваккал қилиб савдога тикди, оқибатда касодга учради. Улар қаттиқ уришиб қолишган ва гиналашиб, ажралишган. Шу баробар, ярашишмаган. Кейинги вақтларда тоғамиз ўз ишида муваффақият қозонган ва йигирма минг фунт жамғаришга эришган. У уйланмаган эди, биз ва яна бир нотаниш жиянидан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Отам, унинг ўз хатосини тушунишига ва бизга мерос қолдиришига умид қилганди; бироқ, хатда кўрсатилишича, Сент-Жон, Диана ва Мери Риверсларга мотам чамбараги учун ўттиз генийдан ташқари, тоғамиз бор мулкини ўша нотаниш жиянига қолдирибди. Албатта, бунга унинг ҳақи бор эди, аммо бу хабар барибир, бизни ранжитди. Мери иккимиз тоғамиз ҳеч бўлмаганда минг фунт қолдиради, деб ўзимизни бадавлат ҳисоблаб юрган эдик, Сент-Жонга ҳам бунча пул эзгу ишларини амалга оширишига яраган бўлар эди.

Шу тушунтиришдан сўнг жаноб Риверс ҳам, сингиллари ҳам бу мавзуга бошқа қайтишмади. Кейинги куни мен Марш-энддан Мортонга кўчиб ўтдим. Бир кундан сўнг Диана ва Мери узоқ Б…га жўнаб кетишди. Бир ҳафта ўтиб, жаноб Риверс ва Ханна руҳоний уйига кетишди ва кўҳна қўрғон ҳувиллаб қолди.

ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

Ниҳоят, мен бошпанали бўлдим – бу иккита кичик хонадан иборат коттеж эди. Пастдагисининг девори оқланган, қум сепилган полли бўлиб, у ерда бўялган стол ва тўртта стул, девор соати, уч-тўртта ликобча, коса ва фаянсдан ясалган чой идишлари қўйилган ошхона жавони жойлаштирилганди. Худди шу катталикдаги юқоридагисида эса унча катта бўлмаган қарағай ёғочли каравот ва жавон бор эди. Лекин, марҳаматли ҳомийларим ёрдамида бирозгина, зарур буюмлар билан бойитилган буюмларим мана шу кичик жавонни ҳам тўлдиролмади.

Оқшом. Ҳозиргина менга кўмаклашадиган етим қизни апельсин билан сийлаб, кетишига рухсат бердим. Ўчоқ олдида ўтирардим. Бугун эрталаб қишлоқ мактаби очилди. Ўқувчиларим йигирма нафар бўлиб, фақат учтасигина ўқишни билар, лекин бирортаси ёзишни ва ҳисобни билмасди. Бир нечта қизлар тўқий олишар, бир нечтасигина нимадир тика билишарди. Улар буткул маҳаллий шевада сўзлашарди. Бизнинг бир-биримизни тушунишимиз ҳали қийин эди. Айримлари мутлақо тарбиясиз, қўпол, қайсар ва жуда оми бўлса, бошқалари итоаткор, ўқишга иштиёқманд ва хушмуомала эдилар. Мана шу ғариб кийинган болажонлар, деҳқонларнинг фарзандлари ҳам энг таниқли шарифга эга бўлганларнинг насли ва қондоши, ўша новдаларнинг куртаги каби эканлигини, уларнинг зийраклиги, ақли, салоҳияти, ҳамда қалбларида яшаётган эзгулик киборларникидан кам эмаслигини унутмаслигим лозим эди. Менинг бурчим, шу куртакларни ривожлантириш, очилтириш бўлиб, бу иш менга завқ бағишларди. Ахир, мен қаршимда турган ҳаётдан алоҳида қувонч кута олмасдим, агар унга мослашсам ва астойдил меҳнат қилсам, кун келиб, ўзимни тутволишим мумкин эди.

Хўш, мана шу ноқулай, фақир синфларда ўтган тонгги ва кундузги соатлар хуррам, сокин ва қониқарли эдими? Ўзимни алдамай жавоб берадиган бўлсам: йўқ. Мен ўзимни жуда бахтсиз ҳис қилардим. Қанчалар аҳмоқман – таҳқирланган ҳис этардим ўзимни. Мен жамият поғонасидан тепага эмас, пастга қадам ташлаб қўйдим, деб қўрқардим. Атрофимда кўриб ва эшитиб турганим – қўполлик, жоҳиллик ва нодонлик мени даҳшатга соларди. Бироқ, бу ҳиссиётлар учун ўзимни койимайман, ўзимдан нафратланмайман. Бу яхши туйғу эмаслигини биламан, мана шунинг ўзи илгари ташланган катта қадам ва мен уларни енгишга ҳаракат қиламан. Эртага бир қисми билан курашаман, икки-уч ҳафтадан сўнг, эҳтимол, улар ҳақида буткул унутиш бахтига муяссар бўларман. Бир неча ойдан сўнг эса, ўқувчиларимнинг муваффақиятини ва яхши томонга ўзгаришини кўра бошлагач, менинг нафратим қувончга айланса ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳозирча эса, мулоҳаза қиларканман, битта савол эзарди: тўғри танлов қилдимми? Эҳтиросларим овозига қулоқ тутиб, оғир меҳнат ва курашларни рад этган ҳолда ипак тўрларда, гуллар бағрида ухлаб, Франциянинг жанубидаги данғиллама виллада уйғонсаму, жаноб Рочестернинг севгилиси бўлиб, унинг муҳаббати оғушида – о, у ростдан ҳам мени бирмунча вақт қаттиқ севганди, – яшаганим яхшироқмасмиди? Ахир, у дарҳақиқат, менга жуда боғланиб қолганди ва бошқа ҳеч ким мени бу қадар яхши

кўрмаган. Мен энди ҳеч кимнинг назокатим, лобарлигим ва беғуборлигим олдида бош эгганини кўрмайман, негаки, ҳеч ким менда бу хислатларни кўрмайди. У мени севган ва бу билан фахрланганди, – ундан ўзга ҳеч бир эркак менга нисбатан бу каби туйғуларни ҳис этмаган. Фикрларим қаёққа чувалашиб кетди ва нима деяпман, муҳими, нимани ҳис этяпман? "Нима яхшироқ, – сўрадим ўзимдан, – Марсельга яқин қаердадир соҳибимнинг қули бўлиб, ёлғончи бахтнинг қисқа соатларига сотилиб, сохта саодат билан ўзимни овутиб, сўнг уят ва надоматнинг аччиқ ёшларини тўкишми, ёки Англиянинг қоқ юрагида тоғ шамоли елпиб турган кичкина уйда эркин ва ҳалол қишлоқ ўқитувчиси бўлганимми?"

Ҳа, бурч ва қонун тарафга эгилиб, ўзимнинг ҳақ бўлганимни энди биламан ва ўйламай босган қадамнинг васвасаси устидан ғалаба қилдим. Тўғри йўл танлашда менга Яратганнинг ўзи ёрдам берди. Мен унинг илоҳий раҳнамолигидан миннатдорман!

Кечги хаёллар мени шу хулосага олиб келгач, ўрнимдан туриб, эшик олдига бордим-да, ёз қуёшининг ботиши, худди мактаб каби қишлоқдан ярим мил узоқда жойлашган, мен яшаётган уйни ўраб олган сокин далаларни томоша қилдим. Қушлар бугуннинг сўнгги қўшиғини куйлаётган эди.

Ҳаво тоза, шабнам эса малҳам каби эди…

Табиатни томоша қилатуриб, ўзимни бахтлиман, деб ўйладим ва бирдан йиғлаётганимни пайқаб қолиб, бундан жуда ажабландим. Нимага? Тақдир мени соҳибимдан айирганиданми ва мен энди уни ҳеч қачон кўрмайманми? Уни ташлаб кетганимнинг алами, изтироби, тутиб бўлмас ғазаби уни тўғри йўлдан оғдирмадимикан? Бу хаёллар кўз олдимдаги гўзал оқшом осмонини, бўм-бўш далаларни тўсиб қўйди. Қалбим бўм-бўш, дедим, чунки Мортоннинг бу қисмида дарахтлар орасида ярим кўриниб турган черков ва черков уйидан бўлак бирор бино кўринмасди. Узоқларда эса бойвачча жаноб Оливер қизи билан яшайдиган Вейлхолл кўзга ташланиб турарди. Юзимни қўлим билан тўсиб, бошим билан эшик ёндорига суяндим; бироқ менинг кичик боғимни атрофдаги яйловдан ажратиб турган тўсиқ олдидаги шовқин бошимни кўтаришга мажбур қилди. Жаноб Риверснинг қари ити Карло боғ эшигини тумшуғи билан туртаётган, унга қўл қовуштирганча, суяниб турган Сент-Жон қошларини чимириб, нимадандир норозидай жиддий қиёфада менга нигоҳини қадаб турарди. Мен уни ичкарига таклиф қилдим.

– Вақтим йўқ. Сизга сингилларим ташлаб кетган тугунни олиб келгандим. Билишимча, у ерда бўёқ қутиси, қалам ва қоғозлар бор.

Тугунни олгани бордим, – бу айни муддао эди. Сент-Жон назаримда, юзимга қовоқ уйиб, жиддий қаради: шубҳасиз, унда ҳали ёш излари сезилиб турарди.

– Биринчи иш кунингиз сиз кутгандан кўра кўпроқ толиқтирди, шекилли? – сўради у .

– О, йўқ! Аксинча, ўйлайманки, аста-секин ўқувчиларим билан машғулотларимни жойига қўйиб оламан.

– Эҳтимол, яшаш учун бошқача шароитни кутгандирсиз? Коттежингиз, унинг аҳволи... тўғрисини айтганда, улар жуда ғарибона …

Мен унинг гапини бўлдим:

– Менинг уйим шинам ва у мени қор-ёмғирдан асрайди. Анжомлари ҳам етарли ва жуда қулай. Атрофимда кўриб турганим ҳамма нарса мен-

да қайғу эмас, шукроналик туйғусини уйғотади. Мен гилам, диван ёки ошхонамда кумуш идишлари йўқлиги туфайли надомат чекадиган аҳмоқ ёки такасалтанг эмасман. Бундан ташқари, беш ҳафтагина олдин ҳеч нарсам йўқ эди, ҳеч ким уйига сиғдирмайдиган дайди, ғариб эдим. Энди эса, менинг танишларим, бошпанам ва ишим бор. Худонинг меҳрибонлиги, дўстларимнинг олиҳимматлиги, тақдир марҳаматидан миннатдорман. Нолийдиган нарсам йўқ.

– Демак, сизни ёлғизлик эзяпти? Ростданам уй қоронғи, ёнингизда эса ҳеч ким йўқ.

– Нафақат ёлғизликдан сиқилиш, ҳатто ором олишга ҳам ҳали вақтим бўлгани йўқ.

– Яхши. Айтганингиздай, ишингиздан ва ҳаётингиздан ҳақиқатан ҳам қониқиш ҳис этаяпсиз, деб умид қиламан. Ҳар ҳолда, тўғри мулоҳаза юритсангиз, Лотнинг хотини сингари иккиланиш ва қўрқувга енгилишга ҳали эрта эканлигини англаб етасиз. Бизникига келишдан олдин нимадан воз кечиб келганингизни билмайман, аммо, энди сизга орқага қарамасликни, ҳар қандай синов ва қийинчиликларга мардона туришни маслаҳат бераман; ҳеч бўлмаса бир неча ой ўз янги йўлингиздан қатъият билан кетинг.

– Ўзим ҳам шундай қилмоқчиман, – жавоб бердим мен.

Сент-Жон давом этди:

– Истакларни жиловлаш ва ўз майлини енгиш жуда ҳам қийин вазифа. Аммо, буни уддаласа бўлади, мен буни ўз тажрибамда синаб кўрганман. Худо ўз тақдиримиз устидан маълум бир ҳукмронлик берган бизга. Кучимиз бизга ман этилган фаолият учун иштиёқ билан кўпирганда, истагимиз биз учун ёпиқ йўлга чиқишга уринганда тушкунликка тушмаслигимиз керак; биз бор-йўғи кўнглимиз учун ман қилинган, аммо у ташналик билан унга интиладиган емакнинг ўрнини боса оладиган, эҳтимол, ундан ҳам тозароқ бошқа озуқа, қийин бўлса-да, аввалгисидай кенг ва тўғри йўл топишга уринишимиз керак, холос.

Бир йил олдин мен ҳам бахтсиз эдим, руҳоний бўлиб, хато қилдим, деб ўйлагандим. Бир хилдаги фаолиятим жондан тўйдирар даражада азоблар эди. Мен одамни эҳтиросга соладиган адабиёт соҳасига, рассом, ёзувчи, нотиқми, ким бўлса ҳам майли, фақат руҳоний эмас, жонли ҳаёт билан қайнайдиган одам бўлишга интилгандим. Ҳа, сиёсатчининг, шарафга интилувчи аскарнинг, шавкатпараст, ҳокимиятга интилувчининг юраги руҳонийнинг сипо кийими остида уриб турарди. Мен ўзимга, ҳаётим жуда оғир, уни ё ўзгартиришим, ё ўлишим керак, дердим. Аммо зулмат ва курашлар давридан сўнг ёруғлик ва нажот пайдо бўлди. Менинг боши берк ҳаётим бирдан бепоён кенгликка айланди, руҳимга самодан: “Тур, кучингни тўпла! Қанот ёз ва кўкка парвоз қил!” деган нидо келди. Худо менга қандайдир топшириқ берди, уни амалга ошириш учун иқтидор ва куч, аскарнинг, давлат арбобининг, нотиқнинг энг яхши фазилатлари ҳисобланмиш жасорат ва шиддат талаб этиларди.

Мен унинг иродасини бажо этишга қарор қилдим. Мана шу дақиқалардан бошлаб, руҳий ҳолатим ўзгарди, кўнгил кишани ечилди ва кучим озод бўлди; аввалги сиқиқликдан эса фақат вақтгина даволайдиган санчиқ қолди, холос. Тўғри, отам қароримга қаршилик қилганди, лекин унинг вафотидан сўнг йўлимда ҳеч бир жиддий тўсиқ қолмади; айрим

ишларни амалга ошириш, Мортондан харидор топиш, мен билган, енгишим лозим бўлган ёки мен енгишга қасам ичган инсоний заифликнинг сўнгги оғриғи – ҳиссий майл билан боғлиқ айрим муносабатларни узиб ташлаш... Шундан сўнг Европани тарк этаман ва Шарққа йўл оламан.

Бу гапларни у ўзига хос, сокин, шу билан бирга жўшқинлик акс этиб турган овозда сўйлади; гапини якунлагач, у нигоҳини менга эмас, мен қараб турган ботаётган қуёшга қаратди. Иккимиз ҳам даладан кўча эшикка олиб келадиган сўқмоққа орқа ўгириб тургандик, сўқмоқда ўсиб ётган ўтлар қадам овозини сездирмасди. Водийдаги сойнинг бизгача етиб келган овози – бизга эшитилиб турган ягона нарса шу эди. Кумуш қўнғироқнинг жарангидай оҳангдор ва қувноқ овозни эшитиб, иккимиз ҳам чўчиб тушдик:

– Хайрли оқшом, жаноб Риверс! Хайрли оқшом, кекса Карло! Итингиз сизга нисбатан дўстларни тезроқ пайқайди жаноб; мен даланинг четида пайдо бўлганимдаёқ, у қулоқларини динг қилиб, тумшуғи билан ҳавони ҳидлай бошлади, сиз эса ҳамон менга орқа ўгириб турибсиз.

Бу ҳақиқат эди. Гарчи жаноб Риверс, худди унинг боши узра турган булутни чақмоқ ургандек, бу қўнғироқдай овоздан титраб кетган бўлса ҳам, ҳамон дастлабки ҳолатида – қўлини эшикка суяганча, кунботар тарафга қараб турарди. Ниҳоят, у шошилмай ўгирилди. Назаримда, унинг олдида шарпа пайдо бўлгандай эди. Ундан уч қадам нарида кўзни олар даражада оппоқ кийинган, ёш ва латофатли, бироз тўлароқ, аммо хушқад қиз турарди. Аввалига у Карлони силаш учун энгашди, сўнг бошини кўтариб, юзидан узун тўрпардани кўтарди ва кўз олдимизда мутлақ гўзал чеҳра ёришиб кетди. "Мутлақ гўзал" деган ифода бу ерда албатта керак, негаки, мен буни тан оламан: Альбионнинг мўътадил иқлими ҳали бундай уйғун қиёфани яратмаган, атиргул ва ясмин рангининг бундай соф аксини унинг нам шамоли ва булутли осмони эркаламаган бўлса керак. Ундаги ҳамма нарса ҳеч бир нуқсонсиз, мафтункор эди. Юз чизиқлари тўғри ва нафис, кўзлари қадимий рассомлар чизган суратлардагидай шаҳло, узун ва қуюқ киприклари катта-катта ва қора кўзлари хумор боқиб турар, ингичка қошлари худди чизилгандай бўлиб, юзига янада аниқ ифодабахш этганди. Пешонаси оппоқ ва силлиқ бўлиб, сокинлик акс этар ва унда ранглар ўйини жилолангандай эди гўё. Ёноғи суйри, силлиқ ва тиниқ; оғзи ҳам худди шундай латофатли ва қип-қизил, тишлари садаф янглиғ, кичиккина энгаги ўртасида чуқурчаси бўлиб, қалин ва узун сочлари ўзига ярашган, қисқаси, қиёфанинг барча аъзолари уйғунлашган ҳолда, ўзига хос ва такрорланмас гўзалликни яратганди. Мен бу ҳурликога боқиб, дилдан мафтун бўлиб қолдим. Табиат ўгай онага хос зиқналигини ҳам унутиб, уни эҳтирос ва шоҳона сахийлик билан сийлаганди.

Табиийки, мен ўзимга: "Сент-Жон бу фариштага қандай муносабатда бўларкин?" деган саволни бердим ва унинг қизга ўгирилганини кўриб, табиийки, саволимга юз ифодасидан жавоб изладим. Бироқ у нигоҳини гўзал паридан узиб, эшик ёнида ўсган мойчечакларга қаратди.

– Ажойиб оқшом, аммо ёлғиз сайр қилишингиз учун жудаям кечлик қилади, – деди у гулбаргларини тўкиб бўлган гулларни оёғи билан эзиб.

– О, мен уйимга С…дан яқиндагина қайтдим (у бу ердан йигирма мил наридаги катта шаҳар номини айтди). Отам сиз мактабни очганингизни ва янги ўқитувчи келганини айтди ва мен чой ичиб бўлгач, шляпамни

кийиб, у билан танишиш учун шошиб келдим. Бу ўшами? – сўради қиз мени кўрсатиб.

– Ҳа, – деди Сент-Жон.

– Нима деб ўйлайсиз, сизга Мортон ёқармикан? – болаларча беғубор ва соддалик билан бўлса-да, мафтункорона сўради у.

– Ёқади, деб умид қиламан. Бунга ишониш учун менда асос бор.

– Ўқувчиларингиз эътибор билан эшитишдими?

– Албатта.

– Сизга кичик уйимиз ёқдими?

– Жудаям.

– Уни яхши жиҳозлабманми?

– Жуда яхши.

– Сизга хизмат қилувчи қиз Алиса Вудни ҳам тўғри танлабманми?

– Жуда тўғри танлагансиз. У эпчил ва чаққон.

"Мана, Оливер хоним ким экан, – мушоҳада қилдим мен, – ворис, қисмат ҳам, табиат ҳам унга сахийлик қилган. Аслида, у бахт юлдузи буржида туғилган бўлса керак".

– Мен гоҳида келиб тураман ва дарсларингизда сизга кўмаклашаман, – қўшимча қилди у. – Сизнинг олдингизга келсам, кўнглим ёзилади. Мен кўнгил ёзишни яхши кўраман. Жаноб Риверс, мен С...да вақтимни шундай хушнуд ўтказдимки! Кеча тунда иккигача рақсга тушдик, аниқроғи, тонггача деса ҳам бўлади. У ерга тартибсизликлар туфайли бутун бир Н... полки жойлаштирилган, офицерлари ҳам дилкаш одамлар! Бу ерда эса бизнинг чархловчи ва пайвандловчиларга тоқат қилиб бўлмайди, шулар ҳам ёш бўлдими!

Менинг назаримда, бу ёш қизга хизмат қиладиган жаноб Сент-Жоннинг юзи ғалати бужмайиб кетди. У лабини қаттиқ тишлагани туфайли юзининг пастки қисми ўзига хос баджаҳл ва жиддий қиёфага кирди. Нигоҳини мойчечаклардан узиб, Оливер хонимга қадади. Қиз эса унга кулги билан жавоб берди, кулги эса унинг ёшлигига, атиргул ёноғига, кулгичига ва ёниб турган кўзларига шундай ярашдики!

Сент-Жон эса ҳамон унинг рўпарасида жиддий ва индамай турарди, қиз Карлони силай бошлади.

– Бечора Карло мени яхши кўради, – деди кулиб, – у қовоғини уймайди, дўстларидан ўзини четга ҳам олмайди. Агар гапиришни билганда эди, менга ўшшайиб қарамаган бўларди.

Хоним Карлонинг бошини силаганча, унинг ёш, аммо бадқовоқ хўжайини олдида назокат билан эгилар экан, мен Сент-Жоннинг юзи бирдан қизариб кетганини кўрдим. Унинг ғамгин кўзларида сачраган учқунни ва тизгинсиз ҳаяжоннинг порлаганини ҳам кўрдим. Мана шу жонланган ва қизарган қиёфасида у менга хоним даражасида гўзал йигит бўлиб кўринди. Юрак худди пуфлаб шиширгандай, кўкрак қафаси кенгайиб, баланд кўтарилар, ақлнинг мустабид ҳукмидан юз ўгириб, озодлик сари талпинарди. Аммо руҳоний, худди моҳир чавандоз пишқириб турган арғумоқни жиловлагани каби, ҳиссиётини бўйсундириб, қўлга олди. Унга билдирилган нозик шаъмага на сўз ва на ҳаракат билан жавоб бермади.

– Отамнинг айтишича, сиз биз томонларга кўз ташламай қўйибсиз, – давом этди Оливер хоним унга қараб. – Сиз Вейлхоллни буткул унутиб

юбордингиз. Бугун у ёлғиз, соғлиги ҳам яхши эмас. Сиз билан бирга қайтамиз ва уни кўриб қўясиз!

– Жаноб Оливерни безовта қилиш учун кун жуда ҳам кечлик қилади, – жавоб берди Сент-Жон.

– Ким айтди сизга, жуда кеч деб? Мен сизга айни вақти, деб айтяпман. Бу отам эътиборга муҳтож бўлган айни соат. Фабрика ёпиляпти, унинг қиларга иши йўқ. Юраколинг, жаноб Риверс. Нега бунақа ёввойи ва одамовисиз? – Жаноб индамай турган бўшлиқни сўзлар билан тўлдиришга ҳаракат қилди қиз.

– Эҳ, буткул эсимдан чиқибди! – хитоб қилди у бирдан чиройли бошини силкиб, ўзидан аччиқлангандай. – Мен ҳавойи ва паришонхотирнинг ўзиман! Маъзур тутинг. Мен билан гап сотишга майлингиз йўқлигининг жиддий асоси борлигини унутиб қўйибман. Ахир, Диана ва Мерилар кетишган, Мурхауз эса ёпиқ ва сиз ёлғиз қолгансиз. Сизга ачиняпман. Юринг, отамни кўриб келинг.

– Бугун эмас, Розамунда хоним, бугун эмас.

Жаноб Сент-Жон буни беихтиёр айтди, рад этиш унинг учун қанчалик қийин бўлганини ёлғиз ўзи биларди.

– Ҳамонки, бунчалик қайсар бўлиб олган экансиз, унда кетаман, бу ерда ортиқ қолишим беҳуда. Шудринг ҳам туша бошлади. Хайрли оқшом!

Хоним унга қўлини узатди. Жаноб эса аранг унинг бармоқларини тутди.

– Хайрли оқшом! – такрорлади у худди акс-садо каби сокин ва паст овозда.

Хоним узоқлаша бошлади, аммо дам ўтмай, ортига қайтди.

– Сиз касал эмасмисиз? – сўради у .

Савол ўринли эди, негаки Сент-Жоннинг юзи қизнинг кўйлагидан ҳам оқариб кетганди.

– Буткул соғломман, – жавоб берди у таъзим билан ва эшик томон юрди. Оливер хоним бир томонга, у эса бошқа томонга кетишди. Қиз кўринмай кетишидан олдин икки марта ортига ўгирилди ва унинг изидан водий ғира-ширасида сеҳрли шарпани кўрган каби қараб қолди. Аммо Сент-Жон қадамларини қатъият билан ташлаб кетарди ва ортига бир марта ҳам ўгирилмади.

Бегона одамнинг изтироби ва ички кураши мени ўзимникидан чалғитиб юборди. Яқинда Диана акаси ҳақида "Ўлим каби қайсар", деганда умуман бўрттирмаганига амин бўлдим.

ЎТТИЗ ИККИНЧИ БОБ

Қишлоқ мактабида қўлимдан келганича қунт қилиб, виждонан дарс бера бошладим. Дастлаб бу иш жуда оғир кечди; ахир, ўқувчиларни тушуниб олишга ҳам вақт керак эди-да! Аввал-бошда улар кўзимга жуда бетарбия ва лаёқатсиз, бир-биридан оми бўлиб кўринди; бироқ, кўп ўтмай, адашганимни англадим. Улар ҳам маърифатли одамлар каби, бир-биридан фарқ қилар, бу фарқ кун, ҳафта ва ой сайин кўзга аниқ ташланиб борарди. Ўқувчиларда ўзим, нутқим, талаб ва тартибларим билан уйғотган ҳайрат тарқалди; бу "лапашанг анқов"лардан баъзилари ақлли қизларга айланди. Улар орасида серғайрат ва хушмуомалалари озмунча эмас эди; туғма

назокат ва фазилатга, шунингдек, фавқулодда қобилиятга эга қизлар ҳам учрардики, бундан кўнглимда иштиёқ ва ҳайрат кучаярди. Кўп ўтмай, қизалоқларнинг ўзига ҳам ҳар ишни бекам-кўст адо этиш, тоза ва озода юриш, бирорта ҳам дарс қолдирмаслик, камтар ва боадаб бўлиш ҳузур бағишлай бошлади. Гоҳо улар жуда тез ўзгариб бораётганига ўзим ҳам лол қолар ва ўқувчиларим билан чин дилдан фахрланар эдим; айрим қизлар билан эса ҳатто жуда яқин ҳам бўлиб қолдим. Шогирдларим орасида фермерларнинг бир неча қизлари бўлиб, улар деярли балоғатга етиб қолган, аллақачон ўқиш, ёзиш ва тикишни ўрганиб олганди; шу сабаб мен уларга грамматика, география, тарих, шунингдек, тўқиш-тикишнинг нафисроқ турларини ўргата бошладим. Ўқувчиларим орасида яна шундай қизларни ҳам учратдимки, улар эъзозга лойиқ, билимга чанқоқ, комилликка интилувчан эди; мен уларнинг уйида кўп бор ажойиб оқшомларни ўтказдим. Бундай оқшомларда қизларнинг ота-онаси ҳар гал мени илтифотга кўмиб ташлашарди. Уларнинг соддадил меҳмондўстлигидан бошим осмонга етар, ўзим ҳам уларга ҳурмат билан тавозе кўрсатар, улар эса бунга, чамаси, одатланмаган эди; бироқ менинг тавозейим уларга хуш ёқар ва фойда қиларди, чунки бу уларнинг ўз наздида ҳам қадр-қимматини кўтарар ва шундай муомалага лойиқ бўлишга руҳлантирар эди.

Қишлоқ одамлари мени ёқтира бошлаганини ҳис қилар эдим. Уйдан чиқдим деганча, ҳар қадамда самимий саломлашишар, дўстона табассум билан қарши олишар эди. Одамларнинг ҳурмат-иззатига кўмилиб яшаш, гарчи улар оддий деҳқонлар бўлишса-да, барибир, баҳорги илиқ қуёш нуридек хуш ёқар эди; шу қуёш нурида оромбахш туйғулар куртак ёзар ва гул тугар эди. Шундай кунларда қалбим маъюсликдан кўра кўпроқ шукроналикка тўлиб-тошарди. Бироқ, азиз ўқувчи, сир тутишдан не фойда: ҳаётим шундай сокин ва сермаъно кечаётган бир вақтда – кунни қишлоқ қизларига сабоқ бериб, шомни ёлғиз ўзим китоб ўқиб ёхуд расм чизиб ўтказгач, одатда, кечаси кўркинчли тушлар кўриб чиқардим. Бу тушлар ёркин, нотинч, орзуга лимо-лим, ҳаяжонли, шиддатли эди; мен ғайриоддий жойлар ва воқеалар, фавқулодда чигалликлару хавф-хатарлар орасида қайта-қайта, ҳар гал энг кескин, серҳаяжон вазиятларда жаноб Рочестерни учрататаверардим; ўшанда кучоғи тафти, сўз оҳанги, кўз қараши, мен уни-ю у эса мени севишини туйиш, у билан бир умр бирга бўлиш умиди қалбимда севгини илк кезлардаги куч ва эҳтироси билан қайта жонлантирарди. Уйғонгач эса, ҳозир қаерда ва қандай аҳволда эканимни эслаб, ҳаяжон ичида титраганча, каравотимдан туриб кетардим; фақат жимжит қора тунгина қалбимдаги чорасизлик хуружи ва қўмсов туғёнига гувоҳ бўларди. Эртаси куни тонгда, соат тўққизда эса яна хотиржам, вазмин кайфиятда ҳар кунги вазифамга киришар – мактабдаги машғулотларимни бошлар эдим.

Розамунда Оливер, сизни кўргани келаман, деган ваъдасида турди. У, одатда, тонгда от миниб, сайрга чиққанда келиб қоларди. Розамунда мактаб эшиги олдига отини елдириб келар, унга отлиқ қарол ҳамроҳ бўларди. Тўқ қизил рангдаги чавандоз аёллар либосини кийиб олган бу қизнинг гўзал юзини сийпалаганча, елкаси узра тўзғиган узун сочи устидан назокат-ла қора баркут шляпани қўндириб, эгар устида қушдек енгил ўтиришидан мафтункорроқ манзарани кўз олдингизга келтириш амримаҳол эди; у мана шу либосида қишлоқ мактабининг одмигина би-

носига кириб келар, ўзига лол боқиб турган деҳқон қизлари сафи оралаб енгил сирғалиб ўтарди. Одатда, у жаноб Риверс диний ақидадан дарс ўтадиган соатларда келарди. Назаримда, гўзал хонимнинг боқиши ёш руҳоний юрагини нақ тешиб ўтарди. Сент-Жон савқи табиий билан Розамунда кираётганини сезар, хоним эшикда кўринган маҳал, ҳатто тескари қараб турган бўлса ҳам, икки юзи қизариб кетар, гўё мармардан ясалгандек ёноқлари, гарчи аввалгидек қотиб турса-да, бирдан алланечук ўзгариб кетарди; ўзи ташдан хотиржам кўринса-да, ичида бир аланга ёнар, бу унинг сирини кескин ҳаракат ва оташин нигоҳлардан ҳам кўпроқ фош этиб қўярди.

Розамунда унинг қалбини забт этиб бўлган, у эса ўз туйғуларини яширолмай ҳалак эди. Сент-Жон асил насронийча сабр-матонатига қарамай, қиз унга очиқ юз билан қувноқ, нозик табассум қилиб қўйса бас, қўлларига титроқ кирар, кўзларида ўт чақнарди. Унинг лаблари айтолмаган сўзларни гўё маъюс ва ўткир кўзлари сўйлаб туради: “Мен сизни севаман, сиз ҳам мени бошқалардан устун кўришингизни биламан. Мени бу ҳақда оғиз очмасликка мажбур қилаётган сабаб – сиздан рад жавоби олишдан қўрқиш эмас. Агар сизга севги изҳор этсам, уни эҳтимол қабул ҳам этарсиз. Аммо бу юрак аллақачон муқаддас меҳробга қурбонлик сифатида қўйилган; ҳозир унинг чор тарафида гулхан ловуллаб ёнмоқда. Ҳадемай бу юракдан бир ҳовуч кул қолади, холос”.

Шунда Розамунда ёш боладек лабини чўччайтириб олар, юзидаги шодлик йўқолиб, унинг ўрнини ўйчанлик эгалларди. Қиз тезгина унинг кафтлари орасидан қўлини бўшатарди-да, хафа бўлганини ошкор этмаслик учун, шу қаҳрамон ёки жафокашнинг юзини кўрмай қўя қолай дегандек, тескари ўгирилиб оларди. Розамунда уни мана шу кайфиятда тарк этганда, Сент-Жон, албатта, қизнинг ортидан қувиш, уни тўхтатиш, ушлаб қолиш учун жонини ҳам беришга рози бўларди-ю, аммо шу хонимни деб мангу нажот топиш имконини қўлдан чиқара олмас, унинг муҳаббати деб жаннат ҳузур-ҳаловатидан кўнгил уза олмас эди. Бундан ташқари, ўзини фақат битта эҳтиросга бағишлаб, қалбида яшаётган турфа одамлар – таркидунёчи, ҳақиқатпараст, шоир ва руҳоний ризолигига ҳам етишолмасди. У Вейлхоллдаги тинч-осуда ҳаётни деб бўронли миссионерлик йўлидан ҳам қайтолмас, буни хоҳламас эди. Сент-Жон ҳар қанча оғир-босиқ бўлса ҳам, бир гал у билан шу ҳақда очиқчасига гаплашган ва буларни ўзидан билиб олган эдим.

Оливер хоним кулбамга тез-тез келиб турарди; шундан унинг феълатворини дарров билиб олдим: унда ҳеч қандай сирлилик ва сохталик йўқ эди. У танноз эди-ю, аммо тошюрак эмасди; талабчан эди-ю, аммо худбин ҳам эмасди. У эрка ўсганди-ю, лекин тантиқ бўлиб кетмаганди; гарчи қизиққон бўлса-да, аммо кўнгли очиқ эди; мағрур эди-ю (ахир, ҳар гал кўзгуга боқиб, нуқул гўзал чеҳрани кўрса, яна нима ҳам қилсин), лекин ишвагар эмасди. У саховатли эди-ю, аммо бойлигидан керилмасди; ўзини табиий тутар, анча ақлли ҳам эди; қувноқ, шўх ва бепарво юрарди. У мендек четда томошабин бўлиб турса ҳам, латофатли кўринарди; лекин унда чинакам салобат йўқ, одамларда чуқур таассурот қолдирмасди. У Сент-Жоннинг сингилларига қараганда, буткул ўзга тоифадан эди. Шунга қарамай, у менга ўз тарбияланувчим Аделдек ёқарди. Ваҳоланки,

биз ўзимиз таълим ва тарбия бераётган ёш болага, бегона катта кишидан кўра, у ҳатто жуда жозибадор бўлса ҳам, кўпроқ кўнгил қўямиз.

Розамунда ўзига етгудек инжиқ бўлгани учун мен билан қизиқиб қолди. Унинг айтишича, мен жаноб Риверсга жуда ўхшар эканман (албатта, у сиздан ўн карра кўркам; сиз ҳам ёқимтой бўлсангиз-да, у нақ фариштанинг ўзи, деди Розамунда). Шунга қарамай, унинг фикрича, мен ҳам Сент-Жондек ақлли, меҳрибон, одамови ва қатъиятли эканман. У менинг қишлоқ ўқитувчиси бўлиб қолганимни тақдир ўйини, деб изоҳлади ва сизнинг ўтмишингиз ҳар қандай қиссадан ҳам қизиқарли бўлса керак, дея ишонч билан таъкидлади.

Бир кун оқшомда Розамунда рўйхушлик бермаслигимга қарамай, ошхонамдаги жавоним ва столим қутисини титиб, иккита французча китоб, Шиллернинг жилди, немис тили дарслиги ва луғати, шунингдек, расм чизиш асбоб-анжомлари ва бир неча қораламамни топиб олди. Бу қораламалар орасида малаклардек сулув бир ўқувчи қизимнинг қора қаламда чизилган бош тасвири, Мартон водийси ва унга ёндош яйловларда натурага қараб чизилган пейзажлар бор эди. Аввалига у ҳайратда қотиб қолди, сўнг эса ҳаяжонини ичига сиғдиролмай, менга саволлар бера кетди.

Шу расмларни сиз чизганмисиз? Француз ва немис тилларини биласизми? Бу жуда ажойиб, жуда ғаройиб-ку! Сиз С...даги энг яхши мактаб ўқитувчисидан ҳам чиройли чизаркансиз. Сиз менинг ҳам портретимни чизиб бероласизми? Агар чизиб берсангиз, уни отамга кўрсатардим...

– Бажонидил, – дедим шундай ҳурлиқонинг расмини чизиш орзусидан юрагим ҳаприқиб. Шу куни у тўқ кўк шоҳи кўйлак кийган, қўли ва бўйнига тақинчоқ тақмаган, ягона безаги елкасига инжа латофат билан ёйилиб тушган қизғиш-қўнғир сочлари эди, холос.

Юпқа картон қоғоз олиб, Розамунданинг юзини чиза бошладим. Унга қандай ранг беришни хаёл қилиб, барвақт қувонган эканман, кеч бўлиб қолгани сабаб, эртага давом эттирсак, деб илтимос қилдим.

У мени роса мақтаган шекилли отаси ҳам эртаси кун оқшомда қизи билан бирга келди. У ўрта ёшдаги басавлат, сочи оппоқ оқарган одам эди, гўзал қизи унинг ёнида гўё кўҳна минора остидаги нозик ниҳолга ўхшарди. Жаноб Оливер камгап кўринди, эҳтимол, бу унинг мағрурлигидандир; аммо ўзини мен билан жуда сертакаллуф тутди. Розамунданинг портрети эскизи унга жуда маъқул тушди; жаноб Оливер мендан суратни тезда якунлашни илтимос қилди. Шунингдек, у эртага Вейлхоллга қадам ранжида қилиб, оқшомни биз билан бирга ўтказинг, деб қаттиқ тайинлади.

Жаноб Оливернинг уйи жуда катта ва чиройли эди: ундаги ҳар бир жиҳоз бу уй соҳиби нақадар бой эканидан далолат берарди. Розамунда жуда қувноқ ва мамнун кўринарди. Отаси ҳам менга хушмуомалада бўлди; чойдан сўнг у мени суҳбатга тортиб, Мортон мактабидаги фаолиятимни маъқуллади: “Бироқ, дея қўшимча қилди у, сиз яқинда ўзингизга муносиброқ бошқа жойга ишга ўтиб кетмоқчи экансиз, мана шуниси мени бироз чўчитиброқ турибди”.

– Аслида ҳам, дадажон, – дея хитоб қилди Розамунда, – Жейн жуда ақлли қиз, у киборлар оиласида бемалол мураббиялик қила олади!

Ҳар қандай кибор оиласидан ҳозирги жойимни афзал кўраман, деган фикр ўтди хаёлимдан. Жаноб Оливер жаноб Риверс ва Риверслар оиласи

ҳақида зўр эҳтиром билан гапирди. Риверслар – шу ерлик энг қадимий дворянлар сулоласи, деди у; Риверслар илгари жуда бадавлат яшаган, бутун Мортон уларга қараган экан; унинг фикрича, ҳозир ҳам шу авлод вакили, агар буни ўзи хоҳласа, жуда бой қизга уйланиши мумкин экан. У Сент-Жондек кўркам, қобилиятли йигит Ҳиндистонга миссионер бўлиб кетаётганига ачинди; бу иши билан бебаҳо ҳаётини барбод этади, деди у. Мен унинг сўзларидан агар Розамунда ва Сент-Жон турмуш қуришса, жаноб Оливер бунга тўсқинлик қилмаслигини англадим. Жаноб Оливер, чамаси, бу йигитнинг дворянлик мартабаси, қадимий насл-насаби, руҳонийлик рутбаси пули йўқлигини қоплаб кетади, деб ҳисобларди.

Байрам куни ғалати бир воқеа юз берди. Уй ишларимга қарашиб турадиган қиз ҳар кунгидек бир пенни олди-да, хурсанд бўлиб уйига жўнади. Хонам бошдан-оёқ топ-тоза – пол битта ҳам доғ қолдирмай, қиртишлаб тозаланган, камин панжараси-ю стол-стуллар ярақлаб турарди. Ўзим ҳам ораста кийиниб олган, энди вақтимни эркин ўтказсам бўларди.

Бир соатча немис тилидан таржима қилиб ўтирдим; сўнг қўлимга юпқа картон ва қалам олиб, енгилроқ ва ёқимлироқ машғулотга – Розамунда Оливер портретини якунлашга тутиндим. Унинг бош расмини чизиб бўлган эдим; энди унинг ортидаги деворга қоқилган гулдор матони чизиш, ақиқ лабларга қизилранг бериш, соч турмагига бир-икки жингалак кокил қўшиш, узун киприклар кўз остига ташлаган сояни қуюқлаштириш қолганди. Эшик кетма-кет тақиллаб, қаттиқ итариб очилганча, Сент-Жон кириб келганда, мен портретга шўнғиб кетгандим.

– Байрамни қандай ўтказяпсиз, бир кўрай-чи, деб келдим, – деди у кирасолиб. – Фикрингиздан чалғитмадимми? Йўқ, дейсизми? Ҳа, бу ишингиз соз бўпти! Шундай эрмак топсангиз, ёлғизликни унутасиз. Мана, кўрдингизми, сиз ўз ваъдангизда мардона турсангиз ҳам, мен сизга ҳалиям ишонмайман. Оқшомда ўқигани яхши китоб олиб келдим.

У шундай деб столга янги нашр этилган бир достонни қўйди: бу – ғоят гўзал ижод маҳсули бўлиб, ўша кезларда саодатманд китобхон бундай асарлар билан тез-тез сийланар эди. Афсуски, ҳозирги китобхон бундай сийловларга деярли лойиқ кўрилмаяпти. Бироқ қўрқманг! Мен лирик чекиниш қилиб, кимнидир айбдор этмоқчи, кимгадир заҳримни соқмоқчи эмасман. Шуниси аниққи, шеър – ҳали тирик, даҳо ҳам – ҳаёт, бойлик ва дунёвий ҳирс тимсоли – Маммон уларни зиндонга ташлаб, ҳалок этмаган. Шеър ва даҳо ҳали яна майдонга чиқади, яшашга бўлган ҳақ-ҳуқуқи, эрки ва қудратини намойиш этади. О, самовий фаришталар! Сиз тубан руҳлар ғолиб келиб, заиф руҳлар фарёд чекканида, қулиб қўя қоласиз, холос! Нима, шеър ўлдими? Даҳо қувғинди бўлдими? Йўқ асло, эй ўртамиёналик! Бундай мудҳиш хаёлга борма! Шеър ва даҳо нафақат тирик, балки руҳга ҳоким ва уни поклагувчидир; агар иккисининг одам қолбига илоҳий таъсири бўлмаса, сен ҳам дўзахда – ўз жоҳиллигинг дўзахида қолиб кетган бўлардинг!

Мен "Мармион"нинг ("Мармион" – инглиз ёзувчиси Вальтер Скотт достони) яп-янги саҳифаларини қизиқиб варақлаётганда, Сент-Жон мен чизаётган расмни яхшироқ кўриш учун эгилиб қаради. У бирдан титраб кетди-да, яна қаддини тиклади; бироқ оғиз очиб, бир сўз демади. Мен унга қарагандим, кўзини олиб қочди. Шунга қарамай, ақлини қандай фикр банд этгани, кўнглида эса қандай туйғу қўзғалганини осонгина фаҳмлаб

олдим; мен шу онда Сент-Жонга нисбатан хотиржам ва совуққон эдим; ундан вақтинча устун эканимни ҳис этдим-да, агар бунинг иложи топилса, унга ёрдам бермоқчи бўлдим.

"У ҳар қанча матонатли ва қатъиятли бўлмасин, – дея мулоҳаза юритдим мен, – барибир, елкасига ҳаддан зиёд оғир юк оляпти: ҳар бир туйғу, ҳар бир изтиробини яшириб, барчадан сир тутяпти, барини ичига ютиб, бировга дил ёрмаяпти. Имоним комил, гўзал Розамунда ҳақида суҳбатлашса, анча енгил тортади. Уни шу ҳақда суҳбатлашишга мажбур қиламан".

Мен шу мақсадда:

– Ўтиринг, жаноб Риверс, – дея қистадим.

Аммо у ҳар галгидек шошиб турганини баҳона қилди.

"Майли, – дедим кўнглимда, – тик турсангиз, тураверинг, аммо ҳеч қаерга кетмайсиз, чунки кетишингизга йўқ қўймайман; ёлғизлик худди мендек сиз учун ҳам хавфли. Мен қалб торларингизни аста чертиб кўраман, таппа-тақ берк кўнглингизга йўл топаман, юрак яраларингизга ўз ҳамдардлигим билан малҳам қўяман".

– Хўш, портрет ўхшабдими? – деб сўрадим истиҳола қилмай тўппа-тўғри.

– Ўхшабдими дейсизми? Кимга ўхшаши керак? Тузукроқ қараганим ҳам йўқ.

– Афв этингу, жаноб Риверс, бу гапингизга ишонмайман.

Сент-Жон бу илкис ва ғалати қайсарлигимдан титраб кетди-да, юзимга ҳайрон бўлиб қаради. "О, ҳали бу атиги бошланиши, – дедим кўнглимда. – Ўзингизни жиддий тутишингиз мени довдиратмайди; мендан осонликча қутула олмайсиз". Шуларни хаёлимдан ўтказдим-да, сўзимда давом этдим:

– Сиз уни диққат билан кўздан кечирдингиз; аммо яна бир бор кўз ташлашга ижозат бераман. – Мен ўрнимдан турдим-да, портретни қўлига тутқаздим.

– Портрет яхши ишланган, – деди у, – жуда юмшоқ, соф ранглар, жуда нафис, аниқ чизгилар.

– Ҳа, ҳа, буларни ўзим ҳам биламан. Аммо ўхшашлигига нима дейсиз? Кимга ўхшар экан-а бу расм?

Бир зум сукут сақлагач, у бундай деди:

– Чамамда, Оливер хонимга.

– Албатта. Бу топқирлигингиз учун, жаноб, шу портретдан нусха кўчириб, уни сизга совға қиламан – мабодо уни рад этмасангиз, албатта. Чунки сиз учун бир чақалик ҳам қиммати йўқ нарсага шунча вақт ва куч сарфлашни хоҳламайман.

У портретни яна томоша қила кетди; у расмга қанча кўп термилса, бармоқлари уни шунча маҳкам сиқар, портретни қўлга киритишни шунча бетоқат истарди.

– Ҳа, ўхшайди! – деб ғўлдиради у. – Кўзлар моҳирона чизилган. Улар жилмайиб турибди. Бўёқ, ранг ва чизгилар бениҳоя уйғун.

– Шу расм ўзимда ҳам бўлса дейсизми ёки у сизга маъқул эмасми? Фақат ростини айтинг. Мадагаскар, Яхши Ният бурни ё Ҳиндистонда уни ёнингизда олиб юриш қалбингизда қувонч ҳисларини уйғотадими ёки фақат азобли хотираларни қўзғайдими?

У менга шошиб кўз ташлаб олди, қорачиқларида қатъиятсизлик ва иккиланиш учқуни ялт этди. Сўнгра яна расмга термилди.

– Тан оламан, бу расм ўзимдаям бўлишини хоҳлайман; аммо бу ақллилик ва эҳтиёткорликка тўғри келадими ёки йўқми, буниси – энди бошқа масала.

Розамунданинг унга кўнгли борлиги-ю отаси бу никоҳга монелик қилмаслигини билгач, бу муждадан худди Сент-Жондек қаттиқ ҳаяжонланиб, уларнинг бошини қовуштиришни орзу қила бошладим. Жаноб Оливернинг мол-мулки Сент-Жоннинг қўлига ўтса, у миссионерлик йўлида ўз истеъдодини ҳазон қилиш, жазирама юртларда ўз умрини совуришдан воз кечиб, шу мол-мулк ёрдамида бундан кам бўлмаган савобли ишлар қила оладигандек туюларди. Шу боис унга ҳеч иккиланмай бундай дедим:

– Менингча, сиз учун энг оқилона йўл – дарҳол шу расмдаги қизга уйланиш.

Сент-Жон стулга чўкди, портретни столга – рўпарасига қўйди, икки қўлини чаккаларига тираганча, меҳр билан тасвирга энгашди. У менинг дадиллигимдан ранжимагани, бундан ҳайрон қолмаганини пайқадим. Қолаверса, тақиқ қўйилгандек туюлувчи бу мавзуда очиқчасига суҳбатлашиш, ўзи ҳақида шундай эркин фикрларни эшитиш унга хуш ёқиши ва енгил торттиришини англадим. Одамовилар қизиққонлардан кўра ўз туйғуларини очиқ муҳокама қилишга кўпроқ эҳтиёж сезишади. Энг матонатли мавжудот бу – инсондир, унинг "соқов" қалбига дадил ва самимий "бостириб кириш" – кўпинча унга улкан яхшилик қилишни англатади.

– Сиз унга ёқасиз, бунга ишончим комил, – дедим мен у ўтирган стул орқасида туриб, – отасининг ҳам сизга ҳурмати баланд. Розамунда бироз эркароғу, лекин ўзи ажойиб қиз; сиздаги жиддийлик иккингизга ҳам етиб ортади. Сиз албатта унга уйланишингиз керак.

– Наҳотки, унга ёқсам? –деб сўради у .

– Бўлмасам-чи; унинг наздида, сиздан яхшироқ одам йўқ. У сиз ҳақингизда сўзлаб чарчамайди; бу унинг учун энг қизиқарли, энг ардоқли мавзу.

– Бу сўзларни эшитиш ёқимли, – деди у, – жудаям ёқимли; илтимос, мана шу руҳда яна чорак соат давом этсангиз! – У шундай деди-да, жиддий қиёфада чўнтагидан соат чиқариб, вақтни кўриб туриш учун стол устига қўйди.

– Чамаси, сиз шу онда мени яксон қилгани жавоб зарбаси тайёрлаяпсиз ёки ўз юрагингизни занжирбанд этишга янги кишан қуяпсиз, – дедим мен. – Модомики шундай экан, давом эттиришдан нима фойда?

– Бундай ваҳималарни миянгиздан қувинг. Тасаввур этинг, Розамундага кўнгил қўйиб, севиб боряпман – аслида-ку, тўғриси ҳам шу. Инсоний муҳаббат ҳислари, қўққис кўз очган булоқдек қалбимдан қайнаб чиқяптида, ўзим бемисл қунт ва заҳмат билан ҳайдаб, эзгу ният ва ўздан кечиш уруғини сепган даламни болдек суви билан суғормоқда. Мана, далам шира билан қопланди, ёш кўчатлар сўла бошлади – ширин оғу уларни бўғиб қўйди; энди эса мен Вейлхоллда қаллиғим Розамунданинг оёқлари остида ўтирибман; у мен билан майин овозда гурунг қуради, малоҳатли кўзлари билан нозланиб боқади, дурдек оппоқ, текис тишларини

кўрсатиб табассум қилади. У меники, мен эса уникаман; шу ўткинчи ҳаёт, шу ўткинчи дунё мени қаноатлантиради. Жим! Индаманг! Ҳозир қалбим шавққа лиммо-лим тўлган, ҳисларимни сеҳр-жоду чулғаган, имкон беринг, бироз шу тотли лаҳзада қолай.

Унинг илтимосини бажо келтирдим; дақиқалар ўтиб борар, мен сукут сақлар, у тез-тез, оғир нафас оларди.

Чорак соат ана шундай сукутда ўтди. У соатини олиб, чўнтагига солди, портретни нари сурди-да, ўчоқ ёнига борди.

– Мана шу чорак соат, – деди у, – хомхаёл ва босинқираш билан ўтди. Шу вақтда қалбим лаззатдан сархуш бўлди, унинг гулчамбарини бошимга кийдим, олтин жомидан қониб май ичдим. Аммо ёстиғимга ўт туташди, гулчамбардан ари чиқиб чақди, майдан тахир таъм келди, шайтоннинг ваъдалари ёлғон, умидлари эса алдамчи эди. Мен буларнинг барини кўрдим, барига имон келтирдим.

Мен унга ҳайрат ичида боқдим.

– Жуда ғалати, – дея давом этди у, – мен Розамунда Оливерни телбаларча севсам ҳам, унга алангали эҳтирос билан талпинсам ҳам, қолаверса, ўзи ниҳоятда гўзал бўлса ҳам – у, барибир, менга муносиб хотин бўлолмаслиги, ўзим излаган умр йўлдоши эмаслигини дилдан ҳис этаман; тўйдан сўнг бир йил ўтгач, буни ақлан ҳам англайману, хушбахт ўтган ўн икки ой тугаб, афсус-надоматга тўла бутун умр бошланади. Шундай бўлишига шак-шубҳа йўқ.

– Жуда ғалати! – Бу сўз оғзимдан беихтиёр чиқиб кетди.

– Баъзан унинг сеҳр-жодусига асир бўлсам-да, – дея давом этди Сент-Жон, – гоҳо қусурларига ҳам кўзим тушиб қолади: у менинг мақсадимни баҳам кўролмайди, менга кўмакдош бўлолмайди. Розамунда жафокаш, заҳматкаш ҳаворий аёл бўлоладими? Миссионерга хотин бўлиш унинг қўлидан келадими? Йўқ!

– Аммо Розамундага уйлансангиз, миссионерликка ҳожат қолмайди. Сиз ана шу ниятингиздан воз кечишингиз мумкин.

– Воз кечасиз эмиш? Қандай қилиб? Ўз мақсадимдан-а? Буюк аъмолимдан-а? Фоний дунёни боқий дунёга алмашишдан-а? Барча иззат-талаб ҳой-ҳавасларини ягона буюк мақсад – жаҳолат оламига маърифат олиб кириш, хурофот ўрнида динни тиклаш, дўзах даҳшатларини жаннат ҳаловатига алмаштириш учун қурбон этган азиз-авлиёлар сафида туриш орзусидан воз кечайми? Ахир, бу мақсад менга томиримда оқаётган қондан ҳам қадрлироқ-ку! Ахир, фоний дунёда фақат шу мақсадни деб яшаб юрибман-ку!

Узоқ сукутдан сўнг унга бундай дедим:

– Хўш, Оливер хоним-чи? У тушкунликка тушса, қайғуга ботса, сизга барибир экан-да?

– Оливер хоним доим хуштору хушомадгўйлар қуршовида; у бир ой ҳам ўтар-ўтмас, мени қалбидан чиқариб ташлайди. У мени унутади-да, ўзини мендан-да бахтли этувчи бошқа одамга эрга тегади.

– Гарчи хотиржам сўзлаётган бўлсангиз-да, ўз-ўзингиз билан курашдан қаттиқ азоб чекяпсиз. Сиз кун сайин кўз олдимда шамдек эриб, сўниб боряпсиз, жаноб.

– Йўқ. Агар охирги пайтда бироз озган бўлсам, бу эртамни ўйлаб, хавотирга тушганимдан; ҳали келажагим аниқ бўлгани йўқ – жўнаш вақти

ҳадеб ортга суриляпти. Шу бугун тонгда хат олдим, қанчадан бери янги руҳонийни кутаман, бироқ у уч ойсиз боролмайман, деб ёзибди; уч ой дегани ҳам балки олти ойга чўзилар.

– Оливер хоним синфга киргани ҳамоно титроққа тушиб, қизариб кетасиз.

Унинг юзига яна таажжуб қалқиди – чамаси, у аёл киши эркак одамга бундай дейишини кутмаган эди. Менга келсак, бунақа суҳбатларда ўзимни мутлақо эркин ҳис этардим. Кучли, камгап, нозик қалбли одамлар билан суҳбатлашганда, улар хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, ясама жиддийликдан воз кечмагунча, очиқ суҳбатлашишга ўтмагунча, қалб сирларини очмагунча қўймас эдим.

– Сиз чиндан ҳам бошқаларга ўхшамайсиз, – деди у, – яна Худо жасурликдан ҳам қисмаган. Довюрак ва зийраксиз; аммо, менга ишонинг, сиз ҳис-туйғуларимга тўғри баҳо бермаяпсиз. Сиз уларни аслидан кўра теранроқ ва кучлироқ, деб ўйлаяпсиз. Сиз, қалбингизда баъзи ҳис-туйғулар ҳам бор, деяпсиз, ваҳоланки, мен сиз кутган ҳис-туйғуларга қодир эмасман. Оливер хонимни кўрганда титроққа тушиб, қизариб кетсам, бунинг учун ўзимга ачинмайман, аксинча, ўзимдан нафратланаман. Бу – шармандалик, чунки у тан ҳаяжони, руҳ титроғи эмас. Ҳолбуки, руҳим сердолға денгиз қаъридан мағрур бош кўтарган қоядек собит. Менга ўзимдаги хислатларга қараб, совуққон ва қаҳри қаттиқ одам, деб қаранг.

Мен шубҳаланганча, мийиғимда кулдим.

– Мени ўзингиз очиқ суҳбатга тортдингиз, – дея давом этди у, – майли, энди очиқ сўзлашга ўта қолай. Агар устимдан насронийликнинг инсоний мажруҳликни ёпиб турувчи қордек оқ чойшабини тортиб олсак, камина-нинг табиатан совуққон, бағритош ва иззатталаб одамлиги аён бўлади. Менга барча ҳис-туйғулардан фақат табиий майлларгина ўз ҳукмини ўтказа олади. Мени ҳиссиёт эмас, ақл бошқаради, иззатталаблигимга эса чек-чегара йўқ, қалбимдаги ҳаммадан юқорига кўтарилишга, ҳаммадан илгарилаб кетишга бўлган чанқоқлик ҳеч ҳам қонмайди. Мен одамларда чидам, қатъият, қунт ва иқтидорни қадрлайман; чунки буюк мақсадлар ана шулар ёрдамида қўлга киритилади, ана шуларгина инсонни юксак мартабаларга кўтаради. Мен сизга илгари кўп синовни бошдан кечирган ёки ҳозирда ҳам қаттиқ ғам-қайғу чекаётган аёл деб ҳамдард бўлганим учун эмас, балки сизни тиришқоқ, серғайрат, кучли аёллар тимсоли деб ҳисоблаганим учун ҳаётингизни қизиқиш билан кузатаман.

– Сиз ўзингизни мажусий файласуф қилиб кўрсатяпсиз, – дедим мен.

– Йўқ. Мен билан файласуф-деистлар орасида катта фарқ бор: мен имон келтириб, Инжилга суянаман. Сиз нотўғри сифатлаш қўлладингиз. Мен маъжусий эмас, насроний файласуфман – Исо издошиман.

У стол устида – бўёқтахтам ёнида турган шляпасини олди-да, яна бир бор портретга назар ташлади.

– У чиндан ҳам гўзал, – деб шивирлади у. – Унга "Дунё атиргули", деб бежизга исм қўйишган эмас.

– Сизга ҳам бир нусха чизайми?

– Cui bone?[1] Йўқ.

Сент-Жон портретни ўзим, одатда, бўёқ чапланмаслиги учун қўл остимга қўядиган юпқа қоғоз билан ёпди. Аммо ўша қоғоздан қандай

[1] Нега? – *(итал.)*

ғаройибот топди, билмадиму, лекин уни қизиқиш билан кузата бошлади. Сент-Жон қоғозни олиб, унга тикилиб қолди-да, сўнг менга ғалати ва мубҳам назар ташлади. У мени бошдан-оёқ диққат билан ўрганаётгандек эди. Бу назар мени худди яшиндек чулғаб олганди. Унинг лаблари титради, нимадир демоқчи бўлди, аммо ўзини босди, бир оғиз сўз айтмади.

– Сизга нима бўлди? – деб сўрадим мен.

– Ҳеч нима, – деб жавоб берди у. Сўнг қоғоз четидан бир парча йиртиб олиб, қўлқопи ичига тиқди-да, менга бош ирғаб, хайрли оқшом деганча кўздан ғойиб бўлди.

– Ана холос! –дея хитоб қилдим мен.

Мен қоғозга диққат билан боқдим, аммо унда бўёқ чўткамдан қолган уч-тўрт доғдан бўлак ҳеч нарса кўрмадим. Яна бир-икки дақиқа шу жумбоқ устида бош қотирдим-да, бироқ унга жавоб топишга кўзим етмагач, хаёлимдан қувиб солдим ва тезда буткул эсдан чиқардим.

ЎТТИЗ УЧИНЧИ БОБ

Жаноб Сент-Жон кетиши билан қор ёға бошлади; тун бўйи бўралади, эртасига ҳам тўхтамади. Кечга бориб, водийни қор босди, энди ундан деярли юриб бўлмасди. Мен эшикни ёпдим, қор кирмасин деб, пойгакка бўйра ташладим, ўчоққа ўтин қаладим. Бўроннинг бўғиқ овозига қулоқ тутганча, бир соатча олов олдида ўтирдим. Охири шамни ёқиб, токчадан "Мармион"ни олдим-да, ўқишга тутиндим:

Нордгем нишабига қўнмоқда шафақ,
Твид дарёсида оловланар нур,
Товланар ҳайбатли минорлар сафи
Қоялар, қўрғонлар оралаб мағрур.
Деворлардан мотам либосин ечиб
Энди гулхан турар уларни қучиб...

Мен шеър оҳангига маст бўлиб, бўронни ҳам унутган эдим. Бироқ шу пайт қўққис шовқин эшитилди. "Бу шамол, – дедим кўнглимда, – эшикни силтаяпти". Аммо, йўқ, бу – Сент-Жон Риверс экан, у эшикни очиб, совуқ зулмат ва ваҳший бўрон қаъридан чиқди-да, узун плашига ўралганча, қошимда пайдо бўлди, у бошдан-оёқ оппоқ қорга бурканган эди. Мен ҳайрон қолганимни яширмадим, чунки қор босган водийни кечиб, меникига бемаврид келиши ажабланарли эди.

– Ёмон хабар келтирдингизми? – деб сўрадим мен. – Бирор нохушлик юз бердими?

– Йўқ. Мунча қўрқиб кетмасангиз! –деб жавоб берди у ва плашини ечиб, илгакка илди. Сўнг эшик очилганда сурилиб кетган бўйрани шошмай жойига қўйди-да, бошмоқларини бир-бирига уриб, қорини қоқа бошлади.

– Ҳаммаёқни қор қилиб юбордим, – деди Сент-Жон, – маъзур тутинг, бошқа илож ҳам йўқ-да. – У оловга яқин келди. – Тўғриси, сизнинг олдингизга қор кечиб келиш осон бўлмади, – деб давом этди у қўлини оловда иситганча. – Мен белимгача қорга ботиб қолдим, аммо хайриятки ҳали қор юмшоқ.

– Нега келдингиз? – дедим ўзимни тутиб туролмай.

– Бундай савол бериш одобдан эмас, бироқ ҳамонки сўраган экансиз, майли, жавоб берай: сиз билан бироз суҳбатлашиб ўтиргим келди; соқов китобларим, бўм-бўш хонамдан бездим. Бундан ташқари, кечадан бери қиссанинг ярмини эшитгану, давомини ҳам тезроқ билсам, деган одамдек бетоқатман.

У стулга ўтирди. Кеча ўзини ғалати тутганини эсладим-да, ақлдан озмадимикан, деган хаёлдан сесканиб тушдим. Аммо Сент-Жон ақлдан озган бўлса ҳам, бу вазмин ва мулоҳазакор телбалик эди. Унинг хушбичим юзи ҳеч қачон ҳозиргичалик мармар ҳайкални эслатмаганди; у қордан нам бўлган сочини бармоқлари билан пешонасидан тепага тараб қўйди; олов унинг рангпар пешонаси ва юзини қўққис ёритиб юборди; ўзимнинг дилим сиёҳ бўлиб турганим етмагандек, унинг юзида ҳам қайғу ва ташвиш изини кўрдим. Сент-Жоннинг ўзи бу қўққис ташрифига изоҳ берар, деб жимгина кутдим. Аммо у қўлини иягига қўйиб, бармоғини лабига босганча, ўйга ботиб турарди. Бирдан унга раҳмим келиб кетди-ю, беихтиёр бундай деб юбордим:

– Диана ва Мери сизникига кўчиб келса, қандай соз иш бўларди, бундай ёлғиз яшаш сизга ярашмайди: сиз соғлигингизга ҳечам қарамаяпсиз.

– Сира ундай эмас, – деди у эътироз билдириб. – Зарур пайтда ғамини ейман, ҳозир эса соппа-соғман. Менда бирор ўзгаришни сездингизми?

Бу гапни у маъюс совуққонлик ва хаёлчан бепарволик билан айтди, шундан билдимки, соғлиғидан гап очганим, унга маъқул келмади. Мен тилимни тишлаб қолдим.

Унинг бармоғи ҳамон устки лабини силар, кўзлари эса гуриллаб ёнаётган ўчоққа қадалганди. Бирор гап айтиш керак-ку, деб ҳисоблаб, эшикдан шамол кирмаяптими, деб сўрадим.

– Йўқ, йўқ, – деб жавоб берди у жаҳлангандек кескин оҳангда.

"Майли, – деб ўйладим мен, – гапиргингиз келмаса, мум тишлаб ўтираверинг; сизни безовта қилмай, китобимни ўқий қоламан".

Шамни сўхтасидан тозалаб, "Мармион"ни ўқишга тутиндим. Охири Сент-Жон бетоқат қимирлаб қўйди; кўзимнинг қири билан уни кузатдим: у сахтиён муқовали ёндафтарини чиқарди-да, орасидан бир хатни олиб, овоз чиқармай ўқиди, сўнг яна қайта тахлаб, жойига қўйди-да, ўйга шўнғиди. Бу пайтда мен китобга бор диққатимни тўплайман, деб беҳуда уринардим. Сент-Жон ўзини сирли тутаётгани диққатимни жамлашга халақит берарди. Бу ёғига жим туришга кучим етмасди; агар шуни истаса, майли, бурдалаб ташласин, аммо уни сўзлатмай қўймайман.

– Диана ва Меридан хат келганига анча бўлдими?

– Бир ҳафта олдин кўрсатганим охиргиси эди.

– Ўзингизнинг режангизда-чи, бирор ўзгариш борми? Балки Англияни кутганингиздан аввалроқ тарк этарсиз?

– Қанийди шундай бўлса, аммо бундай бўлмайди, деб кўрқаман.

Қарши зарба олгач, мавзуни ўзгартирдим-да, мактаб ва ўқувчиларимдан гап очдим.

– Мери Гарретнинг онаси тузаляпти, у бугун мактабга келди. Янаги ҳафтада Фаундри-Клоздан тўртта янги ўқувчи келади, бўрон бўлгани учун бугун келишолмади.

– Шундай денг.

– Уларнинг иккитасига жаноб Оливер пул тўлайди.
– Наҳотки?
– Яна у Рождествода бутун мактабга байрам қилиб бермоқчи.
– Буни биламан.
– Унга бу фикрни сиз бердингизми?
– Йўқ.
– Унда ким?
– Қизи бўлса керак.
– Бўлиши мумкин, у жудаям меҳрибон.
– Ҳа.

Ўртага яна жимлик чўкди; соат саккизга занг урди. Сент-Жон бир сесканиб тушди; у ўтиришини ўзгартирди: гавдасини тиклаб, менга ўгирилди.

– Китобингизни бир четга қўйиб, оловга яқин ўтиринг.

Мен ҳайрон бўлганча, у айтгандек қилдим.

– Ярим соат олдин, – дея давом этди у, – бир қиссанинг давомини тезроқ эшитмоқчи эканимни айтгандим; ўйлаб кўриб, ҳикоячи ролини ўз зиммамга олишга аҳд қилдим, сиз эса эшитувчи бўла қолинг. Қиссани бошлашдан аввал сизни огоҳлантириб қўяй: бу қисса сизга жўндек туюлиши мумкин; бироқ сийқа қиссани ҳам ўзга кишидан эшитсак, кўпинча янгидек кўринади. Хулласи калом, у жўнми ё жўн эмасми, сизнинг кўп вақтингизни олмайман.

Йигирма йил олдин бир қашшоқ ёш руҳоний – уни қандай аташганининг ҳозир бизга ҳеч қандай фарқи йўқ – бой одамнинг қизини яхши кўриб қолади. Қиз ҳам унга кўнгил қўяди-да, ота-онаси розилик бермаса ҳам, ўша йигитга турмушга чиқади. Оқибатда норози ота-она қизидан воз кечади.

Икки йил ҳам ўтмай, ўша руҳоний ҳам, унинг хотини ҳам вафот этади – иккиси бир сағана остида мангу уйқуга чўмади. (Мен уларнинг қабрини кўрганман. Бу сағана ...шир графлигида, кўп аҳолили саноат шаҳрида, қурумдай қора бутхона ёнида жойлашган.)

Улардан бир қизалоқ қолади ва уни бугун ёққан қордек совуқ бағир васийликка олади. Унга она томондан бўлган бой қариндоши, яъни тоғасининг хотини (энди исми билан айтаман) гейстхэдлик Рид хоним тарбия беради... Титраб кетдингизми?.. Шовқинни-чи, эшитдингизми? Бу қўшни синфхона чордоғидаги каламуш шекилли. У жой аввал омбор бўлган, уни ҳали қайта қуришгани йўқ – омборхонада эса, одатда, каламуш бўлади. Яна мавзуга қайтиб, қиссани давом эттирсак. Рид хоним етим қизчани ўн йил уйида асрайди. У Рид хонимникида бахтли бўлганми ёки йўқми, буни сизга айта олмайман, чунки менга бу ҳақда ҳеч нарса маълум эмас. Аммо шундан кейин Рид хоним етим қизчани сиз кўп йиллар яшаган Ловуд мактабига жўнатади. Чамаси, қиз у ерда анча-мунча муваффақиятга эришади, худди сиздек ўқувчиликдан ўқитувчиликка ўтади – рости, унинг тарихи сизникига ўхшаши мени ҳайрон қолдирди – бироқ у мактабни тарк этади-да, мураббиялик қила бошлайди – мана шу ерда ҳам тақдирингизда ўхшашлик бор – у жаноб Рочестер васийликка олган бир қизчани тарбиялайди.

– Жаноб Риверс! – дея сўзини бўлдим унинг.

– Мен аҳволингизни тушуниб турибман, – деди у, – аммо ўзингизни қўлга олинг, мен тугатай деб қолдим; қисса якунига қулоқ тутинг. Жаноб Рочестер ҳақида фақат бир нарсани биламан: у ёш мураббияга ўзи билан қонуний никоҳдан ўтишни таклиф қилади, аммо меҳроб олдида куёвнинг, гарчи телба бўлса ҳам, хотини борлиги ошкор бўлиб қолади.

Жаноб Рочестер шундан сўнг нима қилганини ҳеч ким билмайди, бу ҳақда фақат фол очиш мумкин, холос. Бироқ мураббия тақдирига қизиқишни орттирган бир воқеа юз берадики, уни ҳукумат орқали қидириш бошланиб кетади. Маълум бўлишича, у қочиб кетгану, аммо қаерга ва қандай, буниси жумбоқ эди. Мураббия никоҳ маросими бузилгач, Торнфильдхоллни кечаси тарк этган. Уни топиш йўлидаги барча ҳаракатлар зое кетади. Торнфильдга яқин жойлар бирма-бир текширилади, бироқ у ҳақда ҳеч нимани аниқлаб бўлмайди. Лекин нима қилиб бўлса ҳам, уни албатта топиш керак эди. Барча газеталарга эълон берилади. Яқинда Бриггс деган ишончли вакилдан мактуб олдим, унда сизга ҳозир айтиб берган барча тафсилотлар ёзилган. Ғалати қисса-я, тўғрими?

– Менга фақат бир гапни айтинг, – дея илтимос қилдим мен, – энди менинг сиримни биласиз, жаноб Рочестерга нима бўлибди?! У ҳозир қаерда, нима билан банд? Соғлиги яхшими?

– Жаноб Рочестер ҳақида, афсуски, ҳеч нима билмайман. Хат муаллифи уни, ҳозиргина сизга айтиб берганимдек, виждонсизларча ноқонуний никоҳ қурмоқчи бўлганликда айблаган, холос. Сиз ўша мураббия тилидан уни қидиришларига сабаб бўлган воқеа ҳақида ҳам сўрасангиз бўларди.

– Демак, ҳеч ким Торнфильдга бормаган? Жаноб Рочестерни ҳам ҳеч ким кўрмаган?

– Менингча, йўқ.

– Жаноб Рочестерга хат ёзишибдими?

– Албатта.

– У нима деб жавоб берибди? Унинг хати кимда ҳозир?

– Жаноб Бриггснинг ёзишича, хатга жаноб Рочестер эмас, Алиса Фэйрфакс деган хоним жавоб қайтарган.

Мен даҳшатдан музлаб кетдим; ўзим қўрққан воқеа юз берганга ўхшарди: у, чамаси, Англияни тарк этгану, ўзи илгари бўлган бирор жойга ошиққан. У ўша жойдан бедаво дардига қандай малҳам, аччиқ изтиробларига қандай юпанч топди экан? Бу саволларга жавоб тополмай ўртанар эдим. О, бечора соҳибим, мен уни "азизим Эдвард", деб атар ва у умр йўлдоши бўлишимга бир бахя қолганди!

–У, чамаси, бадахлоқ одам бўлган, – дея қистириб ўтди жаноб Риверс.

– Сиз унинг қандайлигини билмайсиз, шунинг учун устидан ҳукм чиқарманг, – дедим мен қизишиб.

– Хўп, – деб жавоб берди Сент-Жон бамайлихотир, – мени ташвишга солган масала сираям бу эмас; келинг, қиссамни тугатиб қўяй. Агар мураббиянинг исмини сўрамасангиз, уни ўзим айтишга мажбур бўламан. Тўхтанг, ўша ном мана бу ерга ёзиб қўйилган – муҳим маълумотларни қоғоздан ўқиб берган маъқул-да – мана, кўрга ҳассадек қилиб аниқ ёзиб қўйилган.

У ёндафтарчасини чиқарди-да, бир-бир варақлай бошлади; варақлар орасидан ўзи шошиб йиртиб олган қоғоз парчасини топди. Мен бу қоғоз парчасини ўзим қолдирган бўёқ доғларидан танидим. Сент-Жон ўрнидан

турди-да, уни кўзимга яқин тутди. Мен ўз қўлим билан ёзган дастхатни ўқидим: "Жейн Эйр" – буни хаёл суриб ўтириб, беихтиёр ёзиб қўйганим аниқ.

– Бриггс менга Жейн Эйр ҳақида ёзганди, – деди у, – эълонларда ҳам Жейн Эйр дейилган; мен эса Жейн Эллиотни танийман. Сиздан аввал ҳам шубҳа қилгандим – буни тан оламан – аммо кеча оқшомда тахминим ишончга айланди. Сиз бу асил исмингиз эканини тан олиб, энди тахаллусингиздан воз кечарсиз?

– Ҳа… Ҳа… Бироқ жаноб Бриггс қаерда? Балки у жаноб Рочестер ҳақида бирор нарса билар…

– Бриггс – Лондонда; у жаноб Рочестер ҳақида бирор нарса билишига шубҳам бор; чунки унга жаноб Рочестернинг қизиғи йўқ. Аммо сиз беҳуда нарсаларга чалғиб, муҳим нарсани эсдан чиқаряпсиз, нега жаноб Бриггс сизни излаётгани, сизда қандай иши бўлиши мумкинлигини сўрамаяпсиз.

– Хўш, нима керак экан ўзи унга?

– У Мадейрадаги амакингиз – жаноб Эйр қазо этгани-ю, бутун мол-мулкини сизга васият қилганини, сиз энди бой эканингизни етказмоқчи – шу, холос.

– Мен? Бойманми?

– Ҳа, ҳа, бойсиз, катта мерос эгасисиз.

Орага жимлик чўкди.

– Сиз, албатта, ўз шахсингизни тасдиқлатишингиз керак, – дея яна сўзлай кетди Сент-Жон, – аммо бу қийин бўлмайди; ана шунда бу мол-мулкнинг эгасига айланасиз. Сизга ўз бойлигингиз инглиз пулида тўланади. Васият ва бошқа зарур ҳужжатлар эса Бриггснинг қўлида.

Шундай қилиб, менга кўзир қарта чиқди! Бир сонияда қашшоқдан бойвуччага айланиш, бу – ажойиб воқеа эди, азиз ўқувчи, чиндан-да ажойиб эврилиш эди! Аммо бу янгиликни дарров ҳазм қила олмас, чекимга тушган бахтни тўкис ҳис эта олмас эдим. Боз устига, ҳаётда бундан-да ҳаяжонли ва жозибали қувончлар ҳам бор; бойлик – фақат моддиятга тегишли нарса; унда маънавиятга тегишли ҳеч нарса йўқ; у қатъий ҳисоб-китоб билан иш кўради; бинобарин, ўзи уйғотувчи ҳис-туйғулар ҳам шунга яраша. Одамлар бойликка эга бўлса, шодликдан сакрамайди, ура деб қичқирмайди, аксинча, ўша заҳотиёқ ўз елкасига тушган масъулият ва катта-кичик ишларни ўйлай бошлайди; тўғри, мамнун бўлишади-ю, лекин ташвишланиб ҳам қолишади; улар ўз бахти ҳақида қовоғини солиб фикрлашга ўтади.

Қолаверса, "васият", "мерос" сўзлари "ўлим", "дафн" сўзлари билан боғлиқ. Мен ягона қариндошим, амаким ўлганини эшитдим. Унинг борлигини эшитганимдан бери бир кун кўришаман, деб умид қилиб яшардим. Энди эса бу умидим ҳеч қачон рўёбга чиқмайди. Боз устига, пул фақат менга мерос қолган; ўзим ва шод-хуррам оиламга эмас. Барибир, бу – улуғ иноят, ўзингни эркин ҳис этиш – қандай бахт! Мен шу ҳақиқатни англадиму, қалбим қувончга тўлиб-тошди.

– Ниҳоят, бошингизни кўтардингиз, – деди жаноб Риверс. – Мен сиз Медузанинг кўзига боқиб, тошга айланиб қолдингизми, деб ўйлай бошлагандим. Балки энди, бойлигим ўзи қанча экан, деб сўрарсиз?

– Қанча экан ўша бойлигим?

– Шу ҳам бойлик бўпти-ю! Тилга олишгаям арзимайди – тахминимча, йигирма минг фунт бўлса керак.

– Йигирма минг фунт!

Мен яна ҳайратга тушдим, чунки уни тўрт-беш минг фунт, деб тахмин қилган эдим. Бу янгиликдан нафасим тиқилиб қолай, деди. Мен ҳалигача бирор марта жилмайганини кўрмаган жаноб Сент-Жон қаҳ-қаҳ отиб юборди.

– Хўш, – дея давом этди у, – агарда сиз қотиллик қилган бўлсангизу, мен сизга, жиноятингиз фош этилди, деб айтсам ҳам бунчалик ҳаяжонга тушмас эдингиз.

– Аммо, бу – жуда катта пул! Нима дейсиз, бирор хатолик йўқмикан бу ерда?

– Ҳеч қандай хатолик йўқ.

– Балки рақамни нотўғри ўқигандирсиз, у ерда икки минг деб ёзилгандир?

– Рақамлар билан эмас, сўзлар билан ёзилган – йигирма минг деб.

Мен ўзимни қўққис юз кишилик дастурхон устидан чиқиб қолган камиштаҳа одамдек ҳис этдим. Жаноб Риверс ўрнидан турди-да, плашини кийди.

– Агар бунақа бўрон бўлмаганида, – деди у, – Ханнани сизга қараб тургани жўнатардим – ўзингизни ёлғиз қолдиргани аҳволингиз ниҳоятда аянчли. Аммо бечора Ханна қор уюмларидан мендек ўтолмайди, афсуски, унинг оёқлари калта. Хуллас, сизни ўз дард-аламларингиз билан ёлғиз қолдиришга мажбурман. Хайрли тун!

У энди эшик тутқичини ушлаган ҳам эдики, тўсатдан хаёлимга бир фикр келиб қолди.

– Бир дақиқа тўхтанг! – деб хитоб қилдим мен.

– Нима бўлди?

– Бир нарсани билгим келяпти: нега жаноб Бриггс мен ҳақимда айнан сизга хат ёзди? У сиз ҳақингизда кимдан, қандай билибди? Нега шундай овлоқ жойда яшасангиз ҳам, мени топишда ўзига ёрдам бера олади, деб ҳисоблапти?

– О! Ахир, мен – руҳонийман-ку, – деди Сент-Жон, – бизга энг ғайриодатий масалаларда ҳам тез-тез мурожаат қилишиб туришади.

У яна эшик тутқичига қўл чўзди.

– Йўқ, бу жавобингиз билан мендан қутулолмайсиз! – дея хитоб қилдим мен; чиндан-да у шоша-пиша мужмал жавоб қайтариб, мендаги қизиқишни бостириш ўрнига баттар алангалатган эди. – Бу жуда ғалати воқеа, – дея қўшимча қилдим мен, – уни аниқлаштириб олмасам бўлмайди.

– Бошқа вақт.

– Йўқ! Бугун, бугуноқ! – Мен у билан эшик орасига туриб олдим.

Чамаси, у довдираб қолди.

– Ҳамма гапни айтиб бермагунча, бу ердан кетмайсиз! – дедим қатъий.

– Яхшиси бугун эмас.

– Йўқ, йўқ! Айнан бугун!

– Бу ҳақда сизга Диана ва Мери айтиб берса, маъқулроқ бўларди.

Табиийки, бу эътироз қизиқишимни баттар орттирди: энди қизиқишим дарҳол қондирилишини хоҳлардим. Сент-Жонга ҳам шундай деб айтдим.

– Лекин мен жуда қайсар одамман, – деди у, – мени кўндириш осон эмас.

– Мен ҳам қайсар одамман, буни эртага қолдиргим йўқ!

– Кейин, дедим-ку! – ўз сўзида туриб олди у яна, – мен совуққон одамман, жиззакилик билан мени енголмайсиз.

– Мен бамисли оловман, олов музни ҳам эритади. Мана, ўчоқдаги олов тафтидан плашингиздаги қор эриб тушди. Полга қаранг, ҳаммаёқ кўлмакка айланган. Агар ошхона полини шилта этиб, оғир жиноят қилиб қўйганимни кечирсин, десангиз, саволимга жавоб беринг.

– Хўп, майли, – деди Сент-Жон охири, – қизиққонлигингизга бўлмаса ҳам, қатъиятлилигингизга ён бераман, зеро, томчи ҳам тошни тешиши мумкин. Қолаверса, эртами-кечми, барибир, буни билиб оласиз. Сизнинг исмингиз Жейн Эйр, шундайми?

– Ҳа, буни аниқлаб олдик-ку!

– Балки сиз билан фамилиядош эканимни билмассиз? Яъни тўлиқ исмим Сент-Жон Эйр Риверс эканини?

– Йўқ, албатта! Энди эсимга тушди, менга берган китобингизда "Э" инициалини кўргандим, бу қандай номни англатади, деб сўрамоқчи ҳам бўлгандим. Хўш, шунга нима бўпти? Ёки наҳот сиз…

Мен жим бўлиб қолдим. Миямда бир фикр ярқ этиб, унга мустаҳкам ўрнашган ва бир лаҳзада комил ишончга айланган тахминни тилга чиқаришга ботинолмадим. Тарқоқ маълумотлар жамланиб, яхлитликни ташкил этди; ҳар ерга сочилган ҳалқалар, бир тебраниб ростланди-да, батартиб занжирга айланди. Сент-Жон ҳали бир оғиз сўз айтмай туриб, мен бари-барини савқи табиий-ла англадим. Аммо азиз ўқувчидан ҳам бундай топқирликни талаб қилиш ножоиз, шунинг учун Сент-Жоннинг изоҳларини келтириб ўтаман.

– Онамнинг фамилияси Эйр эди; унинг икки акаси бўлиб, бири руҳонийлик қилган ва Гейтсхэддаги Рид хонимга уйланган; бошқаси – Жон Эйр савдо билан шуғулланган ва охирги вақтларда Мадейрадаги Фунчалада яшаган. Жон Эйрнинг ишончли вакили – жаноб Бриггс августда тоғамнинг қазо қилгани ва ўзи билан отам ўртасидаги можаро сабаб – буни ҳар иккови ҳам ўла-ўлгунича эсдан чиқаролмади – бутун мол-мулкини етим жияни – руҳоний акасининг қизига қолдирганини хабар қилганди. Орадан бирмунча вақт ўтиб, у яна бир хат ёзди-да, ворис ғойиб бўлганини айтиб, унинг қаердалигини билмайсизларми, деб сўради. Қоғозга тасодифан исми шарифингизни ёзиб қўйганингиз сизни топишимга ёрдам берди. Қолган гап ўзингизга ҳам маълум.

У яна кетишга тараддудланди, аммо мен эшикка елка тираб туриб олдим.

– Дилимдаги гапларни айтиб олишимга имкон беринг, – дедим мен. – Аввал эса нафасимни ростлаб, бир дақиқа ўйлаб олай. – Мен жим бўлиб қолдим; у бўлса шляпасини қўлига олганча, менга юзма-юз тураради. Мен давом этдим:

– Онангиз отамнинг синглиси эдими?

– Ҳа.

– Демак, менинг аммам бўлган…

У бош ирғади.

– Жон амаким эса сизга тоға бўлган? Сиз, Диана ва Мери – синглисининг, мен эса акасининг фарзанди, шундайми?

– Шундай.

– Демак, учалангиз – менга аммаваччасиз; бизлар – бир оила, қонимиз бир экан-да?

– Ҳа, қон-қариндошлармиз.

Мен унга разм солдим. Демак, мен ҳар қанча севсам, фахрлансам арзийдиган акамни, илк кўришгандаёқ менда ажиб хайрихоҳлик ва ҳайрат уйғотган пок қалбли опа-сингилимни топибман-да. Мен нам майса устида тиз букканча, Мурхауз ошхонаси дарчасидан нақадар тушкунлик ва қизиқиш билан кузатган ўша икки қиз; қолаверса, мени ўз уйи остонасида чалажон аҳволда топган ёш хушбичим ўша йигит яқинларим экан-да. Бахтиқаро етим қиз учун нечоғли ажойиб янгилик бу! Мана бу – ҳақиқий бойлик! Бойлик бўлганда ҳам, маънавий бойлик! Покиза ва бебаҳо туйғулар хазинаси! Бу илиқ, ёрқин ва жонбахш туҳфа эдики, у зардан ҳам афзал бўлиб, ўзича азиз ва сахий эди, у одамни олтиндек ғамга солмасди, уни ҳисоб-китобли қилиб қўймасди. Ногоҳоний шодликдан қарсак чалиб юбордим, юрагим қаттиқ тепар, вужудим титрар эди.

– О, нақадар хурсандман! Нақадар шодман! – деб ҳайқирдим мен.

Сент-Жон жилмайди.

– Сизга айтмадимми, нокерак нарсаларга қизиқиб, кераклисини унутиб қўясиз, деб? – деди у. – Сизга катта мерос қолди, деганимда қовоғингиз солиқ эди, энди эса шу арзимаган нарсага шунча қувониб турибсиз.

– Арзимаган нарса эмиш! Эҳтимол, сиз учун арзимас нарсадир бу, чунки сингилларингиз бор, қаёқдаги жиян нимага керак сизга? Аммо менинг ҳеч кимим йўқ эди, бирдан учта қариндошлик бўлдим; башарти сиз мени қариндош ўрнида кўрмасангиз, майли, иккита қариндошлик дея қолай – худди осмондан тушганда-я!

Мен хонада шошиб юра бошладим; сўнг миямга ёпирилган фикрлардан нафасим тиқилгудек бўлиб тўхтадим; мен бу фикрларни пайқаб, англаб, ушлаб олишга улгурмасдим; энди мен нималар қиламан, нималар қилганим маъқул – шулар ҳақида эди бу фикрлар. Мен деворга қарадим: у кўзимга юлдузлар бодраётган осмон бўлиб кўринди – ҳар бир юлдуз чақнаганда, менга янги мақсад, янги қувонч ваъда этарди. Энди мен ҳаётимни сақлаб қолган одамларга миннатдорлик билдира олардим, зеро, шу пайтгача биргина меҳр-муҳаббатимнинг ўзи билан бунга қодир бўлолмагандим. Агар улар кишанбанд бўлса, озод этишим, ҳижронда бўлса, қовуштиришим мумкин эди. Менга инъом этилган эркинлик ва бойликдан улар ҳам баҳраманд бўла оларди. Ахир, биз тўрт ака-сингилмиз-ку! Йигирма минг фунтни баравар бўлсак, ҳар биримизга беш мингдан тегади. Шу тариқа адолат тантана қилади, барча фаровонликка етишади. Мана энди бойлик елкамдан тоғдек босиб турмас эди. Менга нафақат пул, балки ҳаёт, умид, қувонч ҳам мерос қолган эди.

Миямда шу хаёл чарх урган пайт юзим қандай ўзгарган, билмадиму, аммо жаноб Риверс стулни ёнимга суриб, мулойим оҳангда унга ўтиришимни илтимос қилди. У ҳадеб ўзимни босиб олишга кўндирмоқчи бўларди. Сент-Жон мени ҳовлиқма ва нотавон деб гумон қилганидан жаҳлим чиқди: қўлини силтаб ташладим-да, яна хонада шошиб юра кетдим.

– Эртагаёқ Диана ва Мерига хат ёзинг, – дедим мен, – уйга зудлик билан қайтишсин; Диана, минг фунт пулимиз бўлса, ўзимизни бахтли ҳисоблардик, деганди. Демак, беш минг фунт уларни тўла қониқтиради.

– Бир стакан сув келтирайми? – деди Сент-Жон. – Бас, етар энди, ўзингизни қўлга олинг.

– Бемаъни гап! – дедим ўжарлик билан. – Агар мерос ўзингизга қолса, бу сизга қандай таъсир этарди? Балки ўшанда Англияда қолиб, Оливер хонимга уйланган ва ҳамма қатори яшаган бўлармидингиз?

– Сиз алаҳлаяпсиз, фикрларингиз телба-тескари. Мен хушхабар билан сизни гангитиб қўйдим, у сизни қаттиқ ҳаяжонга солди.

– Жаноб Риверс! Сиз жаҳлимни чиқараяпсиз; қўрқманг, ақл-ҳушим жойида, аслида, сиз мени тушунмаяпсиз ёки тушунмаганга оляпсиз.

– Мундоқ тушунтирсангиз, англарман балки.

– Тушунтиринг, дейсизми? Шундоқ ҳам тушунарли-ку! Мерос ўзи қанча – йигирма мингми? Уни тўртта жиянга тенг тақсимланса, ҳар кимга беш мингдан тегади. Мен фақат бир нарсани – Диана ва Мерига хат ёзиб, уларга бойлик қолганни хабар қилайлик, деяпман холос.

– Яъни ўзингизга бойлик қолганини, демоқчисиз-да.

– Мен ўз фикримни айтиб бўлдим; менда бошқа фикр йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас. Мен сиз ўйлаганчалик кўрнамак, ношукур, манман ва худбин эмасман. Бундан ташқари, энди ўз оилам, яқинларим бўлади, деб аҳд қилдим. Менга Мурхауз ёқади, бу ёғига Мурхаузда яшайман. Менга Диана ва Мери ҳам ёқади, улар билан доим бирга бўлсам дейман. Беш минг фунт шод-хуррам ва тўқ-фаровон яшашимга етади. Йигирма минг фунт эса мени азоб ва уқубатга солади. Йигирма минг фунт, гарчи қонун нуқтаи назаридан, фақат меники бўлса-да, лекин, адолат нуқтаи назаридан, фақат меникигина эмас. Шунинг учун мероснинг ўзимга ортиқча бўлган қисмини сизларга бермоқчиман. Эътироз билдириш ва талашиб-тортишиш бефойда; келинг, ўзаро келишиб оламиз-да, бу масалани ҳал этамиз-қўямиз.

– Буни шошқалоқлик билан қарор чиқариш, дейишади. Обдон ўйлаб олишингиз учун сизга озроқ вақт керак, шундан кейингина қарорингизни асосли деб ҳисоблаш мумкин.

– О, агарда бутун гап менинг самимийлигимда бўлса, бу қароримдан асло хавотирда эмасман. Аммо, айтинг-чи, қарорим адолатли эканига сиз ҳам қўшиласизми?

– Қайсидир маънода, адолатлидир балки, лекин бу таомилга зид-да. Чунки сиз бутун мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эгасиз: амаким уни ўзи пешона тери тўкиб йиққан; меросни кимга қолишни хоҳласа, ўшанга, яъни сизга қолдирган. Демак, бу – сизнинг ҳалол мулкингиз ва унга бемалол эгалик қила оласиз.

– Мен учун бу қарор, – дедим мен, – қанчалар юрагим амри бўлса, шунчалар виждоним амри ҳамдир; мен бу сафар юрагим амрига қулоқ солмоқчиман, ҳолбуки, шу вақтгача унга жуда кам қулоқ осганман. Сиз йил бўйи мен билан баҳс қилиб, эътироз билдириб, безоримни чиқарсангиз ҳам, барибир, дилимга улкан қувонч бахш этувчи бу қароримдан қайтмайман. Бу – сизларнинг тимсолингизда олий ҳиммат кўрганим ва бир умрлик дўстлар топганим учун қарзимни, қисман бўлсада, узиш бўлади.

– Сизга ҳозир шундай туюляпти, холос, – дея яна эътироз билдирди Сент-Жон, – сиз бой бўлиш нималигини, ундан қандай лаззатланишни билмайсиз. Бу йигирма минг фунт сизга қандай ҳурмат-обрў

олиб келишини, унинг шарофати билан жамиятда қандай юксак мавқе қозонишингизни, олдингизда қандай буюк имкониятлар эшиги очилишини хаёлингизга келтиролмайсиз. Сиз тасаввур қилолмайсизки...

– Сиз эса, – дея гапини бўлдим унинг, – ака ва опалар меҳрига қанчалар ташналигимни заррача ҳам тасаввур қилолмайсиз. Менинг ҳеч қачон ўз уйим, ака-опаларим бўлмаган. Мен ана шуларга эга бўлишни хоҳлайман ва эга бўлишим зарур деб ҳисоблайман; айтинг-чи, балки сизга мени синглим деб аташ хуш ёқмас?

– Жейн, бусиз ҳам сизнинг акангиз бўлиб қоламан, сингилларим ҳам сизнинг опаларингиз бўлиб қолади, бунинг учун қонуний ҳуқуқларингизни қурбон қилишингиз шарт эмас.

– Акам бўлиб қоласизми? Ҳа-да, минг мил наридаги. Улар ҳам опаларим бўлиб қоладими? Ҳа-да, бировларнинг уйида. Мен эса ким, тиллага чўмилган бойвуччаман – бу тиллани на меҳнат қилиб топганман, на унга маънавий ҳақим бор. Сизларнинг эса сариқ чақангиз ҳам йўқ. Ана сизга тенглигу, мана сизга қариндошлик! Мустаҳкам оила! Яқинлар муҳаббати!

– Аммо, Жейн, ўз уйингиз ва оилангизга бошқа йўл билан эришсангиз бўлади: сиз турмушга чиқишингиз мумкин.

– Яна сафсата сотяпсиз. Эрга тегинг эмиш? Мен турмушга чиқмоқчи эмасман, ҳеч қачон чиқмайман ҳам.

– Яна ўзингизга ортиқча ишониб юборяпсиз. Бундай шошилинч қарор ҳозир қаттиқ ҳаяжонда эканингиздан дарак беради.

– Йўқ, ўзимга ортиқча ишониб юбормаяпман. Қалбим нимани хоҳлашини яхши биламан, турмушга чиқ, деган сўзнинг ўзиёқ нафратимни қўзғайди. Ҳеч ким менга севиб уйланмайди, бойлигим учун уйланишига эса чидолмайман. Ёнимда турқи совуқ, еттиёт бегона, ўй-фикри ўзгача одам бўлишини хоҳламайман, ёнимда меникидек ўй-фикр, ҳистуйғуларга эга жигарларим бўлишини хоҳлайман. Сизга ака бўламан, деб яна бир марта айтинг, бу гапни эшитганда ўзимни шунчалар хурсанд ва бахтиёр ҳис этдимки! Ўша гапни қайтаринг, агар иложи бўлса, чин юракдан қайтаринг.

– Чамамда, қайтара оламан; чунки сингилларимни доим севганман, уларни нега севишимни ҳам биламан: ҳар иккови ҳам ўз шаънини пок тутгани ва лол қоларли даражада иқтидорли бўлгани учун. Сизда ҳам ақл ва қатъият бор; дид ва таъбингиз Диана ва Мериникига жуда ўхшайди; сиз билан суҳбатлашиш менга доим ёққан. Сиз билан дардлашганда, юпанч ва ҳамдардлик топаман. Кўксимдан сиз – учинчи, кенжатой синглимга ҳам жой топа олишимга ишончим комил.

– Ташаккур сизга; бугунча менга шунинг ўзи кифоя. Энди эса кета қолинг. Агар қолсангиз, яна шубҳа ва гумонлар билан жаҳлимни чиқарасиз.

– Мактаб-чи, Эйр хоним? Энди уни ёпишга тўғри келадими?

– Йўқ. Ўрнимга одам топгунингизча,ўзим ўқитувчилик қилиб тураман.

У тўғри қарор қилибсиз, дегандек жилмайиб қўйди; биз бир-биримизга қўл узатдик, шундан сўнг у уйига кетди.

Меросни ўзим хоҳлагандек тақсимлаш учун қандай курашлар олиб борганим, қандай исбот-далиллар келтирганим ҳақида батафсил ҳикоя қилишга зарурат бўлмаса керак. Бу вазифа чиндан ҳам қийин бўлиб чиқди, лекин қарорим ғоят қатъий эди, шу боис қариндошларим ниятим

холис эканига ишонишди. Улар юрак-юракдан бу ният адолатли эканини англаб турар ва мабодо ўрнимда ўзлари бўлса ҳам, албатта шундай йўл тутар эди. Улар ниҳоят талабимга рози бўлишди ва бу масалани судга ҳавола этишди. Ҳакам сифатида танланган жаноб Оливер ва яна бир тажрибали ҳуқуқшунос фикримни маъқуллади. Охири ниятим амалга ошди: мерос тақсимлансин, дея ҳукм чиқарилди. Сент-Жон, Диана, Мери ва мен ҳаётимизни таъминлаш учун етарли маблағга эга бўлдик.

ЎТТИЗ ТЎРТИНЧИ БОБ

Рождествогача мерос масаласи ҳал бўлди. Байрам онлари яқинлашиб келмоқда эди. Мен ўқувчи қизларга таътил эълон қилдим, хайрлашув олдидан барчага совға улашдик. Омад бизни сахий қилиб қўяди: катта бойликни қўлга киритгач, дилда қайнаб-жўшган ҳиссиётлар қопқоғини ҳам андак очсак айб бўлмас. Мен аввалдан кўпгина ўқувчиларим мени яхши кўришини билар ва бундан жуда қувониб юрардим; хайрлашув чоғида бунга янада кўпроқ амин бўлдим, қизлар менга ўз меҳр-муҳаббатини содда ва самимий изҳор этарди. Уларнинг дўлвор қалбидан ўрин олганим мени қаттиқ ҳаяжонга солди, оқибатда ҳар ҳафтада мактабга келиб, бир соат машғулот ўтишга ваъда бериб юбордим.

Ўқувчиларимни эндигина кузатаётган пайтимда – ҳозир улар сони олтмиштага етганди – жаноб Риверс келиб қолди-ю, у ҳам бир неча аълочи қизлар билан хайр-маъзур қилди; булар жуда хушмуомала, камтар ва ақлли ўқувчилар эди.

– Хўш, чеккан заҳматларингиз мукофотини олгандек ҳис этяпсизми ўзингизни? – деб сўради Жаноб Риверс улар чиққач. – Бу қизларга қанчалар фойдангиз текканидан қувонаётган бўлсангиз керак?

– Албатта.

– Ҳолбуки, сиз бир неча ой дарс ўтдингиз, холос. Инсон бутун умрини одамзотга хизмат қилиш, яқинларини камолотга етаклаш билан ўтказса, бу – энг тўғри яшаш бўлмайдими?

– Сиз ҳақсиз, – дедим мен, – лекин бутун умримни шу ишга бағишлаёлмасдим. Мен нафақат ўзгалар, балки ўзимнинг ҳам иқтидоримни ривожлантирсам, дейман. Энди буни қилишга имкониятим бор. Менга мактабни бошқа эслатманг, у ортда қолиб кетди, мен энди байрам қилмоқчиман.

Унинг юзи жиддий тус олди.

– Бу билан нима демоқчисиз? Нега бирдан қизишиб кетдингиз? Қандай ишни кўзлаяпсиз ўзи?

– Фаолиятни, иложи борича, жўшқин фаолиятни! Энг аввало, Ханнани озод этишингиз ва бошқа хизматкор топишингизни хоҳлайман.

– У сизга керакми?

– Ҳа, у мен билан Мурхаузга кетади. Диана билан Мери бир ҳафтадан сўнг уйга қайтади, улар келгунча ҳаммаёқ саранжом-саришта бўлишини хоҳлайман.

– Тушунарли, мен эса саёҳатга чиқмоқчимисиз, деб ўйлабман. Майли, Ханнага жавоб бераман.

– Унга айтинг, Мурхаузга эрталаб жўнаймиз. Мана бу – мактабнинг калити. Уйимникини эса эртага тонгда бераман.

Сент-Жон калитни олди.

– Сиз калитни жуда хотиржам узатяпсиз, – деди у. – Қувноқ кайфиятингиз сабаби менга унча тушунарли эмас, чунки ўқитувчилик ўрнига қандай машғулот танлаганингизни билмайман. Бу ёғига ҳаётдаги мақсадингиз, вазифаларингиз қандай бўлади-ю, кўнглингиз сизни қаёқларга етаклайди?

– Энг биринчи вазифам – Мурхаузни чордоғидан тортиб ертўласигача тозалаш (сиз бу сўзнинг маъносини тушунармикансиз?); иккинчи вазифам – мум, алиф ва мовут ёрдамида шундай қилайки, уйдаги барча жиҳоз янгидек ярақлаб кетсин; учинчи вазифам – ҳар битта стол, стул, каравот, гиламни ақл билан қайтадан жойлаштириш; тўртинчи вазифам – сиз ғамлаб қўйган кўмир ва торфни аямай ёқиб, ҳамма хонани тобида иситиш; ва ниҳоят, энг охирги вазифам – Ханна билан тухум чақиб, майиз тозалаб, зиравор туйиб, Рождествога ширинкулча пиширишга, пирокка масаллиқ тайёрлаш, яна бошқа майда-чуйда ишларни адо этишки, уларни ҳар қанча айтганим билан сиздек ошхонага яқин йўламаган "оми", барибир, ҳеч нарсага тушунмайсиз. Хулласи калом, Диана ва Мери қайтадиган кун – пайшанбага уйдаги ҳамма нарса таппа-тахт бўлиши керак, менинг иззат-нафсим уларни олий даражада кутиб олишни талаб қиляпти.

Сент-Жон мийиғида кулиб қўйди, аммо кўнгли тўлмагани сезилиб турарди.

– Ҳозирча булар жуда соз-а, – деди у, – бироқ умид қиламанки, дастлабки завқ-шавқлар ортда қолгач, уйдаги ёқимли машғулотлардан кўра юксакроқ бошқа мақсадларга ҳам диққатни қаратасиз.

– Бу дунёда уй юмушларидан аъло ҳеч нарса йўқ! – деб гапини бўлдим унинг.

– Йўқ, Жейн, йўқ, фоний дунё бизга лаззатланиш учун берилган эмас, уни ўзим завқ-шавққа тўлдираман, деб овора ҳам бўлманг; яна у бекорчилик учун ҳам берилган эмас, ялқовликка қул бўлиб қолишдан сақланинг.

– Аксинча, мен бир зум ҳам тиниб-тинчимайман.

– Жейн, ҳозир бу кайфиятингизни, албатта, кечирса бўлади; майли, сизга икки ой муҳлат бераман, шу вақт ичида янги топган мартабангиз ва оилангиздан ҳар қанча лаззатланинг; аммо кейин, фикри ожизимча, Мурхауз, Мортон ва сингилларим давраси, тўкин-сочин ҳаётнинг дабдаба-ю асъасалари фаровонлиги сизни зериктира бошлайди. Ишончим комил, қалбингиздаги ғайрат-шижоат сизни тинч яшашга қўймайди.

– Сент-Жон, – дедим мен, – бунақа аҳмоқона гаплардан тийилсангиз бўларди. Мен қироличадек бахтли яшамоқчи бўлсам, сиз нуқул юрагимга ғулғула солмоқчи бўласиз. Бунинг сабаби нима?

– Бунинг сабаби шуки, сиз Худо ато этган иқтидорни тупроққа кўмиб ташлолмайсиз; шу омонати учун Унинг ҳузурида бир куни жавоб беришингиз аниқ. Жейн, огоҳлантириб қўяй, бу ёғига сизни ҳар доим кузатиб юраман ва майда-чуйда оилавий қувончлар билан ўралашиб қолишингизга йўл қўймайман. Сиз шу ўткинчи вужуд эҳтиёжларига бунчалик ёпишиб олманг; ўзингиздаги ҳассослик ва тиришқоқликни юксакроқ мақсадлар учун асранг; умрингизни майда ва ўткинчи ҳой-ҳавасларга совуришдан сақланинг. Эшитяпсизми, Жейн?

– Ҳа, аммо бу гапларингиз ўнг қулоғимдан кириб, чап қулоғимдан чиқиб кетди. Кўнглим шуни сезяптики, бахтли бўлишга ҳақим бор ва мен бахтли бўламан ҳам! Энди, хайр!

Мен Мурхаузда чиндан-да бахтли эдим; ўзим ҳам, Ханна ҳам қаттиқ тер тўкдик, унга менинг ҳаммаёқ тўс-тўполон, ағдар-тўнтар бўлиб ётса ҳам, парвойимга олмай, қувнаб юришим, қолаверса, қўлимдан жиҳозларни артиш, чангини қоқиш, жойини ўзгартириш, овқат пишириш келиши ёқиб тушди. Бир-икки кунда биз ўзимиз яратган бетартибликни секин-аста батартибликка айлантирдик. Бундан сал олдин мен С... шаҳрига янги мебеллар сотиб олгани бориб келгандим; зеро, менга қариндошларим, уйдаги ҳар қандай жиҳозни ўз таъбингга қараб алмаштиравер, деб рухсат бериб қўйишганди. Мен меҳмонхона ва ётоқхонани деярли ўзгаришсиз қолдирдим, чунки Диана ва Мерига бу хоналарда янги, нафис мебеллардан кўра, эски, қадрдон жиҳозларни кўриш ёқимлироқ бўларди. Аммо опа-сингилларнинг келишига байрамона тус бериш учун, барибир, айрим жиҳозларни ўзгартирмаса бўлмасди. Мен янги тўқ рангли гилам ва очрангли пардалар, нозик дид-ла ясалган чинни буюмлар, бронза ҳайкалчалар, қолаверса, чойшаб, кўзгу ва пардоз анжомлари сотиб олдимки, улар хонага ўзгача файз берар, айни чоғда кўзга кўпам ташланмасди. Диана ва Меринг хона ва ётоғини малинаранг матоли мебель билан қайта жиҳозладим; долон ва зинага гилам тўшатдим. Мурхауз йилнинг бу фаслида ташқаридан тунд ва ёқимсиз кўринса-да, бироқ ичкаридан қувноқ ва сипо кўринсин, дедим-да.

Ниҳоят, биз кутган пайшанба куни ҳам етиб келди. Опа-сингиллар оқшомда етиб келиши керак эди, шунинг учун пастки ва юқори қаватдаги каминлар барвақт ёқиб қўйилди; ошхона тозалик ва саранжомликдан ярақлаб турарди; Ханна билан иккимиз либосларимизни алмаштирдик, шу билан бутун тараддуд поёнига етди.

Энг аввал Сент-Жон кириб келди. Мен ундан ҳали тайёргарлик тугамай, Мурхаузга келманг, деб илтимос қилган эдим; уйни ҳар куни чанг ютиб, бошдан-оёқ тозалашаётгани ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ у бу ердан қадамини узиб туриши учун кифоя қиларди. Сент-Жон кириб келганда мен ошхонада эдим, чой билан бирга тортиладиган кулчалар қандай пишаётганини кузатардим. У ёнимга келиб, шу бефойда ишларингиздан хурсандмисиз, деб сўради. Мен эса уни уйни бир сидра кўриб чиқишга таклиф этдим. Сент-Жонни бунга кўндириш унча қийин ҳам бўлмади. У ҳар бир хона эшигини очар, у эса ичкарига лоқайдгина кўз ташлаб қўярди. Пастки ва юқори қаватни кўриб чиққач, қисқа вақтда шунча ўзгариш қилиш осон бўлмагандир, дея эътироф этди-ю, аммо бундан қониққан ёки қониқмагани ҳақида лом-мим демади.

У ўзини бундай тутгани қувончимга раҳна солди. Хаёлимга, балки уйга янгилик киритганим унинг хотираларига раҳна солгандир, деган фикр келди. Мен ундан, шундайми, деб сўрадим. Табиийки, саволим маъюс чиқди.

У, ҳечам ундай эмас, деб жавоб берди; мен ўзига қадрли бўлган ҳамма нарсага авайлаб ёндашган эмишман; у сиз ҳатто бу буюмларга мен кутгандан ҳам ортиқроқ эътибор қаратгансиз, деди. Бироқ ўзим ўйлаб топган бу супур-сидирларга қанча қимматбаҳо дақиқаларимни исроф қилган эмишман. “Дарвоқе, – деди у сўнгра бепарво, – фалон китобни қаерга қўйдингиз?”

Токчадан китобни олиб бердим; у, ўз одатича, дераза ёнидаги ўрнига борди-да, стулга ўтириб, ўқий бошлади.

Тўғриси, азиз ўқувчи, бу менга ёқмади. Сент-Жон ажойиб инсон эди, аммо у ўзини кўрс ва совуқ одам, дегани ҳам рост экан. На оддий инсоний туйғулар, на оилавий қувончлар уни қизиқтирар, ҳаётнинг осуда ҳузур-ҳаловати уни жалб эта олмас эди. У, дарҳақиқат, энг юксак ва олижаноб, энг эзгу ва ҳаққоний мақсадлар учун яшарди; шу йўлда унинг ўзи ҳам чарчаш нелигини билмас, бошқаларни ҳам чарчашга қўймас эди. Сент-Жоннинг мармардек оқ кенг пешонасига, ҳар дам бирор фикр жилвалан-ган юз-кўзига боқиб, қўққис ундан яхши эр чиқиши амримаҳоллиги, унга хотин бўлиш ҳам қийинлигини англаб қолдим. Унинг Оливер хонимга бўлган муҳаббатининг асил табиатини тушуниб етдим ва бу, ўзи ҳам тан олганидек, атиги жисмоний севги эканига имон келтирдим. Сент-Жон қалбида Розамунда уйғотган эҳтиросларучун ўзидан нафратланиши ло-зимлигини ҳам фаҳмладим. У бу муҳаббатни бўғиб ўлдиришга интилиши жоиз эди, чунки шундай яқинлик икковига ҳам бир умрлик бахт келти-ришига шубҳа қиларди. Сент-Жоннинг зуваласи ҳам барча насроний ва мажусий зоҳидлар яралган тупроқдан олинган эди.

"Унинг жойи шу уй, шу меҳмонхона эмас, – деган фикр ўтди хаёлим-дан, – бундай феъл-атворига Ҳимолай тоғ тизмаси, Африка чангалзорла-ри, ҳатто вабо тарқаб, сасиб ётган Гвинея соҳиллари мос тушади. Хўш, у нега оиласи бағридан қочмасин экан? Ахир, бу ердаги барча нарса унга ёт-ку: унинг кучи ҳар жиҳатдан сиқиб қўйилган, у ўз иқтидорини тўлиқ намоён этишига имкон йўқ. Ҳам мардлик, ҳам шижоат, ҳам қаҳрамонлик синовдан ўтувчи серзаҳмат ва серхатар жойларда у тан олинган етакчи ва раҳбарга айланиши мумкин. У даъватчи-миссионерликни танлаб тўғри қилибди – буни энди тушуниб турибман".

– Келишяпти! Келишяпти! – деб қичқирди Ханна меҳмонхона эшиги-ни ланг очиб. Шу пайт қари ит – Карло ҳам қувониб ҳура бошлади.

Мен уйдан югуриб чиқдим. Қоронғида араванинг ўзи кўринмаса-да, аммо ғилдирак овози аниқ эшитиларди. Ханна фонусни ёқди. Экипаж эшик олдида тўхтади. Извошчи фойтун эшигини очди, икки қиз бирин-кетин тушди.

Мен ўзимни уларнинг бағрига отдим, дастлаб юзимни Меринг иссиқ ёноғи, сўнг Диананинг қуюқ сочларига босдим. Иккала қиз ҳам жилмаяр, мени ва Ханнани ўпар, Карлони силаб-сийпаларди; улар ҳаяжон ичида, тинчлик-омонликми ишқилиб, деб берган саволига, ҳа, тинчлик-омон-лик, деган жавоб олгачгина уйга қадам босишди.

Иккиси ҳам узоқ ва оғир йўлдан ҳориб келган, қора совуқда музлаб қолай деганди. Аммо дилбар юзлари гуриллаб ёнаётган камин олдида дарров яшнаб кетди. Извошчи ва Ханна юкларни олиб кираётганда, улар Сент-Жон қаерда, деб сўрашди. Худди шу дақиқада ўзи меҳмонхонадан чиқиб келди. Қизлар унинг бўйнига осилишди. У эса вазминлик билан сингиллари юзидан ўпди, сўнг паст овозда салом-алик қилган бўлди-да, меҳмонхонада кутишини айтиб, яна хилват гўшасига кириб кетди.

Мен юқори қаватга чиқиш учун шамларни ёқдим, лекин Диана, арава-кашнинг қорнини тўйғазинг, деб буйруқ бергачгина опа-сингил ортимдан эргашишди. Қизлар ўз хоналари қандай тозалангани ва жиҳозлангани, янги қирмизи гиламлар солиниб, гулли чинни вазалар қўйилганини кўриб, мендан астойдил миннатдор бўлишди. Уларнинг дидини топганим ва қалбини қувонтирганимдан бошим кўкка етди.

Бу оқшом жуда ажойиб ўтди. Опаларим қувноқ ва жўшқин эди, улар шунча қизиқ воқеаларни айтиб бердики, Сент-Жоннинг индамаслиги ҳам деярли сезилмади. У Диана ва Меринг қайтганидан астойдил қувонсада, аммо бемалол шовқин солиб, қувноқ гап сотиши жинини қўзитар эди. Сент-Жонни бу қизларнинг ота уйига қайтиши қанча шод этган бўлса, шундан кейинги ғала-ғувур, қий-чувлар шунча жаҳлини чиқарди. Афтидан, у эртанги осуда кунни кутмоқда эди. Чойдан сўнг бир соатча вақт ўтганда эшик қўққис тақиллади-ю, қувноқ гурунгимиз энг қизиқ жойида узилиб қолди. Ханна Сент-Жонни йўқлаб, бир камбағал йигит келгани, у жаноб Риверс ўлим тўшагида ётган онамни кўриб қўйса, деб илтимос қилаётганини айтди.

– Қаерда яшашар экан, Ханна?

– Уиткросс-Брауда, бу ердан тўрт милча нарида, йўли ўнқир-чўнқир, ботқоқлик орасидан ўтади.

– Борар эканлар, деб айтинг.

– Сўзимга хўп денг, жаноб, бормаганингиз маъқул. Қоронғида йўл юришнинг ўзи бўладими, ботқоқдан ўта олмасангиз-чи? Қолаверса, бу кеча об-ҳаво ҳам чатоқ: шамол оёқдан оламан, деяпти. Яхшиси унга, тонгда борар эканлар, деб айтаман.

Бироқ Сент-Жон аллақачон долонга чиқиб, плашини кия бошлаганди; у бир оғиз ҳам зорланмай ва эътироз билдирмай чиқиб кетди. Оқшомги соат тўққиз эди. У нақ ярим кечада, оч қолган ва ҳориб-толган аҳволда қайтди, аммо ўзи кетаётган пайтидагидан бахтлироқ кўринарди. Сент-Жон Худо олдидаги бурчини адо этган, ўзи устидан яна бир ғалаба қозонган, ирода кучини намоён этиб, яна бир савоб иш қилган ва энди бундан мамнун эди.

Бутун ҳафта давомида унинг сабрини синадикми, деб қўрқаман. Рождество кирди; бирор тайинли иш қилмадик, кунни вақтичоғлик билан ўтказдик. Супургигул буталарининг шифобахш бўйи, ота уйдаги беташвиш кунлар, янги тўкин-сочин ҳаёт бошлангани Диана ва Мерининг қалбига ҳаётбахш малҳамдек таъсир қилди; улар тонгдан тушгача, тушдан кечгача хурсандчилик қилишарди. Уларнинг гапи ҳеч ҳам тугамас, аммо фикрлари зукко, сермаъно ва оҳорли бўларди – мен уларнинг суҳбатини ҳар қандай машғулотдан аъло кўрардим. Сент-Жон ғала-ғовур кўтарганимиз учун бизни койимади, аммо суҳбатимиздан ўзини четга тортди, у қачон қараманг иш билан юрар, уйда камдан-кам бўларди; унинг қавми сон жиҳатдан кўп бўлиб, тарқоқ ҳолда яшар, ҳар куни ё у-ё бу чеккадаги касал ёхуд камбағалларни кўргани борарди.

Бир куни тонгда, нонушта пайти Диана бироз ўйга чўмиб қолди-да, акасидан, ҳали ҳам режангиз ўзгармадими, деб сўради.

– Ўзгаргани йўқ, ўзгармайди ҳам, – дея жавоб берди акаси. Сент-Жон, келаси йил Англияни тарк этишим аниқ бўлди, деб айтди.

– Розамунда Оливер-чи? – деб сўради Мери. Чамамда, бу сўз унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди; шу тобда у саволини қайтиб олишга тайёр эди. Сент-Жон қўлидаги китобни ёпиб (унинг чой устида китоб ўқиб ўтирадиган аҳмоқона одати бор эди), синглисига бош кўтариб қаради.

– Розамунда Оливер, – деди у, – жаноб Гренбига турмушга чиқади; у С…даги энг олийнасаб ва бообрў одамлардан бири – жаноб Фредерик

Гренбининг невараси ва меросхўри; мен буни кеча жаноб Оливердан эшитдим.

Биз беихтиёр кўз уриштирдик, сўнг учаламиз ҳам унга қарадик; Сент-Жоннинг юзида ҳеч қандай ўзгариш йўқ эди.

– Бу никоҳ менга шошқалоқликдек туюляпти, – деди Диана, – улар яқиндагина танишган эди.

– Бор-йўғи икки ой бўлди; улар октябрда С...даги анъанавий балда кўришишган. Аммо бу жуфтлик орасида ҳеч бир тўсиқ йўқ, никоҳ ҳар жиҳатдан мақбул, уни чўзишга ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Улар жаноб Фредерик С... қасрини тўйга ҳозирлаб, уларга топшириши билан никоҳдан ўтишади.

Шу хабардан сўнг Сент-Жон билан илк ёлғиз қолганимиздаёқ ундан, бу унашув сизни ранжитмадими, деб сўрагим келди-ю, лекин кўзимга унчалик ҳам ҳамдардликка муҳтож эмасдек кўрингани сабаб кўнглимдаги гапни унга айтмадим, ҳатто анави сафар бунга журъат этганимга ҳам уялиб кетдим. Бунинг устига, у билан гаплашгим ҳам келмай қолди; чунки у яна аввалгидан баттар одамови бўлиб олган ва бу билан мендаги самимиятни ҳам сўндириб қўйган эди. Ваъда берганига қарамай, у менга сингилларига қилгандек муносабатда бўлмади. У ҳатто икир-чикирларда ҳам совуққонлик билан ўзим ва сингиллари ўртасидаги фарқни ошкор этиб қўяр, бу эса биз янада яқинроқ дўст бўлишимизга халақит берарди. Бошқача айтганда, у мени ўз қариндоши деб тан олгач ва Мурхауздаги уйидан жой бергач, иккимизни қишлоқ ўқитувчиси бўлган вақтимдагидан ҳам кўпроқ фарқ ажратиб турарди. У бир вақтлар эркин ва самимий суҳбат қурганини эсласам, ҳозирги совуқ муносабати менга тушунарсиз туюларди.

Шу сабаб у қуйи солинган бошини бирдан кўтариб, ушбу гапни айтган да ҳайрон бўлдим:

– Мана, Жейн, жанг тугади, ғалаба қозонилди. – Таажжубда қолганим сабаб дарҳол жавоб қайтаролмадим, бир дақиқалик тараддуддан сўнг дедим:

– Менингча, бу ғалаба сизга жуда қимматга тушди, жаноб. Яна битта шундай ғалаба бўлса, сиз адойи тамом бўласиз.

– Менингча, бундай бўлмайди, ҳатто бўлса ҳам, энди бу муҳим эмас; мен бу соҳада бошқа жанг қилмайман. Жанг якуни барига чек қўйди, бу ёғига энди йўл очиқ; Яратганга беадад шукрлар бўлсин. – У шундай дея, яна қоғоз устига эгилиб, сукутга чўмди.

Биз (яъни мен, Диана ва Мери) қувноқ ҳаяжонларимиз босилгач, яна ҳар доимги одат ва машғулотларимизга қайтдик, Сент-Жон эса, одатда, уйда кам бўлар, баъзида эса биз билан соатлаб бир хонада ўтирарди. Мери расм чизар, Диана дарслик титкилар, мен немис тилини таталардим. Сент-Жон эса миссионерлик фаолияти учун зарур бўлган шарқ тилларидан бирига боши билан шўнғиб кетган эди.

Шундай пайтларда у ўз бурчагида қунт билан хотиржам ўқиб ўтирар, бироқ гоҳо кўзларини ажабтовур сирли ёзувлардан узиб, хонага бежо аланглаб қарар ва узоқ вақт биз, хонадошларига диққат билан боқиб қоларди. Унинг кўзи бирортамизнинг кўзимиз билан тўқнашиб қолса, дарров бошқа ёққа қараб оларди. Аммо у яна биз ўтирган стол томонга бот-бот қарайверарди. У нега бундай қилаётганига сира ҳам ақлим ет-

масди. Шунингдек, менинг ҳафтада бир кун Мортон мактабига бориб келишим ҳам нега унга катта қувонч бағишлашидан ажабланардим. Мени янада кўпроқ ажаблантиргани, у об-ҳаво айниган – қор ё ёмғир ёққан, ё бўлмаса, бўрон турган кунлари Диана ва Мери мени мактабга бормай, уйда қолишга кўндирмоқчи бўлса, у сингиллари ваҳимаси устидан кулиб, ҳар қандай шароитда ҳам бурчимни адо этишга ундаши эди.

– Жейн сиз ўйлаганчалик ожиз қиз эмас, – дерди Сент-Жон, – у сизларга ўхшаб шамол, ёмғир, ё қордан қўрқмайди. У жудаям чайир ва бардошли; об-ҳавога ҳар қандай бақувват одамдан ҳам тез мослаша олади.

Об-ҳаво ёмонлигидан қаттиқ ҳориб, тинкам қуриб уйга қайтганимда ҳам унинг жаҳли чиқишидан қўрқиб зорланишга ботинолмасдим. Ҳар қандай шароитда ҳам у жасоратни талаб қилар, ҳар қандай иродасизлик ғазабини қўзғарди.

Аммо бир кун тумов текканидан уйда қолишимга рухсат этилди. Ўрнимга опаларим Мортонга кетди; мен стулга ўтириб, Шиллерни ўқий бошладим, Сент-Жон эса Шарқ каббалистикасига шўнғиб кетганди. Мен таржимани якунлаб, қўққис у тарафга қарадиму, одамни тешиб ўтгудек ўткир кўзлар сеҳр-жодусига тушиб қолдим. У мени бошдан-оёқ узоқ кузатди, бу боқиш жиддий ва совуқ эди, гўё хонада даҳшатли махлуқ ўтиргандек мени ғалати қўрқув чирмади.

– Жейн, нима қиляпсиз?

– Немис тилини ўрганяпман.

– Бу тилни ташлаб, ҳинд тилига ўтинг.

– Шуни жиддий айтяпсизми?

– Ҳа, жиддий айтяпман, ҳатто талаб ҳам қиляпман. Негалигини ҳозир тушунтириб бераман.

Сўнг у ҳозир ҳинд тилини ўрганаётгани, аммо ҳар янги қоидага ўтганда эскисини унутиб қўяётгани, агар қайта-қайта такрорлаш учун шогирд топса, ўзигаям жуда фойдали бўлишини, яъни уларни хотирасида узил-кесил мустаҳкамлаб олишини сўзлаб берди. У мен билан сингилларини солиштириб кўрибди-да, мени танлашга аҳд қилибди. Чунки учовимизнинг орамизда энг сабрлиси мен эмишман. У, менга ёрдам берасизми, Жейн, деб сўради. Эҳтимол, бунга кўп вақтимни қурбон этмасман, чунки унинг сафарга жўнашига уч ой қолди, холос, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Сент-Жонга ўхшаган одамларга йўқ дейиш осон эмас; ҳар бир таассурот, у хоҳ қайғу, хоҳ шодлик бўлсин, унинг қалбига чуқур муҳрланар ва ҳеч қачон ўчмас эди. Мен рози бўлдим. Опаларим қайтгач, Диана ўз шогирдини акаси тортиб олганини кўриб, кулиб юборди. Бизнинг икковимизни ҳам Сент-Жон ҳеч қачон кўндиролмаган бўларди, деди улар бараварига. Сент-Жон эса бамайлихотир бундай жавоб қайтарди:

– Ўзим ҳам биламан буни.

Сент-Жон ўта сабрли ва мулойим, аммо талабчан ўқитувчи чиқди; у менга кўп ва оғир топшириқлар берар, уларни бажарсам мақтовни аямасди. Аста-секин мен унинг таъсирига тушиб қолдим, оқибатда фикр эркинлигимни қўлдан бой бердим. У менга лоқайд боқишини эмас, балки диққат қаратиши ва мақтаб туришини хоҳлардим. Энди унинг олдида на эркин гапира ва на бемалол кула олар эдим; чунки қандайдир ички овоз Сент-Жонга шўх-шаддодлик ёқмаслигини ҳадеб ўжарлик билан эслатиб турарди. У фақат жиддий кайфиятгагина ён беришини билардим, унинг

олдида машғулотдан бошқа ҳеч нарсага рухсат йўқ эди. У “келинг” деса, келар, “кетинг” деса, кетар, “мана буни бажаринг”, деса, адо этардим. Бу мутелик менга оғирлик қилар, яна аввалгидек мени унутсин, деб Яратганга тавалло қилардим.

Бир кун уйқуга ётишдан олдин унга хайрли тун тилаётганимизда, Сент-Жон, одатича, сингилларини ўпиб қўйди, менинг эса қўлимни сиқди. Бу оқшом шўх-шаън кайфиятда бўлган Диана (у ўзини акасига тобе қилиб қўймаган, чунки унинг иродаси ҳам акасиникидек кучли эди) бирдан хитоб қилиб қолди:

– Сент-Жон, сен Жейнни учинчи синглим, деб атайсану, аммо унга сингилдек муносабатда бўлмайсан: нега уни ҳам ўпиб қўймаяпсан?

Диана мени акаси томон итарди. Холаваччамнинг меҳри ҳаддан зиёд жўшиб, ҳаяжонланиб кетди-да, дея ўйладим. Бироқ ҳушимни йиғиб олмай, Сент-Жон бошини эгди, унинг кўзлари саволомуз тикилди ва юзимдан секин ўпиб қўйди. Мармар ёки муз ўпич нималигини билмайди, аммо мен руҳоний холаваччамнинг ўпичини шундай деб аташни хоҳлардим. У юзимдан ўпиб қўйгач, бу қандай таъсир қилдийкан, дегандек юзимга боқди; ваҳоланки, менда ҳаяжондан асар ҳам йўқ эди. Юзим қизармаган, бироз оқарган, зеро, бу ўпич кишанларимга босилган муҳр бўлганди. Шундан кейин у ҳар оқшом мени ҳам ўпиб қўядиган бўлди; буни жиддий ва хотиржам қабул қилишим унга ҳатто ёқимли кўринарди. Менга келсак, кун сайин унинг кўнглини олишга интилар, аммо бунинг учун ўз “мен”имдан воз кечишим, ўз салоҳиятимни чеклашим-у, ўз дидимни ўзгартиришим, туғма майлим йўқ мақсадларга интилишим зарур эди. У мени сўзсиз фидойилик талаб этилувчи олий аъмоллар йўлида тарбияламоқчи бўларди; бироқ у олдимга қўйган мақсад томон бетиним интилиш руҳимни азобларди. Бу аъмолга эришиш ўзимнинг хунук юзимга унинг хушрўй чеҳраси, ўзимнинг сўник кўк кўзларимга унинг чақноқ мовий кўзларини кўчиришдек иложсиз иш эди.

(Давоми келгуси сонда)



МАИШИЙ ЖАНР ҚУДРАТИ

Алексей Венецианов рус тасвирий санъати намояндалари орасида оддий халқ ҳаётини кенг ёритиб, уни алоҳида жанр даражасида ривожлантира олган рассом сифатида машҳурдир.

Венецианов 1780 йилда Москвада таваллуд топган. Дастлаб машҳур рассомлар асарларидан нусха кўчириш машқлари ва тенгдошларининг портретларини ишлаб ижодий шаклланади. Эрмитажда машҳур рассомлар композицияларини ўрганиб, улардан нусха кўчиради. Ёш рассом Пахомич, Боровиковский каби тажрибали мусаввирлардан сабоқ олади ва ижодий изланишларининг дастлабки палласида портрет жанрига кўпроқ эътибор қаратади. Бизгача унинг кўплаб замондошлари акс этган портретлари етиб келган. 1811 йилда Бадиий Академияга автопортретини тақдим этади ва академиянинг эркин тингловчиси бўлишга муяссар бўлади. Ўша йили профессор "Кирилл Головачевский портрети"ни яратганлиги учун унга академик унвони берилади. Портрет реализмда ишланган бўлсада, моҳиятан рамзийликка асосланган асар ҳисобланади. Ундаги уч болакай академиянинг келажаги, санъатнинг уч йўналиши – рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва меъморчиликнинг тимсолидир.

Шундан сўнг рассом санъат аҳли ва шинавандалари орасида танилиб, ўз даврининг энг машхур кишилари образлари акс этган портретлар галереяси пайдо бўлади. Унинг "Н.П.Строганова", "М.А.Венецианова", "М.А.Фонвизин" каби портретлари шулар жумласидандир.

1819 йилда Венециановлар оиласи Тверская губерниясининг Сафонково қишлоғига кўчиб ўтиши билан рассом ижодида мавзулар бутунлай ўзгаради. У ерда рассом сокин ва кўркам табиат, оддий қишлоқ манзаралари, меҳнаткаш халқ турмуш тарзини акс эттирадиган маиший жанрдаги асарлар ярата бошлайди. Бу ҳолат рассом бадиий ҳаётида жиддий ўзгариш содир этади. Қишлоқ ҳаётида деҳқонларнинг катта шаҳарлардаги каби рассом композициялари учун махсус тантанавор кийимлар ва пардоз билан соатлаб натура ўрнида туриб беришга вақтлари йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, "Помешик аёл портрети" ва "Далада. Баҳор" каби композицияларда рассом ўз рафиқасини акс эттирган. Қайд этилган иккала асар ҳам 1820- йилларда яратилган бўлиб, бугунги кунда Москвадаги Третья-

ков галереясидан ўрин олган. Рассомнинг "Далада. Баҳор" асари одамлар орасида анчагина машҳур бўлиб, унда оддий рус қишлоқ аёлининг кундалик ҳаёти ифода этилган.

А.Венецианов ижодкорлик фаолиятидан ташқари, яшаб турган қишлоғида ўз ҳисобидан бадиий мактаб ташкиллаштириб, болаларга тасвирий санъатдан сабоқ бера бошлайди. Мактабда етмишдан зиёд ўқувчилар таҳсил олади. У ўқувчилари билан эртаю-кеч очиқ осмон остида, табиат қўйнида ижод қилади, тарбияланувчиларига тасвирий санъатнинг хамма сир-асрорларини ўргатиб боради. У ўз шогирдларига "фақатгина натурага, яъни табиатгагина итоат қилиш лозим. Чунки айнан бизни ўраб турган борликдангина композиция учун ҳам мавзу, сюжетни, ҳам рангтасвирда асосий мезонлардан бири ҳисобланадиган колорит қонуниятини топиш мумкин", деб таълимот берарди.

1820-йилларда рассомнинг мустақил дастхати тўла шаклланиб бўлган эди. Бу даврда у қишлоқ ҳаётини, оддий кишиларнинг турмуш-тарзини акс эттирувчи жанрли композициялар яратади. Баъзи бир мутахасисларнинг фикрларига кўра, рус рангтасвир санъатида маиший жанрдаги рангтасвир А.Венециановнинг 1820 йилда яратган "Лавлагининг тозаланиши" композициясидан кейин пайдо бўлган. Бу асар нафақат ижодкорлар орасида юқори баҳоланади, композицияда акс этган сюжет, образлар император Александр I га манзур келади ва асарни сотиб олади.

Унинг 1821–1822 йилларда юзага келган машҳур асари "Гумно" бугунги кунда Санкт-Петербургдаги Рус музейида сақланади. Бу полотнода рассом деҳқонларнинг йиғим-терим билан машғул пайтларини кўрсатган. Перспектива қонун-қоидаларига тўла мувофиқ келадиган мазкур асардаги қахрамонлар ўзининг реаллиги билан, ҳар бир тасвирланувчининг образи, унинг ички кечинмаси, ўй-хаёллари индивидуаллашгани билан рангтасвир ихлосмандларини қойил қолдиради. Рассом айнан шу асари орқали реализм йўналишининг кучли томонини моҳирона кўрсата олган.

1830–1840-йилларда А.Венецианов Россия тарихига бағишланган кўплаб тарихий жанрдаги портрет, композициялар, диний мавзудаги асарлар яратади. Шулардан бири "Пётр I. Петербургнинг қурилиши" (1838 й.) асари бўлиб, рассом подшоҳнинг янги шаҳарни бунёд этиш жараёнидаги портретини гавдалантирган.

Рус тасвирий санъатида маиший жанрда салмоқли ижод қилган, оддий халқ ҳаётининг сермеҳнат ва мушкулли жабҳаларини рангларда ҳаққоний кўрсатиб берган рассом ва педагог Алексей Венецианов 1847 йилда олам-дан ўтган. Рассом яшаган Тверская областининг Дубровская қишлоғига Венецианов номи берилган. У ўзидан кўплаб бадиий асарлар ва "венециановча" йўналишда ижод қиладиган издош шогирдлар қолдиради. Уларнинг орасида Н.Крилов, А.Тиранов, К.Зеленцов каби ўнлаб таниқли рассомлар ҳам бор.

Шаҳло БАРНОЕВА,
тадқиқотчи

РЕЗЮМЕ

••● В истории мировой литературы редко встречаются столь сложные произведения, богатые на глубокий психологический анализ и большие человеческие драмы, с высокохудожественным отражением скрытых противоречий и коллизий в человеческой душе, как "Братья Карамазовы" Федора Достоевского. Такие романы являются широкой панорамой человеческой психологии. Этот знаменитый роман в переводе Ибрагима Гафурова публикуется в журнале с 2018 года. В данном номере нашим уважаемым читателям представляются самые интересные последние главы этого произведения.

••● Творчество Хафиза Шерази является бесценной жемчужиной классической восточной литературы. Его произведения, в которых отражается менталитет, устное народное творчество, философско-нравственные взгляды народов Востока, в течение нескольких веков, подобно факелу, освещают духовный путь человечества. Подборка газелей Хафиза Шерази переведена на узбекский язык харезмским поэтом Ошиком Эркином.

••● В аналитической статье, опубликованной под рубрикой "Трибуна редактора", на примере романа "Минувшие дни" поясняется, как мастерски Абдулла Кадыри пользовался литературным языком, насколько богата и прекрасна природа узбекского языка. "Я любуюсь уникальными словами и фразами, уподоблениями и аналогиями, примененными в произведении. Когда я говорю "неустаревший язык "Минувших дней", я подразумеваю, что сюжетное действие этого знаменитого романа осталось в прошедшем веке, но язык произведения не остался в прошлом, он и сегодня живет во всей своей красоте, продолжает служить развитию нашей национальной литературы и художественного мышления", – пишет автор в начале своей статьи.

••● В журнале опубликована статья о талантливом русском художнике Алексее Венецианове, плодотворно творившим в бытовом жанре русского изобразительного искусства, сумевшим правдиво изобразить в удивительных картинах трудовые, тяжелые стороны жизни простого народа. На обложках журнала – фотокопии некоторых его работ.

RESUME

●●● There are few works in world literary rich of spiritual analyses, psychological drama, confrontations and collisions of human soul as "Brothers Karamazov`s" by Fedor Dostoevsky. These novels are the map and spiritual panorama of not only Russians', but heart of all humanity.

This great novel translated by well-known author and translator Ibrohim Gofurov was published in our magazine in 2018-2020. The most interesting and the last chapters of this novel are presented in this issue.

●●● Hofiz Sheroziy was an author of great works of classic Eastern poetry. Poems in which described eastern mentality, folklore and philosophical-cultural views in original manner are like torch lightening our souls for many centuries.

Some ghazals by Hofiz Sheroziy were translated into Uzbek by Oshiq Erkin from Khorazm in this issue.

●●● The author of an analytical article given in rubric "The Editor's Tribune" wrote about literary skill of Abdulla Qodiriy and versatility of Uzbek language in example of the novel "Days Gone By". "I admire original words, phrases and comparisons used in this novel. "Viable Language of "Days Gone By" means that events described in this work passed in last century, but its language, words are alive today, and the language of this great novel still strengthening our national literary and mentality", wrote the author in the beginning of the article.

●●● Aleksey Venetsianov was Russian painter who described everyday life, difficulties and troubles of common people in different colors and original manner. An article about this painter and some of his works are presented in this issue.

Jahon
ADABIYOTI
Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal

Навбатчи муҳаррир: Н.ЖЎРАЕВА
Техник муҳаррир: Ғ.ЎНАРОВ
Мусаҳҳиҳ: Я.ЭМИНОВА
Компьютерда саҳифаловчи: М.АЛИЕВА

ИНДЕКС 828, 829
2007 йилда №0252 рақами билан лицензия олинган.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №189.
Уч босма табоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.
“Жаҳон адабиёти” журналида эълон қилинган асарларни кўчириб босишда ва қайта нашр этишда таҳририятнинг ёзма розилиги олиниши шарт.

Таҳририят манзили:
100066, Тошкент, Алишер Навоий номидаги Миллий
боғ ҳудудида жойлашган Адиблар хиёбони.
Телефонлар: (0371) 231-23-54, 231-23-56, 231-23-57.
Сайт: www.jahonadabiyoti.uz
E-mail: jahonadabiyoti@list.ru

Босишга рухсат этилди 07.08.2020 й. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози.
Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Адади 1616 нусха. 19 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.
“Жаҳон адабиёти” журнали компьютер марказида терилиб,
“PRINT REBEL” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани. Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

© Жаҳон адабиёти, 2020 й.



Алексей Венецианов.
“Деҳқон оиласи”

Тоф 15016

Жаҳон
АДАБИЁТИ
Индекс 828, 829



Алексей Венецианов.
"Чўпон бола"

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Журналнинг обуначиларга етказилишида муаммо пайдо бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Тел.: (0371) 233-60-78, 233-67-98.

Муқовамизда:
Алексей Венецианов.
"Даладаги Галина"